ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«АМИР ТЕМУРНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИ: тарих ва ҳозирги замон»

мавзуидаги Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2006

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қадриятимиз рамзи, миллий қадриятимиз ҳисобланади. Истиқлол йилларида ул улуғ зотга бағишлаб юзлаб китоблар ёзилди. Навоий давлат педагогика институтида Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб республика миқёсида ўтказилган Илмий конференция материаллари –"Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон" номли тўплам ҳам Соҳибқироннинг Ватан мустақиллиги, ободлиги, сиёсий бошқарув тизими унинг иқтисодий, маданий тараққиёти, халқаро нуфузи миллий давлатчилик сиёсати каби ўта долзарб масалаларга бағишланган. Зеро, Амир Темур ўз даврининг катта маънавий салоҳиятли ватанпарвари, миллатпарвари, атоқли давлат арбоби ва саркардаси бўлган.

Мазкур тўплам Ватан тарихи ўқитувчиларига, аспирант, магистр ва талабаларга мўлжалланган. У Ватан тарихи тарихшунослигида муҳим ўрин тутади.

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори, профессор М. ОЛТИНОВ

Тақризчилар:

Халқаро Амир Темур фонди раиси МУҲАММАД АЛИ,

тарих фанлари доктори, профессор С. ИНОЯТОВ,

тарих фанлари доктори F. ТЕМИРОВ

ISBN 5-648-03382-6

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2006 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Ҳар бир халқнинг ўз сардорлари, сарбонлари, алп баҳодирлари, миллатпарвар, ватанпарвар фарзандлари –султону подшолари бўлади. Улар ўзларининг ижтимоий, сиёсий фаолиятлари, бетакрор ақл-заковатлари билан маълум бир жамиятнинг ҳам, унда яшовчи кишиларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборадилар. Бундай инсонлар ташқаридан бўладиган ҳар қандай "кўрсатма", тазйиқларга тамоман муросасиз бўладилар. Ўз халқининг, ватанининг озод ва обод бўлиши учун фидойилик, жасорат кўрсатадилар. Шахсий манфаат, шон-шуҳрат каби унсурларни кейинги ўринларга суриб қўйиб, миллатнинг дардига дармон бўлиб яшайдилар. Ватанини, миллатини янги жаҳоншумул ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, маънавий уфқларга олиб чиқиш омилларини ишга соладилар.

Ватаннинг, миллатнинг улуғ фарзандлари тўғрисида тафаккур қилганимизда кўз ўнгимизда Буюк Турон ҳоқони Алп Эр Тўнга, жасоратли қаҳрамон она Тўмарис, ёвқир Спитамен, султон Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, ноёб ақл- заковат соҳиблари Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби тарихий шахслар номоён бўлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов соҳибқирон Амир Темур туваллудига бағишланган халқаро илмий конференцияда маъруза қилиб: «Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади... Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди»,[1] - деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатда ҳам маълум бир мураккаб сиёсий вазиятларда халқда ўз сарбонига, етакчи, доно раҳбарга эҳтиёж пайдо бўлади. Чунки, XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннаҳр ўз бошидан алғов-далғовли, қаттол, сиёсий парокандалик, ўзаро кураш даврини кечираётган эди. Шундай мураккаб вазиятда Амир Темур ўз ҳаёти учун ўта хафли, Ватани, миллати учун шарафли йўлни танлади.

---

[1] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 181-182-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу пурҳикмат, Оллоҳ иноят қилган мустақиллик ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт, халқаро нуфуз йўли эди. Зеро, Амир Темур дунёга келган замин қадимдан иқтисодий, маданий тараққий этган, жаҳонга юзлаб улуғ ақл-заковат соҳибларини берган улкан маънавий имкониятларга эга бўлган макон эди. Шунингдек, мураккаб сиёсий вазиятлар, ижтимоий инқорозлар ҳолатида миллатнинг алп ўғлонлари, улуғ сиёсатдонлар, саркардалар Ватан фарзандлари сифатида миллий ғурур ва салобат билан кураш майдонига чиқишлари муқаррарлиги қонуниятини ҳам мушоҳада доирасида тутишимиз зарур.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, агар юқорида келтирилган ана шу илмий, тарихий ҳақиқат мезонига амал қилсак, XX асрнинг сўнгида Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришишида ва уни ҳар томонлама мустаҳкамланишида Президентимиз Ислом Каримовнинг алоҳида ўрни, ҳиссаси бор. Ҳар қандай муносабатлар, фикрлар хилма-хиллигидан қатъий назар, буни энди ҳеч ким инкор этолмайди. Ислом Каримовни Ватан, миллат, замон берди. Ислом Каримов ўз халқининг севимли фидойи раҳбари. Миллат ўз фарзанди билан фахрланади. Амир Темур Туркистонни, Ислом Каримов Ўзбекистонни дунёга олиб чиқадилар. Мустақил Ўзбекистон –Амир Темур бошқарган улуғ Туркистон давлатининг қонуний вориси. Соҳибқирон Амир Темур ҳам Президент Ислом Каримов ҳам тарихий шахслар. Ҳаётда бундан улуғ бахт бўлмаса керак.

Мустабид совет "доҳийлари" "тарихнинг яратувчиси халқ, давлат бошлиқлари, саркардалар ёки алоҳида бир шахслар тарихни ярата олмайдилар, " деган асоссиз, ғайри илмий ғояни тарғиб қилган эдилар. Тарихни халқнинг фақат ижтимоий-сиёсий фаол, қувваи ҳофизаси баланд, маънавий салоҳиятли қатлами, олимлари, саркардалари, давлат арбоблари яратадилар. Соҳибқирон Амир Темур, Президент Ислом Каримов ўз халқининг янги тарихини яратган арбоблардир.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган мазкур мақолалар (илмий конференция материаллари) тўпламига Соҳибқирон тарихини, тарихшунослигини яхши билганларнинг ҳам, илм-фан йўлида энди тетапоя бўлаётганларнинг ҳам, Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг етакчи илмий ходимларининг, республикамиз университетлари профессорларининг, институт ўқитувчи, аспирант, магистрларининг мақолалари киритилган. Гарчи, тўпламга киритилган мақолаларнинг ҳаммасини ҳам камчиликлардан холи, юксак илмий савияли деб бўлмаса ҳам улуғ аждодимиз, ватандошимиз, миллий қадириятимиз, бутун ҳаёти давомида Ватаним, халқим деб яшаган инсон --Амир Темур шахсига, ижтимоий –сиёсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятига, миллий давлатчилик институтига, ул қувваи ҳофиза таваллудининг 670 йиллигига шарқона самимият, тавозе билан ёзилган. Сиз муҳтарам китобхон ҳам яхши ният билан Амир Темурнинг ҳамиша пок руҳларига тиловат ўқинг, хатм қилинг. Улуғ аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳларини шод этиш миллатимизнинг азалий удуми, савоб иш. Зеро, улар биз авлодларга ҳар доим руҳий, маънавий "озуқа" бағишлаб турадилар. Биз авлодлар миллатнинг дардига дармон бўлган аждодларимиз руҳи олдида ҳамиша қарздормиз, Уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.

Темурхон Муҳаммад Мансурхон ўғли
Мансурхон Олтин ўғли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЪНАВИЯТ – ЖАМИЯТНИНГ КУЧ – ҚУДРАТИДИР

Х. И. Иброҳимов
Навоий давлат педагогика институтининг ректори, педагогика фанлари доктори, профессор, Россия Педагогика Фанлари Академиясининг академиги.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов маънавиятнинг шахс ва жамият учун аҳамияти ҳақида гапириб: «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир»[2], -деб таъкидлаган эди. Шу илмий меъзонга асосланса, соҳибқирон Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли улуғлигининг асосида, унинг дунёвий ва исломий қадриятлардан йўғрилган маънавий салоҳияти туради. У зоти комилнинг бу сифатлари Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқларида, давлатимизнинг Амир Темурга бағишланган расмий ҳужжатларида, илмий адабиётларда ҳар томонлама асослаб берилган. У манбаларда биринчи марта «жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси»[3] Амир Темур шахси ва фаолияти юқори давлат даражасида ҳурматланди.

Бироқ, тоталитар совет давлатчилиги йилларида бутун маданий, маънавий ҳаётда бўлганидек, миллий қадриятларимиз тарихи ҳам сохталаштирилди. Жумладан, Туркистон халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган ватандошимиз, йирик давлат арбоби ва саркарда, улуғ интеллект соҳиби Амир Темур ижтимоий фаолиятига, шахсига, ҳатто руҳига, хокига нисбатан ҳам ҳурматсизлик қилинди. У улуғ зот саводсизликда, жоҳилликда, босқинчиликда айбланди. Ҳатто, қалби пок инсоният Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллигини нишонлаётган ҳозирги вақтда ҳам ўша эски марказнинг ахборот воситаларидан бирида Амир Темурга қарши ғаразли фикрлар айтилмоқда. Аммо, замонлардан-замонларга ўтиб келаётган бир ҳақиқат бор. Бўҳтон, туҳматнинг умри кўтоҳ бўлади. Замон ҳар доим воқеаларни, ғояларни, тарихий шахслар

---

[2] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 81-бет.

[3] *Қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори. // «Ўзбекистон овози». 1995 йил. 1 январ; Истиқлолдан нур олиб. Масъул муҳарир, проф. М. Олтинов. Тошкент: «Фан», 2005.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятини ижтимоий "элак"дан ўтказиб туради. Шунда уларнинг замон синовларига бардош берганларигина омон қоладилар. Бобокалонимиз Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли ҳам фонийда, ҳам боқийда катта-катта синовлардан, ҳатто тоталитар қизил мафкура қатағонларидан омон-эсон ўтиб, истиқлолга келдилар. Ўзбекистон мустақиллиги шарофатидан нафақат авлодлар, балки Амир Темур сингари улуғ ватандошларимиз ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Бинобарин, истиқлол маънавияти нафақат келажак йўлимизни ёритди, балки ўтмишимизни ҳам турли хил ғаразли ғоялар, мафкуралар асоратидан тозалади. Агар, холис мантиқ қонуниятига асосланиб айтсак, соҳибқирон Амир Темур ҳар қандай мақтовларга, ҳимояларга муҳтож ҳам эмаслар. Бўҳтону, тош отишлардан ҳазар ҳам қилмайдилар. У улуғ зотни "қўрқитиб" ҳам, "ўлдириб" ҳам бўлмайди. Чунки, у киши ҳаётликларидаёқ ҳеч қачон "ўлмаслик" чорасини кўриб, барча содиқ ва ғаразли, узоқ ва яқин авлодларга ўз жавобларини айтиб қўйганлар. Шундай экан, миллий қадриятларимиз тарихини пухта билиш, аждодларимиз руҳипокларини хотирлаш, уларнинг бизга қолдирган маданий, маънавий меросларини тўғрисида ҳақиқатни айтиш биз авлодлар, миллат фарзандлари учун фарздир. Тарихий хотирага эга инсон – иродали инсондир. Чунки, тарих–халқ маънавиятининг асосидир.

Улуғ маънавиятли инсонлар ҳар доим шахсий эҳтиёжларини четлаб ўтиб, умумхалқ манфаатларини кўзлаб йирик давлат, жамият аҳамиятига молик тадбирларни амалга оширишга қодир бўладилар. Соҳибқирон Амир Темур ана шундай шарқона, исломий ақл-заковатли, улуғ маънавиятли инсон бўлган. Амир Темур маънавиятининг уммонийлиги, тиниқлигию дунёвий, исломий қадриятлар қоришмасида мужассамлашганлигидир. Амир Темурнинг маънавий камолотига ёшлик ва ўсмирлик йилларидаёқ асос қўйилган эди. Ул зотнинг маънавияти тобора қудратли ижтимоий омилга айланиб борганлигининг асосларидан бири – ҳокимиятга келгунга қадар ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ҳеч иккиланмасдан Туркистонни хорижий истилочилардан, ғайридинлардан тозалаш ва барча майда мулкларни ягона марказга бирлаштиришдек улуғ мақсад сари дадил борганлигидир. Амир Темур бу йилларда бир қанча мураккаб ҳарбий, сиёсий вазиятга дуч келди, истироб чекди. Бироқ, ҳеч қачон чекинмади, мақсаддан қайтмади. Бундай ҳолларда унинг мушоҳадасида манфий қутблар эмас, донолиги, тафаккури, қувваи ҳофизаси, исломга бўлган самимий эътиқоди ғалаба қилди. Амир Темурга подшолик мерос қолган эмас. Уни кучлар тенг бўлмаган ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ давом этган курашда тантилик билан, зукко тафаккури, доно мушоҳадасига таяниб ғалаба қилиб олди.

Амир Темур маънавий салоҳияти мустақил Туркистонни идора қилиш, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш, Мовароуннаҳрнинг қадимий иқтисодий, маданий шуҳратини қайта тиклаш ишларида янада камол топди ва ижтимоий ҳаётда тўлалигича намоён бўлди. Ана шунинг учун ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонлари: давлат идора тизими, иқтисодий, молиявий, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо, маданият, фан, меъморчилик, ҳарбий, халқаро алоқалар, ислом дини, шариат арконлари мақсадга мувофиқ мутаносиб ривожланди. Амир Темур давлатни бошқаришда, унинг ички ва ташқи сиёсатини фаоллаштиришда халқ оммаси, мансабдор шахслар, олиму фузалолар, ислом раҳнамоларига, оллоҳга, иймонга, тафаккурга, китобга ва энг сўнги чораларда қиличга асосланиб иш юритдилар, ҳукм чиқардилар.

Мустақил, қудратли Туркистон давлатининг асосчиси ва раҳбари Амир Темур маънавий салоҳиятининг кучи–унинг иқтисодий, молиявий, хўжалик, сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий, давлатлараро муносабатлар фаолиятида, фанга, маданиятга, адабиётга, санъатга, меъморчиликка муносабатида ранг-баранг мазмун ва кўринишларда яққол намоён бўлди.

Амир Темур улуғ маънавий салоҳият соҳиби бўлганлиги–унинг ниҳоятда камтар, ҳазил-мутойибали бўлганлигида, аскиячилигида, камсухан ва ўткир сўзлигида, муслималар, маликаларга муносабатда ўта илтифотлилигида, катта-кичик мухолифларига нисбаттан кечиримлилигида, билиб билмай йўл қўйган хатоларини кўпчилик олдида ошкора эътироф этганлигида, ҳар бир тоифа, мансабдаги инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром билдирилганлигида, ҳатто шоҳона қаҳр-ғазаби ҳам адолатга, ҳақиқатга асосланганлигида, ҳарбий маҳорати каби ўнлаб хислатларида амалда намоён бўлган.

Соҳибқирон ўз ҳаётлари давомида кўплаб шаҳарлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар, хонақолар, қалъа-қасрлар, боғ-роғлар, суғориш иншоатлари, равон йўллар, кўприклар барпо эттирди. Уларнинг баъзиларини ўғил-набиралари, сарой маликалари, ислом раҳнамолари номи билан аташга даъват этди. Бироқ, барпо этилган иншоатларнинг бирортасига ҳам Амир Темур номи берилмади. Бунга Соҳибқиронинг ўзлари хоҳиш билдирмадилар.

Амир Темур Хитой чегараларидан бошлаб то Шарқий Рум ва Миср ерларигача бўлган ҳудудларни ислом байроғи остида ягона давлатга бирлаштирди. Аммо, бу вилоятларнинг бирортасига ҳам ўзимники, бегона жой қабилида муносабатда бўлмади. Соҳибқиронинг даъвати

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан мамлакатнинг барча узоқ-яқин ҳудудларида қурилиш, ободонлаштириш тадбирлари, меҳнат шижоати авж олди. Уларга тегишли маблағ ажратилди, мутасадди кишилар тайинланди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ислом динининг илмий, маърифий аҳамияти ҳақида гапириб: «Биз Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлакати бўлиш гўёки қолоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлакати эканлигимиздан сира ҳижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир», [4] -деган адолатли фикрни билдирган эди. Агар ана шу ҳақиқат меъзонига асосланиб мушоҳада қилсак, Амир Темур маънавий салоҳиятининг марказида исломий қадриятлар туради. Амир Темур маънавиятининг исломий асослари Қуръони карим, Ҳадиси шариф, шунингдек тавҳид, тафсир, фиқҳ, тасаввуф илмлари мазмунида, Оллоҳга, Расулуллоҳга, мажозий ва ҳаётий пирларига ихлоси, эътиқоди негизида шаклланди, қарор топди. У Нақшбандия таълимоти талаблари асосида янада мустаҳкамланди, ҳаётий мазмун олди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида ислом динига сидқидилдан эътиқод қилди, унинг барча фарз ва суннат талабларини тақводорлик билан бажарди. Ислом раҳномаларига, саййидлар, шайхлар, хўжаларга самимият билан муносабатда бўлди. Амир Темур бутун ҳаёти давомида ислом динини хурофот, бидъат, мутаассибик, жоҳиллик, ақидапарастлик каби иллатлардан ҳимоя қилди.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод қилган тасаввуф илмининг йирик пешқадамлари хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Али Ҳаким ат-Термизийларни ўзининг мажозий пирлари ҳисоблаб, улар руҳига ҳурмат бажо келтирди. Шаҳрисабз, Термиз, Ясса шаҳарларида хўжа Али Ҳаким ат-Термизий, Саййид Амир Кулол, хўжа Аҳмад Яссавий қабрлари устига мақбаралар қурдирди. Амир Темурнинг ислом маънавиятига эътиқодини, содиқлигини ва ундан қудратли куч олганлигини билдирувчи бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Агар хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ислом таълимотини ҳар қандай хурофий иллатлардан тозалаб, ислоҳ қилган бўлса, Амир Темур уни ҳимоя ва тарғиб қилди, диний мазҳабларга бўлиниб, ҳудудий парчаланишларга, ўзаро тўқнашувларга чек қўйди. Масалан, машҳур тарихчи, файласуф, фиқҳшунос олим Саййид Шариф Журжонийнинг ёзиб қолдиришича, XIV асрнинг 80-йилларида Эрон, Ироқ, Шом майда мулкларга

---

[4] Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 90-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

парчаланиб, ўзаро қарама-қаршиликлар авж олган эди. Ана шундай вазиятда Амир Темур маънавий пирларининг ўгитларига амал қилиб, ислом динининг бирлиги учун курашди. Бу вазифанинг Тангри – Тааллоҳнинг амри – фармони деб қабул қилди. Амир Темурнинг бу тадбирларини маънавий пирлари Зайниддин Абу Бакр Тойбодий, Саййид Барака, Шариф Журжонийлар Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси деб билиб, уни қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, XIY асрниг 80-90-йилларида Амир Темур Шарқда ислом динини муҳофаза қилувчи, ёювчи сифатида намоён бўлди.

Амир Темурда диний бағрикенглик сифатлари комиллашган эди. У ғайридин инсонларга ҳам тавозе, илтифот кўрсатди. У киши Франция, Испания, Англия, Италия, Хитой каби давлатлар бошлиқлари билан ёзишмалар олиб борганлиги, у мамлакатнинг элчилари – католик, будда, шаман динлари вакилларини ўз ҳузурида қабул қилиб, шоҳона илтифотлар кўрсатганлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Амир Темур маънавияти ва сиёсатида исломий илмларни дунёвий фанлардан чегаралаш, уларнинг бирини–иккинчисидан баланд-паст қўйиш ҳоллари зинҳор бўлмаган. Чунки, Соҳибқироннинг ўзлари тақводор, художўй бўлиш билан бирга тафсир, тавҳид, ҳадис, фиқҳ, тарих, фалсафа, фалакиёт, табобат каби илоҳий ва дунёвий илмларни яхши билганлар. Бу хусусда XY асрнинг машҳур олимлари Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Ибн Арабшоҳ, Алишер Навоийлар аниқ маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Шунинг учун ҳам Амир Темур Мовароуннаҳрда фан, маданият, адабиёт, санъат, меъморчиликнинг ривожланишига алоҳида ҳомийлик ва раҳнамолик қилди. Барча олиму фузалоларга унумли ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берди. Улар билан мажлислар, мулоқотлар, мунозаралар уюштириб турдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги арафасида шуни миллий ғурур билан таъкидламоқчимизки, ҳар замонда ва ҳар ерда маънавият моддий неъматлар асосида юксалади. Аммо, кейинчалик маънавият бир халқ, бир ҳудуд мулки доирасидан чиқиб, умуминсоний қадриятга, жаҳон цивилизациясига айланади. Бинобарин, Амир Темур маънавий салоҳияти бир халққа хизмат қилиш чегарасидан чиқиб, умумбашарий ижтимоий омилга айланди. У ҳар доим барҳаёт ва умрбоқий маънавиятдир. «Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ... Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз ғуруримиз»[5].

МИЛЛАТНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ...

М. Олтинов, проф. НДПИ.

XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннаҳр элининг дардига дармон бўладиган бир алп, қувваи ҳофизали сарбон, саркор зарур эди. Шундай миллатпарвар, ватанпарвар ёвқур баҳодирни Оллоҳ берган ва у замон алпов-далғовлари дошқозонида пишаётган, ўша жамиятнинг ўзи улуғ мақсад, сиёсат йўлида тетапоя қилаётган эди. У, эндигина йигирма беш ёшга қараб бораётган Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли эди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Темурбек сиёсатга кириб келаётган аянчли даврни таърифлаб: «Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат – хусусиятларини намоён қилишга замин яратади... Кимки, Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор», [1] – деган ҳаётий ҳақиқатни айтган эдилар.

Нима учун тарихда алоҳида, айрим саноқлигина инсонлар шахсий манфаатини четга суриб қўйиб, халқи, Ватани дарди билан яшайдилар. Чунки, уларда маънавий салоҳият ниҳоятда кучли бўлади ва бир кишига хизмат қилиш қамровидан чиқиб, умуммиллий ва умуминсоний ижтимоий аҳамият касб этади. Қудратли ижтимоий куч сифатида бир неча миллатларга, халқларга хизмат қила бошлайди. Амир Темурнинг қувваи ҳофизаси ана шундай уммоний, башарли ва башоратли эди. Шунинг учун ҳам дарҳол Ватан озодлиги ва ободлиги, эл-юрт тинчлигидек мураккаб ва айни вақтда истиқболли масъулиятни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Амир Темурнинг мансаби ҳам, отасидан қолган катта бойлиги ҳам бор эди. Чиғатой улусининг бошқа амирлари, мулкдорлари сингари маишатда яшаши мумкин эди. Бироқ, у ҳаёти учун хавфли, оқибати шарафли, буюк йўлни – истиқлол йўлини танлади. Истиқлол йўли ҳар доим ҳам, ҳар замонда ҳам хавф-хатарга бисёр, аммо келажаги буюк йўлдир.

---

[5] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш -давр талаби. 5-жилд, Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 190-191-бетлар.

[1] Каримов И. А. Ўша асар. 181-182-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг «элимнинг дардига дармон бўлиб», деган пурҳикмат аҳдини, қудрат-шижоатини, ақл-заковатини амалда ватанимиз тарихининг бир қанча ҳолатларида кўриш мумкин:

Биринчидан, XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннаҳр ерлари майда мулкларга парчаланиб, ҳокимлар ўртасида сиёсий кураш авж олган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолган эди. Амир Темур ҳокимиятга келиши билан дастлаб маҳаллий бекларни муросага чақирди. Давлатдаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олгандан сўнг, барча ҳокимлар ягона марказга бирлаштирилди. Ташқаридан бўладиган ҳужумларга ҳам, ички низоларга ҳам чек қўйилди. Мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳукм сурди. Мовароуннаҳр мустамлакачилик зулмидан озод бўлди. Демак, юз эллик йилдан кўпроқ вақтдан сўнг яна мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатдан қайта ривожланиши учун сиёсий шарт-шароит яратилди.

Иккинчидан, Амир Темур марказлашган, юқоридан қуйигача қонун ва адолатга асосланган, ҳали Шарқ ва Европа давлатчилик сиёсатида ҳам, амалиётида ҳам бўлмаган, жамиятдаги барча ижтимоий қатлам вакилларининг моддий, маиший, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи такомиллашган давлат бошқарув тизимига асос солинди. Соҳибқиронинг «Истиқлол билан мулку-миллат, лашкар ва раиятни бошқарингиз», деган даъвати бутун мамлакатда баралла янгради. Мамлакат аҳолисининг маънавий руҳияти тубдан яхшиланди, ижтимоий ва меҳнат фаоллиги ошди. Ватан мустақиллиги давлатда ҳам, жамиятда ҳам амалда ўзини тўлиқ намоён қила бошлади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов миллий ғурур билан таъкидлаганидек: «Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади».[2]

Учинчидан, Мустақиллик–бу ўзи эски тузумни ислоҳ қилиш демакдир. Мустақиллик шароитида жамиятда барча ижтимоий ислоҳотларга кенг йўл очилади. Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳокимиятга келиши биланоқ бир қанча сиёсий иқтисодий, молиявий, маданий, ҳарбий ва бошқа ислоҳотлар ўтказди. Уларнинг барчаси Соҳибқирон ақл-заковати, қувваи ҳофизаси билан йўғрилган ва давлат, жамият ва эл манфаатларига қаратилган эди. Шунинг учун ҳам уларни мамлакат аҳолисининг барча қатламлари вакиллари хайрихоҳлик

[2] Каримов И. А. Ўша асар. 185-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан қабул қилдилар. Адолат ва миллий манфаатдорликка асосланган бу ислоҳатлар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро нуфузининг ошишида яққол намоён бўла бошлади.

Тўртинчидан, мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқлари тез ривожланди. Экин майдонлари кенгайди, янги суғориш иншоатлари барпо этилди. Деҳқончилик маданияти янада юксалди. Мовароуннаҳр шаҳарлари ижтимоий қиёфасини ўзгартириб кенгайди, ободонлашди, йирик ҳунармандчилик ва савдо, маданий ва маъмурий марказларга айланди. Туркистон йирик иқтисодий минтақа сифатида шуҳрат қозонди. Натижада жамиятнинг ижтимоий, маданий, маънавий тараққиёти учун асосли имкониятлар яратилди. Аҳолининг моддий турмуш шароити фаровонлашди. Амир Темурнинг бошқа давлат бошлиқларидан фарқи – у бутун умри давомида бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлганлигида. Эл-улус дарди, Ватан ободлиги ва яхшилиги ғами билан яшади. Ул улуғ зотнинг бизга қолдирган «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат экдирдим», деган ўгитомус сўзлари фикримизнинг исботидир.

Бешинчидан, маданият фақат иқтисодий омиллар асосида шаклланади, ривожланади. Шу мантиқ қонуниятга асосланса XIV асрнинг 80-90-йиллари – XV асрнинг бошларида Туркистон дунёда иқтисодий жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам энг ривожланган марказ эди. Унинг дунёвий ва илоҳий маданияти, илм-фани мамлакатнинг тараққий этган иқтисодиёти негизида тез суръатлар билан ривожланди. Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқлари – умуман ижтимоий қиёфаси тубдан яхшиланди. Бутун Шарқ дунёсидан йирик аҳли илмлар, олиму фозиллар Самарқандга келиб, муқимлашдилар, баракали ижод қилдилар. Давлат уларнинг яшаши ва ижоди учун барча моддий-маиший шароитларни яратиб берди. Масалан, машҳур араб тарихчиси Ибн Холдун Соҳибқирон билан Шом (Сурия) ерларида учрашиб, икки ўртада бўлган машваратда Амир Темурнинг қувваи ҳофизасидан ҳайратланиб, Самарқандга боришга рози бўлиб: «Асрлар пешонасига давлатингни тўлин ой мисоли тасвирлардим... Тангри таолюга ҳамдлар бўлғайким, қадримни билатурғон, хизматимни қадрлайтурғон ва иззат-ҳурматимни ўрнига қўятурғон бир кишини менга ато қилди»[1], - деб шукрона айтган эди. Амир Темурнинг илм, маданият, санъат аҳлига кўрсатган мурувватн тўғрисида йирик тарихчи олимлар Ҳофизи Абру, Ибн Араб шоҳ Абдураззоқ Самарқандий, Алишер Навоий ва бошқалар асарларида пурҳикмат маълумотлар ёзиб қолдирилган. Чунки, Амир Темурнинг ўзи бир қанча дунёвий ва

---

[1] *Қаранг:* А ҳ м е д о в Б. Амир Темур. Тошкент: Мерос, 1995. 587-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

илоҳий фанларни мукаммал билган. Шунинг учун ҳам аҳли фозилларга, каломул мулкларга ихлоси баланд бўлган, Амир Темур фан ва маданият ҳомийси.[4]

Олтинчидан, иқтисодий омиллар ривожланган мамлакатда – маданий қадриятлар юксалган бўлади. Маданий тараққиёт муқаррар равишда давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, шахснинг ҳам маънавий ўсишига, комиллашишига олиб келади. Илмий хулосамизни Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг: «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир»,[5] – деган фикрлари тасдиқлаб турибди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида давлат ҳам, жамият ҳам ўзининг мустаҳкам маънавий асосларига эга эди. Чунки, жамият қонун ва адолат талаблари ислом динининг фарзлари ва нақшбандия таълимоти асосида бошқарилган. Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий комиллашганлигидан дарак беради. Фақат маънавий жиҳатдан тараққий этган жамиятдагина давлат бошқарув ишлари муваффақиятли бўлади. Бинобарин, маънавиятда жуда катта иқтисодий, фан-техника, маданий, ахлоқий омиллар мужассамлашган. Амир Темурнинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган фикрлари ҳам жамиятнинг маънавий салоҳият даражасини билдиради.

Еттинчидан, маънавий омиллар асосида исломий қадриятлар ҳам туради. Амир Темур давлатида ислом дини мафкура вазифасини бажарган. «Темур тузуклари»да «Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қуватладим», деган фикрлари ислом динининг жамиятдаги ўрни, мавқеини англатиб турибди. Амир Темурга хос бўлган маънавий салоҳият, унинг исломий моҳияти мустақил давлатни бошқариш йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалда яққол намоён бўлди. У ҳар доим Оллоҳга, иймонга, китобга, тафаккурга таяниб иш кўрар эди. «Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра бу – мусулмончилик ақидаларини жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатчилигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача

---

[4] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори//«Ўзбекистон овози». 1995 йил. 1 январь.

[5] К а р и м о в И. А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 81-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди».[6]

Саккизинчидан, давлатнинг фаол ташқи сиёсат юритиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг ички ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Бу, асрлар синовидан ўтган ижтимоий аксиома. Амир Темур давлати Шарқ ва Европа дунёси билан фаол ҳамкорлик қилган. Бунга мамлакатда барча ижтимоий, иқтисодий асослар мавжуд бўлган. Давлат ташқи дунё билан ҳамкорлик қилмасдан халқаро нуфузга эриша олмаслигини Амир Темур жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам Амир Темур давлати Шарқнинг Хитой, Ҳиндистон, Миср, Рум, Европанинг Франция, Испания, Италия каби мамлакатлари билан фаол иқтисодий, савдо ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилган. Бу хусусда аниқ тарихий маълумотлар, ҳужжатлар мавжуд. Амир Темур «Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак», деган оддий, аниқ шиорни тез-тез такрорлар эди. Соҳибқироннинг мақсади – мамлакатлараро ягона савдо-иқтисодий макон яратиш эди. Масалан, Соҳибқироннинг Франция қироли Шарл VI га йўллаган хатида: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат- икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг»,[7] – мазмундаги фикрларнинг қайд этилганлиги Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг кўламини, халқаро нуфузини англатиб турибди.

Тўққизинчидан, Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати деганда, мустабид совет тарихшунослигида унинг ҳаракатлари атайлаб муболағалаштирилиб, соҳталаштирилиб, туҳмат, бўҳтонлар лойига йўғрилиб ёзилди, айтилди. Чунки, «империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди».[8] Шундай йўл билан совет мафкураси ўзини «тоза», «пок» қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Тоталитар совет сиёсати, мафкураси бамисоли ўзига маҳлиё қилувчи хушбичим, лаби қизил, сочи сариқ, аммо дили қора, мақсади нопок таннозга ўхшарди. У ўзга шахсларни, жамиятларни ёмонлаб ўзига обрўй орттирмоқчи бўларди. Аммо, ўзгаларни ёмонлаб эришилган «обрўй» сохта, эртаси йўқ, деган ҳақиқатни эътироф этишни хоҳламасди. Ахир совет давлатининг ўзи ҳам қип-қизил босқинчи бўлганлигини энди, ниҳоят баралла айтишим мумкин. Бу хусусда ўнлаб ҳеч инкор этиб бўлмайдиган ҳужжатлар мавжуд. Бу билан биз Амир Темурнинг

---

[6] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 189-бет.

[7] *Қаранг*: Б. Аҳмедов. Амир Темур. Тошкент: Мерос, 1995. 583-584-бетлар.

[8] *Қаранг*: Халқ сўзи. 2005 йил, 19 январь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳарбий ҳаракатларини тамоман оқлаб кўрсатиш фикридан йироқмиз. Мадомики, гап XIY асрнинг 70-90-йиллари – XY аср бошлари тўғрисида борар экан, фанда мавжуд тарихийлик, холислик, ҳаққонийлик диалектикаси талаблари асосида хулоса чиқармоғимиз зарур. Демоқчимизки, Амир Темур олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг биронтасини ҳам босқинчилик уруши деб бўлмайди. Уларнинг барчасининг аниқ, асосли сабаблари бор. Амир Темурнинг бирдан-бир мақсади – Ватан озодлиги, яхлитлиги, фаровонлиги, халқларнинг осойишталиги эди. Ул зотнинг барча юмушлари фақат ватани, халқи манфаатларига қаратилган эди. Шахсий шон-шуҳрат Соҳибқиронни асло қизиқтирмас эди. Зеро, «Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир». [9]

Ўнинчидан, фақат катта маънавий салоҳиятга эга бўлган инсонларгина миллат, Ватан аҳамиятига молик улуғ ғояларни, ишларни амалга оширишга қодир бўладилар. Демоқчимизки, Амир Темур улуғлигининг асосида унинг маънавий сифатлари туради. Мустақил қудратли Туркистон давлатининг асосчиси ва раҳбари Амир Темур маънавий салоҳиятининг кучи, ҳосиласи – унинг иқтисодий, молиявий, хўжалик, сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий ва халқаро муносабатлар фаолиятида, дунёвий ва илоҳий фанларга, маданиятга, адабиётга, санъатга, меъморчиликка муносабатида ранг-баранг мазмун ва кўринишларда яққол намоён бўлди. Соҳибқирон маънавиятининг уммонийлигини, тиниқлигини–унинг ниҳоятда камтар, ҳазил-мутойибали бўлганлигида, камсухан ва ўткир сўзлигида, муслималар, маликаларга муносабатида ўта илтифотлилигида, катта-кичик мухолифларга нисбатан кечиримлилигида, билиб-билмай йўл қўйган хатоларини кўпчилик олдида ошкора эътироф этганлигида, ҳар бир тоифа, мансабдаги инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром билдирганлигида, ҳатто шоҳона қаҳр-ғазаби ҳам адолатга, ҳақиқатга асосланганлигида, ҳарбий маҳорати каби ўнлаб хислатларида амалда намоён бўлган. Ул зот ўз ҳаёти давомида кўплаб шаҳарлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар, хонақолар, қалъа-қасрлар, боғ-роғлар, суғориш иншоатлари, равон йўллар, кўприклар барпо эттирди. Уларнинг баъзиларини ўғил набиралари, сарой маликалари, Ислом раҳнамолари номи билан аташга даъват этди. Бироқ, барпо этилган иншоатларнинг биронтасига ҳам Амир Темур номи берилмади. Бунга бобокалонимизнинг ўзлари хоҳиш билдирмадилар.

---

[9] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 169-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маънавият моддий неъматлар асосида юксалади. Аммо, кейинчалик маънавият бир халқ, бир ҳудуд мулки доирасидан чиқиб умуминсоний қадриятга, дунё хазинасига айланди. Демоқчимизки, Амир Темур маънавий салоҳияти бир инсон қамрови доирасидан чиқиб, умумбашарий ижтимоий омилга айланди. У ҳар доим барҳаёт ва умри боқий маънавиятдир. Фақат улуғ маънавий салоҳиятга эга бўлган инсонларгина элининг, миллатининг дардига дармон бўла олади.

Амир Темур Ватанини, миллатини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий юксакликка олиб чиқди. Миллати билан ўзи ҳам улуғлик мақомига эришди. Жамиятнинг ижтимоий қонунияти ўзи шундай. Миллатининг, Ватанининг истиқлоли ва истиқболи йўлида фидойилик кўрсатган, уларнинг довруғини бутун дунёга таратган инсонларни тарих ҳам, келажак ҳам унутмайди. Амир Темур тарихий, унутилмас шахс, халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

АМИР ТЕМУР КАРМАНАДА

С. Иноятов, проф. НДПИ.

Бугунги қадимий ва навқирон Навоий вилоятида Соҳибқирон Амир Темур ва бошқа темурийларнинг қадами теккан жойлар кўп, улардан энг қадимий ва гўзали эса Карманадир. Айни маҳалда Кармана Амир Темурнинг онаси Тегина бегимнинг ота авлодларидан Абу Абдуллоҳ Умар манзил тутган маскандир.

Тарихий қўлёзмалар ва маноқибларда Амир Темур, Жаҳонгир Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур сингари тарихий сиймолар қаторида Баҳоуддин Нақшбанд, Али Қушчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби маънавият юлдузлари ҳам Кармана тупроғига қўниб ўтиб, водий тароватидан шукуҳ туйганлари қайд этилган. Шоҳрух Мирзо ўғли Мирзо Улуғбекка Мовароуннаҳр ҳукмдори тожини Карманада кийгизганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улуғбек атрофидаги тоғлардан бирида 1421 йилнинг кузида Карманада 40 кун чодир қуриб, ов қилганлиги ҳақида тошда битиклар қолдирган. Буюк ҳукмдор Абдуллахон Шайбонийга исмини қўйган ва тарбиялаган Маҳдуми Аъзам Саййид Жалолиддин Косоний ҳам 1512—1538 йилларда Карманада яшаганлар.

Ўз жўғрофий ўрни ва иқтисодий имкониятларига кўра Зарафшон водийсининг иккала катта воҳасини боғлаб тургувчи чорраха бўлмиш Карманада Мавлоно Ориф Деггароний, Хожа Собир ибн Муҳаммад ал-Жалоирий, Хожа Хусрав ал-Амир ал-Карминий, Худододи Вали,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Низомиддин Қосим Шайх Азизон, яссавия тариқати улуғларидан Темур Шайх сингари сиймолар дунёга келдилар ва умргузаронлик қилдилар. Бу сиймоларнинг етишишида Самарқанд ва Бухоро фиқҳ мактабларидан кейин вужудга келган Кармана фиқҳ мактаби вакиллари Имом Абдулкарим Андақий, Имом Сайфиддин Карминий, Имом Абу Зайд Дабусий сингари буюк уламолар ҳам ижтимоий билимлар ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Абдулкарим ас-Самъоний "Ал-Ансоб" (Насабнома) китобида ана шундай уламолардан 21 карманалик, 17 нуроталик, 9 давбусиялик, 4 тавоислик ҳақида маълумотлар келтирган.[10] Шу даврда Бухоро садрлари — улуғ олимлар авлодлари Карманада яшаб фаолият кўрсатишлари табиий бир ҳол эди. Тақдирни қарангки, Амир Темур она томонидан садрларга бориб тақалади. Маҳмуд Таробийнинг пири Хожа Шамсиддин Маҳбубий эди, Соҳибқироннинг онаси ҳам ана шу Маҳбубийлардан дунёга келди. Бунда ҳам Кармана боғловчилик ролини ўйнаши билан-зийнатланди.

Соҳибқироннинг авлодлари Карманада яшаган

Амир Темур тўғрисидаги тарихий манбаларни варақлар эканмиз, унинг она авлодлари Кармана билан боғлиқ эканлиги бизни қизиқтириб қўйди. Шу боисдан ушбу мавзуга оид манба ва далилларни излашга киришдик. Умуман, Амир Темурнинг онаси ким, ул зот қайси юрт фарзанди, Кармана билан боғлиқликларининг маълум қирраларини илмий жиҳатдан асослашга уриндик.

Кармана тарихини Бухоро тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Кармана тарихи — Бухоро тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз И. А. Каримов Бухоро тўғрисида: «Бу азим шаҳар, Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон каби қадимги кентларни ўз бағрига олган... »[11], деб таъкидлаганлар. Бу юрт соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини дунёга келтирган муҳтарам зот — Тегина Моҳбегимнинг ватани сифатида ҳам барчамиз учун азиз ва мўътабар.

Амир Темурнинг онаси Тегина бегим (Тегина бегим моҳ, Тагина хотун, Тегина хотун, Тегина Моҳбегим шаклида ҳам айрим манбаларда учрайди) Бухорои шарифда машҳур олим Садр аш-шариъа (шариат улуғи) Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий хонадонида

---

[10] *Қаранг*: Абдулкарим ас-Самъоний. "Ал-Ансоб" (Насабнома). Таржимон ва нашрга тайёрловчи Абдулғофур Раззоқ Бухорий. "Бухоро" нашриёти, 2003; Хайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. 6-бет.

[11] Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 369-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дунёга келган. Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий «Шарқ виқойа» китобининг муаллифи бўлган етук ханафий уламодир. Тегина бегим Шаҳрисабз ҳокими, барлос бекларидан бўлмиш Муҳаммад Тарағайга никоҳланади. Бу ҳақда Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китобида шундай бир ривоят келтирилган: «Ўшал замонда Бухорои шарифда садр аш-шаъриат, соҳиби «Шарх виқойа» ушул асрнинг мавлоноси эрдилар. Бир куни дарс айтиб ўлтуриб эрдилар, бир қаландар келди. Айтди: «Тегина бегим Моҳ деган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул туғуладур, ани "жаҳонгир" ва "соҳибқирон" дерлар. Тарағай баҳодур Бухорои шарифга етгач, тўғри Шайх ул-Оламни олдиларига кириб келди. Шайх ул-Оламни кўрди, суфийлар ҳалқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин шайх ул-Олам бошларини кўтариб, айдилар: «Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси. Андин кейин Тегина бегим Моҳимни амир Тарағай баходурга аҳд қилдилар. Қуёш ҳадя даражасида эрди, ўшал нутфаи пок соати Зухалда ота силабидин она батнига боғланди".[12]

Яна бир ривоятда кўрсатилишича, Тарағай Баходур Бухорога Сайфиддин Боҳарзийни излаб келади. Сўраб-суриштирса, Сайфиддин Боҳарзий Бухоронинг энг машҳур шайхи экан. Сайфиддин Боҳарзий ҳазратлари Тарағай баходурни қучоқ кериб кутиб оладилар ва соҳибжамол қизлари Тегина бегимни никоҳ қилиб берадилар. Икки ёшдан туғилган Амир Темур эса соҳибқирон бўлади.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»синиг муқаддимасида қуйидагиларни ўқиймиз: «Шаъбон ойининг йигирма бешида, тарих етти юз ўттиз олтида, сичқон йили ким (8. 04. 1336), муғулларнинг йили била мувофиқ турур, Кеши (Шаҳрисабз — *С. И.*) дилкаш вилоятида, Тагина хотунгим, шаръи мутаххара йўсини била ул амири динпарварнинг никоҳида эрди, андин ҳазрат Соҳибқирон кун киби зоҳир бўлди".[13]

Муҳаммад Тарағай билан Тегина бегимнинг турмуш қуриши, улардан жаҳонгир Амир Темурнинг таваллуд топиши хусусида Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида, Нарзулла Аҳмедовнинг «Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат», Евгений Березиковнинг «Темур ўғлоннинг туғилиши», Нусратилло Наимовнинг «Бухорои шариф», Поён Равшан, Жума Қурбонларнинг «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси», Аҳтам Ҳотамов, Шуҳрат Ҳалиловларнинг «Йиллар садоси», Поён Равшаннинг «Қашқадарё тарихи» каби қатор рисола ва китобларида тарихни севгувчилар

---

[12] *Салоҳиддин Тошкандий*. «Темурнома». Амир Темур кўрагон жангномаси. Тошкент, 1990. 43—45-бетлар.

[13] *Шарафуддин Али Яздий*. «Зафарнома». Тошкент: Шарқ, 1997. 12-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диққатини тортадиган баҳсу мунозараларга чорловчи фикрлар баён этилган.

Буларнинг барчасидан Амир Темур туғилган йили ва жойи, оиласи ва унинг ота-онаси ҳақида, уларнинг насл-насаблари хусусида маълумотлар топиш мумкин. Аммо, Тегина бегим ҳақидаги маълумотлар Амир Темур ва Темурийлар даврида ёзилган китобларда жуда кам учрайди.

Поён Равшаннинг татқиқотларида Тегина бегимнинг отаси бухоролик бўлиб, авлодлари Кармана билан боғлиқ эканлигига қайта-қайта ишора қилинади.

Фасих Хавофийнинг «Мужмал»ида 709 (1309—1310) йил воқеаларидан то 747 (1346—1347) йил воқеаларигача бўлган хроникада Садр аш-шариъа билан боғлиқ баъзи далиллар келтирилган.

Масалан, 1309-1310 йилда бўлиб ўтган энг муҳим воқеалар мундарижасидан Садр аш-шариъанинг ўғли вафоти ҳақидаги хабар ҳам ўрин олган: «Карманада олимларнинг олими Мавлоно Садр аш-шариъа ал-Бухорийнинг ўғли Тож аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Бурхонийнинг йигирма биринчи рабиъ ус-сонийда (1309 йил 28 сентябрда) вафот этганлиги кўрсатилади»[14], деб ёзади Поён Равшанов.

Юқорида келтирилганлардан ойдинлашаяптики, Фасих Хавофийнинг ёзганидек, Амир Темурнинг она томонидан бобоси, Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Бурҳонийнинг насл-насабини билиш мумкин. Фасиҳ Хавофий 730 (1329—1330) йил солномаси силсиласида Бурхон аш-шариъа Маҳмуднинг ҳам Карманада оламдан ўтганлигини ёзади.

Равшанки, Амир Темурнинг она авлодлари ўқимишли, юксак маданиятли, ўз даври мутафаккирлари бўлганларки, бу ҳам Соҳибқироннинг тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Шу билан бирга, карманаликлар ҳам бу улуғ инсонлардан катта наф кўрганлар.

Соҳибқироннинг онаси Тегина хотун шу тариқа ўз замонасининг асил оилаларидан чиқиб, юксак тарбия топган. Шарафуддин Али Яздий таъбири билан айтганда, покиза хулқли аёл бўлган. Амир Тарағайнинг вафоти йили тарихий асарларда қайд этилган. Тегина хотуннинг қанча умр кўрганлиги ҳақида манбаларда кўрсатилмаган.

«Зафарнома»да Амир Темурнинг «покиза Тагина хотундан туғилган»[15] лиги дан бошқа сўз йўқ.

---

[14] Поён Равшанов. Қашқадарё тарихи. Тошкент: Фан, 1995. 508—509-бетлар.
[15] Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома». Тошкент: Шарқ, 1997. 12-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг ислом динига эътиқоди шаклланишида устозлари билан бирга онаси Тегина бегимнинг ва унинг авлодларининг таъсири бениҳоя юксаклигини таъкидлаш жоиздир.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Амир Темур онасига бўлган ҳурматини жойига қўйиш, азиз хотирасини абадийлаштириш ниятида унинг шарафига 1380 йилда Шаҳрисабзда Оқсарой қурилишини бошлайди. Бу иморатнинг қурилиши 20 йилча давом этади. Унинг муҳандиси Табриз шаҳридан келтирилган меъмор ва наққош Муҳаммад Юсуф бўлган. Муаззам Оқсарой қурилишида 30 мингга яқин ғишт терувчи, 20 минг кошинкорлар ишлаган. Улар учун ҳар куни 700 қозонда таом тайёрланган. Кошонанинг пештоғига Амир Темур «Агарда бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», деб ёзишни буюрган.[16]

Юртбошимиз Ислом Каримов Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонланаётган кунларда Шаҳрисабзда Соҳибқиронга ҳайкал очилишида сўзлаган нутқида улуғларимизнинг Ватанга муҳаббатини фахр ва ғурур билан таъкидлади: «Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор».[17]

Мустақиллик шарофати туфайли Соҳибқирон онаси шарафига қурдирган кошона рўпарасида — киндик қони тўкилган заминда виқор билан савлат тўкиб турибди.

Шундай қилиб, Соҳибқирон она авлодларининг бир қисми Карманада яшаганлиги тарихий ҳақиқат бўлиб, Кармана Амир Темур ота-боболарининг юртидир.

Соҳибқирон Амир Темур Работи Маликда

Бухоро билан Самарқанд орасида жойлашган Работи Маликда Соҳибқирон Амир Темур бўлганми? – деган савол бизни анчадан бери қизиқтириб келарди.

Темуршунос олим Бўрибой Аҳмедовдан бу масалага сал бўлса-да, жавоб топгандек бўлдик. Ёзувчи Евгений Березиковнинг "Буюк Темур", тарихчи Ф. Қосимовнинг "Темурийлар даврида Бухоро" китоблари бу соҳага анча аниқликлар киритди.

---

[16] Зафар йўли. 39-бет.

[17] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 176-177-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" сининг "Амир Соҳибқироннинг учинчи марта Хоразм томон юриши баёнида"ги бобида: "...Амирзода Жаҳонгир Бухоро вилоятига етиб борди, Амир Соҳибқирон эса Работи Маликка тушди. Амирзода Кармана мавзеида душманга етди. (Ёғийлар) ўзларининг баробар келолмасликларини билиб, ўзбек вилоятига кетдилар ва Урусхон ҳузурида паноҳ топдилар... ".[18] Бу сўзлар Амир Темурнинг Работи Маликда бўлганлиги тўғрисидаги муҳим манбадир.

Темуршунос Б. Аҳмедовнинг кўрсатишича, 1375 йилда Амир Темур Кешда бўлган пайтида Хоразмда нотинчлик эканлиги тўғрисида хабар келиб, Юсуф Сўфи бир қанча тарафдорлари билан қўшин тўплаб Бухоро устига юриш бошлагани билдирилади.

Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур Хоразмга 1371, 1373, 1376, 1379, 1388 йиллари юриш қилишга мажбур бўлган. Аёнки, Соҳибқироннинг юртни бирлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари 1370 йилдан сўнг Хоразм ҳукмдорлари томонидан мураккаб кечган эди.

Амир Темур Хоразм томон учинчи марта 1376 йил баҳорида отланар экан, "Мўғилистон ва Оқ Ўрда орасидаги муносабатлар бир қадар мураккаблашиб, мўғуллар ва кўчманчи ўзбеклар Фарғона ҳамда Туркистон атрофида ғимирлаб қолишган эди. Мовароуннаҳр ҳудудини хавфу хатардан қўриқлаш мақсадида ҳазрат "Соҳибқирон дарҳол Амир Сори Буғо ва Одилшоҳни туманлари билан Жете ҳудудига юбора туриб, Амир Қамариддиннинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб туришларини тайинлади".[19]

Амир Темур ишонган саркардалар хоинлик йўлига ўтадилар. Бу ҳақда Низомиддин Шомий: "Одилшоҳ, вилоятни холи топгач, Хитой Баҳодир ва Элчи Буғони олиб, Сори Буғо билан бирлашди ва ҳаммалари (Амир Соҳибқиронга қарши) бош кўтардилар, ўз эл ва лашкарларини йиғиб, Самарқанд қалъаси ва қўрғонини муҳосара қилдилар. Шаҳар аҳли ўқ-ёй ва новак захми билан уларнинг шаҳарни ўраб олишларига йўл қўймади. Қўрғон ҳокими Оқ Бўғо баҳодир эди. У Амир Соҳибқиронга хабар юборди. Бу вақтда Амир Соҳибқирон Котдан ўтиб, Хоста етган эди".[20]

---

[18] Низомиддин Шомий. "«Зафарнома»". Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 99-бет.
[19] Аҳмедов Б. Амир Темур. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 191-бет.
[20] Шомий Н. "«Зафарнома»", Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 99-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур бу хабарни эшитган чоғда "Юсуф Сўфининг элчиси катта совға-салому тавба-тазарруъ ила битилган мактуб билан етиб келди".[21]

Соҳибқирон шу ерда Хоразмга бошлаган учинчи юришини тўхтатиб, нотинч Самарқандга ўғли Жаҳонгир билан Кармана орқали йўлга чиқди.

Одилшоҳ ва Сори Буғо Жалойир ва қипчоқ каби бир қанча элларни тўплаб, Самарқанддан чиқиб, Добус қалъадан ўтиб, Кармана яқинидаги Қиёт атрофларига яқинлашган эдилар.

Соҳибқирон лашкарлари билан келиб Работи Маликда тўхтайди.[22] Ўғли Жаҳонгирни Кармана томон 20 минглик аскар билан йўллайди. "У (Темурнинг ўғли Жаҳонгир-*С.И.*) исёнчиларга Карманада етиб олди ва бир зарба билан мағлубиятга учратди. Одилшоҳ билан Сори Буғо паноҳ излаб Сиғноққа–Урусхон ҳузурига қочиб бордилар".[23]

Амир Темур вафотидан сўнг, 1421-1425 йилларда ёзиб тугатилган, чуқур тарихий манбаларга асосланган буюк тарихчи олим Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китоби ҳам Соҳибқироннинг Кармана ҳудудида бўлганлигини исботлашга хизмат қиладиган муҳим тарихий манбадир.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сидаги "Ҳазрат Соҳибқирон учунчи қатла Хоразмга борғони зикри ва Сори Буғо билан Одилшоҳ йаағи бўлғон учун йўлдин қайтқони"[24] бобида 1376 йил март ойида Амир Темурнинг Хоразм сари отланиб йўлдан қайтгани ва Работи Маликда тўхтаб ўтгани тафсилаб берилади.

Демак, Амир Темур даврининг воқеанавис тарихчилари Соҳибқироннинг бугунги Навоий вилоятининг қатор манзилгоҳларида бўлганлигини ёзиб қолдирганлар.

Мен Амир Темурнинг Кармана билан боғлиқ фаолияти билан қизиқиб, изланишлар олиб борар эканман, жуда кўп ривоятлар ва тарихий фактларга дуч келдим. Амир Темур даврида Кармана атрофларидан жуда кўп қазилма бойликлар қазиб олинган ва юрт гуллаган манзиллардан бирига айланган.

Амир Темур бир ҳафта Работи Малик саройида яшар экан, у шу атрофлардаги жуда кўп қўрғон ва қишлоқларни зиёрат қилган.

---

[21] Аҳмедов Б. Амир Темур. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 191-бет.

[22] Работи Малик карвонсаройи–шоҳлар саройи бўлиб қорахонийлар томонидан XI асрда қурилган; *Қаранг:* Иноятов С. Амир Темур Работи маликда. Тошкент: Шарқ, 1998. 17-27-бетлар.

[23] Ахмедов Б. Амир Темур. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1995. 192-бет.

[24] Шарафуддин Али Яздий. "«Зафарнома»". Тошкент: Шарқ, 1997. 79-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айтишларича, у Нуротада бўлиб, чашмадан сув ичган ва Ҳасан Нурий қабрини зиёрат этган.

Филология фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов Карманада (2001 йил) бўлганида, Шарафуддин Али Яздийдан бир ривоят келтириб, Амир Темур Нурота билан Кармана атрофида бир отини йўқотганлиги, унинг аскарлари отни олти ой қидирганликлари, бу жойлар ўрмонзор, тўқайзор бўлганлигини мароқ билан сўзлаб берган эди.

Шунингдек, менинг шогирдим – Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги академлицей ўқувчиси Бахтинур Бердиев Навбаҳор тарихига доир материал йиғиб юрганида Ижанд қишлоғидан Холбўта бобони учратиб қолади.[25] Холбўта бобо Умаров ўз шажараси ҳақида гапириб, унинг 14-авлоди катта бобоси Жавлон бобонинг Соҳибқирон билан учрашганлигини айтиб беради. Биз Холбўта бобо билан учрашиб, Жавлон бобо ётган қабристонга бориб, у кишининг қабрига қўйилган қабр тошини кўрдик. У тошда Жавлон бобо ҳақида маълумотлар бор. Шу билан бирга Холбўта бобонинг қолган авлодларига қўйилган тошлар ҳам мавжуд. Биз Холбўта бободан жуда кўп маълумотларни олишга муяссар бўлдик. Ҳатто, бугунги Эжанд қишлоғининг номи ҳам Соҳибқироннинг шу масканда бўлганлиги билан боғлиқ экан. Эжам Жавлон бобонинг қизи бўлиб, у Амир Темур ҳарбий қисмида хизматда бўлиб, жасорат кўрсатиб қайтгач, қишлоққа унинг номи берилган экан.[26]

Шундай қилиб, Соҳибқирон Амир Темур "Буюк Ипак йўли" устида жойлашган Навоий вилоятининг қатор манзилгоҳлари-"Бухоро тарихи" китобининг муаллифи тилга олган Тавоис ва Карманада, XI аср обидаси Работи Маликда бўлганлиги тарихи–ҳақиқатдир.

САМАРҚАНДДА АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САҲИФАСИДАН

М. Жўрақулов, проф. СамДУ

Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Тарих – тафаккур маҳсули. У вақт ва замонда ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларда

---

[25] *Қаранг*: Эжанд эмас, "Эжам" экан// "Зиёкор" газетаси. 2000 йил, 9 февраль.

[26] Абдуваҳоб Пирматов. Холбўта бобо билан мерос//Халқ сўзи. 2002 йил, 5 январь; Калонов Ш. Ўн тўрт авлодини билган отахон//"Навбаҳор тонги" газетаси. 2001 йил, 15 октябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

содир бўлган ўзгаришларни сарҳисоб қилиб беради. Тарих, бу кўҳна дунёда кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарият фаолияти бузиш, вайрон қилиш билан боғлиқ эди. Соҳибқирон Амир Темур фаолияти эса, улардан жиддий фарқли ўлароқ, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлди. Унинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари бунинг исботидир.

Амир Темур Мовароуннаҳрда якка ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг (1370) пойтахтни Кеш (Шаҳрисабз)дан Самарқандга кўчирди. Шубҳасиз, бунга асосий сабаб – Самарқандни сув билан доимий таъминлайдиган Зарафшон ҳавзасида жойлашганлиги, бамаъқул жўғрофий иқлими, табиий шароити, унинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги сингари стратегик омиллар сабаб бўлганди. Соҳибқирон ўз ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ пойтахт шаҳар Самарқандни жаҳоннинг энг обод, бетакрор гўзал ва бетимсол шаҳарлардан бирига айлантиришга астойдил киришган эди. Бу ишни, аввало Чингизхон (Темучин) бошчилигидаги босқинчи мўғуллар (1220) истилоси туфайли вайрон қилинган шаҳар мудофаа деворларини қайта тиклашдан бошлади. Бузулиб ётган сув иншоатларини, жумладан, «Жуйи Арзиз» (қўрғошин) ариғини қайта тиклаб, сувсиз қолган шаҳар маҳаллаларини Зарафшон дарёсидан сув келтириб, уни ободонлаштириш ишига астойдил киришди ва у ўз салтанатининг қўрғони – Арк қалъа, унинг билан боғлиқ бетакрор гўзал биноларни қурдирди. Ўша йиллари бунёд этилган унинг қароргоҳини Кўксарой ва Бўстонсаройлар шаҳарнинг бетакрор кўркига айланди. Шунингдек, қалъа деворлари ички майдонида масжид, улкан кутубхона, шоҳона уй-жойлар, салтанат тахти, аслаҳасозлик сингари қатор бинолар қурилди. Умуман олганда, Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилди. Шаҳар атрофи мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳалик, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Шаҳар тобора ободонлаша борди, аҳоли учун бир неча ҳаммомлар қурилди, қулай ва гавжум 5 та бозор ҳаракатда бўлган. Тарихчи сайёҳ Ибн Холдуннинг қайд этишича, Самарқандда «оқар сув кирмаган бирор бир кўча, бирор бир ҳовли йўқ эди, фақат баъзи бир уйларгина боғсиз эди». Кишилар кўчалар ариқларидан оқиб ўтадиган тоза, зилол сувлардан ичимлик суви ўрнида фойдаланганлар.

Амир Темур машҳур Шоҳизинда қабристонини ободонлаштиришда ҳам қатор савобли ишларни қилди. Авваламбор, у бу ердаги даҳмаларнинг энг қадимгиси Қусам ибн Аббос мақбарасини таъмирдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқарди. Қусам ибн Аббос Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг амакиваччаси бўлиб, айтишларича, у 676 йилда араб истилочилари билан бирга Ислом динини ёйиш мақсадида Самарқандга келган. Гўёки, у намоз ўқиб ўтирган пайтида кофирлар томонидан ўлдирилган ва шу ерга дафн қилинган. Амир Темур ана шу қабр устига янги мақбара ўрнаттирди. Бу дахма ҳар томонлама безатилган бўлиб, у Марказий Осиё ўша давр кулолларининг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. Шоҳизинда мажмуаси, аслида Амир Темур ва Темурийлар томонидан қурдирилган 20 дан ортиқ мақбаралардан иборат. Бу ерда Амир Темурнинг ҳаётлигида қурилган мақбаралардан бири Туркон Оға мақбараси бўлиб, у Темурнинг опаси бўлган. Мақбарага 1371 йилда вафот этган Туркон Оғанинг қизи, сўнгра 1383 йилда вафот этган Туркон Оғанинг ўзи ҳам шу ерга дафн қилинган. Бу ерда 1376 йилда Амир Темур саркардаларидан бири Амир Ҳусайннинг онаси Туғли Текин, 1385 йилда Амир Темурнинг синглиси Ширинбека Оға мақбаралари ҳам қурилиб, ободонлаштирилган. Амир Темурнинг бевосита ҳомийлигида қурилган мадрасалардан бири Маҳмуд Султон номи билан тарихда маълум. Мадраса 1401 йилга қадар қурилган эди. Бу мадраса амир ва амалдорлар хонадонларининг фарзандларига, давлат маъмурияти ва ҳарбий бошқарув учун зарур бўлган мутахассисларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган эди.

Амир Темур бошқаруви йиллари қурилган машҳур тарихий обидалардан яна бири – Гўри Амир мақбара мажмуасидир. Аслида Темур уни севикли набираси (Жаҳонгир Мирзонинг ўғли) Муҳаммад Султон учун қурдирган эди. У 19 ёшида турклар билан бўлган жангда фожеали ҳалок бўлганди. Унинг жасади Самарқандга олиб келиниб, шу ерга дафн қилинади. Соҳибқирон 1404 йили ҳарбий юришдан қайтгач, Муҳаммад Султонга атаб шу мақбарани қурдиради. Мақбара тез фурсатда битказилган. Бу бетимсол ажойиб мақбарани қурган киши Усто Ибн Исфахоний эди. Амир Темур Хитой томон ҳарбий юриш вақтида касалланиб вафот этгандан сўнг, унинг ўзи ҳам шу ерга дафн қилинди ва мақбара Амир Темур номини олган ҳолда, кейинчалик бу обида Темурийлар сулоласининг хилхонасига айланиб, бу ерга Муҳаммад Султон, Амир Темурдан ташқари унинг ўғиллари Умаршайх, Шоҳрух ва Мироншоҳ, набираси Мирзо Улуғбек ҳамда Амир Темурнинг пири Саид Бараканинг сағаналари қўйилган. Тарихдан маълумки, дафиналар устига мақбаралар қуриш IX асрдан бошлаб одат тусига айланган бўлиб, Темурийлар даврида бу соҳа янада ривожланди.

Шу билан бирга Амир Темур ўз эътиборини она шаҳри Кешга ҳам қаратди. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақбара билан масжид қурдирди. Шуни айтиш лозимки, Амир Темур ўз салтанатининг дастлабки йилларида Кеш шаҳрини мамлакат пойтахтига айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободонлашишига катта эътибор берди. Бу ерда машҳур Оқсарой қад кўтарди. Хуллас, у Кешни Мовароуннаҳрнинг мунтазам маданий марказига айлантиришга жиддий эътиборини қаратган эди. Шу боисдан бу шаҳар «қуббат ул – илм вал-адаби» унвонига сазовор бўлган эди. Шу билан бир даврда салтанат пойтахти Самарқанднинг гуллаб яшнашига катта эътибор берди. Шаҳарнинг бунёдкорлик ишларида Исфахон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг энг қобилиятли меъмору бинокорлари қўли билан муҳташам саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар ва бошқа бинолар қурилди. Амир Темур муҳташам бинолар қуриш билан бирга, айниқса, таълим даргоҳларини яратиш соҳасига алоҳида аҳамият билан қаради.

Амир Темур фармони билан 1399 йилда Бибихоним номи билан машҳур йирик жомеъ масжиди – мадраса қурилиши бошланиб, 1404 йили битказилди.

1404 йилнинг кузида Темур ҳарбий юришдан қайтгач, мадраса ва жомеъ масжидини томоша қилар экан, бу иншоатларнинг янада баркамол, қудратли кўринишини таъминлаш мақсадида, у ўзининг бир неча таклифларини киритган ҳолда жомеъ масжиди пештоқи қайтадан баланд қилиб қурилади. Қурилишда хатога йўл қўйган Хўжа Маҳмуд Довуд жазоланади. Шу тариқа жомеъ масжиди Самарқанднинг энг ҳашаматли ва гўзал биносига айлантирилди. Бу бино бошқалардан фарқли ўлароқ, ўймакор мармардан ишланган 480 пиллапоя устунлари, ҳашаматли баланд равоқли дарвоза, баҳайбат гумбази, гўзал безаклари билан алоҳида ажралиб туради (И. Сатторова. 2004, 90). Амир Темур ўз салтанати йиллари нафақат Самарқанд ва унинг билан боғлиқ музофотларда, шунингдек, ўзи қўлга киритган мамлакатларда ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борди. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфахон ва Дамашқнинг машҳур уста ҳунармандлари иштирокида мамлакатда ҳашамдор иморату иншоатлар бино қилганлар. Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарларида, жумладан, Боғдод, Дарбанд, Байлоқонни қайта тиклади. Қобул водийси Муғон чўли каби Самарқанддан анча узоқ ҳудудларга улкан суғориш билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари олиб борди. Хусусан, Амир Темур замонасининг етук муҳандислари, меъморлари ва қурувчилари томонидан маъқулланган лойиҳа асосида Байлақон шаҳрини тиклади, боғ-роғлар яратди. Аракс дарёсидан ариқ чиқариб шаҳарга сув келтирди, шаҳарнинг янгитдан қалъа биносини қурдирди, шаҳарда бир йил ичида мудофаа деворини тиклади ва бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

иншоатлар барпо қилдирди (Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома»). Шунингдек, Кавказда (Озарбайжон) вақтинчалик қўним билан боғлиқ Қорабоғда нуфузли бинолар ҳамда қаср қурдирди ва у ерларни қайта ободонлаштирди. Амир Темур салтанатида ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморчилик обидаси барпо этиш билан нишонлаш меросий анъанага айланган эди.

Булардан ташқари Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан, Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдони кенгайтирилди, янги қишлоқлар барпо этилди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишиқ (Дамашқ), Миср, Боғдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди (Жўрақулов. 2004, 29-30).

Амир Темур пойтахти Самарқанд ва унинг билан боғлиқ атрофда 10 дан ортиқ боғи-роғлар яратиб, у ерларни обод қилди. Уларнинг энг машҳурлари: Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Жоҳаннамо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи Шамол кабилар эди. Булардан ташқари яна бир қанча боғлар, чунончи, Боғи Бўлду, Боғи Заҳон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана қўриғи, Чумчиқлик, Ғозхона ва бошқалар шулар жумласидандир. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, Самарқанд атрофида бунёд этилган боғлар тузилишига кўра 2 турга бўлинган: 1) Чорбоғлар– тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони тахминан 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган. 2) Бу турдаги боғлар тузилиши жиҳатидан геометрик шаклда бўлмаган. Булар – табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар эди. Бундай боғлар ҳукмдорнинг шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмидагина дам олиш учун сарой, кўшк ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган. Амир Темурнинг боғ қуриш анъанасини Темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Бобур ва бошқалари ҳам муносиб давом эттиришганлар.

Амир Темур ва унинг ворислари Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон, айниқса, пойтахт Самарқанд нафақат

www.ziyouz.com kutubxonasi

бунёдкорлик, илму фан ва маърифат марказига, шунингдек, халқ амалий санъати ва тасвирий санъат ижодкорларининг ҳам йирик ижодий марказига айланди. Амир Темур ва унинг суюкли набираси Мирзо Улуғбек даврида Марказий Осиё ва Шарқ меъморчилигида деярли VII-VIII асрлардан маълум бўлган, асосан гумбазли иншоатлар, уларнинг ички қисмини юлдузсимон нақшлар билан безаш санъатини қўллаш кенг тус олди.

Хуллас, Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг кўркам ва гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди. Унинг бу бағрикенглиги билан боғлиқ бунёдкорлик ишларини кейинги даврда Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайний, Султон Абу Саъид каби Темурийзодалар фаолиятида давом эттирилди.

Самарқанд шаҳри ўзбек халқи давлатчилиги юзага келишининг илк ёзма манбаси ҳисобланган ва бундан қарийб 3 минг йил аввал пайдо бўлган «Авесто» билан тенгдошлигига эндиликда шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Буни археологик манбалар ҳам тасдиқлаб турибди. Шўролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндошиб, бир ёқлама баҳо берилиб келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашларга барҳам берилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов саъй-ҳаракати билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйилди, Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. «Соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг бойлиги» га айланди (И. Каримов). Унинг номи Ўзбекистонда абадийлаштирилди.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МУСИҚА МАДАНИЯТИ

О. Файзиев, проф. НДПИ.

Х аср охирида Марказий Осиё турли туркий қабилалар ва маҳаллий давлатлар ўртасидаги шиддатли кураш майдонига айланди. Кўчманчи турклар ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. Улар Ўрта Осиё халқларининг маданияти вужудга келишида тобора муҳим роль ўйнай бошладилар. Қўшиқ ва эпик асарлардан парчалар келтирилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (Турк тиллари луғати) асарида туркларнинг муҳим поэтик ва мусиқавий шакллари ҳақида маълумотлар баён қилинган, Фахриддин

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муборакшоҳнинг тарихий асарларида ҳам мусиқага оид маълумотлар мавжуд.

XI аср охирида мусиқа ҳаёти ҳақидаги «Қобуснома» ўша давр адабий-мусиқий ҳаётида катта воқеа бўлди (Мазкур китоб ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотган эмас). Муаллиф, унда сарой созанда ва хонандалари ҳақида ахлоқий –маънавий мажмуа яратади ва улар ижро этган оҳангларнинг ранг-баранглигигагина тўхталади, вонза-ритмик томонлари мураккабликлардан келиб чиқиб, куйларнинг оҳангларини аниқлайди. Китоб, ўша даврда мусиқадан тингловчига ахлоқий таъсир этиш воситаси сифатидагина фойдаланилганлигини тасдиқлайди.

Шеърий шаклда ёзилган Юсуф Ҳос Ҳожибнинг (XI аср) «Қутадғу билиг» (Бахт келтирувчи билим), кейинчалик Аҳмад Яссавийнинг (XII аср) «Девони ҳикмат»каби туркий дидактик поэмалари, шунингдек, Фахриддин ар-Розийнинг XII-XIII асрлар бошларида мусиқа тўғрисидаги рисолалари дунёга келди. XI асрга келиб туркий тилда сўзлайдиган халқларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшаш жараёни содир бўлдики, бу жараён ўзбек халқининг шаклланишига олиб келди. Тўхтовсиз урушлар, Ўрта Осиёдаги ўзаро низолар маданият ва санъатнинг ривожланишига тўсиқ бўлди. Айниқса, мўғуллар истилоси даврида (XIII асрда) йирик шаҳарлар, жумладан, Бухоро тўла ёки қисман вайроналикка учраган даврда маданий ҳаёт анча сусайди. Ўрта Осиё маданияти Амир Темур ҳукмронлиги давридан бошлаб яна ривожлана бошлади.

Амир Темур Ўрта Осиёда тарқоқликларга барҳам бериб, бирлашган буюк давлат тузишга эришди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида архитектура ривожланди. Мамлакат пойтахти Самарқанд ҳамда Кеш, шунингдек, Бухорода катта–катта мадрасаю мақбаралар қурилди. Хуросон, Эрон, Сурияниинг маданий марказларидан олимлар, шоирлар ҳунармандлар, моҳир созанда ва хонандалар ҳам Самарқандга олиб келинди ва улар сарой хизматида бўлдилар. Кўпгина анжуманларни сарой ҳофизу созандалари қизитар эдилар. Ўша даврнинг йирик санъаткорларидан Ҳофизи Абру буни қуйидагича ёзади: «Хушовоз ҳофизлар ва шириновоз созандалар форс қўшиқларидан намуналар, араб оҳанглари, туркий анъаналар, мўғул овозлари, хитойча ашула айтиш қонунлари асосида куйланиб, қўшиқ айтар эдилар». Бу даврда халқ орасида йирик хушовоз хонандалар етишиб чиқа бошлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Темур ва Темурийлар даврида санъатнинг жуда кўп турлари тараққий этди. Соҳибқирон Амир Темур давридан Ҳусайн Бойқаро давригача шаҳарлар равнақи учун жонбозлик қилинди. Самарқандда Шоҳи Зинда, Гўри Амир

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақбаралари, Бибихоним масжиди, Шаҳрисабзда Оқсарой барпо этилди.

Хитойда эса меъморчиликнинг юксак намунаси бўлган хашаматли бинолар, мадраса, масжид ва хонақоҳлар қурилди. Тасвирий санъат соҳасида ҳам (Улуғбек даврида) миниатюра усталари Шаҳобиддин Абдулло, Мавлоно, Заҳириддин Азхор, Уста Шамсиддин, Хунайд Наққош, Мир Аҳмад каби иқтидорли рассомлар ижод қилганлар. Улар орасида машҳур рассомлардан Ҳожи Абдулхай Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Саъдийнинг «Гулистон» асарларига миниатюралар чизди. Бу даврда мусиқа ҳам ривожланиш поғонасига кўтарилди. Айнан шу пайтда мусиқа назарияси ва ҳақида рисолалар пайдо бўла бошлади.

Дарвиш Аҳмад Қонуний, Султон Муҳаммад Гумий, Абдулла Ноийларнинг мусиқа назарияси довруғи бутун дунёда ёйилган эди. Ҳиротда Шоҳрух саройида, Самарқандда Улуғбек саройида, Табризда Мироншоҳ саройларида мусиқа тараққиётига эътибор кучли эди. Айниқса, Мирзо Улуғбек Самарқандни илмий ва маданий ҳаётнинг марказига айлантирган эди. У шоир ва мусиқачиларга ҳамиша ҳомийлик қиларди. Ўрта аср ва ҳозирги тарихчи санъатшуносларнинг ёзишларича, Темурийлар даврида тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан огоҳ этувчи тасаввуфий мусиқа асарлари «Наво», «Рост» мақомлари, «Муножот», «Ушшоқ », «Баёт» куйлари равнақ топган.

Амир Темур даврида ҳарбий мусиқа

Амир Темур мусиқа санъатининг муҳим эстетик аҳамиятини маънавий оламни, жанговорлик руҳиятини олий даражада сақлаб турувчи катта куч деб билган ва унинг ривожига ҳамиша эътибор бериб келган. У тарихда биринчи бўлиб аскарларнинг жанговор байроғини ва мусиқа чолғулари билан таъминлаш одатини ҳарбий удумга олиб кирган.

«Амир қилдиким, -деб ёзади у «Тузукларида», – қайси бир амир бирон фатҳ этса, ё ғаним лашкарларини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар – фахрли китоб, туғ ва ноғора бериб, уни Баҳодир деб атасинлар».

Шуниси эътиборлики, Амир Темур лашкарларида ҳарбий матонат, шижоат, нишони - жангчиларнинг табақа ва мартабаларини кўрсатувчи ҳарбий даражада белгисини англатган. Амир Темурнинг мусиқа санъатини юқори даражада баҳолаши, чолғулардан ҳарбий нишон, жасорат рамзи сифатида фойдаланиши жаҳон санъати тарихида мислсиз воқеадир. «Темур тузуклари»да жангчиларни сафарбар этиш чоғида инсон овозидан, айрим махсус интонацион тизилмалардан кенг

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланилгани ҳақида маълумотлар келтирилади. «Яна амр этдим, - дейди у,- шоҳлар ғаним лашкарларига кўзлари тушиши ҳамоно, баланд овоз билан «Оллоҳу акбар» деб такбир айтсинлар ва сурон (жанговор чақириқ «Ур хо-ур! ») солиб, душман шериги устига бостириб борсинлар ».

Амир Темур армиясининг ҳарбий оркестри пуфлама ва зарбли чолғуларнинг хилма- хил турларидан ташкил топган эди. Хусусан, ноғора, жуфт ноғора, қўш ноғора (наққои), довул (духул) сурнай сингари чолғулар кенг қўлланилган. Бир қалъани забт этиш манзарасини машҳур тарихчи Али Яздий қуйидагича таърифлайди : «Унда (яъни, қалъа) 300 эркак духул ва сурнайларни чалиш билан машғул эрди». Ҳарбий мусиқа турларининг мазмуни, оҳанги хусусида манбаларда маълумотлар келтирилган, уларнинг ноталари ва усул шаклларигина сақлаб қолинган. Масалан : Абдуқодир Марофий ўз рисолаларида Самарқандда ижод қилган «Зарбул–Фатҳ» ва «Дав Шохий» усулларини келтиради.

Шундай қилиб, Темур ва Темурийлар даврида мусиқанинг кўпгина турлари сингари Амир Темурнинг ҳарбий оркестрида, шунингдек, мусилмон Шарқида машҳур бўлган талба ва мисдан ясалган жарос (тарелка бўлса керак) урма асбобларидан кенг фойдаланилган. Мусиқий рисолаларда охирги асбоб, яъни жароснинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилмайди. Бироқ, Алишер Навоий шеъриятида жарос тез-тез эслатилади.

Чун валвала чекти куй аро табли асос,
Май ич анча тегриким етар савти жарос.

Ҳарбий оркестр ушбу даврларга келиб туркий халқлар анъаналари билан боғлиқ яна бир урма асбоб–каварка (Навоийда каварга)ҳисобига бойиди. Унинг тасвири, миниатюралари сақланмаган, мусиқа рисолаларида эслатилмайди. Бироқ, Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотларига қараганда каварга қўш ноғора тоифасига мансуб зарбли чолғу асбоби тури бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин: «Лашкар ҳозир бўлиб, туртиб берилди каварга ва бургуҳ уриб юзландилар... »

Коварга «Зафарнома»да жуда кўп тилга олинади, жанг манзарасининг доимий мусиқий рамзи сифатида тасвирланади. Аммо, у кейинги манбаларда деярли қайд этилмаган.

Соҳибқирон ҳарбий оркестри ўзининг пуфлама чолғулар гуруҳи созларининг хилма-хиллиги билан бошқалардан фарқланади. Бироқ, уни Қуръони каримдан бошлаб сўнгги аср манбаларида қайта–қайта эслатувчи сур ва жангу жадалларни доимий иштирокчиси сурон сурининг каттароқ бирон тури, деб фараз қилиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай тахминни Навоий келтирган маълумотлар таъкидлайди:

Сурон йўқ, сур савтининг сафири,
Ка бир сурки, машхар нафири.

Темур даврида анъанавий оркестрга яна бир янги пуфлама чолғу асбоби - бурғу кириб келди. Унинг туркий одатлари маданияти билан боғлиқлиги номланишидан ҳам кўриниб турибди. Г.Д. Формернинг кўрсатишича, чолғунинг номи Темур даврида бурғу деб аталган.

Али Яздий келтирган бир маълумотда айтиладики, Қарши шаҳрининг қамал қилиниши чоғида «Соҳибқирон ҳазрати фармон бердиларки, бурғу чалсинлар, оқибат Қарши аҳолиси кўзларидан уйқу қочиб, нодир бурғу товушлардан тока юр дуди уларнинг бошларига урди. Қарши забт этилгандан сўнг Соҳибқирон Дарвешак бурғучи исмли ҳарбий созанда хизматини алоҳида таъкидлайди. Кейинчалик, Бобур лашкарлари мусиқа рамзи Ҳиндистон маданиятига кириб келади. Қадим даврдан ҳозирги кунгача машҳур бўлган сурнай билан боғлиқ «чабиғ» чолғулари кенг қўлланилади. Дарҳақиқат, бурғунинг, асосан туркий халқларнинг асл юрти Сибир ва Олтойда бўлиб, унинг шоҳи ҳозиргача шимолий элатларда чолғу сифатида ишлатилишини эътиборга олсак, Формернинг таъкиди тўғри эканлигига амин бўламиз. Шохиман пуфлама чолғу турлари Марказий Осиёда турк хоқонлиги давридан бошлаб тарқала бошлади. Хоразмда топилган VI-VII асрларга мансуб кумуш товоқда еттита бурғучидан иборат ҳарбий оркестр тасвирланган. Унда акс эттирилган созандаларнинг совут, тубалари ва либослари ҳам Темурийлар даври ҳарбий кийим-бошларига жуда ўхшаш. Хуллас, хоразмлик туркий лашкарбоши атрофидаги бурғучилар оркестри Амир Темур армиясида хизмат қилган. Бурғучи аждодларимиз – моҳир созандалар бурғуга ёрдамчи пардалар чешикчаларини қўшишган.

Ҳарбий мусиқа турларининг мазмуни оҳанг тизими хусусида манбаларда маълумотлар келтирилган. Уларнинг фақат номлари ва усул шаклларигина сақланиб қолинган. Масалан, Мароғий ўз рисолаларида Самарқандда ижод қилган «Зарбулфатҳ»ва «Даврий Шохий» усулларини келтиради. Хуллас, Темур ва Темурийлар даврида ҳарбий мусиқа мустақил жанр сифатида узил-кесил шаклланади, ҳарбий оркестр эса янги чолғулар билан янада бойийди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Ф. Х. Набиев, проф. СамДУ
Н. А. Бўриев, доц. СамДУ

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражасига бериладиган баҳо унинг ижтимоий соҳадаги аҳволга қараб белгиланади. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши жамиятнинг иқтисодий қудратига боғлиқ. Давлат қанчалик бой ва қудратли бўлса, аҳолини ижтимоий ҳимояси шунчалик юқори бўлади.

Жамиятнинг иқтисодий-маънавий ва ижтимоий соҳалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Иқтисодиёт ва маънавият ажралмас бирликда бўлади. Чунки, иқтисодий инқирозга учраган жамиятда маънавият ҳам муқаррар равишда чуқур тушкунликда бўлади ва, аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қачон иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира олмайди. Ривожланишнинг ҳар иккала, яъни иқтисодий ва маънавий аспектлари энг асосий мақсадга – аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, унинг ҳаётини фаровон қилишга хизмат қилиши керак.

Ҳозирги замон жамият тизимининг муҳим белгиси бўлган ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги Ўзбекистонга ҳам хосдир. Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли миллий ривожланиш тажрибасига, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий ривожланишнинг тарихий базасига таяниши лозим. Бундай тарихий асос Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихида ёрқин изини қолдирган Амир Темур даври бўлиб ҳисобланади.

Амир Темур даври тарихга марказлашган давлат тузиш ҳамда уни ҳарбий ва иқтисодий ривожланган йирик давлатга айлантириш даври бўлиб кирди. Бу давр халқаро майдонга чиқиш, ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни ривожланиш даври бўлиб, савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқалар давлат томонидан рағбатлантирилган ва ҳимоя қилинган. Бу давр жаҳон тарихида фан, маданият ва санъат гуллаб-яшнаган давр бўлиб ҳисобланади. Бу даврдаги иқтисодий ва маънавий ривожланиш, сўзсиз ижтимоий соҳани ривожланишини ҳам таъминлади.

Амир Темур даврининг ижтимоий тарихи нисбатан камроқ ўрганилган бўлса-да, лекин бу давр тўғрисида қизиқарли маълумот берувчи ёзма ва бошқа объектив манбалар етарли даражада сақланган. Таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольд бу тўғрисида гапириб, биз бу даврни ўрганиб туриб, манбаларни камлиги тўғрисида эмас, балки уларнинг кўплиги тўғрисида, ҳатто татқиқотчи бу турли хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

материаллар ичида ғарқ бўлиб кетмаслиги тўғрисида гапиришимиз мумкин, деган эди.

Лекин, афсуслар бўлсинким, Ўрта Осиё халқларининг бу муҳим босқичи узоқ йиллар мобайнида совет фани томонидан бузиб ўрганилган, чунки коммунистик раҳбарият ва унинг мафкураси бу тарихни объектив ўрганишга йўл қўймаган эди.

Энг аввало, Амир Темурнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги фаолияти гапирилмас эди ва бузиб ўрганилар эди. Асосий эътибор тарихнинг салбий томонларини ўрганишга қаратилган эди.

Ҳозирги кунда давлатнинг гуллаб-яшнаши учун ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаси бизлар учун муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Амир Темурга марказлашган, иқтисоди ва маданияти гуллаб-яшнаган давлатни тузишда имкон берган сиёсатни ҳар томонлама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биз қуйида Амир Темур сиёсатининг ижтимоий аспектларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, ижтимоий сиёсатни ўрганиш иқтисодий ва маданий сиёсат билан боғлиқ ва уларнинг ривожланиш натижалари билан узвий бирликда ўрганилиши мумкин.

Амир Темурнинг ижтимоий сиёсатига доир материалларни ўша даврнинг ёзма манбалари, элчиларнинг маълумотлари, Темурнинг Европа ҳукмдорларига ёзган хатлари ва бошқалардан олиш мумкин. Бу манбалар давлатнинг ташқи сиёсатига тааллуқли бўлса ҳам, уларда ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини билвосита материаллар асосида ёритувчи қизиқарли маълумотлар бор.

Амир Темур фаолиятининг асосий тамойиллари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Унда ички ва ташқи сиёсатнинг моҳияти мужассамлашган. Унинг сиёсати асосини қонунга риоя қилиш, халқни аҳволини билиш, мазлум халқларни зулмдорлардан озод қилиш ташкил қилган. У халқни аҳволидан воситачилар орқали эмас, балки бевосита, тўғридан-тўғри хабардор бўлган. У тарих саҳнасига чиқаётган вақти мамлакат чиғатой улусига қарашли тарқоқ ҳудудлардан иборат эди. Уларга ўзаро душманчилик муносабатида бўлган кўчманчи мўғул уруғлари бошчилик қилишган. Шунинг учун ҳам чиғатой аслзодалари ўртасида иккита қарама-қарши йўналиш пайдо бўлади. Улар ўртасидаги кураш XIII асрнинг 60-йилларидаёқ бошланган эди. Биринчи йўналиш вакиллари марказлашган давлат тузиш, маҳаллий зодагонлар билан яқинлашиш, ҳокимиятдаги ўзбошимчаликни чеклаш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ислом ва маҳаллий маданиятга ҳомийлик қилишни зарур деб ҳисоблашган. Иккинчи йўналишдагилар ўзини кўчманчи уруғ

www.ziyouz.com kutubxonasi

анъаналарига содиқ қолиш, ўтроқ ҳаётга ва маҳаллий аҳолига душманларча муносабатда бўлиш, маҳаллий аҳолини талон-торож объекти сифатида кўриш тарафдори бўлишган.

Бу икки йўналиш ўртасидаги ўзаро урушлар кўплаб шаҳарларни вайрон бўлишига, ирригация тармоқларини бузилишига, ҳунарманд ва савдогарларни қашшоқлашувига, аҳолини оммавий камбағаллашувига олиб келди.

Марказлаштириш сиёсати тарафдорларидан бўлган Кебек XIV асрнинг бошларидаёқ марказлаштириш мақсадида пул ислоҳотини ўтказади ва ягона давлат тангасини чиқаради. Қашқадарё водийси – Қаршида сарой қуради. Кўчманчи ҳаётдан воз кечиб, ўтроқ ҳаётга ўтади. У Мовароуннаҳрнинг ҳудудий бўлинишини ўтказиб, ҳарбий-маъмурий округлар – туманларга бўлади.[27]

Унинг ўлимидан кейин, бирлаштириш сиёсатини уни укаси Тармаширин давом эттиради. Ибн Баттута уни исломни тарафдори деб хабар беради[28].

Лекин, кейинчалик кўчманчилик тарафдорлари ғалаба қиладилар, бу эса Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакат олдин Мўғулистон ва Мовароуннаҳрга, сўнгра 12-15 давлатчаларга бўлиниб кетади[29].

Мовароуннаҳрнинг барлос уруғидан бўлиб, ўтроқ деҳқончилик тарафдори Темур мўғуллар билан бўлган муваффақиятсиз тўқнашувлардан сўнг уларга хизматга боради. Бундан мақсад, шу йўл билан уларни талон-торож қилишларини олдини олиш.

Темур ҳокимиятга келган вақтдан бошлаб Самарқанд, сўнгра Кеш атрофида қалъалар қуриб, шаҳарни мустаҳкамлай бошлайди.

Мамлакатни кучли ҳарбий ҳокимият билан бирлаштирилиши аҳолини кўчманчилардан ҳимоя қилган, иқтисодиётни барқарорлашувига ёрдам берган. Мамлакатда осойишталикни ўрнатилиши ва барқарорлашувини ўзи нафақат сиёсий тадбир, балки, у ижтимоий тадбир ҳам эди. Бу тадбир иқисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу даврда суғориш, сув иншоатларининг ривожланишига катта эътибор қаратилади. Археологик изланишлар шундан далолат берадики, бу даврда фақат теккис ерлар эмас, балки тоғ олди ерлари

---

[27] Бартольд В. В. Истории Семиречья. Фрунзе, 1943 С. 64.

[28] Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. М.: ГРВП наука, 1988. С. 86-90.

[29] Строева Л. В. Борьба кочевой и оседлой знати в Чигатайском государстве в 1-ой половине XIV в // Сб. памяти академика И. Ю. Крачковского. Л.: Изд. ЛГУ, 1958. С. 219.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ўзлаштирила бошланган. Эски каналлар тикланиб, янги каналлар, сув омборлари ва сув чиқариш иншоатлари қурила бошланган[30].

Темур Мовароуннаҳр аҳолисини уч йилга солиқлардан озод қилди, натижада аҳолининг турмуш даражаси кўтарила бошлади, ишлаб чиқариш кенгая бошлади. Кейинги йилларда ҳам қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштирганлар, суғориш каналларини қурганлар бир неча йилларга даромадлардан олинадиган солиқлардан озод қилинадилар.

Урушлар натижасида қўлга киритилган бойликлар ҳам иқтисодиётни кўтаришга ишлатилади.

Ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Темур турли мамлакатлардан ҳунармандларни, қурувчиларни, қуролсозларни ўз мамлакатига олиб кела бошлайди. Мовароуннаҳр шаҳарларида тинчлик, осойишталик бўлганлиги сабабли аҳоли кўпая бошлайди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодиётини гуллаб-яшнашига ёрдам беради. Кулолчилик ва шишасозлик, металлургия ва металлни қайта ишлаш, қурол-аслаҳа тайёрлаш, мудофаа ярог-аслаҳалари, от абзали ва бошқа ўша даврда армияни эҳтиёжи бўлган буюмларни ишлаб чиқариш ривожланган. Усталарни, айниқса, қуролсоз усталарни Амир Темур тузукларида хабар беришича алоҳида синф ёки махсус табақа сифатида ўз саройига таклиф қилар эди. У шундай деб ёзган: «Тинчлик ва уруш вақтида армия учун қурол-яроқларни яхши ҳолатда тартибда сақлаш керак»[31].

Айни пайтда заргарлик ҳунармандчилиги ҳам тараққий этади. Олтиндан, кумушдан ва бронзадан нақш туширилган идишлар, бадиий тасвир билан безалган қуроллар ва камарлар ишлаб чиқариш, айниқса ривожланган. Шу билан биргаликда қурилиш ҳунармандчилиги ҳам ривожланади. Айниқса, монументал ёдгорликлар, мачит ва мақбаралар, саройлар, мадрасалар ва хонақолар, юқори табақа ва шаҳар аҳолисининг уйларини, шаҳар ва шаҳар ташқарисида боғларни барпо қилишга катта эътибор берилган. Хашаматли бинолар, боғлар лойиҳасини тузган меъморлар, наққошлар ва геометрларни Амир Темур ўз тузукларида беморларга шифо берадиган табибларга тенглаштирган[32].

Шойи, жун ва пахта матолар, парча, зардўзлик буюмлари, теридан турли хил буюмлар ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилган. Теридан кийим-кечак ва одам танасини жанг пайтида ҳимоя қиладиган

---

[30] Ирригация Узбекистана. В 4-х томах Т. 1. Ташкент: Фан, 1975. С. 143-149.
[31] Уложения Темура. Ташкент: Фан, 1968. С. 27
[32] Ўша асар. 26-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюмлардан тортиб, то бадиийлаштирилган қўлёзмалар ҳам ишлаб чиқилган.

Темур карвон йўлларини, карвон саройларини қуришга ва карвонлар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор берган. Унинг асосий мақсади Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли савдо алоқаларини ривожлантириш бўлган. Буни савдо алоқаларини ўрнатиш учун махсус элчиларни келишидан, Темурнинг Европа давлатлари, жумладан Испания ва Англия давлат раҳбарларига ёзган хатларидан билиш мумкин. У турли давлатлардан келган ва турли соҳаларга доир саёҳатчиларни қўллаб-қувватлаган, уларга ёрдам қўлини чўзган ва бошқа давлатларга савдо карвонларини жўнатган. Бундан фақат иқтисодий мақсадлар эмас, балки, уларнинг урф-одатларини, халқининг аҳволини, ҳукмдорларнинг ўз фуқароларига муносабатини ва қонун-қоидаларини ўрганиш мақсади ҳам бўлган[33].

Амир Темур олим ва шоирларга, файласуфларга, миссионерларга маънавий, маданий соҳа намояндаларига, дин пешволарига, тарғиботчиларига алоҳида эътибор бериб, уларга хонақолар қурган, бепул турли хил ёрдамлар кўрсатган, уларнинг ижодий фаолияти учун шароит яратган, мунозаралар ва бахслар рағбатлантирилган. Бу эса алоҳида диққатга сазовордир. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг барча табақаларининг ижтимоий шароитини фаровонлашувига ёрдам берган. Шунинг учун Амир Темур: «Мен қонунга риоя қилар эдим, адолат ва инсоф билан иш юритар эдим, мазлум халқларни зулмдорлардан озод қилар эдим»,-деб ёзиб қолдирган,–Мен халқни аҳволини билар эдим, мен таниқли одамларга укаларимга қарагандай, оддий одамларга эса, болаларга қарагандек қарар эдим... Мен янги фуқароларни, уларнинг ичидаги юқори лавозимни эгаллаб турганларини ҳурматини қозондим... Мен ҳар бир вилоят аҳолисининг аҳволини билар эдим... Менинг бахтимни шуъласи ҳеч кимни эсдан чиқаришга олиб келмади... Мен аскарларга доимо ҳурмат билан қарардим, уларни ким томонидан жанг қилишидан қатъий назар... Мен мусулмонларга қуръон ва шариатнинг асосий қонунларини ўргатиш учун ҳар бир шаҳарда иймонли, инсофли дин намояндаларининг вакилларини қўйдим»[34].

Шундай қилиб, Тузукларда Амир Темурнинг жамиятнинг турли табақаларига муносабати, ва уларнинг моддий ва маънавий фаровонлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати кўрсатилган. Булар фақат орзу-истак эмас эди. Холис, беғараз сиёсатчилар XIV асрда рўй берган кескин ўзгаришларни объектив равишда ёзиб қолдирганлар.

---

[33] Ўша асар. 27-бет.

[34] Уложение Темура. Ташкент: Фан, 1968. С. 10-15.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ибн Баттута XIV асрнинг 1-чорагида Мовароуннаҳрдан ўтиб кетаётиб, кўрганларини шундай ёзиб қолдирган: «Узоқдан кўм-кўк дарахтзорлар шаҳар ва бинолар кўрингандай яқинроқ борилса, вайронагарлик, харобалик кўриниб турибди, Чунки, ҳамма кўчманчиликка ўтган ва ҳеч ким ерларни ишламаган. Шаҳарлар мудофаа деворларсиз худди патсиз қушдай ва шаҳарларнинг олдинги шон-шуҳрати сув-қумга сингиб кетгандай йўқ бўлиб қолган эди».

Кастилиялик Рюи Гонзалес де Клавихо XV асрнинг бошида элчи сифатида келиб, бу ерда умуман бошқача манзарани кўрганлигини ёзиб қолдирган. У Зарафшон дарёсининг қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг мудофаа деворлари атрофида хашаматли биноларни, шаҳар ва қишлоқларни, ҳунармандчилик устахоналарини, савдо расталари, умуман байрамона манзарани тасвирлаган. «Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки чақирим узунликда. Шаҳар эса уларни ўртасида жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўлки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, уни ўртасида эса шаҳар жойлашган.

Шаҳар ва боғлар ўртасида кўплаб суғориш каналлари қурилган. Бу боғларда кўплаб қовунлар ва пахта етиштирилади. Бу ерни нони мўл-кўл бўлганидек виноси ва гўшти ҳам, мева ва парандалари ҳам сероб... Бу шаҳар шунчалик тўкин-сочин ва бойки, ҳайратланасан киши. Бу ерни бойлиги фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балки шойи материаллари билан... , жун ва шойи астарлари билан, упа-эликлари билан, олтин ва лазурит (кўм-кўк) ранглар билан ҳам бойдир»[35].

Булардан ташқари у турли мамлакатлардан келтирилган таниқли усталар, дунёни ҳамма давлатларидан олиб келинаётган маҳсулотлар тўғрисида хабар беради[36].

Темур тантанали байрам уюштирганда, шаҳарнинг савдогар ва ҳунармандлари савдо-сотиқ учун тўпланишарди – «шаҳарда мавжуд бўлган ҳамма ҳунармандлар: мато ва марварид сотувчилар саррофлар (пул майдалайдиган), турли хил нарсаларни сотувчилар, ошпазлар, қассоблар, нонпазлар, кийим тикувчилар, этикдўзлар ва ҳамма ҳунармандлар ўз чодирларини қўйиб маҳсулотларини сотар эдилар[37].

Амир Темур олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни унинг набираси Мирзо Улуғбек давом эттирди. У фақат фан билан

---

[35] Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканде по двору Темура (1403-1406). М.: Наука ГРВЛ, 1990. С. 138-139.
[36] Ўша асар. 139-140-бетлар.
[37] Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1406). М.: Наука, 1990. С. 120.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуғулланмади, балки йирик пул ислоҳотини, солиқ ислоҳотини ўтказди. Бу мамлакатни иқтисодий жиҳатидан ва уни асосида ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида давлатни ижтимоий сиёсатини олиб боришда муҳим янги қадам бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Амир Темур ва унинг ворисларини «Куч адолатдадир» деган тамойилга асосланган изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсатини яққол тасдиқи бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Амир Темур даврида иқтисодиётнинг ривожланиши ижтимоий характерда эканлиги жамиятни гуллаб-яшнашини таъминлади. Бу давр тарихий ташаббуси ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлаган Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгадир.

КРАТКАЯ ИСТОРИОГРАФИЯ ЭПОХИ АМИРА ТЕМУРА

И. Саидов, проф. СамГУ

В условиях национального возрождения и демократического развития общества одним из приоритетных направлений независимости Узбекистана является обращение к богатому историческому наследию, возвращение исторической памяти народа. В связи с этим особый интерес у исследователей вызывает средневековый период, в частности, эпоха правления Амира Темура и Темуридов. До сих пор остаются спорными и требуют глубокого осмысления и правдивой интерпретации вопросы, связанные со становлением их власти и созданием централизованного государства на территории Мавераннахра. Решение их с объективных позиций является важным условием в формировании национальной идеологии и воспитании нового поколения в духе объективной оценки духовного наследия узбекского народа.

Амир Темур – величайший государственный деятель, политик и военачальник. Эпоха его правления (1370-1405 гг.) навеки вписана золотыми буквами в историю нашей Родины.

Преемники Темура, хотя и не сохранили созданной им величайшей державы, тем не менее выделяются в истории как покровители культуры, искусства и науки. Прежде всего это относится к Шахруху, а особенно – к Мирзо Улугбеку.

Темуриды 2-й половины XV в. проводили различную и далеко не всегда удачную политику. В итоге она привела к их краху и установлению власти новой династии – Шейбанидов.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Период IX-XV вв. известен как эпоха Восточного Ренессанса, расцвет которой приходился на время правления Темуридов. Созданная после освобождения от гнета монгольских завоевателей великая держава контролировала положение от Китая – на востоке до Средиземного моря – на западе и от Индии – на юге до русских земель – на севере. Существование огромной державы благоприятствовало и всевозможным ее связям с другими странами, в частности, Европы и Китаем. Это оказывало и позитивное влияние на духовный потенциал народа. Взгляд историков этой эпохи становился шире и многограннее: они уже видели весь мир, а не только свой и сопредельные с ним регионы.

Историографический анализ рассматриваемого периода привел к следующим результатам.

Как известно, в произведении неизвестнога автора "Темурнаме"[38] содержатся сведения о молодых годах Амира Темура. Видимо, в целом они достоверны. Мы узнаем, что родился он в 1336 г. в селении Ходжа Ильгар в районе Шахрисабза. В молодости он командовал военным отрядом и сплачивал вокруг себя племя барласов. Постепенно он объединил под своей властью весь Мавераннахр, что требовало активной борьбы с монголами и некоторыми местными племенными вождями и деятелями, руководившими мелкими политическими образованиями.

По сообщению Ибн Арабшаха, отец Темура был благочестивым мусульманином, другом учёных и дервишей. Сподвижником самого Темура с 1370 г. до конца его правления был очень влиятельный богослов и законовед Саид Барака. Следует отметить, что духовенство пользовалось большим уважением Темура, который сам неплохо разбирался в мусульманском богословии и праве.

От историка Ибн Холдуна и из других источников известно, что Темур прекрасно знал историю, владел, кроме тюркского языка, и персидским, любил беседы с учёными и богословами, хорошо играл в шахматы. Это подтверждает и академик В. В. Бартольд[39].

При Темуре восстанавливались старые и возводились новые постройки, города, дороги, сады. По свидетельству Шарафуддина Йазди, он не допускал, чтобы пустовали участки земли, на которых можно что-либо выращивать. По сведениям Зайниддина Васифи, Абдурахмана Джами, Темур любил одежду из самаркандских тканей. Факт расцвета ткацкого производства в Самарканде при Темуридах

---

[38] См. Темурнаме. Из собраний восточных рукописей Научной библиотеки СамГУ им. А. Навои.

[39] Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. М., 1964. Т. II. Ч. 2. С. 45-46.

www.ziyouz.com kutubxonasi

подтверждает и Ходжа Маулона Исфахани в своём труде "Михманнаме-йи Бухоро". По Шарафуддину Али Йазди, Темур приказывал вывозить в Самарканд из завоеванных им стран всех, кто мог быть полезен в развитии ремесла, искусства, науки и т.д.[40] По словам Ибн Арабшаха, он считал, что мир "благоустроен благодаря купцам", и всячески поддерживал внутреннюю и внешнюю торговлю[41].

Известно, что при Амире Темуре стали налаживаться связи Центральноазиатского региона с Европой. Международные связи его державы активно изучаются в последние годы, в частности, в связи с такой памятной датой, как 660-летие со дня его рождения, отмечавшееся в 1996 г. Известно, что Темур переписывался с султаном Турции Баязидом, политическими деятелями Византии, королями Франции Карлом VI и Англии Генрихом IV. Кроме того, при дворе Темура были иностранные посольства. До нас дошли записки испанского посла Рюи Гонзалеса де Клавихо[42], относящиеся к началу XV в. В них Темур показан как великий государь, а его государство - как могущественнейшая и процветающая держава. Дипломатия Темура подняла связи Центральной Азии с Европой на невиданный до того уровень.

О Темуре и его эпохе написано очень много. Можно выделить значение такого труда, как официальная хроника его правления, созданная Низамом ад-дин Шами и называвшаяся "Зафарнаме". Это произведение дает, несмотря на официальный характер, довольно объективные сведения о времени и правлении Темура. Этот труд делится на две части. В первой рассказано об истории тюркских племен, государстве Чингизхана и четырёх его улусах, а также родословной Темура; во второй содержится собственно хроника правления Темура. Труд был создан в 1419-1425 гг. Он получил довольно широкое распространение в рукописях и рассматривался современниками и потомками как первоисточник по истории эпохи Темура. На его основе Хатифи создал стихотворное произведение "Темурнаме". Оно переводилось практически на все языки народов Центральной Азии и многие языки стран Европы[43].

Темур оставил после себя прекрасный политико-правовой памятник "Уложение Темура" - "программу по управлению государством"[44],

---

[40] Шарафиддин Али Йаздий. «Зафарнома». Тошкент: Шарк. 1997. – 382 с.
[41] Ибн Арабшох. Амир Темур тарихи. Тошкент: Мехнат, 1992. – 328-бетлар.
[42] Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1406). М.: Наука, 1990. С. 210.
[43] Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. Ташкент: Укитувчи, 1992. С. 53.
[44] Уложение Темура. Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1991. С. 53.

www.ziyouz.com kutubxonasi

который состоит из преамбулы и двух частей, разделенных на 26 глав. Во вводной части сформулировано 12 правил и принципов, которые помогли Темуру достигнуть власти, покорить мир и упрочить свои завоевания. В них находит отражение созданная Темуром стратегическая система управления страной. В первой части приведены "постановления" (их 30), во второй – "Устав Темура" (26 законов и правил).

Все главные дела управления в государстве Темура сосредотачивались в Кенгаше (Совете), в котором принимали участие люди, известные по уму и знаниям, главные эмиры, начальники племени и войск, визиры (министры), представители духовенства и пр. У Темура были особые секретари, ведущие журналы всех совещаний Совета. Много места отводится в "Уложении" военным постановлениям и военно-политическим правилам, из которых можно многое узнать о составе, порядке построения войск и т.п.

Среди учёных нет единого мнения о том, что же такое "Уложение Темура". Сам Темур, как уже отмечалось нами, называет его "программой по управлению государством". Русский востоковед Д. Н. Логофет называет "Уложение" "сборником конституционных законов"[45], ташкентский учёный-темуровед Ш. Мухаммадиев – "кодексом -конституцией"[46], самаркандский учёный-правовед Ж.Ибодуллаев – "Конституцией империи Темура"[47]. Мы же считаем, что поскольку в период Темура не было понятия о конституции, а положениями "Уложений" руководствовалась почти вся династия Темуридов, «Уложение Темура» можно отнести к своеобразной конституции эпохи Темура и Темуридов.

Таким образом, даже краткий обзор произведений, посвящённых эпохе Темура, свидетельствует об их содержательности и исторической значимости эпохи Амира Темура для Центральноазиатского региона, как и мира в целом.

Подробный историографический обзор литературы, созданной об этой эпохе современниками и потомками Темура, вполне мог составить целый учебный курс. Учитывая значимость этого периода и его политическую актуальность, мы считаем необходимым углубление дальнейших историографических исследований этой эпохи. В этом – задача нынешних и будущих поколений отечественных историков.

---

[45] Логофет Д.Н. В низовьях и горах Бухары // Сомон йўли (Млечный путь). Ташкент: Камалак, 1992. С. 77.
[46] Амир Темур–покровитель науки и культуры. С. 155.
[47] Там же. С. 161.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕМУРИЙЛАРДАН КЕЙИН ШАЙБОНИЙЛАРНИНГ ҲУКМРОНЛИГИНИ ЎРНАТИЛИШИ ҲАҚИДА

А. Муқимов, проф. СамДУ.

Собиқ шўролар давридаги ўта сиёсийлаштирилган тарихий адабиётларга, XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритишда тарихий фактларга бир томонлама ёндошилиб Темурийлар давлатининг инқирозини асосий сабаби «Шайбонийлар босқини» билангина боғлаш характерлидир. Аммо тан олишимиз керакки, ҳозирда ҳам айнан ана шу давр тарихий воқеалари фанда атрофлича чуқур таҳлил қилинган деб бўлмайди. Деярли 130 йил мобайнида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукм сурган аскарбоши ва давлат арбоби Амир Темур ва Темурийлар давлати XV асрнинг сўнгги йилларида бир қанча ички ва ташқи зиддиятларга чулғаниб қолдики, булар охир оқибат бу улкан салтанатни инқирозга олиб келди. Ана шу сабаблардан биринчиси ўша даврларда турк-мўғул давлатларида мавжуд бўлган улусларга бўлиб бошқариш тизими эди. Агар Темурбек ўзининг ҳаётлигида бу давлатини тўрт ўғли ва унинг авлодларига улус (мулк-давлат) қилиб бўлиб берган бўлса, ундан кейинги даврда яна ўнлаб мулкларга бўлиниб кетдики бу, ҳар бир мулк ҳукмдорининг пойтахт Самарқандни, боболари ўтирган тахтни эгаллаб, ягона ҳукмдор бўлишга интилишига, улар ўртасида тахт, ҳокимият ва устунлик учун курашни кучайишига, охир оқибатда эса мамлакатда сиёсий тарқоқликни кучайишига, ўзаро урушлардан хонавайрон бўлаётган халқни эса, Темурий Мирзолардан тобора норозилигини ортишига олиб келди. «Мамлакатни улус тизими билан идора этиш, - деб ёзган эди, Ўзбекистон тарихининг билимдони акад. Б. Аҳмедов, - ҳамда муттасил давом этган ўзаро феодал урушлар натижасида феодал ҳокимият заифлашган».[48] Ана шундай ўзаро урушларнинг бирида, 1496 йилда Самарқанд тахтига ўтқазилган Бойсунғур Мирзо ибн Маҳмуд (1479-1499) бошқа Темурий Мирзолардан ўзини ҳимоя қилиш учун Шайбонийхонни иттифоқчиликка чақирган.

«Чиғатой улусининг емирилишига асосий сабаблардан бири шундаки, - деб ёзади шарқшунос олим А. А. Семёнов, - уни ҳимоя қилишда халқ қатнашмади, Темурий амирлар эса ватанпарлик руҳидан ҳоли бўлиб, ўзларининг тор–уруғ қабилавий манфаатлари билан

---

[48] Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Ўқитувчи,1994. 428-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чулғашиб қолган эдилар».[49] Бу эса Темурийларнинг кучларини парчаланиб, ҳокимиятни заифлашишига олиб келди. Иккинчи сабабларидан XV асрнинг иккинчи чораги, аниқроғи Султон Абу Саид Мирзо давридан бошлаб Темурийлар давлатида Нақшбандия сўфийлик тариқати хожаларининг сиёсатга аралашиб, олий ҳокимиятни ўз қўлларига киритиб олишга интилишлари бўлса, учинчидан тархон амирларининг мамлакатда таъсирини ошиб кетиши эди. Бунинг натижасида мамлакатда икки ҳокимиятчилик юз бера бошлади. Улар гоҳ у, гоҳ бу Темурий шаҳзодани қўллаб-қувватлаб, давлат ишларига фаол аралаша бошладилар. Жумладан, Бухоро валийси Дарвеш Муҳаммад Тархон Бойсунғур Мирзони тахтдан тушириб, ўрнига Султон Алини қўймоқчи бўлиб фитна кўтарганда, «Ота-бобосидан тортиб Мовароуннаҳр улуғлари ва атрофларининг маслаҳат учун борадиган кишилари бўлган Шайхулислом Хожа Абулмакорим (Бурхониддин Марғинонийнинг авлодларидан), Амир Аҳмад Ҳожи ва бир қанча сипоҳлар ва кўпгина давлат хизматчиларини ёнига тортиб Султон Али Мирзо тарафида бўлган тархонийларга қарши қўзғолон кўтариб қалъага қараб юради».[50] «Ўша вақтда, - деб ёзади тарихчи Хондамир бу ҳақда,– тархоний амирлар унга (Бойсунғур Мирзога-*З.М.*) қарши душманчилик камарини белга боғлагач, мамлакатда паришонлик юз берди».[51]

Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб сифатлар ҳақида китоб») номли асари 906 ҳижрий 1501 йилда Алишер Навоий вафот этган йили ёзиб тамомланган бўлиб, унинг олтинчи бобида Навоий умрининг сўнгги йиллари (1449-1500) билан боғлиқ бўлган айрим сиёсий маълумотлар ҳам учрайди. Ижтимоий-сиёсий аҳвол, тожу тахт учун курашнинг бениҳоят авжга чиқиши, Темурийлар империясининг инқирозга юз тутиб бораётган биноси, улуғ Навоий кўрган чора-тадбирлари ва унинг зўр обрўси туфайлигина вақтинча тутиб турилганидан дарак беради.

Асарнинг хотимасида Мовароуннаҳрнинг дашт ўзбеклари истилоси арафасидаги ижтимоий-сиёсий аҳволига тегишли айрим воқеалар баён қилинади. 1500 йили Ҳиротда Самарқанддан олинган мана бу хабар кенг шуҳрат топган: Хожа Аҳрорнинг тўнғич ўғли Хожа Муҳаммад Яҳё Мовароуннаҳрда зўр шуҳрат топиб, амалда олий ҳокимият соҳиби бўлиб олди. Мазкур Хожа Султон Али Мирзони тамоман ҳокимиятдан

---

[49] Семёнов А. А. Шейбанихан и завоевание им империи Темуридов. // Материалы по истории таджиков и узбеков. Сталинабад, 1954. С. 81.

[50] Мирхонд Ховандшоҳ. «Равзат ус-Сафо». Форс тилидан А. Ҳазратов таржимаси. Тошкент, 1941. 288-бет.

[51] Аҳмедов Б. А. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Ўқитувчи,1994. 347 бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

четлатиб қўйди. Шу муносабат билан Навоий ўзига яқин кишилардан бири Мир Саид Юсуфга бундай деган: «Хожа Муҳаммад Яҳё қилаётган бу иш дарвешларга муносиб эмасдир, у хато қилаётир».[52]

Султон Али Мирзо фақат исмигагина ҳукмдор бўлиб, бундан бошқа нарсага эга эмас эди. Ҳар куни хўжанинг олдига бориб, унга таъзим келтирар ва унинг гапи билан иш қиларди. Муҳаммад Шайбонийхон Султон Али Мирзо ва арбобларнинг мазкур хўжага таъзим қилиш, ялинишдан сиқилганлар ва танг бўлганлар деб эшитади. Шунга кўра унга хат юбориб: «Зафарли байроқлар ойчаси шу диёрга ёруғлик берган кунларда Хўжа Яҳёнинг шаҳарга эга бўлиб, подшоҳлик ишларини оборишида сенда ихтиёрнинг йўқлиги бизга маълум бўлди. Бизнинг олий ҳимматимиз сени фароғбол қилиш, аҳволингни яхшилашга қаратилган. Шу сабабли душманлик эшикларини очмасдан дўстлик йўлини танлаб, олампаноҳ боргоҳига келиб, шаҳзодалар қаторида туриб, чексиз марҳаматимиз соясида роҳат қилишингни муносиб кўрардик»[53]. Хатнинг сўнгида: «Ҳар куни дарвешларга таъзим қилиш жонингга тегмадими?», - деб сўраб унинг онасига ҳам муҳаббат тўла хат ёзади. Ана шундан сўнг, Шаҳзода ва онаси Хўжа Яҳё Жоме масжидида намоз вақтида 3 минг аскар билан хон ҳузурига йўл олади.

Бу ҳақда «Равзат ус-Сафо»да қуйидаги маълумот келтирилади: «Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга берди. Унинг онаси Зуҳра беги оға билмаслигидин ва беақллиғидин Шайбонийга махфий киши юборуб, бу мазмун билаким, Шайбонийхон Ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятини олғондин сўнг Султон Али Мирзоға бергай»[54].

Тарихий адабиётларда ана шу ўриндаги ҳолатларга кўпинча эътибор берилмайди. Зуҳра беги оғани бундай қарор қилишга нима мажбур қилди, бунда асосий сабаб эрга тегиш эмас, сиёсий ҳокимиятни сақлаб қолиш бўлиб, бу борада асосан учта сиёсий куч тўқнашди: 1) Самарқанднинг қонуний ҳукмдори Темурий Султон Али Мирзо; 2) амалда ҳокимиятни эгаллаб олиб шаҳарни Бобурга топширишга қарор қилган Ҳожа Яҳё бошлиқ дарвешлар; ҳамда 3) Самарқандни олишга даъват қилинган (Зуҳрабеги оға томонидан) Шайбонийхон бошлиқ дашт ўзбеклари эди. Мана шундай ҳолатда ҳокимиятни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли деб Султон Али Мирзо ва онаси илгари ҳам сиёсий курашларда Темурийлар бир неча марта ёрдамидан фойдаланган дашт ўзбекларининг йўлбошчиси

---

[52] Ўша асар. 355-бет.

[53] Мирхонд Хованд шоҳ. «Равзат ус-Сафо». (қўлёзма). 1-китоб. Тошкент,1941. 288-289-бетлар.

[54] Мирхонд Хованд шоҳ. «Равзат ус-Сафо». 1-китоб. 71-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайбонийхон билан қонуний никоҳга киришиш йўли деб билди. Хон эса ушбу хотиннинг ваъдаси билан келиб, Боғи Майдонга тушади[55]. Гарчи Бобур: «Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эди, эрга тегар ҳавоси била ўғлининг хонумонин барбод берди»,[56] - деб ёзган бўлсада, у аёлни шу даражада ақлсиз деб бўлмайди. Юз берган сиёсий вазият, бир томондан Бобурнинг Самарқанд тахтига чақирилиши, иккинчи томондан Шайбонийхоннинг бўлажак таҳдиди, уларни сиёсий ҳокимиятдан албатта маҳрум этарди. Ана шундай бир шароитда қабул қилган қарорининг остида ҳам никоҳдан олдин сиёсий мақсад бор эди, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бундан ўзига хос сиёсий битим назарда тутилиб, Шайбонийхон эса дастлаб розилик берган бўлсада, кейинчалик бунга умуман аҳамият бермади, ўз мақсадига эришгач эса Султон Али Мирзо қатл қилинди.

Учинчи сиёсий куч Нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги шайхи бўлмиш Хожа Яҳёнинг тақдири ўзбеклар кўз ўнгида, у Бобурни шаҳарни эгаллашга чақирганлиги учун, дашт ўзбекларининг амирлари уни ёқтирмас, душман билар эдилар. Аммо, Шайбонийхон Нақшбандия тариқатига бўлган ҳурмат-эътибори, Бухоро мадрасаларида ўқиб, ушбу тариқат шайхларини пир тутганлиги учун, унга очиқдан-очиқ душманлик қила олмас эди. «Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваққим эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожа Боқи билан Хуросон сари рухсат берди (ҳаж қилишга)». Лекин, ўзбек амирлари унинг маън қилишига қарамасдан, «Кейин бир неча ўзбек бориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўғли била «Хожа Кордзон» (Корузон) навоҳисида шаҳид қилдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендин эмас эди, Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар». Аммо, ўша тарихий шароитда Шайбонийхонга рақиб бўлган Бобур Мирзо: «Бу андин ямонроқ масал борким: Узраш баттар аз гуноҳ», - «Узри гуноҳидин ёмонроқ». Мундай ишларни беклар ўз боши била хонидин ва подшоҳидин бевуқуф қила бошласа, бас хонлиғиға ва подшолиғиға не эътибор?»[57] - деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик ўзбек давлатидаги бу ўзбошимчалик, манманлик, Шайбонийхон ўз жони эвазига қурган давлатни инқирозга олиб келди.

Давлатдаги сиёсий тарқоқлик ва ҳокимиятда устунлик талашиб олиб борилган сиёсий курашларда Темурийлар давлатида аввалги хизматлари учун махсус имтиёзлардан фойдаланиб, катта вилоятларга ҳоким бўлиб олган, марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган арғин уруғидан бўлган тархонларнинг ўрни каттадир. Жумладан, юқорида

---

[55] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент: Юлдузча, 1989.71-бет.
[56] Ўша асар. 72-бет.
[57] Ўша асар. 73-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

номлари келтирилган Дарвеш Муҳаммад тархон Самарқанд ҳокими, кейинчалик Бухоро волийси бўлиб, Темурийлар орасида таъсири кучли эди. Чунки, унинг бир синглиси Султон Абу Саид Мирзонинг, иккинчиси Султон Али Мирзонинг хотинлари эди. Алишер Навоий Самарқандда ўқиганида «У Мовароуннаҳр соҳиб ихтиёри ва саркори бўлган» бу амир билан учрашиб турган. 1496 йилдаги фитнада қатнашганлиги учун қатл этилган. Унинг укалари: Туркистон ҳокими Амир Муҳаммад Мазид тархон, унинг ўғли Саброн ҳокими Қулмуҳаммад тархон, Бухоро ноиблари Абдул Али тархон, Муҳаммад Боқи тархонлар шундай кишилар эди. Амир Мазид тархон очиқдан-очиқ Темурий ҳукмдор Султон Али Мирзога душманлик кайфиятида бўлиб, Шайбонийларнинг ҳаракати бошланиши олдида Самарқандда ҳокимиятни ўз қўлига олиб, уни мустақил ҳаракат қилишдан маҳрум қилди. Бирлашиб Шайбонийларга зарба бериш ўрнига, кейинчалик Шаҳрисабзга чекиниб, Самарқандга юриш учун қўшин тўплайди.

Шайбонийлар даврини биринчилар қатори тадқиқ этган олима Р.Г.Муқминова бу ҳолатга эътибор бериб: «Муҳаммад Боқи тархон ва қариндошлик иплари билан боғланган бошқа тархонлар, сўнгги Темурийлар даврида ўз қўлларида йирик ер-мулкларинигина эмас, балки мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятни ҳам эгаллаб олган эдилар»,[58] - деб жуда тўғри баҳо берган. Булар ҳаммаси, Темурийларнинг доимий қўшниси бўлган, Дашти қипчоқ ва Сирдарёнинг қуйи қисмидаги шаҳарларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган, лекин доимо ўзбек-қозоқ султонларининг таъқибига учраб турган Шайбонийхонга вазиятдан фойдаланиб қолишга, тобора сиёсий инқирозга учраётган Темурийлар давлатини тезда босиб олишга имкон берди.

ЖАҲОНГИР МИРЗОНИНГ КАРМАНАДА ИЗЛАРИ БОР

С. Иноятов, проф. НДПИ.

Амир Темурнинг тўрт ўғлидан энг каттаси Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 1356 йилда туғилган. Манбаларда кўрсатилишича, унинг онаси Турмиш оғодир.

Соҳибқирон тўнғич ўғлига алоҳида эътимод қўйган ва унинг улғайишига катта эътибор берган. У отасига ўхшаб қатъийятли, жасур, айтганини устидан чиқадиган мард йигит бўлиб вояга етди. У ёшлигиданоқ ҳарбий соҳанинг сирларини зўр маҳорат билан ўрганди.

---

[58] Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане. XVIв.//По материалам «Вакфнаме». Тошкент: Фан. 1996. С. 38.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзига топширилган қўшин қисмларига моҳирлик билан ёндашиб, уларни бошқариб борди.

Амир Темур ўғлидаги мардлик, матонат ва жасурликдан завқланар, Жаҳонгир Мирзо сиймосида келажакда ўз тахтининг ворисини кўрарди.

Амир Темурнинг Шарқий Туркистонга қарши юришларидан (1370–1376) учтасида ва Хоразмга қилган юришларидан ҳам учтасида (1371, 1373, 1375) Жаҳонгир Мирзо Соҳибқирон билан бирга бўлади ва бу жангу жадалларда фаол қатнашади.

Жаҳонгир Мирзонинг Кармана заминида бўлиши Соҳибқироннинг Хоразм юришлари давомида содир бўлади.

1371 йилда Амир Темур Хоразмга юриш қилиб, Ҳусан Сўфини енгади. Соҳибқирон Хоразм атрофидаги ерларни қўлга киритиб, шаҳарни қамал қилади. Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи қамал кезларида, 1372 йилнинг 5 январида ҳаётдан кўз юмади. Унинг ўрнига Юсуф Сўфи Хоразм тахтига ўтиради.

Амир Темур Юсуф Сўфи билан битим тузади. Унга мувофиқ «Ўртадаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни қариндошлик ришталари билан боғлаш мақсадида» Юсуф Сўфи жияни Оқ Сўфининг қизи Хонзода (Севин бека) бегимни Соҳибқироннинг ўғли Жаҳонгир Мирзога хотинликка беришга розилик билдиради.

1373 йилда Амир Темур буйруғига биноан Хонзода бегим Хоразмдан махсус маҳофа билан Самарқанд томон йўлга тушади. Уни олиб келишда Жаҳонгир Мирзо ҳам маҳофа билан бирга эди. Улар Соҳибқироннинг маслаҳати билан бувиси юрти Бухорога тушиб, Амир Темур алоҳида эътибор бериб, устига гумбазлар қурдирган Чашмаи Айюбнинг шифобахш ва муқаддас сувидан ичиб,[59] Работи Малик ва Кармана орқали ўтиб, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий муборак мозорини тавоф айлаб, Самарқандга борадилар.

Хонзода бегим билан Жаҳонгир Мирзонинг тўйлари ҳижрий 775 йилнинг охирида (1374 йил 13 майда) Самарқандда бўлиб ўтади.[60]

Демак, Жаҳонгир Мирзо биринчи марта 1374 йил баҳорида Карманада, унинг тарихий обидаси Работи Маликда бўлиб, Сардобанинг сувидан бўлажак умр йўлдоши Хонзода бегим билан мириқиб ичган ва бу жойларни зиёрат қилган.

Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи дафъа Кармана заминида бўлиши Амир Темурнинг Хоразмга учинчи марта юриши билан боғлиқ.[61]

---

[59] Қосимов Ф. Темур ва Темурийлар даврида Бухоро. Бухоро, 1996. 33-бет.
[60] Аҳмедов Б. Амир Темур. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 189-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мўътабар ва ишончли тарихий манбалардан бири бўлмиш Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг «Ҳазрат Соҳибқирон учунчи қатла Хоразмга борғони зигри ва Сари Буғо билан Одилшоҳ йааги бўлгон учун йўлдин қайттони» бобида Амир Темурнинг Хоразм сари отланиб йўлдан қайтгани ҳамда Работи Маликда тўхтаб ўтгани асослаб берилади. «Зафарнома»даги сатрлар Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг отаси билан бирга Работи Маликда ва Карманада бўлганлигидан хабар беради.

Амир Темур даврининг воқеанавис тарихчилари Соҳибқирон ва унинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзонинг Кармана минтақаси ҳудудларида бўлганлигини ёзиб қолдирганлар.

Шарафуддин Али Яздий ва Низомидин Шомийларнинг шаходат беришича, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Кармана атрофидаги жангу жадалларда отасидан ўрганган ҳарбий маҳорат сирларини ишлатиб, мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатиб, 20 минглик лашкарни бошқариб, душманларни ер тишлатади.

Амир Темур ўғлининг бу жасоратидан, унинг бўлажак тахт вориси ва улкан лашкарбоши бўлиб улғаяётганидан бағри шукуҳ ва қувончга тўлади.

Амир Темур ва Жаҳонгир Мирзо Карманадаги Мир Сайид Баҳром, Қалқонота каби муқаддас жойларни тавоф айлаб, Нуротани зиёрат қилиб, Дабус қалъаси орқали Самарқанд томон йўлга тушадилар.

Жаҳонгир Мирзо 1376 йилда Қамариддинга қарши урушда отдан йиқилиб шикастланади ва ҳаётдан кўз юмади. У эндигина 20 ёшга тўлган эди.

Амир Темур бу ўғлини ниҳоятда яхши кўрар, уни ҳамиша валиаҳд деб билар эди. Жаҳонгир Мирзонинг ўлими Соҳибқиронни чуқур қайғуга ботиради. Халқ нақлига кўра, Амир Темур Жаҳонгир ўлимидан сўнг бирор марта очилиб кулмаган. Жаҳонгирнинг жасади Кешга — Амир Темур ўн беш йил бурун отаси Тарағай Баҳодур ва онаси Тегина бегимлар қабри устига қурдирган мақбара ёнига қўйишга қарор қилинади. Бу маҳобатли мақбаранинг баланд мовий Гумбази Кешнинг исталган нуқтасидан кўриниб турар эди.

Жаҳонгир Мирзо билан Севинч бека — Хонзода бегимдан Муҳаммад Султон Мирзо, иккинчи хотини Бахт Мулк оғодан Пирмуҳаммад Мирзо туғилади.

Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, унинг ўғли Муҳаммад Султон валиахд этиб белгиланади.

---

[61] *Қаранг: Шарафуддин Али Яздий*. «Зафарнома». Тошкент: Шарқ, 1997. 79-бет; Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Тошкент: Ўзбекистон,1996.99-бет; Иноятов С. Амир Темур Работи Маликда. Тошкент: Шарқ, 1998. 27–36-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Султон Мирзо бобосининг Эрон, Ҳиндистон юришларида, 1402 йили эса Боязид Йилдиримга қарши юришида фаол қатнашади. 1403 йил 12 мартда Кичик Осёнинг Қора Ҳисор мавзеида 27 ёшида тўсатдан шамоллаб вафот этади. У Самарқандга келтирилиб дафн этилади. Олий мансаб — валиаҳдлик унга ҳам насиб этмайди.

Шундай қилиб, 20 ёшида Темурийлар тарихида ўчмас из қолдирган Жаҳонгир Мирзо Шаҳрисабздаги Доруссиёдат мажмуида абадий уйқуда. Бу хилхонанинг безакларидаги арабча битиклардан бирида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Донолар эзгуликка интилади, нодонлар эзгуликни кутиб туради».

ИЗ ИСТОРИИ КНИГИ ТЕМУРИДСКОГО РЕНЕССАНСА

Н.Н.Хабибуллаев
Директор Государственного музея истории Темуридов

Исторически сложилось так, что многие народы Востока внесли свой значительный вклад в сокровищницу мировой цивилизации в эпоху древности и средневековья. Пройдя необычайно трудный период своей истории -- период колониального или полуколониального рабства, - эти народы черпают сегодня в своем историческом и культурном прошлом силу для социального и культурного возрождения. Поскольку это культурное наследие история зафиксировала именно в рукописных памятниках, сами они, эти памятники, являются в странах зарубежного Востока объектом общенационального уважения и самого пристального исследования специалистами. Вместе с тем благодаря тому, что рукописная книга фиксирует в текстах духовные традиции народов Востока, она часто оказывается в центре весьма острых дискуссий по проблемам культурного наследия.

Полного представления об объеме созданных в Средней Азии рукописных книг нет. На сегодняшний день богатыми фондами арабографичных рукописей обладают, как известно, многие книгохранилища Узбекистана, а также соседних центральноазиатских государств. Среди рукописных книг, ныне хранящихся в библиотеках Санкт-Петербурга, Казани, Москвы, в востоковедных центрах многих зарубежных стран, немало рукописей, написанных и оформленных в Центральной Азии. По всей вероятности, общее число всех рукописных книг, созданных на территории Центральной Азии в эпоху

www.ziyouz.com kutubxonasi

средневековья, достигает многих десятков тысяч, что, несомненно, свидетельствует о значительном развитии книжного дела в центральноазиатских государствах и широком распространении там книги. Поскольку сохранность литературных произведений всецело зависит от общей книжной культуры общества, то, следовательно, как само количество дошедших до нас рукописей в целом, так и наличие, в частности, среди них немалого числа книг, созданных много столетий тому назад, свидетельствуют о бережном отношении людей той эпохи к рукописной книге и ее высоком престиже в обществе.

Состав дошедших до нас рукописных книг разнообразен. Здесь книги, содержащие исторические, географические, биографические, литературные, естественнонаучные, религиозные, поэтические и иные тексты; здесь трактаты по математике, логике, этике и музыке, многочисленные комментарии, календари, а также акты, грамоты и письма дипломатического характера; здесь и оригинальные сочинения и переводы, компилятивные труды и мемуарная литература.

В отношении языка среднеазиатские рукописные книги неоднородны. Дошедшие до нас письменные памятники написаны на трех языках – арабском, персидском и тюркском. Судьба этих языков различна. До начала IX в. арабский язык оставался языком почти всей существовавшей тогда мусульманской литературы на всем протяжении мусульманских владений, включая и Среднюю Азию, где вместе с исламизацией населения распространился и арабский язык. С IX в. начинает появляться литература на новоперсидском языке; затем персидский язык постепенно становится литературным почти всей восточной части мусульманского мира. Наиболее ранние из ныне известных памятников арабографичной литературы на тюркском языке относятся к XI в. В частности, в 462/1069-1070г. поэтом Йусуфом Баласагунским была написана для кашгарского хана дидактическая поэма на тюркском языке под тюркским названием «Кудатгу билиг» («Знание, делающее счастливым»). Для темпов и масштаба развития арабографичной литературы на тюркском языке показательно, что уже в XIII в. мы встречаемся с понятием о трех литературных языках мусульманского мира: арабском, персидском и тюркском. При этом за арабской литературой признавалось преимущество большей глубины мысли. Возникшая позднее тюркская литература в том и другом отношении находилась в зависимости от двух первых, но привлекала к себе большей искренностью вследствие большей простоты слога и близости к жизни.

Ни один из названных языков не вытеснил полностью какой-либо другой. Но их использование в культурной жизни Средней Азии имело

www.ziyouz.com kutubxonasi

свои особенности. Арабский язык сохранял свое значение для литературы некоторое время и после IX в. В частности, на этом языке написаны труды таких выдающихся ученых, уроженцев Средней Азии и Восточного Туркестана, как ал-Фараби, Ибн Сина, Беруни, Махмуд Кашгари и др.

Хотя начиная с XI в. развитие арабографичной литературы на тюркском языке и было непрерывным, но до XVI в. он оставался преимущественно языком поэзии. Возникновение значительной по числу произведений местной прозаической литературы на среднеазиатском «тюрки», называемом в научной литературе «чагатайским языком», относится к XVI в. Параллельно с оригинальной тюркской литературой интенсивное развитие в это время получила также и переводная литература. О масштабах переводческой деятельности, развернувшейся в Средней Азии, можно судить по следующим фактам. Только в первой половине XVI в. с арабского и персидского языков были переведены на среднеазиатский «тюрки» «Тарих-и Табари» Балами, «Тарих-и Газани» Рашид ад-Дина, «Зафар-наме» Йезди, а также «Калила ва Димна», «Ажаиб ал-махлукат», «Дурр ал-маджалис», «Мифтах ал-джанат», «Мифтах ал-кулуб» и др.

Дошедшие до нас рукописи среднеазиатского происхождения написаны на местной бумаге. Для обозначения бумаги употреблялось слово кагаз. Главным местом приготовления бумаги в Средней Азии, начиная с VIII в., был Самарканд. Другим крупным центром бумажного производства являлось Бухара, а начиная со времени существования узбекских ханств - Коканд, вернее, селения Когозгар и Чорку, находившиеся близ Коканда. В крупных центрах при производстве бумаги обычно использовались водяные мельницы. Вот что сообщает по этому поводу Бабур: «Лучшая бумага в мире получается из Самарканда, - пишет он в своих «Записках», - вся вода для бумажных мельниц приходит с Кан-и Гила. Кан-и Гила находится на берегах Сиях-Аби, этот ручей называют также Аб-и Рахмат». Дальше он уточняет, что «воды там будет на семь-восемь мельниц». «Бумажные мельницы» имелись также в Герате[62]. Производство писчей бумаги кустарным способом было распространено во многих районах Средней Азии.

Писчая бумага производилась нескольких сортов, но самым распространенным был кагаз-и нимкатани. Основным сырьем для приготовления бумаги служили волокна конопли. Процесс изготовления бумаги был трудоемким и требовал больших затрат времени и физических сил. Сырье сначала толкли в толчее,

---

[62] См.: Бабур-намэ. Записки Бабура. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. С. 62.

www.ziyouz.com kutubxonasi

приводимой в движение водой. Измельченную массу промывали, отжимали и добавляли туда в определенных пропорциях поташ и известь. Затем смесь снова перемешивали, вновь сушили и толкли. Такая операция повторялась несколько раз. После того, как процесс приготовления массы заканчивался, начинался отлив бумажных листов. Форма отлива бумаги состояла из решетки и сетки. Решетка делалась из тутового дерева, а сетка формы - из тонких стеблей чия, уложенных параллельно и перевязанных конским волосом. При отливе листа сетка накладывалась на решетку и погружалась в массу. Высушенные листы бумаги снимали и обрезали специальным ножом. Для придания глянца бумагу покрывали с обеих сторон крахмальным клейстером из пшеничной муки. После просушки обе стороны каждого листа лощили особой раковиной на доске из грушевого дерева.

Бумага для рукописей окрашивалась в разные цвета и тона. Рецепты окраски писчей бумаги были разнообразны и часто сложны. Однако цветная бумага использовалась, как правило, для художественно оформленных рукописей. Обычные рукописи писались, главным образом, на плотной сероватого оттенка бумаге типа кагаз-и нимкатани. При этом почти все рукописи написаны на бумаге восточного, т.е. в данном случае местного производства. Число рукописей среднеазиатского происхождения, изготовленных на бумаге европейского производства, невелико, по времени они относятся, в основном, к XIX – началу XX в.

Орудием письма служил калам – тростниковое перо. Изготовление калама требовало определенных навыков и опыта. Отобранный для калама тростник (в Средней Азии обычно камыш) оставляли погруженным в воду до тех пор, пока он не приобретал темно-коричневый цвет. После предварительной обработки тростник разрезали и на месте узла специальным перочинным ножом (калемтараш) делали заточки и расщеп. При этом рекомендовалось правую сторону расщепа камыша, называемую унси, делать немного тоньше левой части расщепа, которая называлась вахши. Для обрезки тростника использовалась особая костяная или роговая подставка – найкат или каламкат. Для художественного каллиграфического письма способ очинки пера и безукоризненность ее исполнения имели особо важное значение. При изготовлении калама его потирали землей для того, чтобы очистить от жира, и пробовали на письме: если точка от калама получалась правильной формы, он считался годным для письма.

Среднеазиатские писцы и литераторы обычно писали тушью и чернилами. Тушь приготовлялась из сажи и вишневой камеди, а

www.ziyouz.com kutubxonasi

чернила – из квасцов и чернильных орешков. Рецептура составления особо стойких черных и цветных чернил для каллиграфии была довольно сложна и включала в свой состав множество компонентов, например сажу, раствор гуммиарабика, чернильный орешек, пережженный купорос, жидкую хну, жидкую басму, цикорную водку и т.п.

По словам А.А.Семенова, «хорошие чернила до самого последнего времени составлялись кропотливо и тщательно, и в Бухаре, например, были немногие специальные мастера чернил, изготовлявшие их по одним лишь им известным рецептам»[63]. При исполнении художественной рукописи в чернила в известной пропорции добавлялись разные концентрации до амбры включительно для того, чтобы рукопись издавала легкий, приятный запах.

В странах средневекового мусульманского Востока в употреблении было множество почерков, имевших определенные внешние различия. Существовали четкие правила их применения. Основными почерковыми стилями, бывшими в ходу в Средней Азии до XV в., являлись насх, та'лик, сулс. Основные стили также употреблялись среднеазиатскими писцами и литераторами, но в значительно меньшей степени. В XVI в. возник новый почерк под названием насталик, образованный из сочетания элементов насха, которым обычно переписывали Коран, и из та'лика – скорописи, употреблявшейся в канцеляриях и деловой переписке. Большую роль в деле развития и широкого распространения почерка наста'лик в XIV – первой половине XV в. сыграло творчество крупнейшего мастера письма Султан-Али Мешхеди. Его перу принадлежит также специальный трактат по каллиграфии, где освещаются вопросы теории и техники письма для почеркового стиля наста'лик. Первоначально возникнув как почерк роскошных рукописей и кит'а, наста'лик скоро вытеснил остальные почерки и стал на Среднем Востоке господствующим почерковым стилем: почти все рукописные книги, созданные в Иране, Средней Азии, Восточном Туркестане в XV – XIX вв., независимо от их содержания, назначения и объема, написаны именно этим почерковым стилем.

Исполнение художественной рукописи, как правило, по заказу владетельных особ и знатных лиц требовало объединения труда мастеров многих профессий: каллиграфа, художника-миниатюриста, мастера-переплетчика. Как показали исследования последних десятилетий, в эпоху позднего средневековья в Средней Азии

---

[63] С е м е н о в А.А. О среднеазиатской бумаге. Рукопись, хранящаяся в доме-музее А.А. Семенова в Душанбе. Ташкент, 1943.

www.ziyouz.com kutubxonasi

существовала местная оригинальная школа миниатюрной живописи. Произведения представителей мавераннахрской школы миниатюрной живописи, по признанию современных искусствоведов, являются ценным вкладом в культурную сокровищницу народов Средней Азии, а вместе с тем и в мировую сокровищницу.

Переплет, одна из важных составных частей любой книги, изготовлялся отдельно. Переплетное искусство в Средней Азии и Восточном Туркестане имеет давнюю традицию, но особого своеобразия оно достигло в XVIII – XIX вв. Среднеазиатские книжные переплеты этого периода, по словам крупнейшего знатока истории и истории культуры Туркестана А.А.Семенова, «были исключительно оригинальными, и ничего подобного им в других местах Востока не было»[64].

Книжные переплеты среднеазиатского происхождения разнообразны по типу, форме, материалу. Здесь кожаные и картонные переплеты, переплеты из папье-маше, резного дерева, литого серебра и т.д., однако явно преобладают кожаные переплеты. При этом различаются два вида: полный кожаный переплет, представляющий собой цельный кусок кожи, обертывающий картонные корки рукописи, и полукожаные переплеты с корешком – мукавва. Последний был самым распространенным типом переплета в Средней Азии. Корешки подобных переплетов делались из особым образом обработанной шкуры самца осла. Такая кожа называлась саура или савра. Кожаные переплеты были разных цветов, но преобладали зеленый, красный и желтый.

Насколько можно судить по имеющимся материалам, социальный и профессиональный состав переписчиков книг был разнородным. При дворе хана, влиятельного султана и вельможи трудились, создавая художественные рукописи для библиотек высокопоставленных особ, профессиональные катиби (писцы) и мастера-каллиграфы, артисты пера. «Так, рассказывают, - пишет, например, Шараф-хан Бидлиси о Темуриде Мирзе Байсункаре, - что в библиотеке его.... постоянно были заняты переписыванием сорок каллиграфов». Большое число придворных каллиграфов содержал при себе и Султан-Хусейн. Вот что сообщает об этом Бабур в своих мемуарах: «Хотя каллиграфов при дворе Султан Хусейн мирзы насчитывалось много, но главою их всех в написании насталиком был Султан Али Мешхеди. Он много писал для Мирзы и для Алишер бека – каждый день по тридцать стихов для Мирзы и по двадцать стихов для Алишер бека»[65].

---

[64] Семенов А.А. Среднеазиатская бумага // Изд. АН ТаджССР,. 1963. №1.
[65] Бабур-наме. Записки Бабура. Ташкент, 1958.

www.ziyouz.com kutubxonasi

По мнению А.А.Семенова, приводимая Бабуром норма – пятьдесят двустиший ежедневно – «несомненно, была не мала для художника-каллиграфа». Если обстоятельства не торопили каллиграфа, то он сам, как показывает другой пример, не жалел времени, «лишь бы из его тростника вышло достойное внимания и удивления произведение». «Хаджи, - спросил однажды бухарский хан Абдулазиз (1645 – 1680) своего придворного каллиграфа Хаджи Ядгара, который в то время был занят перепиской сборника стихов Хафиза, - сколько можно в день переписать из этого писания?» И тот, единственный в свое время, ответил: «Если я постараюсь, то за день напишу десять двойных стихов». Хан на это продекламировал следующий стихотворный отрывок: «Слышал я, что в стране (Дальнего) Востока делают в течение сорока лет одну китайскую чашку и сотни за один день делают в Багдаде. Какова их цена, ты, несомненно, представляешь!» – «Мы, называя тебя каллиграфом, - продолжал хан, - приказали тебе (переписать) эту книгу. Если будет за день переписано десять двойных стихов, то какое может быть изящество в этом почерке?! Если хватит терпения, пиши (только) два двойных стиха, а если нет – один!» И подчиняясь этому приказанию, Хаджа Ядгар закончил переписку Дивана Хафиза через семь лет». Впоследствии, попав в Иран, этот список нашел там высокую оценку шаха Сулеймана[66].

Путь к каллиграфическому мастерству был долгим и тернистым. Занятия каллиграфией требовали большого напряжения и много времени. Даже известнейшие мастера пера для того, чтобы сохранять твердость и уверенность руки, должны были ежедневно специально упражняться в письме. Чтобы написать художественную рукопись безукоризненно, каждый профессиональный катиб в Средней Азии в период позднего средневековья должен был обладать двумя разновидностями почерка: рядовым мелким и крупным и уметь красиво писать по меньшей мере тремя почерками: насхом, необходимым для цитат из Корана для хадисов, насталиком – для рядового текста и сулсом – для заглавий разделов, глав и пр.

С созданием рукописной книги на Востоке связаны многие десятки языков и письменностей. Восточная рукописная книга стала проводником нескольких мировых религий, помогала утверждать канон многих религиозно-эстетических систем, служила передаче различных идеологических доктрин древности и средневековья. Ее роль в культурной жизни народов Востока была столь велика, что именно рукописную книгу можно назвать самым важным орудием,

---

[66] С е м е н о в А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. Фундаментальная библиотека ТашГУ. Ташкент, 1935.

www.ziyouz.com kutubxonasi

обеспечивающим преемственность культурных ценностей народов Средней Азии. Ее изучение позволяет сегодня ученым-востоковедам воссоздать картину исторического прошлого народов Востока, показать их огромный вклад в сокровищницу мировой цивилизации. Именно рукописные книги содержат тот материал, который позволит со временем создать энциклопедию культуры народов Востока, столь важную для правильной оценки путей и результатов культурного развития человечества.

ЕВРОПА МАНБАЛАРИДА АМИР ТЕМУР ТАВСИФИ

Муҳаммад Али
Халқаро Амир Темур фонди раиси
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Амир Темур ҳақида турли тилларда жуда кўп китоблар ёзилганлиги маълум. Олти юз йиллардан бери Соҳибқирон ҳақида китоблар ёзилади, илмий татқиқотлар яратилади. Ҳали ҳануз бу ҳаракат тўхтамаган, аксинча кучайгандан кучайиб, улуғ сиймога қизиқиш ортгандан ортиб бормоқда. Амир Темур библиографиясини яратиш энди темуршуносларимиз олдида турган знг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

АҚШда ижодий сафарда бўлиб, Вашингтон университети кутубхонасида Амир Темур ҳаёти ва даврига оид китоблар бор-йўқлиги билан қизиқдик. Кутубхонада биз излаган китоблардан олтмиш саккизта ном борлиги аниқланди. Уларнинг ичида илмий татқиқотлар, драмалар, романлар, тарихий асарлар таржималари, опералар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар тўпланган. Биз, аллбатта, айрим асарлар ҳақидагина тўхталиб ўтамиз.

Дарҳақиқат, Амир Темур соҳибқироннинг бемисл ҳаёти жуда кўп ижодкорлар кўнглига илҳом солган экан. Машҳур инглиз драматурги Кристофер Марлонинг 1587 йилда «Буюк Тамбурлейн» (асл номи шундай) деган драматик асар ёзган эди. Англиядаги Шекспир қироллик театри ҳалигача ўз мавсумини ҳар йили ушбу асар билан очиб келади. Асар ҳозиргача кўп марта нашр қилинган, албатта, турли тилларда жарангламоқда. Аммо, асарнинг илк нашрини кўрмоқ ҳамиша кишига аллақандай завқ бағишлайди. Биз кутубхонада наинки асарнинг 1590 йилда амалга оширилган илк нашрини (унда Амир Темурнинг портрети ҳам берилган), балки кейинги 1597, 1605, 1606

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиллардаги нашрларини ҳам кўришга муяссар бўлдик. Драма «Илк инглиз тилидаги китоблар. 1475 - 1640» сериясида нашр этилган.

Одатда, бирон тарихий шахс ҳақида, қайси тилда бўлмасин, бадиий асар ёзилар экан, бу ўша шахснинг фавқулодда сиймо эканлигини, унинг миллат доирасини ёриб жаҳон сарҳадларига юз бурганлигини кўрсатади. Амир Темур ана шундай нодир шахслардан бири эканлиги бугун жумла жаҳонга аён. Биз Вашингтон университети кутубхонасида сақланаётган Амир Темур ҳақидаги яна Англия тупроғида яратилган ҳали бизга маълум бўлмаган янги трагедияга дуч келдик. Бу 1681 йилда ёзилган ва саҳнага қўйилган Чарлз Саундерс деган адибнинг «Буюк Тамерлан» асаридар. Асар даставвал «Драмманинг уч асри. Англия. 1642-1700», кейинроқ «Англия ва Америка саҳна асарларининг уч асри. 1500-1830» серияларида нашр қилинган. Беш пардали олтмиш саҳифадан иборат бу трагедияда Тартария императори Тамерлан, Турклар императори Боязид, Амир Темур ўғиллари Арзанес билан Мандрикард, шунингдек, Одмар, Абдалла, Аксалла, Занчес (бу исмлар албатта тўқима) каби аъёнлар иштирок этади. Асарда аёллар образлари ҳам бор, булар Боязид қизи Астерия, Мандрикард хотини Испатия ва Астерия канизаги Заидалардир. Қизиқ жойи шундаки, муаллиф ўз асарига: Бу трагедия ғоясини «Тамерлан билан Астерия» деб аталадиган сўнги романимдан олиб яратдим...», деган сўзларни илова қилади. Демак, унинг юқоридаги номда романи ҳам бўлган. Аммо, бу роман ҳақида изланишларимиз ҳозирча бирор натижа бермади.

Бизга номаълум бўлган асарлардан яна бири Самуил Кларкнинг (1599-1682) «Буюк Тамерланнинг ҳаёти» китоби бўлиб, 1653 йилда Лондонда «Илк инглиз тилидаги китоблар. 1641-1700» сериясида нашр этилган. Китоб Амир Темурнинг Хитой подшоси мосолик Диюк, Буюк турк Боязид, Миср султони, Эрон шаҳаншоҳи ва бошқалар билан олиб борган жанглари таърифларига бағишланган. Унда Соҳибқирон табиатидаги мулоҳазакорлик, олийҳимматлик, меҳрибонлик, озодлик, адолат, итоаткорлик, шижаот ва шавкат сингари инсоний фазилатлар ҳақида сўз боради.

Ўша пайтларда Амир Темур шахсига бўлган қизиқиш жуда ҳам кучли эканлиги «О.С.» деган ҳарфлар билан имзоланган номаълум муаллифнинг 1664 йилда Лондонда босилган бир юз олтмиш саккиз саҳифалик китобидан ҳам билса бўлади. Китобда Венгрия графи Николас Серини одобию сийратидан ҳикоя қилинади, уни албан халқининг қаҳрамони Скандарбег (Георг Кастриоти) ва Тамберлайн билан қиёсланади. Муаллиф Амир Темурни «турк» деб ёзаркан, унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

(турк) тартиб-интизомини, фаолиятини бўлажак ёш ҳукмдорларга намуна сифатида келтиради.

Милодий 1401 йилда Дамашқ шаҳрида Ибн Халдуннинг Амир Темур билан учрашуви бўлиб ўтади. Ушбу учрашув таърифланган алломанинг Валтер Фисчел таржимасида 1952 йилда АҚШ (Берклей) да нашр этилган «Таржимаи ҳол»и, «Туркистон амири Темурнинг Турк ва Дунё тарихидаги ўрни» (Анқара) мажмуаси, Ҳаролд Ламбнинг «Тамерлан (Амир Темур) – Замин қалдироғи» сингари китоблари ҳам Соҳибқирон библиографиясини тўлдирувчи асарлар сирасига киради.

Кутубхонада мисрлик Муҳаммад Жамолиддин Рамадийнинг драмаси, покистонлик Азиз Баҳорий, Азиз Аҳмад, Раҳи Аслам сингари адибларнинг романлари, Аҳмад Ҳасан Донининг (Покистон) «Темур мероси» номли, шунингдек, Ал-Саййид Фараж (Миср), Муҳаммад Аҳмад Паноҳ (Эрон)ларнинг илмий-маърифий китоблари ҳам сақланмоқда. Уларнинг бари Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилади. Барчаси тўлиб, бойиб бораётган темурнома саҳифаларидир.

АМИР ТЕМУР ДАВРИНИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Насруллоҳ Тўра
Халқаро Амир Темур фонди
бўлим бошлиғи

Жаҳон тарихининг бетимсол сиймоларидан бири бўлган Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон даври ва фаолиятига қизиқиш хорижий элларда кундан-кун кучайиб бораётир. Туркия ана шундай мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Туркияда Амир Темурни «Буюк турк ҳоқони» деб таърифлайдилар. 1956-57 йилларда суратга олинган «Анқара саваши» бадиий фильмида ана шу буюк турк ҳоқони ролини машҳур турк актёри Жоҳид Ирғот маҳорат билан ижро этган эди.

1964 йилда нашр этилган атоқли турк тарихчиси Йилмаз Устуна қаламига мансуб кўп жилдлик «Туркия тарихи» асарининг 3-жилдида ҳам Амир Темур шахсига муносиб баҳо берилди, унинг дунё тарихидаги ўрнига адолатли ёндошилди. Шарафуддин Али Яздийнинг довруқли «Зафарнома» асари шайбоний Кўчкунчихон буйруғи билан ўзбек тилига таржима қилинганлиги маълум. Уни шоир ва тарихчи Муҳаммад Али Дарвеш Бухорий амалга оширган эди. Бу ноёб таржиманинг асли ва нусхаси Тўпқопи саройи кутубхонасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Стамбул), яна бир нусхаси Нури Усмония кутубхонасида сақланади. Тарихчи олимлар Ҳ. Бобобеков ва А.Аҳмедовлар ана шу нусхалардан «Зафарнома»нинг ўзбекчасини 1996 йилда Тошкентда нашр этдилар.

Едирналик муаррих Маҳмуд ар-Румийнинг «Нухбат ут-таворих - валахбор» (1860), турк оламининг буюк тарихчиси Закий Валидий Тўғоннинг «Турк ва тотор тарихи» (1914), «Амир Темурнинг аскарий фаолияти» (1914), тарихчилар Рашот Акрамнинг «Темур ва ўғиллари» (1933), Исмоил Оконинг «Темур давлати» (1991) сингари асарларида Амир Темур Ренессансни бошлаб берган етук фозилу олим ва давлат арбоби, енгилмас қўмондон сифатида талқин этилган.

Соҳибқирон ҳақидаги асарларга қизиқиш катта бўлгани сабабли, бошқа тилларда яратилган бундай китоб ва рисолалар Туркияда дарҳол турк тилига таржима этилиши одат тусига кирган. Шундай асарлардан айримларига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Француз тарихчиси Рене Груссе («L' Empire des steppes») асари 1980 йилда Стамбулда «Бўзқир императори» номи остида босилиб чиқди. Эммануил Бергнинг («Histori de L' Europe de Atilla a Tamerlan») «Атилладан – Тамерлангача Европа тарихи» номли йирик китоби 1999 йилда Стамбулда дунё юзини кўрди. Петер Голденнинг «Туркий халқлар тарихи» («The History of the Turkic People», асли Висбаден шаҳрида – 1992; таржимаси Анқарада босилган - 2002), Рем Раулнинг Кембриджда эълон қилинган «Марказий Осиё – тарихий татқиқот» (1996), Эрик Хилдингернинг «Марказий Осиё ҳарбий тарихи» (1997), Девид Морганнинг «Мўғуллар» (1986), Девид Николлнинг «Чингизхон, Хубилай, Ҳалоку, Тамерлан» (1990) каби асарлари ҳам бугун турк тилига таржима этилган.

Санаб ўтилганларга рус олимлари В.В. Бартольд, А.Якубовский ва Грековлар асарларини қўшиш мумкин. Хусусан, кейинги икки олимнинг Амир Темур даври ҳақидаги машҳур китоби «Олтин Ўрда чўкиши» номи остида 1976 йилда Стамбулда босилиб чиққан эди.

Қўшимча равишда, туркистонлик муҳожирларнинг Туркия ва бошқа мамлакатларда нашр қилинган «Янги Туркистон» (1927-1934), «Ёш Туркистон» (1929-1939), «Миллий Туркистон» (1942-1975) сингари журналларида Амир Темур Кўрагоннинг ҳақиқий сиймоси, унинг даври, салтанати холисона ёритилган кўплаб мақолалар мунтазам эълон этилганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН САВДО – ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Омонулло Бўриев,
т.ф.н. Ўз ФАШИ.

Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-элчилик алоқалари тарихи узоқ мозийдан бошланади ва давомийлик мазмунига эга. Буни Темурийлар салтанати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур улкан давлат тузиб, унинг халқаро муносабатларига алоҳида эътибор берди; Буюк Ипак йўли йўналишларида мунтазам савдо карвонлари қатнови, уч қитъа – Осиё, Европа, Африка давлатлари билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Шу жумладан, Темурийлар давлати ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-элчилик муносабатларининг ўша даврдаги дастлабки тарихи ҳам Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Амир Темурнинг Ҳиндистон билан муносабатлари негизида, аввало, Мовароуннаҳрдан жанубий йўналишда кетган савдо йўлини тиклаш, савдо карвонларининг мунтазам қатновини йўлга қўйиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш сиёсати кузатилади. Зеро, Афғонистоннинг халқаро савдо йўллари ўтган тоғли вилоятларида қароқчиларнинг таҳдиди кучайган ва савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да ёзишича, Соҳибқирон Ҳиндистон томон юриши чоғида Кобул яқинига етганида, ерлик аҳоли олий даргоҳга келиб, Катур ва ўша атроф вилоятлардаги қароқчилар, шунингдек, каргас қабиласининг сардори Мусо авғон Эрёб қалъасини хароб қилгани ва ўғрилик ҳамда қароқчиликни касб қилиб олгани бирор киши у ерлардан соғ-омон ўтаолмаслиги ҳақида хабар берадилар.[67] Амир Темур ўз номидан Мусо авғонга ярлиғ жўнатиб қуйидагиларни маълум қилади:

"Сен Эрёб қалъасини хароб қилмишсан. Ваҳоланки, ул қўрғон Ҳиндистонга борадиган йўлда жойлашган ва вайрон этилган ҳолатда ётмаслиги керак . Зудликда (ҳузуримизга) етиб кел, ўшанда сени кечириб, ул вилоятни сенга топширгум ва қалъани қайта тиклагайсан".[68]

Мусо авғон ярлиққа мувофиқ тортиқлар билан етиб келади. Соҳибқирон уни қимматбаҳо зарбофт тўн, тиллаю жавоҳирли камар ва

---

[67] Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома». ЎзФА ШИ қўлёзмаси. № 4472. Фотофаксимил нашр. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи Асомиддин Ўринбоев. Тошкент: Фан, 1972. 302-бет.

[68] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилич, эгар - жабдуқли от ва бошқа подшоҳона совғалар билан тақдирлайди; Эрёб қалъасини тиклашни буюради ва ўз лашкаридан уч юз кишини бу ишда ёрдам бериш учун белгилайди. Яздийнинг ёзишича қалъани, ундаги жомеъ масжид ва бошқа масжидлар ҳамда иморатлар билан бирга, ҳаммасини ўн тўрт кунда тугал қуриб битказадилар.[69]

Бундан ташқари, савдо карвонлари қатнови ҳамда аҳолининг тинч – тотув яшашини кўзлаб, ушбу вилоятдаги Нағз қалъасини ҳам Амир Темур юқорида таъкидланган ҳашар услубида ўз аскарлари ёрдамида қайта тиклайди ва яна бир қанча ободончилик ишларини амалга оширади. Натижада савдо карвонларининг бемалол қатнови учун тўла имкон вужудга келади. "Ул ҳудуднинг йўллари ва атроф (ерлар) авбошлар ва қароқчилар босқинидан ҳимояланди",[70] - деб ёзади Али Яздий мазкур савдо йўлининг ҳолати ҳақида.

Ушбу тадбирларнинг бошқа бир томони ҳам бор эди. Маълумки, ўз вақтида Амир Темур ҳозирги Афғонистон ҳудудини то Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсигача, Ҳиндистон ҳудудигача марҳум тўнғич фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли амирзода Пирмуҳаммадга суюрғол қилганди. "Соҳибқирон Қундуз, Бақлон, Кобул, Ғазнин ва Қандаҳорни ён-атроф тобеъ ерлар билан бирга, то Ҳиндистон ҳудудигача Пирмуҳаммад Жаҳонгирга берган эди",[71] - деб таъкидлайди Али Яздий. Қароқчиларнинг ўзбошимчалиги эса бевосита давлат хавфсизлигига таҳдид солиб турарди ва боз устига, унинг ташқи савдо имкониятларини ҳам чекларди.

Амир Темур хавфсизликни таъминлаш мақсадида қайта барпо этилган Нағз қалъасига амирзода Пирмуҳаммад навкарларидан Нусрат Қиморийни уч юз киши билан, шунингдек, Дашти Қипчоқдан оиласи билан кўчириб келтирилган тўрт юзта ўзбекни, Жўчи авлодидан Сурўғлон ва уларнинг бошлиғи Ёриқ ўғлон тасарруфида қалъани қўриқлашга қолдирди. Эрёб қалъасини бошқариш[72]ни эса, Шайх Ҳасанбахт Камонга топширди.[73]

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида савдо-элчилик муносабатлари мунтазам тус олди. Чунончи, Соҳибқирон етти йиллик юришдан қайтиб, Самарқандда катта тўй берганида, унга узоқ-яқин мамлакатлардан, жумладан, Ҳиндистондан ҳам элчилар келган эди. "Хитой, Алтой, Чекка Мағриб,

---

[69] А л и Я з д и й. Зафарнома. В.303 а
[70] А л и Я з д и й. Зафарнома. В. 343 б – 344 а ; 303 б
[71] А л и Я з д и й. Зафарнома. В.224 а; 295 б.
[72] А л и Я з д и й. Зафарнома. В. 302 б.
[73] А л и Я з д и й. Зафарнома. В.344 а.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миср, Рум, Фаранг ва Ҳинд мамлакатларидан келган элчиларнинг ҳар бирини ўз жиргасига чорлаб тортиқ ва инъомлар улашилсин, деган олий фармон бўлди",[74] - деб ёзади бу ҳақда тарихчи Ҳофизи Абру ўзининг «Зайли «Зафарнома» и Шомий» асарида.

Амир Темур даврида Ҳиндистон билан йўлга қўйилган савдо-элчилик алоқалари кейинчалик ҳам давом этди ва XV асрнинг биринчи ярмида унинг таъсир доираси янада кенгайиб, бу ўлканинг жанубий ва шарқий чеккаларини ҳам қамраб олганди. Чунончи, Мирзо Шоҳрух ҳукмронлиги йилларида Темурийлар давлатининг шон-шуҳрати Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисмларида жойлашган Бангола (ҳозирги Бангладеш давлати ҳудуди ва унга ёндош ерлар) ва Вижаянагар давлатларигача етиб борган эди. Айни пайтда ушбу ўлкалар билан мунтазам элчилик муносабатлари шаклланганини ҳам кузатиш мумкин. Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413 – 1482) "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида, аниқроғи, ундаги Ҳиндистон сафари кундалиги қисмида ёзилишича, Бангола подшоси Ҳиротга элчи йўллаб, Жунапур подшоси устидан шикоят қилиб ёрдам сўрайди. Мирзо Шоҳрух ўз номидан шайхулислом хожа Каримуддин Жомийни Банголага элчи сифатида жўнатади ва Жунапур подшосидан Банголага таҳдид қилмасликни талаб қилади.Мазкур элчиликнинг ташрифидан сўнг икки ўртада адоват тўхтайди. "Матлаи саъдайн"да бу ҳақда қуйидагилар ёзилган:

"Шу орада Банголанинг подшоҳи жунапурлик Султон Иброҳимнинг босқинчилигидан шикоят қилиб, султонлар паноҳининг даргоҳига ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Онҳазрат Жунапурнинг волийсига турли карамлар эгаси бўлмиш шайхулислом хожа Каримуддин Жомий орқали жаҳон бўйсунгувчи бир фармонни юбориб "Бангола мамлакатига ҳужум қилмасин, акс ҳолда бошига нима тушса ўзидан кўрсин", - деб хабар қилдилар.

Жунапурнинг подшоҳи Ҳумоюн фармоннинг мазмуни билан танишгач, Бангола мулкидан босқинчилик қўлини тортди".[75]

Ўша кезларда Жанубий Ҳиндистондан кўплаб кемалар тўхтайдиган мустақил йирик савдо порти бўлмиш Коликут (ҳозирги номи Кожикоде) шаҳрининг волийси ҳам Темурийлар давлати довруғидан таъсирланиб, Мирзо Шоҳрухга элчи йўллагани ва унинг номини хутбага қўшиб ўқиш учун ижозат беришини сўрагани маълум:

"Онҳазратнинг Банголага (юборган) элчилари у ердан қайта туриб, Банголанинг элчилари билан биргаликда Коликутда табоҳи бўлган

---

[74] Ҳофизи Абру. Зайли «Зафарнома»и Шомий. 447-бет.

[75] Ўринбосв А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Тошкент: Фан, 1960. 40-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(фалокатга учраган) эдилар. (Улар орқали Темурийлар) давлатининг тўлиқ сифати ва Онҳазрат салтанатлари қувватининг шарҳи у ер ҳокимининг қулоғига етган эди. Бутун дунёнинг султонлари, шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам, сувдан ҳам элчилар юбориб, илтимосномалар тузиб, у даргоҳни ҳожатлар қибласи ва илтижолар каъбасидек билишлари ҳақидаги сўзни ишончли кишилардан эшитган эди...

Коликут волийси ҳар хил туҳфа ва совғалар туздирди ҳамда бир хабарчини (Шоҳрухга) юборди ва "бу бандарда жума ва ийд (намоз) ларида ислом хутбасини ўқийдилар, агар Онҳазрат рухсат берсалар (хутбани у кишининг) муборак номлари ва лақаблари билан азиз ва шарафли қилсалар",- деб арзга етказди.

Б а й т :

Унинг хутбасининг садоси жаҳон (аҳлига) шундай хуш келиб қолганки,

(Уни эшитган) барча кофирлар ҳам унга майл қилдилар.

У (Коликут волийси)нинг хабарчиси Банголадан келаётган элчилар билан биргаликда муборак даргоҳга етиб келди. Унинг хабарчиси сўзга уста бир мусулмон киши экан. Суҳбат асносида "агар Онҳазрат Коликут волийсига нисбатан иноят кўргазсалар ва унинг учун махсус бир элчи юборсалар, токи элчи бориб, - "раббинг йўлига (кофирларни) ҳикмат ва яхши ваъзлар билан ундагин!",- деган оятнинг талабига мувофиқ, уни ислом динига даъват қилиб, унинг қоронғу дилидаги зулмат ва хатокорлик қулфини очса (шояд), имон нурининг шуъласи ва маърифат офтобининг ёруғлиги унинг дили даричасидан кирса – бу, албатта, савобли ва тўғри иш бўлар эди",- деган сўзларни айтди. Онҳазрат хабарчининг сўзини маъқул топиб амирларга элчи тайин қилишни буюрди. Амирлар тайин рақамини фақирнинг (номига) тортдилар....[76]

Алқисса, хоқони саъид (Шоҳрух) ҳазратлари Коликутнинг волийсига атаб от, пўстин, тилладўзи дакала ва кулоҳи наврўзи тайин қилган эдилар".[77]

Шу тарзда Абдураззоқ Самарқандий мазкур элчиликни бошлаб, 1442 йили йелга чиқди ва Форс қўлтиғи ҳамда Ҳинд океани орқали Жанубий Ҳиндистондаги Коликут бандарига етиб боради: "Шу йили (845/1442 йил) бу варақларни (Ҳиндистон сафарномасини) ёзиб тугалловчи Абдураззоқ ибн Исоқ жаҳон султони (Шоҳрух)нинг фармонига мувофиқ Ҳурмуз вилояти ва денгиз соҳилларига - (Ҳиндистон ярим оролининг

---

[76] Ўша асар. 40-бет.

[77] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коликут шаіри жойлашган жануби-ўарбий соіил їисмига) їараб сафарга отланди",[78] - деб ёзади у єз сафарномасида.

Абдураззоқ Самарқандий беш ойдан ортиқроқ вақт Коликут шаҳрида қолади. Шундан сўнг Жанубий Ҳиндистондаги энг йирик давлат – Бижанагар подшоси Коликут волийсига Темурийлар давлати элчисини унинг ҳузурига жўнатиш тўғрисида мактуб йўллайди ва Абдураззоқ мазкур давлатга ташриф буюради.[79]

Абдураззоқ Самарқандий муҳим элчилик вазифасини муваффақиятли адо этиб, 848/1444 йили Ҳиротга қайтиб келади. Унинг сафари ҳозирги Эроннинг жанубий ҳудудлари орқали ўтиб, сўнгра Форс қўлтиғидан денгиз йўли билан давом этган. У Ҳиндистон сафаридан қайтишида ҳам шу йўналиш билан юрган. Абдураззоқ элчилик сафаридан Ҳиротга етиб келганида, у билан бирга Вижаянагар подшосининг элчиси Ҳиндистонда яшовчи хуросонлик хожа Муҳаммад ва Деҳли султонлигининг ҳукмдори Фатҳхоннинг элчиси хожа Жамолиддин ҳам келгандилар.[80] Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори Мирзо Шоҳрух элчиларни катта мамнуният билан қабул қилади ва улар билан бирга ўз номидан мавлоно Насруллоҳ Жунободийни элчи қилиб юборади.[81] Бироқ, ушбу элчиликнинг кейинги тафсилотлари ҳақида маълумот қайд қилинмаган.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг Ҳиндистонга элчилик сафари хотираларини кундалик шаклида ёзиб қолдирган ва бу ёзма ёдгорлик ҳозирги вақтда Темурийлар давлати дипломатияси тарихи бўйича муҳим манба саналади. У форс тилидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва чоп этилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темур ҳукмдорлиги чоғида ҳам, унинг авлодлари салтанатида ҳам халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган.

---

[78] Ўша асар. 31-бет.
[79] Ўша асар. 43-44-бетлар.
[80] Ўша асар. 64-бет.
[81] Ўша асар. 64, 74-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Б. Йўлдошев, проф. СамДУ.

Ўзбек халқи қадимдан ўзлигини билган ва билдирган халқ сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган. Темурийлар даврининг асосчиси соҳибқирон Амир Темур бадиий образининг ўзбек адабиётида ва халқ оғзаки ижодида акс этиш жараёнини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур сиймоси XX аср ўзбек адабиётида энг кўп адолатсизликларга сабабчи бўлган эди. Шўролар тузуми даврида Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни, хизматлари ва шахсияти нотўғри баҳоланган эди. Ваҳоланки, Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихидагина эмас, балки Машриқ (шарқ) ва Мағриб (ғарб) халқлари тарихида ҳам ўчмас из қолдирган буюк бир шахс эди.

Темурийшунослик тарихида 1996 йил алоҳида ўрин тутади. Чунки, худди шу йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинган ва буюк Соҳибқироннинг 660 йиллиги бутун жаҳон миқёсида кенг нишонланган эди.

Шу кунга қадар бадиий адабиётда Амир Темур образини яратиш масалалари мамлакатимизда махсус ўрганилганича йўқ. Чунки, шўролар даври мафкураси бу мавзуни тадқиқ этишга имкон бермасди. Мустақиллик йилларида "Темур тузуклари", "Амир Темур ҳикматлари", Низомиддин Шоший билан Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"лари нашр этилди. Н. Аҳмедовнинг "Амир Темур. Ривоят ва ҳикоятлар", М. Қодировнинг "Темур ва Темурийлар даврида томоша санъати", Ф. Сулаймонованинг "Темурийлар даври санъати. Навоий ва Беҳзод", М. Ашрафийнинг "Темурий ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси", А. Ҳайитметовнинг "Темурийлар даври ўзбек адабиёти", Л. Кэрен ва А. Саидовларнинг "Темур ва Франция" номли йирик татқиқотлари нашр этилди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда темурийшунослик илмининг шаклланиши ва тараққиётини бошлаб берди. Натижада Амир Темур образи яратилган шеърлар, лиро-эпик, насрий ва драматик асарлар ҳам бирин-кетин майдонга кела бошлади. Бу ўринда Б. Аҳмедовнинг "Амир Темур", Е. Березиковнинг "Великий Темур", Т. Джульматовнинг "Юный Амир Темур" романларини, Х. Давроннинг "Соҳибқирон набираси" қиссасини, Ж. Субҳоннинг "Безовта руҳ" достонини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, мустақиллик даври ўзбек адабиётида Амир Темур образининг бадиий талқини учун ёзувчи Муҳаммад Алининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Сарбадорлар", "Улуғ салтанат", Пиримқул Қодировнинг "Она лочин видоси" романлари, шоир Маъруф Жалилнинг "Соҳибқирон" драматик қиссаси ҳам бой материал беради.

Амир Темур образи яратилган драматик асарлар ҳам ўзбек адабиётида мустақиллик йилларда майдонга келганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шоир Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" ҳамда Одил Ёқубовнинг "Фотиҳи Музаффар ёхуд бир париваш асири" драмалари Ўзбек драматургиясида катта воқеа бўлди. Бу икки драмада ҳам Амир Темур ҳаётининг сўнгги олти йили воқеалари асос қилиб олинган. А. Орипов ўз драмасига аниқ тарихий воқеликни асос қилиб олиб, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид ривоят ва нақлларни ана шу воқелик таркибига вобаста қилади. О. Ёқубов эса ўз драмасига Соҳибқирон ҳақидаги ривоят ва нақлларни асос қилиб олиб, тарихий воқеликни ана шу фольклор материаллари таркибига сингдириб юборади. А. Орипов ўз асарида Ангора яқинидаги жанг пайтида Соҳибқироннинг банди қилинган Султон Боязидга муносабатига тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндошади. О. Ёқубов драмасида эса Султон Боязид қўл-оёғи боғланган маҳбус қиёфасида эмас, балки Амир Темур марҳамати билан озодликка эришган мағлуб султон ҳолида тасвирланган.

"Соҳибқирон" ва "Фотиҳи музаффар... " драмаларининг ўзига хослиги Амир Темурнинг ғолиб ҳолда Самарқандга қайтиш воқеалари тасвирида ҳам яққол кўзга ташланади. А. Орипов ўз драмасида Соҳибқироннинг Самарқандга қайтиши, ҳорижий мамлакатларнинг элчилари шарафига зиёфатлар бериши, Конигилда набираларининг тўйини ўтказиши, адолатсизлик қилган амалдорларни жазолаши каби тарихий фактларни киритади. О. Ёқубов эса Соҳибқироннинг Самарқандга кириб келишини бош меъмор билан ўртасидаги миш-мишларга чидай олмай ўзини ҳалок қилган Сулувкўз фожиаси тасвири билан якунлайди.

О. Ёқубов ўз асарида Амир Темурни улуғ саркарда, ошиқ ҳукмдор, истеъдодли дипломат, меҳрибон ота сифатидаги қирраларини ёритишга эришган бўлса, А. Орипов Соҳибқироннинг суюкли ёр, қаттиққўл ота, меҳрибон бобо, буюк лашкарбоши, адолатли ҳукмдор, моҳир ва билимдон дипломат, дин ва маданият ҳомийси, тадбиркор саркарда, санъат ва шеърият мухлиси сифатидаги фазилатларини тўлароқ очиб беришга интилади. Энг муҳими, бу икки асарда ҳам Амир Темур сиймоси реал ҳаётдагидек жиддий, салобатли ва самимий қилиб тасвирланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАН ФАРЗАНДИ

М. Олтинов, проф. НДПИ.

Тарихда шундай воқеалар, шахслар бўладиларки, улар жамиятнинг ҳам, унда яшаётган кишиларнинг ҳам сиёсий тақдирини, ижтимоий мавқеини ўзгартириб юборадилар. У тарихий воқеа – мустақиллик. У тарихий шахс – Амир Темур. Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида шуни миллий ғурур билан таъкидлаймизки, Ўзбекистон Мустақиллиги ана шундай улуғ воқеалар сирасига киради. У мамлакатимиз халқларининг XX аср сўнгтида қўлга киритган улуғ тарихий ғалабасидир. Истиқлол – бу нафақат сиёсат, балки маънавият ҳамдир. Аниқроғи миллат маънавиятининг, ақл-заковатининг, интеллектининг, менталитетининг сиёсатда намоён бўлишидир. Ўзбекистон мустақиллиги миллатнинг нафақат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий келажагини белгилаб берди, балки ўтмиш тарихини, қадриятларини, онгини мустамлакачилик, тоталитар совет мафкураси асоратларидан ҳам тозалади. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллигини Амир Темурдан ва айни Соҳибқирон ҳазратларини истиқлолдан алоҳида мушоҳада қилиш тарихий ҳақиқат мантиғига хилоф бўлади. Демоқчимизки, Ўзбекистон мустақиллигида ватандошимиз Соҳибқирон Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли ҳазратларининг ҳам мажозий ҳиссалари, руҳониятлари бор. Ўзбекистон мустақиллиги Ватан фарзанди Амир Темурни улуғлади. Ўз навбатида Соҳибқирон ҳам истиқлолга фидойилик билан хизмат қилмоқдалар. Ўзбекистон Президенти И. Каримов фахр билан таъкидлаганидек: «Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда».[82]

Ҳамиша пурҳикмат ватанимиз Ўзбекистон истиқлолининг умри боқий бўлсинки, бизга «жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси»,[83] аждодимиз, бобокалонимиз соҳибқирон Амир

---

[82] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 167-бет.

[83] *Қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, // «Ўзбекистон овози». 1995 йил, 1 январь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темурни қайтариб берди. Истиқлол туфайли темуршунослик тарихида биринчи марта Мустақил Туркистон давлатининг асосчиси ва шоҳи Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати ва шахсий фаолияти юқори давлат даражасида ва халқаро миқёсда нишонланди. Амир Темур истиқлолдан нур олди. Амир Темур – Ватан, миллат фарзанди. Мозийда Туркистонда ўтган Ватан фарзандларининг пешқадамларидандир. Ватан фарзандлари, одатда шахсий манфаатларини четга суриб қўйиб, халқи, миллати учун астойдил хизмат қиладилар. Чунки, Ватан фарзандлари катта маънавий салоҳиятга эга бўладилар. Уларнинг маънавий имкониятлари бир кишига хизмат қилиш доирасидан чиқиб, улкан, қудратли ижтимоий кучга айланади. Натижада, у ижтимоий куч халқига, ватанига хизмат қила бошлайди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов маънавий омилларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳамияти ҳақида: «Маънавият-инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир»,[84]–деб таъкидлашлари юқоридаги фикримизга асосдир. Демоқчимизки, Соҳибқирон Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли ҳам, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам Ватан озодлиги, мустақиллигига, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий юксалишига хизмат қилган катта маънавий салоҳият соҳибларидир. Улар ўзи табиатан шундай инсонлардир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда нутқ сўзлаб: «Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади... Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор»,[85] – деб алоҳида таъкидлаган эди. Агар ана шу илмий ҳақиқат мезонига амал қилсак, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришишида ва уни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий каби жиҳатлардан мустаҳкамлашда унинг Сарбонининг алоҳида ўрни, ҳиссаси бор. Буни энди ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу ижтимоий аксиома. Катта маънавий имкониятларга эга бўлган инсонлар улуғ ишларни режалаштирадилар. Ўзбекистон Президенти И. Каримов ана шундай

---

[84] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 81-бет.

[85] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш –давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 181-192-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта маънавий салоҳиятга эга бўлган йирик давлат раҳбари, халқаро сиёсий арбобдир. Демоқчимизки, Ислом Каримовни буюк интелект, менталитет соҳиби – миллат, Ватан, замон берди, етиштирди. Миллат Ватанига хизмат қилган улуғ ақл-заковат соҳиблари бўлган фарзандлари билан фахрланади.

Истиқлол Амир Темурни юқори давлат сиёсати даражасида улуғлади. Ўз навбатида Соҳибқирон Амир Темур ҳам яна Ватан мустақиллигига маънавий хизмат қилиб келмоқдалар. Амир Темурни «ўлдирамиз» деганларнинг ўзлари ўлиб кетдилар. У қизил, калтабин «доҳий»лар тушунмадиларки, миллат, Ватан дарди билан яшаган улуғ инсонларни ўлдириб бўлмайди. Чунки, улар ҳаётликларидаёқ ҳеч қачон «ўлмаслик» чорасини кўриб қўйганлар. Бу – тарихнинг ҳеч қаерда ёзилмаган, ҳамма ҳам дарҳол ҳазм қила олмайдиган фалсафасидир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватан, миллат олдидаги, буюк хизматларидан бири – ажнабий ҳукмдорлар томонидан топталган миллий давлатчилик институтини қайта тиклаб, қонун ва адолат асосида янада ривожлантирганлигидадир. Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати деганда – уни бошқарув тизими, ички ва ташқи идора тартиблари назарда тутилади. Истиқлол йилларида бу хусусда жуда кўп китоблар, мақолалар ёзилган. Жумладан, Амир Темур давлатчилиги, унинг моҳияти ва аҳамияти, халқаро нуфузи масаласи Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқларида ҳар томонлама илмий, сиёсий қамровда таҳлил қилиб берилган. У кишининг «Эҳтиром», «Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин», «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир», «Азалий буюклик маскани», «Соҳибқирон камолга етган юрт», «Адолат ва қудрат тимсоли», «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз»[86] ва бошқа ўнлаб мақола, расмий ҳужжатларда Амир Темур давлатчилик сиёсатининг барча жабҳалари ҳақиқат меъзонида истиқлолчасига илмий, холисона изоҳлаб берилди. У киши фахр билан таъкидлаганидек: «Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки

---

[86] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 360-бет; Бунёдкорлик йўли дан. 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 340-бет;Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 166-170, 171-174, 175-178, 179-180, 181-191-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади».[87] Ислом Каримов асарларида Амир Темур давлатчилик сиёсатининг тамойиллари қуйидагича таҳлил қилиб берилди:

Биринчидан, Мовароуннаҳрда XIY асрнинг 50-60-йилларида мулкдор қатлам вакиллари ўртасида сиёсий кураш, ўзаро низолар авж олганди. Амир Темур ҳокимиятга келиши билан ягона марказлашган давлат барпо этилди. Ўлканинг барча вилоят ва кентлари ягона марказга, ҳукмдорга бўйсундирилди. Ташқаридан бўладиган барча истилоларга қатъий чек қўйилди. Мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатилди. Мовароуннаҳрда яна мустақил ижтимоий ҳаёт бошланди. Бу ўта муҳим ижтимоий омиллар жамиятнинг сиёсий мустаҳкамланишига, иқтисодий, маданий юксалишига асос бўлди. Истиқлолнинг бутун моҳияти, мақсади, куч-қудрати ҳам шунда. Фақат истиқлол руҳи билан мулку-миллат, лашкар ва раиятни бошқарингиз[88], деган даъватга Амир Темур ва Темурийлар даврида қатъий риоя қилинди.

Иккинчидан, мустақил Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий юксалишида Амир Темур давлатида амалга оширилган ҳарбий, иқтисодий – хўжалик, молиявий, маданий ва бошқа ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этди. Чунки, мустақиллик ҳаётий зарур ислоҳотлар йўли билан мустаҳкамланади. Бинобарин, улар жамият ва халқ манфаатларига қаратилади. Ўша даврда Мовароуннаҳрда Амир Темур давлати бош ислоҳотчи вазифасини бажарди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этди. Агар ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар кенг халқ оммаси манфаатларига қаратилмас экан, унинг аҳамияти, натижалари ҳам чегараланган бўлади. Бу даврда Мовароуннаҳрда ишсизликнинг бўлмаганлиги, барча аҳоли маълум бир касб билан машғул бўлганлиги, уларнинг турмуш шароити тубдан яхшиланганлиги, давлатнинг ички ва халқаро нуфузи ошганлиги ислоҳотларнинг муваффақиятидир. Президент И. Каримов фахр билан таъкидлаганидек: «Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси... Амир Темур қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлатни барпо этди».[89]

Учинчидан, ўзбек давлатчилиги тарихида юксалиш ва тараққиёт босқичлари ниҳоятда кўп ва ранг-баранг. Бироқ, Амир Темурнинг давлатчилик институти шу тараққиётнинг чўққисида туради. Демоқчимизки, марказлашган, такомиллашган, қонун ва ижтимоий адолатга асосланган давлат бошқарув тизими барпо этилди. Бундай

---

[87] Ўша асар. 185-бет.
[88] Ўша асар. 169-бет.
[89] Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 342-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлат бошқаруви ҳали дунёнинг бирон-бир минтақасида шаклланмаган эди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: «Амир Темур давлати ҳақиқатда ҳам катта куч ва қудратга эга эди. Аммо, Соҳибқирон ўз давлатини ақл-заковат билан, ҳуқуқий демократик қонунлар асосида дунёвий ва шаръий қадриятларга таяниб бошқарди. У кишининг бизгача етиб келган «давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим»[90], деган фикрлари миллий давлатчилигимизнинг туб мазмун-моҳиятини англатиб турибди.

Тўртинчидан, Амир Темур давлатчилик сиёсатининг янги сифатлари мамлакатнинг иқтисодий-хўжалик жиҳатдан тез ривожланганлигида, шаҳарлар ўзининг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб, йирик ҳунармандчилик, савдо, маданий, маъмурий марказларга айланганлигида, деҳқончилик маданияти юксак даражада тараққий этганлигида кўриш мумкин. Президент И. Каримов асарларида Амир Темурнинг Туркистон ва унинг ташқарисида олиб борган ободонлаштириш, бунёдкорлик фаолияти аниқ тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган. «Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас... Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоатларини қурдирган... Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган»,[91] -деб таъкидлаган И. Каримов.

Бешинчидан, Амир Темур давлатининг маданий сиёсати биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Соҳибқироннинг таваллудига бағишлаб эълон қилинган давлат ҳужжатларида Амир Темур фан ва маданият ҳомийси деб қайд этилган. Ҳақиқатда ҳам Амир Темур фан ва маданият тараққиёти жамиятнинг маънавий асоси эканлигини англаб, мамлакатда кўплаб мадрасалар, мактаблар барпо эттирди, илм-фан соҳибларига нафақалар тайинлади, уларга қулай маиший-турмуш шароитлари яратиб берди. Шарқ дунёсининг қайси шаҳрига борса, у ерлик олиму фозиллар билан суҳбат қилиб, баҳслашиб, уларни Самарқандга таклиф этди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанди фирдавсмонандда Мавлоно Абдулмалик, Саййид Шариф Журжоний, Хожа Муҳаммад Зоҳид Бухорий, Мавлоно Аҳмад,

---

[90] Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 185-бет.
[91] Ўша асар. 187-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулқодир Марағий, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Абру, Ибн Арабшоҳ, Ибн Холдун каби ўнлаб қувваи ҳофизали ақл-заковат соҳиблари қўним топиб, ижод қилганлар. Президент И. Каримов асарларида фахр билан баён қилинганидек: «тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди».[92]

Олтинчидан, ҳозирги замон жаҳон макроиқтисодиётида ишлаб чиқаришни интеграциялаш, ягона иқтисодий макон, глобаллашув ва жамиятни модернизациялаш каби омиллар долзарблашиб бормоқда. Бу ижтимоий-иқтисодий талаблар ўзбек миллий давлатчилигида янгилик эмас. Улар Амир Темур давлатида ўша замон талаблари даражасида қарор топган эди. Амир Темур давлатини дунё билар ва танир эди. Бинобарин, Соҳибқирон ўз салтанатининг истиқболини қўшни давлатлар билан фаол сиёсий–дипломатик, иқтисодий-маданий алоқаларда кўрди ва амалда шунга эришди. Шарқнинг нафақат Хитой, Ҳиндистон, Миср, Рум давлатлари билан, ҳатто Европанинг Франция, Англия, Италия, Испания каби қиролликлари билан турли йўналишда давлат алоқалари ўрнатилди. Бунга Франция қироли Карл IV, Испания ҳукмдори Генрих III, Англия қироли Генрих IV лар билан олиб борган ёзишмалари, мактублар (бизгача етиб келган) яққол мисол бўла олади. Амир Темурнинг «дунё савдо аҳли ила обод бўлажак» деган фикри давлатнинг ташқи сиёсати кўламини, ундан халқлар баҳраманд бўлишини англатиб турибди. Президент И. Каримов асарларида таъкидлаганидек: «XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди».[93] Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, мустабид совет адабиётларида Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати деганда фақат ҳарбий ҳаракатлар назарда тутилиб, Соҳибқиронни босқинчиликда айбланган эди (Совет давлатининг ўзи қизил босқинчи эди-ю, бу ҳақда гапириш мутлақо ман этилган эдида). Амир Темур узоқ йиллар ҳарбий юришлар қилганлиги аниқ, бироқ уларнинг бирортасини ҳам босқинчилик уруши деб бўлмайди. Уларнинг ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган сабаблари мавжуд. Бу энди тарихий аксиома. Бунинг учун ўша давр тарихини, Амир Темурнинг Ватан, миллат манфаатларига қаратилган сиёсатини пухта билиш зарур.

---

[92] Ўша асар. 188-бет.
[93] Ўша асар. 186-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Еттинчидан, Ислом дини –Амир Темур давлатида миллий ва умуминсоний маънавий қадрият, ягона эътиқод, мафкура вазифасини бажарган. Чунки, жамият ҳам, шахс ҳам эътиқодсиз яшай олмайди. Амир Темурнинг ўзи ҳам ислом дини арконларининг катта билимдони бўлган. И. Каримов асарларида таъкидланганидек: «Амир Темурнинг Қуръони каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону-диёнати қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради».[94] Амир Темур шайхулислом, саййидлар, уламолар, қорилар орқали жамиятда тинчликни сақлаш, уни маънавий юксалтириш, одамларни ислом дини фарзлари талаблари асосида тарбиялаш жараёнини янада фаоллаштирган.

Президент И. Каримов асарларида адолатли таъкидланганидек: «Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра бу – мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир. Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас».[95] Демоқчимизки, бу даврда ислом дини жамиятнинг маънавий юксалишига, аҳолининг дунёқараши, тафаккури ўсишига беқиёс ҳисса қўшган. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида ифодаланганидек давлат, жамият ва аҳоли ўртасида муносабатлар қонуний тус олган.

Мухтасар қилиб айтганда, XIV асрнинг 80-90-йиллари – XV аср бошларида Амир Темур давлати дунёда энг тараққий этган қудратли салтанат эди. У Соҳибқирон давлатчилик сиёсатининг амалдаги ибратли натижаси эди. Миллатнинг мустақиллиги, тинч-осойишталик мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётига олиб келди. Давлатнинг ички ва ташқи фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёт даражаси – унинг ташқи сиёсати кўламини белгилаб беради. Демоқчимизки, Амир Темур давлати ташқи фаолиятининг мустаҳкам ижтимоий-сиёсий асослари мавжуд эди. Шунинг учун ҳам уни дунёнинг нуфузли давлатлари тан олди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилди.

Ўқитувчи ва ўқувчи ёшларимиз шуни ҳам назарда тутишлари керакки, ўзбек миллий давлатчилик институти тарихида Амир Темур давлатчилиги алоҳида ўринда туради. Бу ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган ижтимоий аксиома. Бироқ, шу давргача шаклланган иқтисодий, маданий қатламни ва у Амир Темур давлатчилик сиёсатида маънавий

---

[94] Ўша асар. 189-бет.
[95] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асос бўлганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Демак, Амир Темур даврида ги тараққиёт фақатгина шу даврга хос, тасодифан юз берган ҳодиса эмас. Ўзбекистон Президенти И. Каримов асарларида бу хусусда адолатли таъкидланганидек: «...қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган».[96] Ана шунинг учун ҳам Амир Темур давлатчилиги ҳали амалда бўлмаган янги, ноёб, адолатли, ҳуқуқий институт бўлиб тарихга кирган-ки, ундан мустақил Ўзбекистон ҳам унунмли баҳраманд бўлмоқда. Надоматлар бўлсинки, узоқ тарихга эга бўлган ана шу миллий давлатчилик институтимиз мустабид совет ҳукмронлиги йилларида менсилмасдан атайлаб инкор этилди. Чунки, собиқ совет давлатининг ўзи миллийликдан тамоман йироқ, улуғ давлатчиликка асосланган, европалашган қизил тоталитар империя эди. Бу зўравонликка Ўзбекистон мустақиллиги чек қўйди. Бинобарин, истиқлол – бу миллий давлатчилик институтининг янада ривожланиши учун жуда қулай давр. Чунки, мустақиллик шароитида миллий давлатчилик қадриятларининг юксалиши ва янада такомиллашиши учун зарур сиёсий, иқтисодий имкониятлар, омиллар намоён бўлиб бораверади. Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг билимдони ҳам, ташкилочиси ҳам Ислом Каримов. Шунинг учун ҳам у кишининг асарларида миллий давлатчилигимиз масаласи, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати, холисона илмий таҳлил қилинган. Бу билан у киши Амир Темурни истиқлолдан баҳраманд қилди.

Улуғ аждодимиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги, Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида у киши барпо этган миллий давлатчилик қадриятларини хотирлаш маънавий фойда ва савобдир.

---

[96] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 182-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

З. Зойиров, доц. НДПИ.

Мамлакатнинг ривожи, осойишталиги ва ободончилиги соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида айтганидек «... уч нарса мулк, хазина ва лашкар билан... » таъминланади.

Солиқ белгилаш ва йиғиш мамлакат хазинасининг муҳим манбаи, давлатнинг эса таянчи ҳисобланади.

Барча давлатларда бўлганидек Амир Темур салтанатида ҳам солиқларни белгилаш ва ундириш, хазинани яратиш ва ундан фойдаланиш асосий эътиборда бўлган. Солиқлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тартибга солиш ҳамда бошқаришнинг муҳим қуролларидан бири бўлишидан ташқари юрт ободончилиги, фан, маданият ва санъат, маориф, соғлиқни сақлашнинг молиявий манбаи деб ҳисобланган. Кўп минг сонли сипоҳлар солиқлардан келадиган тушумлар ҳисобига сақланган.

Солиқлар сиёсатини амалга ошириш мақсадида мамлакатда вазирликлар тайинланган. Шулардан мамлакат ва раият вазири, омонат мулк вазири, салтанат ишларини юритувчи (кирим-чиқимларнинг ҳисобини олиб борувчи) вазир–молия мунсабатларини юритувчилар бўлиб, хазинани тўлдириш ва ундан фойдаланиш ишларига тўлиқ жавобгар бўлганлар.

Шунингдек, Амир Темур давлатининг тасарруфидаги сарҳадлар ва ҳудудлар бўйича ҳам учта вазир тайинланади. Улар молия ишларини ва даромадларини назорат қилиб борадилар.

Ҳар бир идорада кирим-чиқимларни, даромад ва буромадларни ёзиб борувчи котиб ҳам тайинланган. Шу тариқа буюк Амир Темур салтанатининг солиқни йиғувчи ва хазина ишларини юритувчи ижро тизими юзага келтирилган.

Солиқ сиёсатида, асосан уч нарса Соҳибқиронинг диққат-эътиборида бўлган :

Солиқ тўлашнинг мажбурийлиги;

Солиқ тўловларнинг табақалаштирилиши;

Айрим табақадаги аҳолининг солиқлардан ва тўловлардан озод қилинганлиги.

Солиқлар ундиришнинг объектлари бўлиб, фуқароларнинг мол-мулки, ер, турар жойлари, мулкдорларнинг ерлари, корхоналари, (ҳунармандчилик устахоналари), савдогарлик, тижоратчилик даромадлари, бож ва хирожлар ҳисобланади. Шунга мувофиқ солиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўловчи субъектлари бўлиб оддий фуқаролар, хусусий мулк эгалари, ҳунармандлар жамоалари, савдогарлар, тижоратчилар ҳисобланади. Солиқнинг манбаи бўлиб, асосан ер, мол-мулк, ҳунармандчилик, тижорат ишларидан келадиган даромадлар хизмат қилади.

Солиқлар миқдорини белгилашда ва ундиришда юксак инсонпарварлик ҳамда адолат билан иш юритилган «Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлаш керак», деган эди Амир Темур. Чунки, халқнинг хонавайрон қилиниши пировардида хазинанинг камбағаллашуви ва давлатнинг заифлашувига сабаб бўлади, деб ҳисобланган. Шунинг учун :

Солиқ тўловчиларнинг моддий шароити, яшайдиган ва меҳнат қиладиган ҳудудларини ҳисобга олиб табақалаштириш лозим;

Аҳолидан олинадиган солиқларнинг имтиёзлилиги ёки айрим тоифаларнинг умуман озод қилинганлиги (майиб-мажруҳлар, жангдан тан жароҳати олганлар, навкарлар, диндорлар...) ҳисобланади.

Солиқлар фуқароларнинг розилигига қараб натура ёки нақд пул билан олинган.

Даромадга солинадиган солиқлар, унинг умумий миқдорини 25-35 фоизини ташкил этган, холос. «Чунончи, доим, узлуксиз, равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундан ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссани раиятга, бир ҳиссасини олий саркорлик (давлат хазинаси)» учун олсинлар, деган эди Амир Темур.

Янги ўзлаштирилган ерлар, суғориш учун қурилган сув иншоатлари, янгидан яратилган боғ-роғлар, ўзлаштирилган ташланлиқ ерлар учун уч йилгача солиқ ундирилмаган.

Агар маҳаллий амалдорлар нотўғри солиқ олиб оддий фуқароларга жабр етказса ва зарар келтирса, улардан зарарни ундириб, жабр кўрганларга қайтарилган. Шу тариқа фуқароларнинг моддий аҳволини яхшиланишига ёрдам берилган.

Ери бўлиб, уни обод қилишга кучи етмайдиган кишиларга эса моддий ёрдам берилган.

Жуда кўп ер-сув, дўкон, корхона, тегирмон, об-жувоз, бозор, карвонсаройлардан келган даромад масжид, мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда мусофирхона ва шифохоналарнинг кундалик эҳтиёжи учун сарфланади.

Солиқ йиғишнинг яна бир муҳим томони шундаки, Амир Темур ўз салтанати таркибига кирган мамлакатлардан олиниши лозим бўлган барча солиқларни марказий девонга тўпламасдан, балки ҳар қайси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳудуддан тушадиган солиқларни улусларга, туманларга топширган ҳамда уларнинг ихтиёрида қолдириладиган маблағларни маҳаллий харажатлар учун берган.

Яна бир эътиборли, адолатпарварлик шунда бўлганки, забт этилган ҳар бир мамлакатдан олинадиган солиқлар, ерлик халқнинг райига, хоҳиш-истагига қараб олинган.

Амир Темур буюрадики, «Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс холда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар».

Шундай қилиб, Амир Темур давлатида олиб борилган солиқ сиёсати адолат ва инсонпарварлик тимсоли бўлиб, унинг бозор муносабатларига кириб бораётган Ўзбекистон учун ўрнак бўладиган томонлари кўп, деб ўйлаймиз. Чунки:

Биринчидан, солиқларнинг иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи функцияси ҳозир ҳам долзарблигича қолмоқда. Ҳали ҳам мавжуд солиқ тизимида унинг фискал томони анча сезиларли салмоққа эга;

Иккинчидан, Амир Темур давлатида солиқлар даромаддан олинган бўлса, бизда эса у яқингача фойдадан олиб келинганлиги натижасида мулк эгалари устма-уст солиқ тўлаб келишди;

Учинчидан, Амир Темур давлатида солиқ объектларининг кўпайиши учун ҳуқуқий, моддий, молиявий, ташкилий шарт-шароит яратилган.

Ҳозирги вақтда солиқ юки муаммоси ўтиш даврини бошидан кечираётган барча давлатларнинг иқтисодиётида кескин намоён бўлмоқда. Иқтисодий-ижтимоий вазифаларни чуқур ва кенг қамровли эканлиги бу муаммони ўрганишнинг қанчалик юқори аҳамиятга эга эканлигини аниқлаб беради. Солиқнинг фискал ва рағбатлантирувчи функциялари ўртасидаги мутаносиблик амалга оширилаётган таркибий ва институционал ислоҳотларнинг мақсади ва асосий йўналишларига мос келиши керак.

Ушбу мақсадга мувофиқ солиқ сиёсатининг вазифалари :

-Иқтисодиётда солиқ юкини келажакда янада пасайтириш;

-Солиққа тортишнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш;

-Самарасиз давлат харажатларини қисқартириш ва уларни муқобиллаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Демак, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг жорий этган солиқ тизими ва юритган солиқ сиёсати ўз замонаси учунгина эмас, ҳозирда ҳам ўзининг қадр-қимматини ва долзарблигини йўқотгани йўқ. У ўзининг ижтимоий йўналиши билан юксак баҳоланади ва амалий аҳамиятга эгадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛМ-МАЪРИФАТ

Ғ. Темиров, т. ф. д. НДПИ.

Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб фарзандларни ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. Масалан, "Авесто" таълимотига биноан, фарзанд улғайгач, ота-онаси уни, албатта, "мактаб"га ўқишга беришлари шарт бўлган. Фарзандига савод ўргатмаган ота-она, ҳатто жиноятчилар қаторига киритилган. Муғ тоғи қалъаси, Марв, Ниса ва Тупроқ қалъа Шаҳристонларидан топилган қадимий ҳужжатлар Марказий Осиёда саводхонлик яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради. Панжакент ва Афросиёб қалъаларидан топилган суғд тилидаги алифбо ва хат машқлари тасвирланган сапол идишларнинг синиқлари ҳам Мовароуннаҳрдаги қадимий мактаб таълими ҳақида сўзлайди. Мовароуннаҳрда мусулмон мадрасалари IX аср охири X аср бошларида, яъни сомонийлар даврида қурила бошлаган[97]. Таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольд мадрасаларнинг ватани Балхга ёндош бўлган Амударёнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган юртлар деб ҳисоблайдилар. Тарихчи Муҳаммад Наршаҳийнинг фикрича Мовароуннаҳрдаги биринчи мадраса Бухорода 937-938 йилларда рўй берган ёнғиндан талофат кўрган Фаржек мадрасаси бўлган. Бундан ташқари, ўша даврда Бухорода алоҳида илмий мактаб ҳам мавжуд бўлган. Манбаларга қараганда, ўша даврда Самарқанд ҳам Мовароуннаҳрдаги фан ва таълим марказларидан бири бўлган. Айниқса, сомонийлар даврида (X аср) Самарқандда 17 та мадраса қурилган бўлиб, уларда Ислом дини ва таълимотидан ташқари дунёвий фанлар ҳам ўқитилган[98]. XI аср ўрталарига келиб Самарқандниинг қорахонийлар давридаги ҳокими Иброҳим Тимғочхон, Буғрохонлар даврида ажойиб бир мадраса бунёд эттирганлар. Бу мадрасани қуриш тафсилоти ҳақидаги воқифномага кўра, бу даврга келиб, Мовароуннаҳрда мадрасага мўлжалланган алоҳида бино қуриш тарғиботи меъморий жиҳатдан, асосан шаклланган бўлиб, унга биноан мадраса биносида мачит, дунёвий илмлар ўрганиладиган дарсхоналар, қуръон ўқиладиган хона – мактаба, "Адаб" ўрганиладиган хона – мажлис, ётоқхоналар – ҳужра, ички ҳовли ва мўъжаз боғ – бўстон бўлишлиги кўзда тутилади. IX-XII асрларда Марказий Осиёдан етишиб чиққан қатор дунёга машҳур олимлар: Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (780-847), Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий (870-950), Абулқосим

---

[97] Абдуллаев В. А., Валиходжаев Б. Н. Дихание веков. Самарканд, 1970.С.43.
[98] Ўша асар. 44-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фирдавсий (984-1005), Абу Лайс Самарқандий(1005 йил вафот этган), Абу Райҳон Беруний(973-1048), Абу Наср ибн Ироқ Мансур (1036 йил вафот этган), Ибн Сино (980-1038) ўша даврларда, Мовароуннаҳрда илм–маърифат ва маданиятнинг яхши ривожланганидан далолат берувчи маданий-маърифий бинолар қурилганлиги, "Байт ул–ҳикма", "Маъмун академиси" каби илм марказларини ташкил этиш анъана тусига кириб қолганлигидан далолат бериб турибди. Лекин, илм–маърифат соҳасидаги бундай ижобий анъаналар чингизийлар даврига келиб (1222-1370) тамоман тўхтаб қолган эди.

150 йил, яъни бир ярим аср ичида Мовароуннаҳрда илм–фан бобида разолат ҳукм сурди. Фақат Амир Темур даврига келиб мамлакатда қайта осойишталик ўрнатилди, тарихий–маърифат, урф – одатлар қайта тикланиб, ривож топа бошлади. Негаки, Амир Темур нафақат мамлакат ижтимоий–моддий тараққиётининг, балки фан ва маданиятнинг ҳам жонкуяр ҳомийси бўлиб майдонга чиқди. У ўзининг Самарқанддаги саройига илму фаннинг турли соҳалари бўйича иқтидорли олиму шоирларни чақириб олди. Шу ерда бир нарсани айтиш керакки, Амир Темурнинг ўзида ҳам илмга иштиёқ зўр бўлганлиги учун у тарихни, фиқҳ ва ҳарбий илмни яхши билган ҳамда меъморчилик, фалсафа, табобат, айниқса юлдузшуносликка қизиқар, шунингдек, шеърият ва мусиқани ёқтириб ўзлари ҳам шеърлар ёзганлар.

Амир Темур ўз она тилида–турк, ўзбек тилидан ташқари форс ва араб тилларида бемалол сўзлашган. Шуни айтиш керакки, Амир Темир етти ёшга тўлмасданоқ, билим олишни бошлаган эди. У сўзлар жадвалини бемалол ўқий олган. У ҳокимият тепасига келгач ҳам ўзининг атрофига илмли кишиларни йиғиб, китобга меҳр қўйди, илм–маърифатни тарғиб этди. Унинг Самарқанд аркидаги Кўксаройида улкан кутубхона ташкил эттириб, бу ерда шарқ тилларидан ташқари юнон, лотин ва умуман жаҳон тилларида битилган нодир илмий ва диний асарларни тўпланганлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Амир Темур замонасида Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳамда Ҳиротда юзлаб фозилу уламолар, минглаб аҳлу ҳунар эгалари ижод билан машғул эдилар. Ўша даврда Амир Темур саройида турли муддатларда фаолият кўрсатган машҳур қомусий олимлардан Қозизода Румий, Мавлоно Аҳмад, Садуддин ат-Тафтазоний, Саййид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний, Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жажарий, Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий, Хожа Абдумалик Самарқандий, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний, Ҳофизи Абру, Ғиёсиддин Али, Шарафуддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Масалан, Садуддин ат – Тафтазоний (1389 йили Самарқандда вафот этган) тафсир, фиқҳ, мантиқ, ислом

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақидалари ва бошқа илмларда замонасининг ягона кишиси бўлиб, кўпгина асарлар битган[99]. Шамсуддин ал-Жазарий – истеъдодли ҳадисшунос олим. Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий (1419 йил вафот этган) улуғ тафсирчи, ҳадисчи, ҳофиз бўлиб, қурьоннинг юз жилдлик шарҳини тузган. Мавлоно Шамсуддин Мунший эса машҳур котиб, туркча, форсча, арабчадан даврининг "малик ул-каломи" бўлган, Ҳожи Бандгир Табризий моҳир ҳаттотлардан, Ҳожа Абдумалик Самарқандий–машҳур шоир ва уламо, Амир Темур замонасида Исмоил тахаллусида шеърлар битган. Хусомуддин Иброҳимшоҳ Кирмоний ва Мавлоно Жамолуддин–табобат илми соҳиблари (Жамолуддин Шомда табобат раиси бўлган). Абдулқодир ал-Яфроний ва унинг ўғли Сафиуддин–мусиқашунос бўлганлар. Али Шайх шатранж бобида Амир Темур билан беллашган алломалардандур. Мавлоно Аҳмад Қозизода Румий билан бирга ишлаган иқтидорли астраном олим. Тожиддин ас-Салмоний эса тарихий асарлар ёзган Амир Темур девонининг арбобларидандир. Мавлоно Абдужаббор Амир Темурнинг таржимони, Шом (Сурия) олимлари билан бўлган суҳбатда таржимонлик қилган, камоли фиқҳ, машҳур татқиқотчи олим Ҳофизи Абру эса Амир Темур хизматида муншийлик қилиб, кейинчалик жўғрофия ва тарихшунос олим сифатида танилган. Ғиёсиддин Али Язлий диний олим ҳисобланиб, Темурнинг Ҳиндистон юришида қатнашган, 1399 – 1403 йиллар орасида Темур буйруғига биноан ушбу юриш ҳақида "кундалик" ёзган, тарихчилардан Низомиддин Шомий эса Амир Темур ҳаёти даврида (1405 йилгача) унга бағишлаб "Зафарнома" асарини ёзиб тугатган эди. Самарқандда ушбу олимлар ёрдамида билимини орттирган ва кейинчалик машҳур олим бўлиб етишган илми толиблар ҳам бор эдики, улар орасида 12- 20 ёшлик чоғида саккиз йил Самарқандда яшаган дамашқлик ибн Арабшоҳни кўрсатиш мумкин. Амир Темур уни Шомни забт этгач, 1401 йили Самарқандга олиб келган эди. Ибн Арабшоҳ Самарқандда форс, турк ва мўғил тилларини ўрганди.

Сайид Шариф Журжоний ва Шамсиддин ал–Жазарий каби машҳур олимлардан таълим олади. Кейинчалик 1436 – 1437 йилларда Амир Темур даври ва унинг фаолияти ҳақида "Ажойиб ал–мақдур фи-аҳбору таймур" ("Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари") номли машҳур тарихий-бадиий асарини ёзиб, дунёга танилади. Ибн Арабшоҳ: "Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ... . Олимларга меҳрибон бўлиб, Саййиду Шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан муқаддам кўрарди.

---

[99] Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Тошкент: Меҳнат, 1992.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларни ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Душманларига нисбатан аччиқ юзли, қабиҳ дўстлари учун асал сингари ширин (сўз) у, хушгаба эди. Амир Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У табиатан масҳарабоз шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни (ўзига) яқин тутиб, уларнинг гапларига эътибор қилар, сўзларини тинглар эди. У ўз фикрини пешлаш мақсадида муттасил шатранж ўйнарди[100], деб ёзади. Яна бир ўринда у Темурни : "Тарих китоблари подшоҳлар саройлари ҳақида ҳикояларни доимо – сафарда ҳам уни қунт билан тинглаган эди"[101],- дейди. Амир Темур машҳур араб алломаси Ибн Холдун билан қурган суҳбатида ҳам, асосан ундан тарих ҳақида: араб подшолари, уларнинг қандай давлат бошқаришлари ва сиёсат юритишлари, пайтида Амир Темурнинг ўзи ушбу билимлардан яхши хабардор бўлган ҳолда, Ибн Холдун билимини имтиҳон айлаган ҳам эди.

Истеъдодли давлат арбоби Амир Темурнинг теран маънавиятини, айниқса унинг тарих ва жўғрофияни яхши билганлигидан, ўз ҳузурига олиму фозиллар, ислом уламолари, ҳунар аҳлини (якка ёки давра суҳбатларига) тез–тез чорлаб турганлигидан, деб ҳам фикрлаш мумкин. Айниқса, Соҳибқирон томонидан уюштирилиб туриладиган олиму фозилларнинг кенгашларидан бирида Амир Темурнинг сўзлаган нутқига эътибор берайлик : "Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаётирсизлар. Меннинг мақсадим – мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳакимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берингиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат қонунларига мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди... Эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш–бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам бершларингизни илтимос қиламан". Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур ушбу нутқни ҳижрий 806 йилда Байлақон шаҳрида (Озарбайжон ҳудудида жойлашган) сўзлаган. Бу шаҳарни Амир Темур қайта

---

[100] Ўша асар.
[101] Ўша асар. 69-70-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъмирлатган, шунинг учун барча кенгашларни шу ерда ўтказган. Умуман, Темур ўзининг кенгашларини Самарқандда ёки ҳарбий юришлар вақтида ўзи забт этган ёки қайта қуриб обод этган шаҳарларда ҳам ўтказиб турганлигини кўрамиз.

Амир Темурнинг Дамашқни забт этганда Ибн Холдун билан учрашгани ва олимлар билан суҳбат қургани бунинг исботидир. Юқорида Амир Темурнинг нутқидан келтирилган сатрлар унинг халқпарварлигини, бунёкорлигини ҳамда бу йўлда фан ва маданият вакилларини устун деб билганлигини яққол кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, Темур даврида фаолият кўрсатган барча олиму фозиллар, ҳунар соҳибларига қулай ижодий имконият ва особийшта маданий–илмий муҳит яратилган эди. Амир Темурнинг Кўксаройдаги улкан кутубхонаси эса Самарқанд олимлари хизматига берилганди. Кўксаройдаги илмгоҳдек нодир кутубхонани ўша даврда Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо ҳам ўз улусининг пойтахти Хиротда ташкил этганди. Амир Темур ва ўғли Шоҳрух Мирзонинг кутубхоналарида машҳур Юнон олимларидан - Афлотун, Птоломей кабиларнинг асарлари, шунингдек, мовароуннаҳрлик олимлардан – Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Насриддин Тусий, Замаҳшарий ва бошқаларнинг илмий асарлари тўпланган эди. Шу ерда бир нарсани айтиш жоизки, Амир Темурнинг ҳаётида қатъий эътиқод қилган ва амал қилган тадбирлардан бири бу – битик китоблардир. Амир Темурнинг фикрича, "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл – идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир"[102]. Бу сатрлар Темур номи билан ривоятларда келтирилсада, булар Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки, унинг ўгитларида ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди. "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар " деган ҳикматли сатирлар ҳам буни исботидир.

Амир Темур маънавиятининг яна бир қирраси шунда кўринадики, у «Темур тузуклари» номли машҳур асарни даставвал ўз ўғил неваралари, яъни Темурийларга атаб яратди. "Тузукларни" яратишда у ўзигача ўтган султонларнинг қонунларини ўқиб ўрганади, донолардан сўраб-суруштиради. Ҳар қайсиларининг йўл–йўриқлари, қилиқ-қилмишлари, айтган гапларини хотирасида сақлайди. Хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилади, ёзиб "Тузук"ка солади. Давлатларнинг таназзулга учраш сабабларини суруштиради ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақланиш тадбирларини кўрсатади. Фарзандларига ҳамма вақт уламо билан суҳбатда бўлишни ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга суянишни ва

---

[102] Амир Темур ўгитлари. Тузувчилар: Б. Аҳмедов, А. Алимов. Тошкент: Наврўз, 1992.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишонишни уқтиради. Амир Темурнинг илм-маърифатга қаратган катта эътиборини унинг "Тузуклар"ида ҳам кўриш мумкин. Унда, жумладан, шундай сатрларни ўқиймиз: "Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир (Қуръони каримни изоҳлаш, шарҳлаш), ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим". Дарҳақиқат, Амир Темур замонасида Нишопур, Шероз, Бағдод, Марв, Хоразмдан Самарқандга жалб қилинган уламо ва мударрислар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Ҳирот мадрасаларида илгаригидан ҳам ортиқроқ маош ва иш ҳақи олиб мударрислик қилар эдилар. Амр Темур ўзининг "Тузук"ларида катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурш ҳақида ҳам алоҳида амр этган. Бундай тартиб-қоидаларга, энг аввало Темурнинг ўзи риоя қилган бўлиб, айни пайтда ва кейинчалик уларни Соҳибқиронинг ўғил ва неваралари, Темурийлар ва аъёнлари давом эттирдилар. Темурнинг шахсан ўзи ҳам бир нечта мадрасалар қуришга ҳомийлик қилганлигини айтиб ўтиш айни муддаодир. Масалан: Самарқандда "Бибихоним" мадрасаси қурилишига розилик берган, невараси Муҳаммад Султон номидан мадраса ва хонақо қурдирган. Бордию, бу мадрасаларни қуришга Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним ва ўшанда энди 17 ёшга кирган невараси шаҳзода Муҳаммад Султон жазм қилганида ҳам, барибир қурилишни бошлашга ва уларга кетган асосий сарф-харажатлар Темур розилиги билан, унинг хазинасидан ажратилган эди. Шунингдек, Темур Шаҳрисабзда ҳам уламоларни ёш авлодга дарс бериши учун яхши шароит яратиб берганди. Айниқса, "Дор ут-тиловат" шундай илм масканларидан бири эди. Албатта, бу жойда дастлаб диний илмлар ва адаб ўрганилган, лекин ушбу масканнинг аслида каттакон ҳовлили мадраса бўлганлиги аниқ. Шаҳрисабзнинг Темур даврида "Қуббат ул-илм вал адаб", яъни "Адаб илмининг гумбази" деб ном олиши ҳам бежиз эмас эди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Темур даврида Самарқанд ва Шаҳрисабз мусулмон дунёсининг илм ва маърифат марказларига айланган эди. Яссадаги Амир Темур қурдирган Хожа Аҳмад мақбараси аср бошиданоқ йирик мажмуа, иншоат бўлиб, у мақбарадан ташқари масжит ва мадраса вазифасини бажаришга ҳам мўлжалланган эди[103]. Бунинг учун мажмуада алоҳида хоналар ва катта кутубхона ташкил этилганди. Мажмуанинг Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси деб номланиши унинг таркибида мадраса хизмати мавжудлигини кенг жамоатчилик тасаввуридан яшириб келди. Аслида ушбу мақбара мажмуаси ҳам ўз даврининг илм-маърифат масканларидан бири эди. Мажмуанинг

[103] Нагимбек Нурмухаммедов. Мавзолей Хаджи Ахмеда Яссавий. Алма – ота, 1980.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бугунги кунда ҳам Туркистон мусулмонларининг масжид–мадрасаси сифатида фойдаланиб келинаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Амир Темурнинг "Тузуклар"ида мадраса ва хонақоҳлардан ташқари шаҳарларда касаллар учун шифохоналар қуриш ва уларга табиблар тайинлаш ҳақида ҳам амр этилган. Ўша даврда Амир Темур алоҳида шифохона қурдирганлиги ҳақида адабиётларда маълумот йўқ, албатта. Амир Темур даврида уламо-улуғлардан бўлган Мир Саид Шариф Журжоний (1330-1414) аввал Шерозда мударрислик қилиб, 1387 йилдан Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келган ва бу ердаги дор уш–шифода ўз фаолиятини давом этиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бизга Темур даврида Самарқанддаги Кўксарой таркибида доруш–шифо хизмати ташкил этилганлиги маълум. XI аср вақфномасининг гувоҳлик беришича, 1046–1068 йилларда Самарқандда ҳокимлик қилган Иброҳим Тимғочхон 1066 йилнинг ўрталарида шаҳарнинг Ривдод кўчасидаги даҳада шифохона (дорул шафақа) жорий этади[104]. Шифохона касалларни даволашдан ташқари ёш талабаларни табобат илмига ўқитиш учун ҳам мўлжалланган. Ушбу шифохона мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бордию, у Темур даврига ча бузилмай ёки таъмир этилиб, фойдаланиб келинган бўлса, Мир Саййид Шариф Журжоний ушбу доруш–шифода ёки Кўксарой шифохонасида мударрислик қилган бўлади.

Кўриб турганингиздек, Амир Темур даврида нафақат мадрасада, балки доруш–шифода ҳам мударрислар фаолият кўрсатиб, табобат илмининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Амир Темур "Тузуклар"ига амал қилиб, касаллар учун шифохоналар қурдирган Темурийлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Хуросон ҳукмдори Султон Абу Саййиднинг (1459–1469) катта хотини Милкат оғани (у киши Ҳирот шаҳрида доруш-шифо қурдиради) ҳамда Шоҳрух Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлани (у ҳам Ҳиротда шифохона қурдирганлигини) кўрсатиш мумкин[105].

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Амир Темурнинг нафақат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ҳамда табобат илмини ривож топтиришда ҳам хизматлари жуда катта бўлган. Бу фикрларни баён қилишимиздан мақсад шуки, халқимиз ичида кейинги йилларга қадар ҳам Амир Темурнинг шохона сарой ва кўшклар, боғ–истеҳкомлар ҳамда руҳонийлар маслаҳатига эргашиб фақат диний иморатлар-масжид ва мақбаралар қурдирган, деган тушунча мавжуд бўлиб, улуғ

---

[104] Ўша жойда.

[105] Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. Тошкент: Фан, 1990. 12-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бобомизнинг маданий-маърифий биноларга, айниқса мадраса ва илмгоҳлар қурилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ каби нотўғри фикрлар онгимизга сингдирилган эди. Бошқачароқ қилиб айтганда Темурийлар даврида илм-маърифат фақат Улуғбек давридан бошлаб ривож топган, деб тушунтирилар эди. Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўлдики, соҳибқирон Амир Темур невараси Улуғбекка қадар ҳам ўзининг салтанатида илм-маърифат тараққиётига эътибор бериб, кўпгина илмгоҳлар қурилиши бобида ҳам бир қанча саъй-ҳаракатлар қилган.

АМИР ТЕМУРНИНГ МАМЛАКАТ ТАШҚАРИСИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Х. Раупов, Р. Қаршиев, Ж. Нуруллаев, НДКИ.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг фаолияти давомида кўплаб ҳарбий юришларга қарамасдан, бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор берган. Соҳибқирон Мовароуннаҳрни бошқариш, ҳарбий юришлар билан доимо банд бўлиши билан бир қаторда, бу буюк шахснинг дунё аҳлини лол қолдирган машҳур иморатлар, боғу бўстонлар яратиши, чўлларни обод қилиши, каналлар қаздириши, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожлантириши, йўллар ва кўприклар қурдирши, маърифат ва маданият обидалари, шифо масканлари барпо этиши бугунги кунда ҳар бир кишини ҳайратга солади. Амир Темур бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун азалдан мавжуд бўлган имкониятларни ва ўз тасарруфида бўлган мамлакатларнинг қўли гул усталари, меъморлари салоҳиятидан унумли фойдалана билган.

Тарихдан маълумки, жаҳонда кўплаб дунё фотихлари ўзларидан сўнг авлодларига ҳавас қилса арзийдиган даражада мерос қолдирмаганлар. Соҳибқирон Амир Темур жаҳон аҳли ҳавас қилса арзийдиган меъморий-маданий ёдгорликлар, турли хил иншоатларни ўз авлодларига меърос қилиб қолдирди. Амир Темур даврида бунёд этилган тарихий ёдгорликлардан бизгача сақланиб қолган Самарқанддаги Бибихоним жоме масжиди, Шоҳизинда меъморий ёдгорлиги, Гўри Амир мақбараси, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Доруссаодат ва Доруттиловат каби монументал иншоатлар бугунги кунда ҳам ўзининг маҳобати ва гўзаллиги билан ўша даврдаги меъморлар ва усталарнинг юксак дидидан дарак бериб турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур нафақат Мовароуннаҳрда, балки ундан ташқарида ҳам бунёдкорлик фаолиятини олиб борган. Бу тўғрисида тарихий манбалар ва адабиётларда кўплаб маълумотлар келтирилган.

Амир Темур 1393 йилда Озарбайжонга юриш қилиб, Султония ва Табризни эгаллайди. Кузда Темур Нахичевон, Карс ва Грузияни забт этиб, Қорабоққа қишлаш учун келади. Амир Темур бу ерда Дербент ҳимоя иншоатларини таъмирлатади ва уни мустаҳкамлайди. Маълумки, 1399 йил Амир Темур Ҳиндистон юришидан сўнг, орадан тўрт ой ўтмасдан, яна Эрон ва Озарбайжонга йўл олади. Темур олдин Табризга, сўнг Нахичевон ва Олинжа қалъасига келади. Қорабоғда қишлаб, Шамҳур орқали Кичик Осиёга юриш қилиб, у ерларни ўзига бўйсундиради ва яна Қорабоғга қайтади. Соҳибқирон бу ерда ободонлаштириш ишларини олиб боради. 1401 йилда Бойлаконда қазилган суғориш канали бу жойларда деҳқончилик, боғдорчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Ушбу канал Аракс дарёсидан бошланиб Бойлақон яқинидаги Саржабил деган жойда тугаган. Унинг узунлиги маълумотларга кўра 60-70 км бўлиб, Темур уни «Барлос нахри» деб аташга кўрсатма берган. Бу тўғрисида Низомиддин Шомий шундай ёзади: «Ободончилик боисларидан бири, балки олтита зарурриятлардан бири - сувдир. Инсоннинг тириклигининг туррунлиги сув билан боғлиқдир. (Шулар боис Соҳибқирон хазратнинг) ҳисравона ҳиммати ва подшоҳона иродаси у жойда яшовчилар ва ҳосу омнинг фаровонлиги учун бир нахр қазимоққа жазм қилди: жаҳон итоат этувчи фармон содир бўлдики, Аракс наҳри канорасида бир ариқ чиқарсинлар, у Байлақондан ўтсин, шу жойда яшовчи одамлар, экинзорлар ва қишлоқлар истеъмолидан ортиғи Кур наҳрига бориб қуйсин, узунлиги олти фарсах, кенглиги тахминан ўн газ бўлсин»[106].

Шунингдек, Соҳибқирон фармони билан Бойлақон (Аракс ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган мавзе. 1221 йилда мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган) шаҳри қайтадан тикланди. «(Амир Темурнинг) олий ҳиммати жаҳон аҳли аҳволини осойишталигига қаратилганлиги ва шунга сарфланаётганлиги туфайли равшан қалби ойнасида шу нарса юз кўрсатдики, «Турон мамлакатида машҳур мавзеларни иморат қилганимиздек, Эрон мамлакатида ҳам биз ҳазратдан ёдгорликлар қолгай... Амир Соҳибқирон ҳазрат хоҳладики, ундан жаҳонда подшоҳона осорлар ва ҳисравона ёдгорликлар боқий қолгай. Бинобарин, Байлақон ерида бир мавзеда шаҳар бино қолишга 66 олий ишорат содир бўлди. Бир шаҳар тархини чиздилар; у кенг бир девор, чуқур бир ҳандақ, тўртбурчак шаклида бозор, кўп уй - жойлар, ҳаммом, сарой, майдон ва чаманзорлардан иборат эди. Шаҳар

---

[106] Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Тошкент, 1996. 377 - бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворининг айланаси шаръий газда икки минг тўрт юз газ, девор кенглиги ўн бир газ, баландлиги кунгуралари тепасигача ўн беш газга яқин, ҳандақнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги қарийб йигирма газ, шаҳар девори бўйлаб соқчилар ва посбонлар учун уйлар белгиланган, унинг тўрт томон бурчагидан ҳар биридан бир бурж - манора кўтарилган, чиқар жойлар, тош отиладиган жойлар тартибга келтирилган...»[107]

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Хуросонни забт этгандан сўнг, 1381 йилда Мурғоб дарёсидан канал қаздиради ва Марв воҳасини ободонлаштириш тўғрисида фармон эълон қилади. Амир Темур даврида амирлар ҳамда давлат амалдорлари ҳам каналлар барпо этишга раҳбарлик қилганлар. XV асрда яшаган Ҳофизи Абру бундай каналлардан 20 дан ортиғининг номларини келтиради: Дилкушо, Ганчравон, Ганчхона, Умар Тиабон, Шайх Али ва бошқалар, Амир Темур, шунингдек, Қобул яқинидаги Бадэн канали, Хўжанд ёнидаги Хиставарда йирик суғориш тизимини ишга туширган. Бу суғориш тизими Жўйи Мугли деб аталган. Сувнинг келтирилиши бу жойларда қишлоқлар ва турар жойлар барпо этилишига, боғдорчилик ва деҳқончилик ишларининг ривожланишига олиб келган.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» сида ёзилишича, Амир Темур Сайрамга бориб, Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг отаси Иброҳим Шайх, оналари Қорасоч она, машҳур шахслар Қозий Байзовий, Лутфулло Сарёмий, Оқ ота, Қирқ Чилтон бобо, Қутоиддин аллома кабиларнинг қабрларини зиёрат қилганлар. Зиёратдан сўнг Амир Темур маҳаллий ҳокимларга Сайрамда Балогардон бобо, Биби Чиёс она ва бошқа бузрукларга мақбара тиклашни буюрган. Амир Темурнинг Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдириши унинг буюк кишиларга бўлган эҳтиромини кўрсатади ва бу мақбара олти асрки жаҳон аҳлини қойил қилиб турибди.

Хулоса қилиб айтсак, Амир Темур нафақат ўз юртида, балки бошқа юртларда ҳам меъморчилик, ободончилик ишларини олиб борди. Амир Темур тарихда нафақат дунё фотихи сифатида, балки ўзининг донишмандлиги, адолатпарварлиги, халқ дарди билан яшайдиган, юрт ободончилиги ва фаровонлиги учун қайғурадиган буюк сиймо сифатида қолди.

---

[107] Ўша асар. 372 - бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ЖАЗО СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

М. Муқимова, х. ф. н. СамДУ.

Маълумки, ўз таркибига 26 давлатни бирлаштирган Амир Темур империяси аниқ ишлаб чиқилган ижтимоий адолат қоидаларига асосланган жазо сиёсатисиз бошқарилиши қийин эди. Бу сиёсат энг аввало, мусулмон давлатида амалда бўлган ислом ҳуқуқи ва ўша даврнинг конституциявий ҳужжати бўлган «Темур тузуклари»да ўз ифодасини топган. «Тузуклар»да жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш, хусусан мансабдор шахслар томонидан ўз мансабини суиистеъмол қилганлик жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона–дорул-аморат ташкил қилиш, қози аскар, аҳдос ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

«Тузуклар»дан кўринадики, Амир Темур очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзига ром қилган, адолат ўрнатишга ҳаракат қилиб, иложи борича жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилган. Айниқса, мансабдор шахслар томонидан мулкни ўзлаштириш, талон-торож қилиш ҳолларида одиллик билан иш тутганлигини кўриш мумкин. Хусусан, молия вазирлари давлатнинг молия ишларига хиёнат қилиб, ўзларининг қўл остидаги мол-мулкдан ўзлаштириб олган бўлсалар ва агар бу уларга тааллуқли маошга тенг бўлса, ўша ўзлаштирилган маблағ давлат хазинасига совға, инъом сифатида қайтариб олинган. Агар унинг миқдори маошдан икки баробар ортиқ бўлса, мол-мулки тортиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилган.

«Тузуклар» жиноят ва жазо масалаларида Амир Темур ўз мамлакатида қадимий турк-мўғул анъаналари, удумларига, шунингдек, Чингизхоннинг Ясо қонунларига ҳам амал қилганлигидан далолат беради. Хусусан, «Тузуклар»да «Ўғрилар хусусида буюрдимким, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ясо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар» [108], - дейилади.

Темурбек давлатида бу каби ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги, уларнинг ҳаракати, бажарилиши ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратнинг бўлиши, шубҳасиз, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

---

[108] «Темур тузуклари». Тошкент, 1996. 94-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар сипоҳий қўл остидаги кишига зулм ўтказса, бунда у хизмат доирасидан ташқари чиққан саналиб, сипоҳийнинг ўзи жабрланувчиларга топширилган. Бу ҳолда жабрланувчи сипоҳийни хоҳлаганча жазолаши мумкин бўлган. Агар катта ва маҳаллий бошлиқлар ўз ваколатлари доирасидан чиқиб, ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказсалар, уларга мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган.

Шунингдек, доруға ва шаҳар волийлари, ҳокимлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос равишда жазога тортиш назарда тутилган. «Тузуклар»да бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо қўлланилиши, яъни агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида гапирилади. Бу каби жазолаш усуллари Темур давридаёқ, айнан бир жиноят учун икки маротаба жазога тортиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Юқоридагилар билан бирга, бир кишининг мол-мулки зўрлик билан тортиб олинганда, унинг мулкини қайтариб олиб бериш билан чекланилган. Баданга жароҳат етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар: тишни синдириш, кўзни кўр қилиш, қулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш, зино қилиш, яъни эрига бевафолик қилиш кабилар жиноят ҳисобланиб, шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширилган.

«Тузуклар» да фақат бир ўринда, яъни мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш тузугида тан жазоси ва қатл этиш тўғрисида очиқ-ойдин ёзилган. Бошқа ҳолларда иложи борича ўлим жазосини қўлламаслик ёки уни қўллаш борасида шошмаслик ва одиллик билан иш кўриш тўғрисида сўз юритилади: «Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим, агар салтанат ишларида улар хиёнат этсалар, салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар. Авваламбор уларни айбловчи ва хабар етказгучиларнинг кимлигини текшириб кўрсинлар»[109]. Шунинг учун Темур вазирларни танлашда уларнинг тўрт хислатларини эътиборга олиб, вазир этиб тайинлаганлигини кўриш мумкин.

«Тузуклар»дан кўринишича, ҳар бир чегара, шаҳар ва вилоятга хабарчи котиблар тайинланган бўлиб, уларга ўз жойларидаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлардан доимо воқиф этиб туриш вазифаси юклатилган, агар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабарларни ёзмасалар, улар бармоқларини кесиш ёки ёлғон хабар берсалар,

---

[109] Ўша асар. 92-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшинга тегишли ишларни яширсалар, қўлларини кесиш каби тан жазосига тортишга ҳукм этилган.

Амир Темур адолатпарвар ҳукмдор сифатида туҳмат ёки ғараз мақсадларда ёлғон хабарлар орқали ҳеч кимни жазоламасликка ҳаракат қилган, бундай шахсларнинг ўзи, одатда қатл этишга ҳукм этилган, шунингдек, мамлакатда бекорчи, ишсизлар, хусусан гадойлар ва тиланчилар сонини камайтиришга ҳаракат қилган. Бу борада гадойлар ва тиланчилар мажбурий ишга жалб этилган, агар шундан кейин ҳам ўз ҳаракатларини давом эттирсалар, узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки бадарға қилиш каби жазоларни қўллаган. Бу билан Амир Темур мамлакатда бекорчилик ва у орқали келиб чиқиши мумкин бўлган турли жиноятларга, жумладан қароқчилик, босқинчилик, ўғриликка қарши курашганлигини кўриш мумкин: «Йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинлансинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар».

Юқоридагиларга кўра, «Тузуклар»даги жазо сиёсатини таҳлил қилиб, унинг ижтимоий адолат, хусусан қонунга риоя этиш, кези келганда инсонийлик, гуноҳига яраша жазо тайинлаш тамойилларига асосланганлигини кўриш мумкин.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТАБИАТГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Г. Шамсиддинова, доц.
Г. Мустафақулова, доц. НДПИ.

Табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уни эъзозлаш, сув, ҳаво ва она заминни пок сақлаш, уларнинг зарарланишига ҳамда ифлосланишига йўл қўймаслик ҳақидаги қарашлар қадим аждодларимиздан ҳозирги авлод кишиларига қолдирилган қалимий мерос, муҳим ҳаётий сабоқдир.

Соҳибқирон Амир Темур давлатни идора қилишда табиатни эъзозлаш, унинг бойликларини асраб-авайлаш, мамлакатларни обод ва фаровон қилиш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, муқаддас она заминда мислсиз гўзал боғлар барпо қилишга жуда катта эътибор берган.

Буюк бобокалонимиз Ватан ободлиги ва мустаҳкамлиги, унда истиқомат қилувчи халқларнинг тўқ ва фаровонлиги, тинчлик ва осойишталиги, фуқароларнинг сиҳат-саломатлиги, маънавий-руҳий, жисмоний соғлом ва бақувватлигига эришиш учун бизни ўраб турган

www.ziyouz.com kutubxonasi

табиатнинг экологик ҳолатини софлиги ва мусаффолигини сақлашга ҳаракат қилган. Амир Темур табиатга бўлган эътибор ҳақидаги масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтариб, табиат бойликларининг мўл-кўл бўлишига, она заминни пок сақлашга ҳаракат қилган. Соҳибқирон Ватан тупроғини муқаддас билиб, ўзбекона қадимий анъаналарга риоя қилган, жаҳон халқлари ва мамлакатлари тажрибаларига асосланиб иш юргизган, ижро этиш учун дастурий қўлланмалар яратган, асарлар, тузуклар битган ва ўз қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилган.

Рус академиги В. В. Бартольд Амир Темур ҳақида қуйидагича ёзади: "Амир Темур ўз даврининг ташаббускор қурувчиси эди: у буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоатлари қурди ва бузилганларини тузатди. Темурнинг бунёдкорлик фаолияти ҳар қандай кишини ҳайратга туширади". Соҳибқирон яратган боғлардан Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Биҳишт, Амирзода Шоҳрух боғи, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Бўлду, Боғи Баланд, Боғи Давлатобод, Боғи Чинор, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Зоғон, Боғи Майдон, Тахти Корача боғи, Боғи Навларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бу боғлар ичида икки хил манзарали муҳит яратилган эди. Серсоя ёпиқ боғларга хиёбонлар, йўлаклар, ҳовуз атрофлари кириб, соясиз очиқ боғларга эса майсазор, бедазорлар ва гулзорлар кирган. Ёпиқ ва очиқ боғлардаги яшил майдонлар бир-биридан ландшафти, ҳавосининг мусаффолиги, намлиги ва иссиқлигига қараб фарқ қилган.

Амир Темур улкан давлат раҳбари ва сиёсий арбоб сифатида ер юзидаги тирикликнинг узвий боғлиқлигини теран тушунган. Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ташқи муҳит, ер, сув, ҳаво билан мунтазам алоқада эканлигини чуқур илмий-фалсафий идрок этган.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихда жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин мамлакатни обод ва гўзал қилишда, ободонлаштириш ва бунёдкорликда, шаҳарларни сўлим боғлар билан сайқаллаштиришда, эҳтимол, бошқа бирон-бир жаҳонгир Амир Темурга тенглаша олмаса керак. Соҳибқирон бошқа жаҳонгирлардан бутун умрини юртни обод ва фаровон қилишга бахш этганлиги билан ажралиб туради. У умр бўйи табиатга меҳр қўйди, янги сув ҳавзалари бунёд қилиб, ариқлар, анҳорлар қаздирди, мамлакатни сув билан сероб қилди.

Бобомиз бунёд этган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зинда каби меъморий обидалар бугунги кунда ҳам эзгуликнинг, тараққиётнинг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсон тафаккури ва ақл-заковатининг бетакрор тимсоли сифатида барчани лол қолдиради.

Темурий шаҳзодалар ҳам Амир Темур йўлини давом эттириб, юртни обод ва кўркам қилишга жиддий эътибор берганлар. Табиатга ўзгача меҳр ва эътибор билан қараш Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуғ зотлар амалий фаолияти давлат сиёсатида устуворлик қилган. Шоҳлик, султонлик қилган йилларида ариқлар, каналлар, анҳорлар, қудуқ ва ҳовузлар қаздириб, сардобалар қурдириб, эл-юртни сувга сероб, хонавайрон жойларни эса обод ва гўзал, шаҳар ва қишлоқларни сўлим боғлар билан чиройли, халқни тўқ-фаровон этмаган биронта темурийзода тарихда бўлган эмас, дейилса муболаға бўлмаса керак.

ЮНЕСКО қарорига асосан Темур ва Темурийлар даври маданияти ва санъатига бағишланган халқаро анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши, 1996 йилни Соҳибқирон Амир Темур йили деб аталиши, мустақил юртда биринчилардан бўлиб Амир Темур орденининг таъсис этилиши, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг Амир Темур ордени билан мукофотланиши, Тошкентнинг қоқ марказида Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилиши, Темурийлар давлати музейининг очилиши мамлакатимизда буюк жаҳонгир бобомизга қанчалик эътибор билан қаралаётганлигидан далолат беради.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур давридан бизгача етиб келган маданий-маърифий ишлар, яратган гўзал боғлар, тарихий обидалари бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Биз соҳибқирон Амир Темурдек инсонларнинг давомчилари эканлигимиздан фахрланамиз.

СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ

А. Холмуродов, доц. НДПИ.

Марказий Осиё халқлари тарихида соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар алоҳида ўрин тутади. Марказлашган буюк давлат яратган Амир Темур ва унинг авлодлари давлатчилик тарихидагина эмас, бунёдкорлик ҳамда илм-фан, маданият, адабиётнинг ҳам ҳомийси сифатида ҳалигача бутун дунё халқларини ҳайратга солади. Ҳақиқатан, Темурийлар даври Уйғониш даври деб аталишида ҳам жуда катта маъно бор. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Қозизода Румий, Али Қушчи, Атоий, Саккокий, Лутфий, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар Темурийлар даври вакилларидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу шоир ва олимларнинг астрономия, математика, тарих, адабиёт, тасвирий санъат ва бошқа илм-фан соҳасида қолдирган меросларн бугунги кунда Европа, Америка ва Осиё олимлари учун татқиқот объекти ҳисобланади. Улар ҳамон тарихий аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк кашфиётлари билан ҳамон дунёни ҳайратга солмоқда.

Темурийлар орасидан ҳам олимлар, шоирлар кўплаб етишиб чиққан. Мирзо Улуғбек, Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбек Соҳибқироннинг энг суюкли невараси.

Республикамиз мустақиллигидан сўнг тарихий мавзуларда бадиий асарлар яратиш анча кенгайди.

Истиқлол берган буюк неъматлардан бири ўзликни англаш, тарихий ҳақиқатни айтиш, энг муҳими бу ҳақиқатни бадииятга айлантириш бўлди.

Абдулла Орипов, Ҳаким Сатторий, Тўра Мирзо, Маъруф Жалил, О. Бўриев, Бўрибой Аҳмедов каби шоир ва ёзувчиларимизнинг Амир Темур ҳақида битган асарларини фахр билан тилга оламиз.

Хуршид Давроннинг "Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси" тарихий далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу қиссада миллат тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Ёзувчи ўқувчини ўз тарихини билишга, авайлаб ўрганишга чорлайди. Миллатни тарих тарбиялайди, дейишади. Тарихий ҳақиқат эса бу жараёнда асосий мезон. Хуршид Даврон шу мезон билан иш кўради. Янгича бадиий тафаккур мевасини худди шу Хуршид Даврон қиссаларида кузатиш мумкин. Хуршид Даврон асарда қаламга олинган шахслар ҳақида чуқур мулоҳаза юритади, ҳар бир воқеани теран таҳлил этади.

Ёзувчи ўз асарида "Турон" ва "Туркистон" каби шукуҳли сўзларга урғу бериб, унинг "турклар юрти" каби кенг қамровли маънога эгалигини таъкидлайди.

Ёзувчи ушбу сўзларнинг шарҳига кенг тўхталади. Қадимий "Авесто" достонида Турон, Туркистон сўзлари учрашини эслаб ўтади. Бу юртнинг шарафини соҳибқирон Амир Темур юксак поғонага кўтарган. Худди шундай ёзувчи Мовароуннаҳр тушунчасини ҳам атрофлича изоҳлайди. Бунинг учун у етарлича далиллар келтиради. Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр тарихида тутган мўътабар ўрни, илму фан соҳаларида олиб борган бетакрор ишлари чуқур эҳтиром билан тилга олинади. Ёзувчи Амир Темурнинг ўлмас руҳига мурожаат қилар экан, кўнглида кечган туйғуларини ёрқинлаштиради. Унинг баҳодирлигида келажак авлод руҳини мустаҳкам этувчи шижоат борлигини маънан ҳис этамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарҳақиқат, истиқлол сабабли Амир Темур номи, унинг жаҳоний шавкати ўз юртига, ўз ворисларига қайтиб келди.

Амир Темур, шубҳасиз буюк саркарда, подшо. Айни пайтда у тенгсиз меъмор юрт ободончилиги учун жон куйдирган юртпарвар, худди шу тарихий ҳақиқат янгича бадиий тафаккур самараси ўлароқ бадиий ҳақиқатга айланди.

Ёзувчи унинг Самарқанд атрофида барпо этган боғлари ҳақида ҳам чуқур қониқиш билан ёзади. Асарда Амир Темур барпо этган боғларнинг Турон тарихининг таркибий қисмига айланганини эътироф этади.

Туронда шоҳлар, амирлар, беклар жуда кўп ўтган. Муаррихлар улар ҳақида ўзларининг фикрларини баён этишган. Амир Темур нафақат ҳукмдор, балки илму маърифатнинг беназир ҳимоячиси сифатида тарихда катта из қолдирган. Ҳозирги кунга қадар Соҳибқирон Амир Темур бош бўлиб яратган боғлар ўзининг тарихий номини сақлаб қолган.

Ёзувчи Амир Темурнинг боғлари ҳақида сўз юритар экан, яна тарихий манбаларга мурожаат этади.

Муаллиф шу ўринда Абу Тоҳирхўжа Самарқандий асаридан қуйидаги парчаларини келтиради:

"Самарқандда Амир Темур Кўрагон солдирган боғларким, Эрам гулистони рашқ қилар даражада, еттита экан:

Биринчиси–Боғи Шимол Самарқанд шимолида. Девори қиёмат ичида. Иккинчиси–Боғи Баланд. Учинчиси–Боғи Беҳишт. Тўртинчиси–Боғи Чинор. Бу икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси–Боғи Дилкушо бўлиб, Конигилнинг жануб томонида. Конигил қўҳак дарёсининг ёқасида, Самарқанднинг энг гўзал ва чиройли еридир. Олтинчиси–Боғи Зоғон–Шовдор туманининг шимол томонида воқедир. Еттинчиси–Боғи Жаҳоннамо–Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда Самарқанднинг жанубида бунёд қилингандир". [110] Ёзувчи мана шу боғларнинг ҳар бирини тарихи ҳақида ҳам фикр юритиб, Амир Темурнинг маърифий дунёсини очиб беради. Дунё тарихида буюк Соҳибқиронга ўхшаган жаҳонгирлар кўп бўлган. Бироқ, Амир Темур бобомиз қолдирган энг катта мерос–унинг шаҳарлар бунёд этгани ва улусни маърифатга чорлаганидир.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ўз даврида жуда кўп давлатларни забт этган. Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни дунё татқиқотчилари томонидан ўрганилмоқда. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур бетакрор шахс.

---

[110] Даврон Х. Амир Темур боғлари // Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси. Тошкент: «Шарқ» нашриёти – матбаа концернининг бош таҳририяти, 1995. 196-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг саркардалик маҳорати ҳам дунёда камдан-кам учрайдиган ҳодисалар сирасига киради.

"Темур тузуклари" да Соҳибқиронинг нечоғлик одил ва маърифатпарвар, тадбиркор ва раҳмдил бўлганлиги ҳақида таъриф берилади. Дунёнинг жуда кўп тилларига таржима этилган бу асар ўз моҳияти билан Соҳибқирон салтанатининг ниҳоятда қудратли ва адолатли бўлганлигини таъкидлайди.

Унинг ҳарбий маҳоратига эътибор берайлик:

"Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди".

Ёзувчининг ушбу асари узоқ изланишлар натижаси ўлароқ, яратилгани сабаб китобхонни ўйлантиради. Шу пайтгача ҳам Амир Темур ҳақида жуда кўп ривоятлар, тарихий ҳикоялар, қиссалар яратилган. Булар ичида Хуршид Давроннинг "Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси" алоҳида аҳамиятга эга.

Амир Темур шахсияти турли замонларда ҳам турлича талқин этилган. Хуршид Даврон ҳам Соҳибқирон абадиятига мурожаат этиб, китобхонлар қалбидан жой олган асар яратди. Ушбу асар ҳам тарихий ҳақиқатни очиб берганлиги, миллий ғурур ғоялари билан суғорилганлиги учун истиқлол даврида айрича аҳамиятлидир.

Амир Темур қаерда бўлмасин, ўз давлатининг куч-қудратини ошириш, миллатининг шаънини кўтариш дарди билан яшаган.

АМИР ТЕМУРНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш. Тўқсонов, доц.
Г. Акрамова доц. ТДПУ.

Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиш, халқ турмушини фаровонлаштириш, «Озод ва обод Ватан» нинг барпо этилиши ҳукмдордан жуда кучли иқтисодий тафаккур ва билимни, қайсидир маънода тадбиркорликни талаб қилади. Бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи–бу тадбиркор, ишбилармон кишилардир. Амир Темур айтганидек: «Ишбилармон, мардлик ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз лоқайд кишилардан яхшидир»[111].

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш раҳбардан зукколикни, узоқни кўра билишни, қолаверса халқ дарди билан ўз танасидаги ярани фарқлай олмасликни талаб қилади. Ўз ватани, халқи деб эртаю кеч ишлаш, курашиш, ёниб, куйиб яшаш зарур бўлади. Амир Темурда мана шу хусусиятлар бор эди.

Ушбу мақолада биз буюк бобокалонимизнинг солиқ сиёсатига оид қарашларини таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун татқиқотнинг асосий манбаси сифатида Амир Темур ҳаёти, жасорати ва иқтисодий сиёсати ҳақидаги «Темур тузуклари»ни ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. «Темур тузуклари» юртбошимиз айтганларидек, «давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар» ҳисобланади.

Амир Темур «Темур тузуклари» асарида мамлакатни бошқариш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириб бориш қоидалари, тамойилларини баён қилиб берган. Амир Темур иқтисодий сиёсатининг заминида инсон манфаати ётади. У инсонларга касб-ҳунар бериш, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик қобилиятларини шакиллантириш, тижорат билан шуғулланувчиларга зарур бўлиб қолганда етарли сармоя бериш ва зарур жой қуриб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилади ва бу тўғрида ўзининг қимматли иқтисодий тавсияларини беради.

«Темур тузуклари»да: «Касбу ҳунар ва маърифат аҳлларига... салтанат корхоналаридан юмуш берилсин... билагида кучи бор фақир, мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар... сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин... деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин... Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин»[112], – дейилган.

Амир Темурнинг иқтисодий қарашларида солиқ масаласи марказий ўринни эгаллайди. Зеро, иқтисодиётни тартибга солишнинг, иқтисодиётни бошқаришнинг, мамлакат иқтисодий равнақини таъминлашнинг асосий молиявий, иқтисодий воситаси–солиқ ҳисобланади.

Амир Темур устувор даражада халқ манфаатини кўзлаб, ўзининг солиқ сиёсатини амалга ошириб боради. У, агар халқ давлатнинг солиқ сийсати орқали камбағаллашиб кетса, давлат ҳам пировард натижада

---

[111] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 15-бет.
[112] Ўша асар. 67-бет

www.ziyouz.com kutubxonasi

камбағаллашиб боришини, аҳолининг тўқ-фаровон турмуши учун адолатли солиқ сиёсати олиб борилиши зарурлигини кўрсатиб ўтади.

«Темур тузуклари»да аҳолидан олинадиган солиқлар, уларнинг ишлаб топган даромадларига қараб белгиланиши, уларнинг қайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида ўз мол-мулки ва сармоясини аямай сарфласа, уларга давлат томонидан солиқ тўлашда имтиёзлар берилиши таъкидлаб ўтилади.

Амир Темур солиқлар орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш хусусида тўхталиб шундай дейди: «Амир этдимки, аҳолидан мол-хирож йиғишда, уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, аҳолини хонавайрон қилиш давлат ҳазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради»[113].

Амир Темур солиқни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғиш лозимлигини таъкидлаб шундай дейди: «Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини аҳолига, бир ҳиссасини олий саркорлик салтанат ҳазинаси учун олсинлар. Ҳосил пишиб етилмасдан бурун аҳолидан молу жиҳот олинмасин... Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар аҳоли солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда очиқ солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар. Калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш, сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар»[114].

Амир Темур ўз асарида солиқлар хусусида тўхталиб: «Агар аҳоли рўйхатга олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча (пул) билан тўлашга рози бўлса...»[115] уларга солиқ имтиёзлари бериш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Амир Темур «Темур тузуклари»да: «Кимки, бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили аҳоли ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ ҳирож йиғилсин. Агар

---

[113] Ўша асар. 98-бет
[114] Ўша асар. 98-99-бетлар.
[115] Ўша асар. 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қурсинлар»[116] –деб таъкидлайди.

Амир Темурнинг иқтисодий қарашларида камбағалларни, етим-есирларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муҳум ўрин эгаллайди. «Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона (камбағал етим-есирга овқат бериладиган жой) солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар»[117].

Соҳибқироннинг бу сиёсати ўз халқининг манфаатини кўзлаб олиб борган иқтисодий сиёсати эди. Бу сиёсат пировард натижада марказлашган, иқтисодий жиҳатдан қудратли, аҳолиси тўқ-фаровон яшайдиган буюк давлатни барпо бўлишига олиб келди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар ҳам, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни ҳам бевосита Амир Темур бобомизнинг иқтисодий қарашлари билан боғлиқдир.

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш борасида илмий жиҳатдан асосланган бир қатор ҳуқуқий, моддий ва молиявий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва самарали амалга ошириб борилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг муҳум устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш мақсадида даромад солиғи ставкасини пасайтириш жараёни амалга оширилмоқда. 2005 йилда даромад солиғининг ставкаси 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилдан бошлаб 12 фоиз этиб белгиланмоқда.

2006 йилдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар ва фоизлар юзасидан тўлайдиган даромад солиғи ставкасини ҳам камайтириш мўлжалланмоқда, бу ставка 15 фоиз ўрнига 10 фоиз этиб белгиланмоқда. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 1 фоиз камайтирилади.

---

[116] Ўша асар. 99-бет
[117] Ўша асар. 100-бет

www.ziyouz.com kutubxonasi

2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар фақат маҳсулот сотишдан 13 фоиз миқдорида ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Бошқача айтганда, солиқ юки 15, 2 фоиздан 13 фоизгача камайтирилди.

Корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан меъёрга солиниши бекор қилинди.

Пенсия ва бошқа ижтимоий мақсадли жамғармаларга иш ҳақи фондининг 31 фоизи миқдоридаги тўловларини 25 фоизга пасайтириш амалга оширилмоқда. Демак, корхоналарда иш ҳақини ошириш бўйича имкониятлар янада кенгайиб бормоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини тарғибот қилишни рағбатлантириш мақсадида реклама солиғи тури бекор қилинди.

Барча хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан ўзлари топширган нақд пул тушуми миқдорида талаб қилинган вақтда нақд пул олиш ҳуқуқи берилди.

Хўжалик субъектларига тушувчи солиқ юкини камайтириш мақсадида 2006 йилдан бошлаб экология солиғи бекор қилинди. Мазкур солиқнинг бекор қилиниши натижасида иқтисодиётнинг реал секторида 80 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳосил бўлади ва бу маблағлар инвестицион фаолликни ошишига олиб келади.

Асосий юк табиий, минерал хом ашё, ер-сув ва бошқа заҳиралардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи ресурс солиқларига тушиши режалаштирилмоқда.

Солиқларни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг асосий хулосамиз юртбошимиз И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларида ифодаланиб келинади: «Бу сиймо мард, танти ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди».[118]

---

[118] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 362-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТУРКИЙ АДАБИЁТГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Т. Хўжаев, доц.
М. Фармонова, доц. НДПИ.

Темурийлар даври адабиёти, адабиётшунослиги, форсий ва туркий ижодкорлар ҳақида маълумот берувчи манбалар анчагина учрайди. Аммо, 90-йилларда илм аҳлига тақдим этилган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" ("Етуклик илмлари") асарида қайд этилишича, "баъзи яронлар "Латофийи Тарозий" ҳам дерлар" бу жиҳатдан яна ҳам қимматлироқдир. Адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг фикрларига кўра, "1436-1437 йилларда ўзбек тилида ёзилган" (Бу ҳақда қаранг: А. Ҳайитметов. Темурийлар даври ўзбек адабиёти". Тошкент, 1996. 19-26-бетлар) ва Мирзо Улуғбекка бағишланган ушбу асарда шеър турлари, қофия ва радиф, бадиий санъатлар, аруз вазнлари, муаммо каби масалаларга алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтилган. Кўринадики, ушбу асарда Навоийгача бўлган давр адабиёт назариясига оид кўпгина масалаларга эътибор қаратилган. Аммо, биз диққатни асардаги бир жиҳатга – туркий тилда ижод қилган шоирлар, уларнинг ижодидан келтирилган мисолларга қаратдик. "Фунун ул–балоға" да XV аср биринчи ярмига мансуб форсий ва туркий шоирлар билан бир қаторда олдинги асрларга мансуб шоирлар номлари, асарларидан намуналар ҳам учрайди.

Маълумки, асар асосан адабиёт назариясига оид. Муаллиф ўз фикрларини асослаш учун Фирдавсий, Саъдий, Аттор, Румий, Ҳофиз Шерозий, Унсурий, Рашид Ватвот, Шарафуддин Али Яздий, Исмат Бухорий, Хоқоний каби машҳур форс-тожик шоирлари асарларидан кўплаб мисралар келтиради. Шунингдек, ғазал, қасида, қитъа, рубоий, фард каби ўн хил шеър жанрлари, қофия ва радиф, бадиий воситалар, тарсеъ, тажнис, ташбеҳ, ийҳом, ирсол ул-масал, иштиҳоҳ, мукаррар каби шеърий санъатлар, вазн кабилар хусусида мулоҳаза юритар экан, бизга таниш, ўзбек китобхонлари орасида анча машҳур Лутфий, Атоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Камол Хўжандий (ҳам форс-тожик, ҳам туркий тилда ёзган), Саййид Насимий кабилар билан биргаликда, Қутбиддин Саройи, Бу Сиёқа, Мавлоно Шамс Ҳисорий, Жалолий, Муҳаммад Темур Буғо, Бу Насақ, Ақча Киндий, Ҳотифий, Ҳожи, Мирзо Бойсунғур каби шоирларнинг ўзбек тилида ёзган шеърларидан байтлар олади. Бу нарса, биринчидан, XV аср биринчи ярмида биз билгандан кўра кўпроқ шоирлар ўзбек тилида ижод қилгани, иккинчидан, улар ҳақида оз бўлсада маълумотга эга бўлиш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

учинчидан, ушбу даврда туркий тилнинг мавқеи оша боргани, бу тилда кўплаб шоирлар ёза бошлашгани, темурий ҳукмдорларнинг бу масалага жиддий эътибор билан қараганликлари ойдинлашади. Айни пайтда юқорида номлари зикр этилган шоирлар ўз даврида анча машҳур бўлган бўлса керакки, назарий фикрларни далиллаш учун уларнинг ижодига мурожаат қилинган. Бу шоирларимизнинг таржимаи ҳоли, ижоди ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш, асарларини топиш ва тадқиқ этиш келажакдаги муҳим вазифалардан. "Фунун ул-балоға" да ўзбек тилидаги байтлар ҳам кўп келтирилган. Кўпгина мисраларнинг муаллифи "Хўжандий айтур", "Мавлоно Лутфий айтур", "Атоий айтур", "Саккокий айтур" тарзида берилса, айримлари "Тарозий айтур" (Аҳмад Тарозийнинг ўз шеърлари, айрим байтлари ҳақида), "Мисоли дигар ҳам бу заиф айтур" шаклида, бошқа бир мисралар эса "Мисоли буким", "Мисоли дигар будур" кўринишида берилиб, муаллифи номаълумдир. Бу шеърларнинг кўпчилиги ҳам Аҳмад Тарозий қаламига мансуб бўлса керак. Булар аниқланиши зарур бўлган ишлардан. "Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма" (А. Ҳайитметов) бўлмиш ушбу асарда қасида, ғазал, қитъа, рубоий, туюқ, маснавий ҳақида гапирилар экан, Мавлоно Лутфий, Саккокий, Ҳожи Ақча Киндий, Мирзо Бойсунғур, Муҳаммад Темур Буғо, Бу Насаҳ, Мавлоно Ҳайдар каби шоирларнинг шеърларидан мисоллар келтиради. Алишер Навоий туюқни "Турк шуароси хоссаси", яъни туркий шоирлар яратиқи, ўзбек адабиётида юзага келган жанр деб баҳолайди. Худди шундай фикрни анча олдинроқ Аҳмад Тарозий ҳам билдирган экан. У шундай ёзади: "Ва бу турк шоирларининг ихтироидур. Муни турклар туюқ дерлар" (Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2002 йил, 1-сон. 83-бет.). Муаллиф шу ерда Муҳаммад Темур Буғо ва Ҳожи Ақча Киндийдан туюқлар келтиради. "Мисоли дигар. Муҳаммад Темур Буғо айтур:

Гар ҳавойи васли дилбар дори дер,
Йўлда тикмишлар муҳаббат дори дер.
Сен агар чин ошиқи содиқ эсанг,
Бу муҳаббат дорини бир дори дер.

Мисоли дигар. Ҳожи Ақча Киндий (Кандий) айтур:
Бергил, эй симинзақан, илик манга,
Неча ёши бўлғасан? Илик манга
Дардингиз дармони жонимдур менинг,
Соғинурлар билмаган илик манга". (Ўша манба. 83-бет)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туюқ сўз ўйинига асосланадиган жанр. Бу жанрда ижод қилиш анча мураккаб. Аммо, XV аср биринчи ярмида туюқнинг яхши намуналари яратилганини биламиз. Лутфий ва Амирийлар бу жанрда маҳорат кўрсатганлар. Худди шу даврда ижод қилган Муҳаммад Темур Буғо, Ҳожи Ақча Киндийларнинг ушбу туюқлари ҳам уларнинг истеъдодли шоир бўлганликларидан далолат беради. Шунингдек, бу даврда туюқ жанрида ижод қилиш бир анъанага айланган бўлса керак, деган фикр уйғотади. Биринчи туюқда "дори дер", иккинчисидаги "илик манга" жумлалари билан чиройли сўз ўйини қилинган. Ҳар бир бирикма уч маънода қўлланган. "Дори дер" – доримоқ, доғ (сиртмоқ), дори дер (малҳам), иккинчисида "илик" – қўл, эллик, эгили мазмунида ишлатилган. "Фунун ул - балоға" да шеърий санъатлар ҳақида кенг маълумот берилган. Ҳар бир бадиий усул, шеърий санъатлар ҳақида гапирилгач, форсий ва туркий шоирлардан байтлар киритилган. Туркий шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Хўжандий, Лутфий, Атоий, Ҳотифий, Ҳожи, Шамс Ҳисорий, Жалолий, Муҳаммад Темур Буғо шеърларидан фойдаланилган.

Ташбеҳ ҳақида мулоҳаза юритиб, Тарозий шундай ёзади: "Ташбеҳи танқис ул бўлурким, бир нарсани бир нарсага одати ташбеҳ бирла ўхшатурлар, нетокким: булут тикин, лолазордек... Ё фалон нарсадек ё фалонга ўхшар; Ё "менгзар", ё "менгизлик", ё "бикин", ё "киби", ё "фалон", ё "расо" янглиғ. Мисоли Жалолий айтур:

Қилур ул кўз ўғурлуқ-ло тутар бурчи,

Анингтекким, замона посбони" ("Ўзбек тили ва адабиёти". 4-сон, 2002 йил. 85-бет).

Ал – истифҳом санъати ҳақида гапириб, бир қатор шоирлардан, жумладан, Ҳотифий ва Ҳожидан мисол келтирилади:

Ҳотифий айтур:

Нечаким қилса жафо ул кўзунг, эй жоду фироқ,
Юз эвургаймену кетгаймен эшикингдин йироқ.

Мисоли дигар. Ҳожи айтур:

Агар юз минг жафо тегса манга ул қошлари ёдин,
Маҳозаллоҳ, кеторгаймен бу кўнглумдан анинг ёдин ("Ўзбек тили ва адабиёти". 2002 йил 5-сон. 89-бет).

Радд ул-ажз алос-садр санъати ҳақида гапирар экан, Жалолийдан қуйидаги байтни олади:

Шайдо дебон алингдин чун мени кеторурсен,
Мендин батар ул юзга чин зулфунг эрур шайдо (6-сон, 77-бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу санъатга кўра биринчи мисранинг бошида келган сўз ("шайдо") иккинчи мисранинг охирида келмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз Лутфий, Атоий, Саккокий, Мавлоно Ҳайдар каби шоирларимизнинг китобхонларга яхшигина таниш асарлари кенг чоп этгирилгани боис, уларнинг шеърларини таҳлилга тортмадик. Аксинча, ўзбек ўқувчиларига деярли номаълум бўлган, шеърий меросидан бебаҳра қолиб келаётганимиз Муҳаммад Темур Буғо, Мирзо Бойсунғур, Ҳожи Ҳотифий, Жалолий, Ҳожи Ақча Киндийлар ижодидан бир – икки байт таҳлилга тортдик. Мақсадимиз, бу шоирларимиз меросини ҳам адабий истеъмолга олиб кириш, ўзбек ўқувчиларини улар билан таништириш. Ва айни пайтда XV аср биринчи ярмида туркий тилда ижод қилиш кучайгани, бу даврдаги ўзбек шоирлари сафи анчагина кенгроқ эканлигига эътиборни қаратишдир.

ТАРИХИЙ МАВЗУ ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

А. Зайниддинова, доц. НДПИ.

Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари тикланмоқда. Бугунги кунда ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, шу она заминга бўлган эътиқодни шакллантириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Она заминга бўлган эътиқод ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқдир. Ватанпарварлик–миллий ифтихоримиздир.

Ватанпарварлик тушунчасига Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича таъриф берган: "Ўзбекистон фуқорасининг ватанпарварлиги–бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг табиатига бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, Республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш–халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғурувчи кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслалаштирувчи асоси ҳисобланади".

Бунинг моҳияти–ватанпарварлик инсондаги барча эзгу хислатларнинг Ватан, миллат, давлат манфаатлари билан боғлиқ эканлигини намоён этади. Инсон маънавиятида ғоявий бўшлиқни вужудга келишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиш лозим. Инсон

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавиятига истиқлол ғояси аждодлар ўгити, улар қолдирган маданий мерос намунаси билан сингдирилади. Инсоннинг фазилатлари унинг маънавий негизлари айнан тарихий меросимиз орқали шаклланади. Шу сабаб ўзбек халқининг тарихига қайта-қайта мурожаат қилиниши, буюк сиймолар образини яратилиши бежиз эмас.

Буюк давлат арбоби Амир Темур ана шундай буюк сиймолардан биридир. Амир Темур ҳақида маълумотлар кўп, ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан топилмоқда. Соҳибқирон Амир Темур шахси тўғрисида тарихий манбалар асосида академик Иброҳим Мўминов, Бўрибой Аҳмедов, Турғун Файзиев, Поён Равшанов каби олимлар, шунингдек, кўплаб тарихчилар, адабиётшунослар, ёзувчилар асар ёздилар, бу борадаги татқиқот ишлари давом этмоқда. Ушбу татқиқотда санъаткор ёзувчилар томонидан Амир Темур сиймоси қандай ёритилганлиги ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Амир Темур – улуғ шахс. У бизнинг илдизимиз – бугунимиз, эртамиз. Бу сиймодан авлодлар маънавияти озиқ олади. Гоҳида билиб, билмай ана шу илдиз кесиб қўйилган вақтлар ҳам бўлган. Тарихий воқеаларни ҳаққоний ёритиш ўрнига, бугунги кун қолипи билан ўлчанадиган, сиғмаганини эса қирқиб ташланган даврлар ҳам бўлган. Башариятнинг буюк сиймосини бугунги авлодга етказиш анча мураккаб вазифа. У санъаткордан катта истеъдодни талаб этади. Кашфиётчи тарихий муҳитни тафаккуридан ўтказиб, қайта тиклаб, уни китобхонга етказишдек машаққатли жараённи бошқариши керак.

Ёзувчи Одил Ёқубов Темурийлар сулоласининг маълум бир даврини қаламга олиб, бу орқали Темурийлар салтанатининг инқирози сабабларидан бўлган яна бир мудҳиш босқични кўз ўнгимизда гавдалантириб берган. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романигача ҳам бадиий адабиётда Темурийлар салтанатининг давомчилари ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор реалистик асарлар яратилган эди. Г. Голубевнинг "Улуғбек" тарихий-биографик қиссаси, Е. Парновнинг "Тумандаги юлдуз" китоби, М. Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедияси, Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" асари шулар жумласидан. Бу асарларда Амир Темур ва унинг ворислари ҳақида сўз юритилади. Асарларда тилга олинган тарихий шахслар Амир Темур образининг маълум бир қиррасини ёритишга хизмат қилади. Унинг жаҳонгирлиги, шижоати донишмандлиги, мутафаккирлиги ва жуда кўп характерли хислатлари очиб берилган.

Одил Ёқубов ҳам "Улуғбек хазинаси" романида Мирзо Улуғбек характерини яратар экан, шароит тақозоси билан Амир Темур сиймоси гавдаланади. Ёзувчи аниқ фактларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш учун хаёлга эрк беради. Мирзо Улуғбекнинг хаёли орқали Амир Темур

www.ziyouz.com kutubxonasi

образи яратилади. Ёзувчининг фантазияси натижасида Мирзо Улуғбекнинг болалик даврлари тасвирланган. Лавҳалар бир томондан Амир Темур характерининг моҳиятини очса, иккинчи томондан Мирзо Улуғбек образини унинг ёшликдан бошлаб жаҳонгирликдан кўра илмга чанқоқлигини кўрсатади. Асарда тасвирланган лавҳада жаҳонгир Амир Темурнинг қиёфаси, шижоати анча ёрқин кўрсатилган. Амир Темур от юзли, қийғир бурун, сийраккина чўққи соқол одам эди. Ундан ҳамма ҳайиқар, у сийрак қошларини чимириб, ўткир кўзлари билан қадалиб тикилса, ҳеч ким тоб беролмас, ҳамма кўзини олиб қочар, у келаётганда ҳар ким турган жойида қўл қовуштирганича қотиб қолар эди. Лекин, ажабо, кичкина Муҳаммад Тарағайни кўрганда бобосининг қовоғи очилиб, чеҳрасидаги шундай бўлакча бир мулойимлик билан алмашар, ўткир нигоҳида шўх учқундай ўйнар эди. Одатда, у неварасини тиззасига ўтказиб эркалар, аксарият мударрисларни чақириб, неварасининг сабоқларини суриштирар эди. Мударрислар Улуғбекнинг зеҳнини мақташса, бобоси неварасининг кенг пешонасидан ўпиб, кулар:

–Баркалло сизга! Амир Темур авлодидан ҳам Хорун ар-Рашиддай бир фозил подшоҳ чиқсин-да! – деб қўяр эди. Гоҳо эса, билъакс неварасини мутолаа устида кўрса, жаҳли чиқар, дарғазаб бўлиб, навкарларидан бирига: - Олиб чиқ! От минсин! Қилич ўйнасин, – деб буюрар эди. Шундай пайтларда бобоси қовоғини солиб, неварасининг машқларини зимдан кузатиб турар, Улуғбек отга чаққон минолмаса ё қиличбозликда нўноқлик қилса, дарғазаб бўлар, бехашам пўлат ғилоф солинган қиличини суғуриб оларди-ю, кўзлари ёниб, ёнида ким турса, шу билан қиличбозлик қилиб кетарди... ".

Лавҳада Амир Темур шахсиятидаги буюк саркардалик, қудратли ҳукмдорлик хислатлари чизиб берилган. Улуғ ҳукмдор вориси Мирзо Улуғбек шахсиятида ҳам буюк олимдан кўра шижоатли ҳам фозил подшоҳни орзу қилган Одил Ёқубов Амир Темур жасоратини, унинг буюк саркардалик қобилиятини ёрқин ифода этган. Буюк Соҳибқирон улуғ салтанатини фозил подшоҳ бошқаришини орзу қилади. Лекин замон, воқеалар унинг бу орзусини саробга айлантирган. Сен зўр бўмасанг, зўрлар сени енгиши турган гап. Шунинг учун ҳам Темурий шаҳзодалардан шиддатли жаҳонгирлар етишиб чиқишини орзу қилади.

"... Кешда, Амир Темур ҳукми билан барпо бўлган Оқсарой даҳмасида барлос уруғи задагонларининг хоки ётибди, Бобоси Темур бирламчи-доруссалтанат Самарқандни обод қилган бўлса, иккиламчи-ўз она шаҳри Кешни обод қилдирган... " Боғи Беҳиштни барпо қилдирган... Бобоси Темур қийин сафарлардан чарчаб қайтганида, аксарият шу боғда ҳордиқ чиқарар, тоғ ёнбағридаги хушбўй

www.ziyouz.com kutubxonasi

арчазорларида ов қилар, хорижий улус элчиларини ҳайратга солувчи шоҳона зиёфатлар, маъракалар ўтказарди... »[119]

Лавҳада Амир Темурнинг жаҳонгирлиги билан бир қаторда юрт ободончилиги (Самарқанду Кешни обод қилдиргани), юрт равнақи учун фидойилиги, шижоати ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиши ёрқин кўрсатилган.

"Улуғбек хазинаси" романида Амир Темур ҳақида унчалик кўп лавҳалар берилмаган бўлса-да, ҳар дақиқада ўзаро тўқнашувлар ёки Мирзо Улуғбекнинг ички туғёнлари орқали жаҳонгирнинг ҳаққоний образи гавдалантирилган. Асарнинг бошидан охиригача Темур руҳи кезиб юради.

Асарда шундай лавҳалар мавжуд: Мирзо Улуғбек Абдуллатиф туфайли оғир вазиятда қолади. Самарқандга чекиниш, дарвозаларни беркитиб олиш кераклигини тушунади. Лекин, шаҳарда қамал учун озиқ-овқат жамланмаган. Қамалга шаҳар аҳли дош бера олмаслигини ҳам билади. "... Лекин энг муҳими томирларида мудраб ётган бобосининг қони яна кўпира бошлаган, у қилич яланғочлаб, жанг қилгиси, бу сотқин лашкарбошилар олдида Амир Темурнинг набираси эканлигини, жон берса ҳам осонликча бермаслигини бир кўрсатиб қўйгиси келарди"[120].

Романнинг жуда кўп ўринларида Амир Темурнинг саркардалик қобилияти, илм-маърифатга муносабати масалалари Мирзо Улуғбек руҳий изтироблари орқали берилган. Шунингдек, таниқли шоир Муҳаммад Алининг «Севсам севилсам» (Тошкент, 1983 йил.) номли шеърлар тўпламида Амир Темур ҳақида бир шеърий ривоят берилган. "Шиддатли жанглардан сўнг Амир Темур вақти тиғиз бўлсада, Шерозда тўхтайди. Жаҳонгир олиб келинг, деб амр қилади". Бу нимага ишора эканлигини аъёнлар англашади. "Фақир, бечораҳол, озғин ва нимжон" Шероз бўлбули–Ҳофизни олиб келишади. Амир Ҳофизнинг байтини айтади:

Агар он турки Шерози ба даст орад, дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро !

«Маҳбубнинг холи учун менинг белимнинг қуввати – Бухорони, салтанатимнинг кўрки Самарақандни ҳам ҳадя этишга қандай журъат этдинг? Ватанимга тош отган кимсани кечирмасмен»,–дейди жаҳонгир.

---

[119] Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Тошкент, 1974. 46-47-бетлар.
[120] Ўша асар. 68-69-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"О, сенинг журъатинг–кимнинг журъати,
Бир гўзал холига бердинг иккисин?"

Шунда Ҳофиз: "Амирим! –дебди-да тўннинг ичидан ялонғоч кўкрагин кўрсатибди у, - қўлимнинг шу қадар очиқлигидан сиз кўрган аҳволга тушиб қолдим-ку!"

Қаҳ-қаҳа солибди Кўрагоний ҳам,
Айлабди ғазабу қаҳрин бегона.
Сорполар берибди, қилибди карам,
Сўнг яна бўлибди йўлга равона...

Шоирнинг танг ҳолини кўриб шоҳ жаҳлдан тушади.[121]

Шероз Ҳофизи ўз даврининг зуккоси Амир Темур олдида гангиб қолмайди, ҳозиржавоблик билан ўз аҳволини баён қилади. Шеърда Амир Темурнинг шижоати, маърифат аҳлига муносабати акс эттирилган. Бир гўзал холига у учун муқаддас бўлган икки шаҳарини ҳадя этгани Амир Темурни қанчалик ғазаблантирса ҳам, шоир истеъдодига қойил қолади. Дунёга машҳур сўз устаси, ноёб истеъдод эгасининг қашшоқлигидан ҳайрон қолади. Унга карам кўрсатиб, ҳадялар беради. Шоир Муҳаммад Алининг санъаткорлиги шундаки, у тарихий фактга асосланиб, Ҳофиз Шерозий байти асосида Амир Темур ҳаётининг маълум бир лавҳасини моҳирона тасвирлаб берган, унинг жаҳонгирлиги шу билан бир қаторда меҳр-мурувватли, шавфқатли эканлиги очиб берилган. Бу сатрлар жаҳонгир Амир Темур характерини тушунишда муҳим ўрин эгаллайди. Амир Темур сиймоси тасвирланган асарлардан мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, инсонда ватанпарварлик туйғуси унинг маънавий меросга ҳурмат билан қараши орқали шаклланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахс онгига тарихимизга чуқур эътиқод ва ҳурмат туйғуларини сингдиришимиз лозим. Шундагина мамлакатимизда рўй бераётган катта ўзгаришларнинг моҳиятини янада мукаммалроқ англаб етамиз ва улардан аниқ хулосалар чиқара оламиз.

---

[121] Муҳаммад Али. Севсам севилсам. Тошкент, 1983. 75-76-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАЗВИТИЕ ЛИТЕРАТУРЫ В ЭПОХУ ТЕМУРИДОВ

Х. АРИПОВА, доц.,
А. РАХМАНОВА, НДПИ

Западноевропейский исследователь духовного наследия великого Темура Хильда Хукхэм писала: «Темур высоко ценил искусство. Он имел собственное собрание художественных работ. Поэты, музыканты, ораторы, скульпторы, садовники, художники и ремесленники были собраны при дворе Темура со всех государств...»

Будучи справедливым и мудрым правителем громадного государства, Темур прекрасно понимал, что его страна сильна не только военной мощью, но и делами искусства. Обладая большим организаторским талантом и сильной волей, Амир Темур «был в полном смысле сыном своей эпохи»(В. Бартольд).

Историк Хафиз-и Абру писал: «На заседаниях при Сахибкиране зачастую велись научные дискуссии, во время которых обсуждался широкий круг вопросов. Сахибкиран был хорошо осведомлен в вопросах литературы, медицины, астрономии...». Это время в научной литературе принято называть блистательной страницей в истории мировой культуры.

Безусловно, эпоха и личность Темура накладывали свой особый отпечаток на все, что происходило в тот период, и это был момент высокого взлета творческого гения народов огромного региона.

Архитектура, миниатюра, прикладное искусство, музыка, литература, книжное дело – показатели стабильности и силы государства того времени и того, что искусству придавалось огромное значение. В этом, бесспорно, ярчайшая заслуга Амира Темура.

Блестящие поэты, окружавшие Темура, свидетельствовали:
Турк зухуридур очунда бу кун
Бошла улук йир била туркона ун...
Турк сурудини тузук бирла туз
Яхши алёгу била кукла кубуз.
(Хайдар Хорезми)

Ахмад Яссави, Сулаймон Бакиргани, Ахмад Югнаки, Рабгузи, Хорезми и их творчество свидетельствовали о том, что к середине XV столетия начинает формироваться замечательная школа узбекской литературы. В период правления Амира Темура в тюркоязычной литературе особо популярными были имена Сайида Насими, Сайф

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сарайи, Лютфи, а в персидской поэзии–Хафиза Шерози, Камала Худжанди, Салмана Саваджи. Раскрывая отношение Амира Темура к художественной литературе того времени, Алишер Навои в «Изящных беседах» писал, что личность государя нельзя представить без художественного слова, поэзии и прозы. «Темур Гураган, хоть и не писал стихов, но очень хорошо знал и поэзию, и прозу, и кстати, и к месту умел привести надлежащий бейт, что равносильно сочинению тысячи бейтов» [122].

Особое отношение Амира Темура к литературе и изящному искусству стало хорошей традицией для всех Темуридов. Литературная жизнь эпохи Темуридов является одной из интереснейших проблем современного литературоведения. Нельзя утверждать, что литература эта хорошо изучена. Придется даже, пожалуй, признать, что творчество авторов, писавших на тюрки, изучено значительно лучше, особенно Навои и его ближайших предшественников. Вместе с тем нет сомнений в том, что, несмотря на расцвет в тот период тюркской литературы, господствовавшим литературным языком по-прежнему оставался персидский. Алишер Навои по этому поводу оставил очень ценное по объему и содержанию произведение «Собрание утонченных» («Маджалис ан-нафа`ис»), в котором перечисляет всех известных ему поэтов той эпохи и дает каждому из них краткую характеристику:

–поэты, последние годы жизни которых совпали с его юностью, т.е. с серединой XV в., и которых он лично не видел,– их 42;

поэты, с одними из которых он встречался в детстве, но которых уже не было в живых, – их 84;

поэты, с которыми он общался и дружил, – их 105;

современники, пишущие неплохие стихи, но не являющиеся профессиональными поэтами, – их 46;

вельможи Хорасана и других областей, иногда пишущие стихи, – их 14;

поэты за пределами Хорасана – их 28;

Темуриды, писавшие стихи, – их 16;

поэзия Султан- Хусайна.

Навои называет всего 336 имен, 90 процентов из которых писали по-персидски.

Памятники XV в. дают удовлетворительный ответ на вопрос, какими литературными произведениями интересовались в тот период.

---

[122] Навои А. Соч. В 10 т. Ташкент, 1970. Т.9. С. 143-144.

www.ziyouz.com kutubxonasi

В конце II части поэмы «Силсилат аз-захаб» («Златая цепь») прославленного гератского поэта Джами перечисляются имена известных поэтов, творивших в эпоху Темуридов: Рудаки, «тот, что низал жемчуга», Унсури, что «чистую природу имел», Му`иззи, что «в красноречии язык его был словно кинжал», Анвари, что «восхвалил Санджара», Саади, Низами и мн. др.

Особо подчеркнем, что Джами в этом отрывке называет преимущественно таких поэтов, имена которых связаны с каким-либо правителем. Из списка также четко прослеживается, кто из них считались лучшими мастерами классической касыды: ее родоначальник – великий Рудаки, царь поэтов султана Махмуда – Унсури, поэты Сельджука Санджара – Му`иззи и Анвари, а более поздние одописцы XIII и XIV вв. в то время были хорошо известны своими произведениями, являвшимися в Герате образцами, достойными подражания.

В кругах темуридской знати весьма большой интерес вызывали «Шах-намэ» Фирдоуси, «Хамса» известного азербайджанского поэта Низами, поэзия Амира Хосрова. Однако следует указать, что творчество этих поэтов было далеко не равнозначным: поэзия Хосрова во многом уступала и серьезной поэзии Низами, но Хосрова любила феодальная знать.

Эти два поэта в темуридскую эпоху служили образцом для подражания и имели множество своих последователей. Это Ашраф, Маулана Али Аси - малоизвестный мешхедский поэт, также упоминаемый Навои, Фасих Руми, Ходжа Имададдин Лахури, Амир Шейхим Сухайли Абдаллах Хатифи, Катиби Туршизи. Так, Ашраф - малоизвестный поэт, живший в Герате, автор поэм «Хафт авранг» («Семь престолов»), «Рийаз ал-ашикин» («Луга влюбленных») и «Ишк - намэ» («Книга любви»), законченных в 1432-1439 гг. По утверждению Навои, эти произведения – ответ на «Пятерицу» Низами, в частности, на «Хафт пайкар» («Семь красавиц»).

В «Изящных беседах» Алишер Навои отмечает, что Хусейн Байкара знал наизусть множество стихов и искусно их читал. «Да будет известно, – писал поэт, – что султан тоже приводит наизусть во время собраний хорошие стихи и удачные мысли. Это он унаследовал от своего великого предка. »

В узбекской литературе первой половины XVв. уже предпринимались попытки воссоздать образ Амира Темура, воспеть его мужество, описать его богатый духовный мир. В стихотворной новелле Хайдара Хорезми «Темурбек и Муравей» описывается мужественный и реалистичный образ молодого Темура, сумевшего в

www.ziyouz.com kutubxonasi

сложной и непростой для себя жизненной ситуации вырасти в мужественного воина, умного полководца и гениального правителя:

Тутди жахон мулкатини яккалам
Урди етти кишвар ичинда алам.
Тинди анинг даврида руйи замин,
Бўлди бир элу улус Руму Чин.[123]

Ходжа Исмат Бухари посвящает Амиру Темуру известную элегию, где с горестью констатирует смерть великого Сахибкирана:

Буз чодиринг, фалакким, Султон улди гойиб.
Тун ичра эрди чун мохи тобон, улди гойиб.
Еруг жахон куеши, ислом элини боши,
Дин эрди куп талоши, дайон улди гойиб.[124]

Как отмечается в антологии «Изящных бесед» Навои, такие известные персоязычные поэты, как Амир Касым Анвар, Мавлана Котиби, Ходжа Исмаатилло, Мавлана Бисати, Мавлана Яхья Себак, Мавлана Тусий, Мавлана Савдаий, Мир Шахи и др., успешно творили в различных жанрах литературы XVв.

Поэтическое слово было столь привлекательным, что в живом литературном процессе в то время принимали деятельное участие и шахи, и ремесленники, и ученые, и дехкане. В этот период наблюдается расцвет многих поэтических жанров: газелей, поэм, намэ, муназара. «Предметом увлеченности Темура, – писал академик И. Муминов, - служила художественная литература, в особенности поэзия, большим знатоком и ценителем которой он был. Во второй половине XIV и первой половине XV в. в Самарканде, Герате, Балхе трудились и создавали свои бессмертные произведения такие выдающиеся деятели тюркской литературы, авторы превосходных стихов, как Ашо, Саккаки, Лутфи»[125]. Произведения и внимание к творчеству ихсоздателей позволяют сделать выводы о том, что тюркоязычная литература была на равных правах с персоязычной и вызывала к себе всевозрастающий интерес общества.

Амир Темур, уважая представителей искусства и отводя им особую роль в развитии государства, в первую очередь заботился о духовном

---

[123] Хоразмий Хайдар. Гулшани Асрор. Библиотека Института литературы им. А.Навои АН РУз.
[124] Темурнома. С. 327.
[125] Муминов И. Эпоха Темуридов. Ташкент: Фан, 1972.

www.ziyouz.com kutubxonasi

наследии нации, понимая его значимость в формировании человека. Таким образом, узбекская литература эпохи Темуридов составляет важный этап в историческом развитии культуры. Общечеловеческие ценности, великие гуманистические идеи просветительства, воспетые в бессмертных произведениях, и поныне не утрачивают своей актуальности, являясь сокровищницей мировой культуры народов.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» – КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҲУҚУҚИЙ МАНБАСИ СИФАТИДА

Р. Ражабов, доц.

Мустақиллик шарофати туфайли 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Янги Конституция асосий қонун сифатида халқаро демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши алоҳида эътиборга моликдир. Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори ҳисобланади. Зотан, у давлатни – давлат, миллатни–миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда бутун халқ иштирок этди. Янги Конституцияда халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва қадимий маданияти акс этган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Конституцияга ўхшаш қонунлар тўплами Ўрта Осиёда ҳам мавжуд бўлган. Улардан эътиборга молиги «Темур тузуклари»дир. «Темур тузуклари» нусхаларини бугун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Россия, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман давлатлари кутубхоналаридан ўрин олган. Ўз-ўзидан маълумки, қайси бир асар қимматли, амалда зарур бўлса, ундан кўпроқ нусха кўчирилган. «Темур тузуклари» ҳам шундай манбалар қаторига киради. У, кўпроқ ҳукмдорларга қўлланма бўлган. Шунинг учун ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу ва шунга ўхшаш асарлардан нусха кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида асраганлар ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида улардан муҳим йўл-йўриқ сифатида фойдаланганлар. Масалан, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) сарой котибларига буюриб, «Темур тузуклари»дан ўзларига нусха кўчиртирганлиги тарихдан маълум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Темур тузуклари» 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Амир Темурнинг 7 ёшдан (1342й.) то вафотигача бўлган ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ҳарбий юришлари қисқача баён қилинган. Иккинчи қисм жаҳонгирнинг ўз ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатлардан иборат. Давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш ва шу каби давлат аҳамиятига молик масалалар ёритилган.

«Темур тузуклари»нинг давлат-ҳуқуқий характеридан келиб чиққан ҳолда Д. Логофетнинг Туркистонда конституцион ҳужжат Ғарбий Европа мамлакатларидагига қараганда илгари юзага келган, деювчи фикрини эътироф этиш мумкин.

«Темур тузуклари»ни ўрганиш давомида унинг кўпгина тамойиллари, ғоялари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган, деб ҳисоблаш мумкин.

Замонавий Конституцияларнинг кўпчилиги ҳам юридик, ҳам сиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлган қоидаларни ўз ичига олган қисқа муқаддима билан бошланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам ўзига хос муқаддима билан бошланади. Муқаддимада халқнинг Асосий қонунни қабул қилишдан мақсади, орзу-умидлари намоён бўлади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам тузукларни мақсадини қуйидагича баён қилади:

«Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, тангрининг иноятн ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар». [126]

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун устуворлигининг моҳияти ва маъноси шундаки, Конституция ва қонун олдида барча бирдай масъулдир. Мамлакат қонунларига жами фуқаролар, ёши, мансаби, миллати, ирқи ва динидан қатъий назар, баравар бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.

---

[126] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 53-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу борада «Темур тузуклари»да атрофлича тўхталиб, кенг ёритилган. Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Амир Темур давлатининг марказлашган мустақил давлат бўлишида қонуннинг адолатли, тенг қўлланилишининг ўрни юқоридир.

«Давлат, агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялонғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатимни биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим»[127],-деб таъкидланади «Темур тузуклари»да.

Амир Темур «Тузуклар»да таъкидлаганидек, давлатларни забт этиш, давлатни бошқариш ва унга зебу зийнат беришда 12 қоидага амал қилган.

Ушбу қонун-қоидага амал қилиниши, унга риоя қилиниши давлатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Қонун-қоиданинг мукаммал яратилганлиги давлат ҳокимиятининг мустаҳкам ва барқарор бошқарилишига улкан ҳисса кўшган. Айни вақтда ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши соҳибқирон Амир Темур бобомиздан қолган бебаҳо мерос, деб атасак хато бўлмайди. Қонун-қоидалар замонавий кўринишда қуйидагича намоён бўлади:

Биринчисида, Амир Темур ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватлаган.

Янги Конституциямизда ҳам диний муносабатларга жиддий эътибор берилган. Тошкент Ислом университети, Ислом илмий татқиқот маркази ва бошқа муассасаларнинг фаолияти бунинг яққол намунасидир.

Иккинчисида, ўн икки ижтимоий гуруҳлар билан мамлакатларни забт этган ва уларни идора қилган.

Ҳар бир фуқаронинг бахт-саодати тўғрисида давлатнинг олиб бораётган ғамхўрлиги Конституциянинг 18-моддасида қуйидагича таъкидланади:

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар».

---

[2] Ўша асар. 57-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Темур тузуклари"нинг учинчиси қоидасида бошқарувни маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик–эҳтиёткорлик, мурувват, сабр-тоқат билан юритиш уқтирилган.

Бизнинг Олий Мажлисимизнинг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Бу мавзуга тўлиқроқ маълумот Конституциянинг 17-бобида баён этилган. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда, қонун-қоидаларнинг қабул қилинишида Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси вакиллари иштирок этмоқда. Бу эса маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик–эҳтиёткорлик билан иш юритиш демакдир.

"Темур тузуклари"нинг тўртинчи қоидасида давлат ишларини қонун-қоидаларга асосан бошқариш уқтирилган.

Конституциянинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Тузуклардаги қонун устуворлигининг эътироф этилиши, юқоридаги мисол билан ворисийликни яққол кўрамиз. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан биридир.

Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади.

Бешинчиси – амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар билан хушнуд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель қонуни билан фуқароларнинг меҳнатдаги самарали хизматлари учун, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг 30 дан ортиқ фахрий унвонларини таъсис этган. Ҳар йили республикада хизмат кўрсатган таниқли инсонларга ушбу унвонлар берилади.

Олтинчиси – адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини рози қилган.

Ҳозирги кунда Конституциямиз асосида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида давлат сиёсати адолат мезони асосида амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган сиёсий ёки иқтисодий соҳадаги эркинликлар бунинг намунаси ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб таъкидланади Конституциянинг 14-моддасида.

Еттинчиси – саййидлар, уломаю машойих, оқилу донолар, муҳаддислар ва тарихчиларни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйган.

Мамлакатимизнинг илм-фан, маданият арбоблари ҳукуматимиз томонидан доимо қўллаб - қувватлаб келинади.

Саккизинчиси – азму жазм билан иш тутган.

Мустақиллик йўлидан олға борар эканмиз, барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартлари жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аёндир. Бу сиёсат аниқ дастур асосида оғишмай амалга оширилмоқда.

Тўққизинчиси – раият аҳволидан огоҳ бўлган, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрган.

Ҳар қандай мамлакатда турли кўринишдаги тенгсизликлар кўпайса ёки уларнинг ўсишига имкон пайдо бўлса, улар ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан иборат. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Ислоҳатларнинг барчаси халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Ўнинчиси – паноҳидаги барча қабила ва элатларга ҳурмат кўрсатган.

Сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Ўзбекистон ҳам кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ўзбекистонда яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Ушбу қоиданинг Конституцияда мустаҳкамланиши ўзига хос хусусиятга эга.

Ўн биринчиси – тахтга чиқишида ёрдам берган барча қариндош ва дўстларини унутмаган ва ҳақларини адо этган.

Мустақиллик – ўзбек халқининг тарихий ютуғидир. Мустақилликка осонгина эришганимиз йўқ. Бу тарихий йўлда жуда кўп қурбонлар берилди. Мустақиллигимиз, озодлигимиз учун курашган ватаннинг асл фарзандлари хотираси абадийлаштирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўн иккинчиси – дўст-душманлигига қарамай сипоҳийларни ҳурмат қилган.

Асосий қонунимизнинг 125-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади». Ушбу Конституциявий қоидада таъкидланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбиру амаллар йиғиндиси мамлакат мудофааси деган тушунчада намоён бўлади. Бу борада ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор даққатга сазовордир. Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий аҳволидан хабардор бўлиш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мукаммал яратилган қонун-қоидалар тарих силсиласидан ўтиб, келажак авлодга сайқал топган ҳолда етиб боради. Келажак авлод эса ушбу қонун-қоидани замон талабларига мослаган ҳолда амалиётга татбиқ этади. Унинг тамойилларини ва туб моҳиятини сақлаб қолади.

АМУР ТЕМУР БОШҚАРУВ УСУЛИНИНГ МОҲИЯТИ

Б. Умаров, доц.
Ш. Зокиров.
М. Абдукаримова. ТДПУ.

Жаҳон тарихида машҳур фотих саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёши (1342) дан то вафотигача (1405 йил 18 февралга қадар) кечирган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда Марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376-1395), бутун Евроосиёда қўрқув ва дахшат солган Туркия султони Беязид Йилдирим (1389-1402) га қарши ва ниҳоят буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда адабиётларда баён этилган.

Амир Темурни давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат

www.ziyouz.com kutubxonasi

арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби, бошқариш усул ва қоидалари йўлга қўйилганлиги маълум. Амир Темурнинг «Темур тузуклари» да бу усул ва қоидалари ҳар томонлама баён қилиб берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан қаралганда, ҳар бир киши фикрловчи бўлмаган робот эмас, балки обрў-эътибор, ўзини-ўзи ҳурмат қилиш, ўз қадр-қимматини ҳис этиш, бошқа кишилар томонидан маъқулланиш, шахсий мақсадлар ва манфаатларга эришишга интилишда муайян ижтимоий эҳтиёжлар соҳиби ҳисобланадиган шахсдир.

Инсоний муносабатлар ва инсон ҳулқ–атворининг ўз меҳнати, вазифасига муносабати бўйича икки тури мавжуд. Биринчидан табиатан ялқов киши, у топширилган ишни бажаришдан бўйин товлашга уринади, масъулиятни ҳис этиш унда юқори турмайди. Мазкур ҳолда мажбурлаш, назорат қилиш, жазолаш ва жарима солиш зарур бўлади. Иккинчи туридаги инсон табиатан фаол бўлиб, унда ташаббускорлик ва уддабуронлик, ўз зиммасига масъулият олиш ҳиссиёти юқори туради. Бундай шахсларни рағбатлантириш ва қулай муҳит яратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амир Темурнинг давлат бошқариш усулининг асоси ўн икки ижтимоий тоифага асосланганлигини кўриш мумкин. У юқорида келтирилган фикрлар билан уйғунлашиб боради. Бу ўн икки тоифалар қуйидагилардан иборат:

Саййидлар, уламо, машойих, фозил кишилар;
Ишбилармон, донишманд одамлар;
Художўй, таркидунё қилган кишилар;
Нўёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар;
Сипоҳ ва раият;
Махсус ишончли кишилар;
Вазирлар, саркотиблар;
Ҳакимлар, табиб, мунажжимлар, муҳандислар;
Тафсир ва ҳадисшунос олимлар;
Аҳли ҳунар ва санъатчилар;
Сўфийлар;
Савдогар ва сайёҳлар.

Бошқариш тартибида қўшин, асосан ўн, юз, минг ва туманга бўлинган бўлиб, ўн кишилик ҳарбий бўлинма тепасида турган бошлиқ–ўнбоши, юз кишилик қисмнинг бошлиғи–юзбоши, минг кишилик қўшин етакчиси–мингбоши, туман бошлиғи нўён деб аталган. Уларнинг ҳақ–ҳуқуқлари, ойлик маоши ҳам лавозимига қараб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўланган. Масалан, оддий сипоҳий минган отнинг баҳоси баробарида баҳодирлар 2-4 от баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар ортиқ маош олишган. Мингбошиларнинг маоши эса юзбошиникидан уч баробар ортиқ бўлган.

Амир Темур ўзининг улкан давлатини улусларга (ҳудудлар) бўлиб идора қилган. Мовароуннаҳрдан бошқа унинг тасарруфида бўлган барча вилоят ва мамлакатлар тўрт улусга бўлинган. Улуслар, гарчанд марказий ҳукуматга итоат этсаларда, маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат аппарати, мустақил қўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги даромад солиғининг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор талаб қилганда аскар юбориб туришдан иборат бўлган.

Темур давлатини етти нафар вазири бўлганлиги маълум: 1) мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир); 2) вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир; 3) эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири; 4) салтанатнинг киримчиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия вазири; 5) сарҳад (чегара) вилоятларининг ишларини назорат этиб турувчи вазирлар. Вазирлар–салтанат устунларидир. Улар мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутганлар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймаганлар. Салтанат бойлигини сақлашда ва кўпайтиришда, ҳаттоки ўз жонларини ҳам аямаганлар.

Амир Темур даврида солиқ тўловчи халқдан хирож, молу жиҳот, совурин, қўналға, бож, ишлон пули сингари солиқ ва жарималар ундирилган.

Бошқариш жараёнида ўз сўзига эга бўлиш бутун мамлакатда буйруқ–фармон бериш ишлари подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши ўз қарорида қатъий бўлиши, подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймаслик, ҳар ишдан фикр олиш, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатиш, салтанат ишларида сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмаслик каби амир фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмаган.

Бу келтирилган фикр-мулоҳазалар Амир Темурнинг бошқариш ишларига қатъий риоя қилиш талаблари бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз иқтисодиётини тартибга солиш ва бошқаришда бу усуллар маълум даражада раҳбарлар томонидан қўлланиб келинмоқда ва амал қилинмоқда. Бозор

www.ziyouz.com kutubxonasi

иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи, иқтисодиёт ва ўзгаришларнинг режаларини тузиб, уларни изчиллик билан амалга оширишда воситачи ва раҳбар бўлмоқда. Тоталитар тизимдан бозор тизимига ўтишда ўта давлатлаштирилган иқтисодиётдан эркин бозор хўжалиги тизимига боришда давлатнинг ҳукмронлик фаолияти сақланиб қолишини объектив зарурият талаб қилади.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибланишига боғлиқ. Юқори даражада тараққий этган иқтисодиёт–давлат иштирокида вужудга келади. Давлат ўзининг сиёсати билан иқтисодиётга таъсир кўрсатиб туради.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲАРБИЙ - МУСИҚИЙ ЧОЛҒУЛАРИ

Саид Болта-Зода Саидий,
санъат. ф. н.

Жаҳон маънавий маданиятининг амалий ўзаги бўлмиш санъатда урма-зарбли чолғулар инсон юраги билан доимо ҳамоҳанг бўлиб келган. У қон семантикаси билан боғлиқ аждодлар руҳини бир-бирови билан боғловчи омил сифатида ҳам эътиборли кечган.

Соҳибқирон Амир Темур давридаги ҳарбий ва мусиқий чолғуларни жаҳон талаблари стандартларига хос илмий асосланган ҳолда илк маротаба қуйидагича гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин:

1. Идиофонлар (жарангли, шовқинли ва дағал зарбли чолғулар): жаррос, (чарос), жон, ғўла, санж, занжир, ғул-ғул.

2. Мембранафонлар (урма-зарбли чолғулар): ноқур, дойра, дав, дафф, кўс, табира, катта ва кичик ноғоралар, алоҳида чиндоул (тулумбас), довул, дуҳул (дуҳол), қўшноғоралар (катта ва кичик ноғоралар), таблак, табллар, нодир, наққои, коварга (кобарка).

3. Хордофонлар (мизробли, нохунли, тирнама-нохунли (нохуншер), чертим, камонли-қилли ва урма-торли чолғулар): қонун, чанг, танбур, танбур-дилкаш, ғижжак, ситор, рубоб, манзур, арфа, (лютна, сиқор), чиғғак, хучир ва турли хил Афғон ва Покистон яқинидаги тожиклар чолғуси.

4. Аэрофонлар (пуфлама-дамли чолғулари): бурғу, буғ, нафир, сур (қаттиқ қайрилган тирсакли карнай), қоранай (ҳозирги карнай),

www.ziyouz.com kutubxonasi

найи-румий, турли сурнайлар, шон, чабчиғ, гонг, шохфар, дунай, сафеднай, сиёҳнай, дукат, шонфур[128] кабилар.

Амир Темур давридаги юксак маънавий муҳит мусиқа санъати равнақига, чолғучилик ва ижрочилик ўсишига, шунингдек, мусиқа фанининг ривожланишига кенг имкон берган.

Чунончи, тарихчи ан-Насафийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад саройида ўтказилган танганаларда турли мамлакат ва вилоятларнинг асир олинган 27 ҳукмдори саф тортиб, ноғораларда «Нубаи зу-л-қарнайн» усулини чалиб туришган.[129]

Амир Темур ўз аскарларига: «Оллоҳу Акбар, деб айтинглар ва сурон (жанговор чақириқ, «Ур ҳо – ур!») солиб душман лашкари устига бостириб боринглар», - деган. Шайх Амир Барака Амир Темурга байроқ ва ноғора топшириб, уни ҳокимиятни эгаллашга даъват этган. Амир Темур ва Темурийлар даврида чолғулар ҳарбий унвон ва даража нишони – рамзи сифатида қўлланилган. Бу ҳақда Соҳибқирон ўзининг машҳур «Тузуклар»идан «катта ноғора ва байроқ ато этиш» хусусида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: « Амр қилдимки, ўн икки катта амирнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилсин. Амир ул–Умарога байроқ, ноғора, туғ ва чортуғ тақдим этсинлар». Тарихчи Али Яздий қуйидагича таърифлайди: «Унда (яъни қалъада) 300 эркак духул, қўшнай, нақкои, нодир, кўс, таблак, табал ва карнай-сурнайлар чалиш билан машғул эрди». Соҳибқирон ҳарбий оркестри пуфлама чолғулари: мисдан ясалган қоранай (ҳозирги карнай), найи Румий, буғ, нафир, тирсакли карнай, сурнайлар билан бойитилган бўлиб, ҳарбий юришларида мусиқий чолғуларга катта эътибор қаратган. Масалан, мўъжаз шаҳар ёки қишлоққа ҳужум бошлашдан олдин, у бу ерга эҳтиёткорлик билан карнайчи ва ноғорачиларни киритган. Эрта тонгда бу чолғуларнинг беҳосдан янграши аҳолини довдиратган. Аскарларни эса қўрқмаслик, жасурлик, ишончлилик, тетик ва мағрур бўлишга даъват этиб, қўшинга катта руҳий қувват берган.

Урма чолғулар ов маросимларида ҳам кенг қўлланилган. Манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида Амир Темур ов қилмоқчи бўлиб, ўз одатига кўра чап томонга қўшинларини юбориб, пиёдаларни, отлиқларни ваҳший ҳайвонлар турган майдонни ўраб олиб, ҳар тарафдан ноғораларни уришга, бурғу ва карнайларни чалишга амр этиб, ҳайвонларга қаттиқ руҳий таъсир етказган.

---

[128] Саидий С.Б. Марказий Осиё маданиятида урма чолғулар (ўзбек ва тожик анъаналари мисолида). Тошкент, 2005 й. (архив).

[129] Буниятов М. Государство Хорезмшахов Ануштегинидов. М., 1983. С 144.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги ҳал қилувчи жанг ҳижрий 793 йил ражаб ойининг 11-куни (1391й. 14 июн) Идил дарёсининг ўнг соҳолида – Саидра билан Чистопол орасида жойлашган Кундузча деган жойда бўлди. Қуёш чиқмасдан карнай-сурнай, бурғу ва катта-кичик ноғораларнинг хуруши осмону фалакни ларзага келтирди. Шундан кейин ҳар иккала тарафнинг аскарлари бир-бирлари устига шер бўлиб ташландилар. Жанглардан яна бирида Омул ҳокими Саййид Камолиддин Амир Темур билан урушда мағлубиятга учраб, Соҳибқирон билан сулҳ шартномасини тузиб, қалъага қайтади. Бироқ, 3 кун ундан дарак бўлмайди, тўртинчи кун шартномасини бузиб, қалъа ичидан ноғоралар, карнай–сурнай овози келди. Бу садолар муҳолифатнинг янгиланганидан дарак берар эди. Натижада, Амир Темур қўшинлари душман томонга шиддатли жанг бошлаб, уни тор-мор этди.

Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан ҳал қилувчи жангларида қўшинларнинг "баронғор ва жавонғорида" олов алангаси пасайтирилганидан кейин карнай-сурнай, ноғоралар ва бурғулар хурушга келдилар ва бир пайтнинг ўзида аскарлар сурон солиб, ҳужумга ўтдилар.

Соҳибқирон аскарлари Ҳиндистон юришида ҳам 1398 йил 17 декабрда Деҳлига карнай-сурнай, бурғулар ва турли ноғораларнинг шиддатли[130] шовқини остида бутун майдон бўйлаб ҳужумга ташландилар. Мовароуннаҳр қўшини шаҳар ташқарисида жанговар ҳолатни эгаллаган эди. Ноғоралар наъра тортар, карнай-сурнай садоси тинмас, туғлар шамолда хилпираб турар, яғринларигача зарбоф матолар ёпилган. Деҳлида қўлга киритилган жанговар филлар эса Амир Темурнинг шахсан ўзи бошқараётган қўшин маркази олдида оғир қадам босмоқда эдилар. Сурия ва Мовароуннаҳр қўшинлари икки томондан "Аллоҳу Акбар" дея ҳайқираб жангга кирдилар.

Темурийлар даврида саройнинг бош дарвозалари тепасига махсус ноғорахоналар қуриш одат тусини олганлиги ҳам мусиқа санъатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Маълумки, Сарой мусиқий гуруҳларининг карнайчи, ноғорачилардан иборат етакчиларини ҳукмдорнинг шахсан ўзи тайинлаган ва уларни "меҳтар"деб аташган эди.

Мазкур гуруҳлар оммавий байрам ва тантаналарда, рамазон ойида бозорларда ўтказиладиган удумларда, мақомда танбур ва дойранинг ўрни етакчилик қилган. Шунингдек, Соҳибқирон даврида махсус

---

[130] З. Массон М.Е. К истолкованию миниатюры "Шайхская охота"// Из истории живописи Средней Азии. Ташкент, 1984. С. 113-126; Амир «Темур тузуклари». Форсчадан А. Соғуний ва Х. Кароматов таржимаси. Тошкент, 1991.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурилган "тарабхона"(махсус томоша кўрсатиладиган майдон) ва минбар (Соҳибқирон ва ҳарбий ноғоралар учун қурилган тахт) мавжуд бўлган. Француз тарихчиси Люсьен Кэрэн маълумотига қараганда аскарлар руҳини кўтариш мақсадида Амир Темур, одатда, Самарқандда тантанали маросимлар, ҳарбий кўриклар ўтказган.

Ўша тантанали маросимларда Соҳибқирон ноғораларнинг тантанавор садолари остида туғларини кўтариб, виқор ила саф тортиб турган бўлинмалар қаршисидан оҳиста юриб чиққан. Бутун қўшинни текшириб чиқиш учун икки кундан ортиқ вақт кетган.

Улуғбек ҳам мусиқага қизиққан. У мусиқага оид рисолаларни жуда яхши тушунган. Унинг ўзи катта-кичик ноғораларда ижро этилувчи булужи, шодиёна, ахлоқий, усули равон ва улуғи каби беш хил усул ёзган. Улуғбекнинг ҳарбий юришларида эса ноғора ва карнайлардан жуда кенг фойдаланилган. Чунки, ноғораларнинг улуғвор оҳанги ва карнайларнинг суронли садоси қўшиннинг жанговор руҳини кўтарган. Айни пайтда душманларнинг юрагига қўрқув солган. Бундан ташқари, ноғора, карнай садолари аҳолига шаҳарга Темур, Улуғбек ва бошқа ҳукмдорлар кириб келаётганидан хабар берган.

Соҳибқирон Хитойга юришга тайёрланаётган пайтида элчилар шарафига катта зиёфат берган. Бу зиёфатда дойра, ғижжак, дутор, танбур, уд ва чангнинг ноласи ҳаммани мумдай эритди. Хитой лашкарбошиси Соҳибқироннинг жанг санъати тўғрисида мулоҳаза билдириб: "Довул, ноғора, дойра, карнай, сур, бурғу ва ҳоказо чолғулар садолари қулоққа эшитилиб, қўрқувга солади, байроқ, туғлар эса кўзга кўриниб, ваҳима уйғотади",–деб ёзган эди. Ҳақиқатдан, шамолда ҳилпираётган байроқлар остида шиддат билан жангга кираётган аскарлар юракларга ваҳима ва қўрқув солган ҳамда Хитой назоратидаги лашкарбошисини ларзага тутган.

Соҳибқирон вафотидан сўнг ўн бир ёшли шаҳзода Иброҳимга бобосининг жанговар ноғораси ва кумуш ажларҳо тасвири туширилган қора туғини тутқаздилар ҳамда бутун қўшин билан биргаликда унга тожу тахт эгасига намоиш этиладиган иззат-ҳурмат кўрсатдилар.

Т. Визго Соҳибқироннинг ҳарбий ва сарой чолғулари қаторидан жой олган "тирсакли карнай" деб аталган чолғунинг асл номини келтирмаган. Аммо уни "сур" жангу жадалларнинг доимий иштирокчиси – "сурон-сури"нинг бир тури деб фараз қилиш мумкин (муаллиф – *С.С.*). Буни Навоийнинг қуйидаги сатрлари асосида ҳам тасдиқлаш мумкин :

Сурон йўқ, сур сафтининг сафири,
Қаю бири сурки, маҳшар нафири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сур пуфлама чолғусининг тасвири Т. С. Визго татқиқотида кўрсатилган. Аммо, нафир чолғуси сурдан анча фарқли бўлиб, у ёзма "*г*" ҳарфсимон, илонсимон бурилишли, икки рақамига ўхшаш, қоринли қисмдан иборат карнай туридир. Сур чолғуси эса қоринсиз ва нафирга қараганда ўткир бурилишли (Z-зет ҳарфи ё қаттиқ қайрилган чолғу (карнай тури)дир - *С.С.*).

Пуфлама сур доимо яна бир урма чолғу – "ноқур" билан биргаликда манбаларда қайд этилади. Бурғу эса йирик туёқли ҳайвон шоҳларидан ясалган. У Сиёвуш даврида ҳам мавжуд бўлган. Бу, ўша даврлардан қолган тангаларда тасвирланган. Масалан, Сиёвуш Хоразм қалъасидан чиққанида бурғулар чалингани маълумдир.

Бу, қадимги чолғу Соҳибқирон ҳарбий ижро жамоасида ўзига хос ўрин тутган. Али Яздий Қарши шаҳрини қамал қилиш чоғида "Соҳибқирон ҳазрат фармон бердиларки, бурғу чолсинлар, оқибат Қарши аҳолиси кўзларидан уйқу қочиб, бурғу товушларидан тахайюр дуди уларнинг бошларига урди", деб маълумот берган.

Қарши забт этилганида Соҳибқирон Дарвешак бурғучи исмли ҳарбий созанданинг хизматини алоҳида тақдирлаган. "Бурғу" кейинчалик Бобур лашкарлари мусиқаси рамзи сифатида Ҳиндистон маданиятига ҳам кириб борган.

Туркий халқларнинг яна бир анъанавий чолғуси – "коварга"(Навоийда-кобарка) Соҳибқирон даврида созандалар томонидан чалинган. Унинг тасвири миниатюраларда сақланмаган. Мусиқа рисолаларида ҳам эслатилмайди. Аммо, Шарафуддин Али Яздий коваргани – кўс, ноғора тоифасига мансуб зарбли чолғу тури сифатида қайд қилган. "Лашкар ҳозир бўлиб, тартиб тортилди (берилди), коварга ва бурғу уриб юзландилар". Коварга "Зафарнома" да жуда кўп тилга олинади ва жанг манзарасининг доимий мусиқий рамзи сифатида тасвирланади. Аммо у сўнги асрларга оид манбаларда деярли қайд этилмайди. Соҳибқирон ҳарбий оркестри, айниқса урма ва пуфлама чолғуларининг хилма-хиллиги билан эътиборни жалб қилади. Бу ҳарбий оркестрда Сосонийлар ҳоқонлиги даврларидан машҳур бўлган мисдан ясалган қоранай (ҳозирги карнай) билан бир қаторда, янги чолғулар–найи Румий, буғ, нодир каби чолғулардан фойдаланилган. Шунингдек, мусулмон Шарқида машҳур бўлган табла ва мисдан ясалган жарос (Чарос), жон, занг, ғул-ғулдан ҳам фойдаланилган.

В. С. Визго татқиқотида айрим чолғуларни аниқлашда иккиланиш бўлса-да, аммо унинг аксарият таҳлиллари тўғри эканлиги шубҳасиздир. Алишер Навоий шеъриятида жарос тез-тез ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чун волвола чекти куй аро табли асос,
Май ичра анга тангриким етар савти жарос.

Туркийлар ижро жамоасида қадимги даврлардан ҳозирги пайтгача машҳур бўлган сурнай билан бир қаторда, янги туркий анъаналар билан боғлиқ "Чабчиғ" ва "Шон" чолғулари ҳам кенг қўлланилган.

Н.Т. Фармер ўз татқиқотларида Амир Темур олдида доимо бурғулар турганлигини, ушбу чолғунинг келиб чиқиши қадимги туркий халқига хослигини таъкидлайди.

Н.Т. Фармер Хўжа Абдулқодир Марофий маълумотларига таяниб, "Чабчиғ" шохсимон пуфлама чолғу бўлиб, Марказий Осиёда турк ҳоқонлиги давридан бошлаб тарқала бошлаган энг қадимги чолғулардан бири эканлигини ва Амир Темур ҳарбий ҳаракатларидаги оркестрда қўлланганлигини таъкидлайди.

Хуллас, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар давридаги ҳарбий академ-ижро ва ноғоралар, пуфлама чолғу ижро услубларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларни ҳарбий маросимлардаги барқадам ижро сабоғи йўналишида театрал тиклаш, кинематография, бастакор-композиторлар асарларига киритиш – бу ўзликни англаш ва анъанавий зарб усулларини тиклаш каби муҳим аҳамиятга эгадир.

АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЯТИ ҲАҚИДА

М. Б. Йўлдошева, т. ф. н. НДПИ.

Ўзбекистон қадим-қадимдан юксак маданият маскани бўлган замин бўлиб, халқимиз бой маданий меросга, улкан маънавий илдизларга эгадир. Жаҳонга машҳур алломалар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Абдулло Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Ал-Мотурудий, Ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмилдин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Паҳлавон Маҳмуд ва юртимизда яшаб ижод этган бошқа кўп сиймолар жаҳон фани, маданиятига катта ҳисса қўшганлар. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси эса бир сўз билан айтганда ғоятда улкандир.

Президентимиз «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобига ёзган сўзбошисида: «.. мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк

www.ziyouz.com kutubxonasi

аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан»,[131]-деб таъкидлаган эди. Шуни назарда тутиб, ўтмиш тарихимизни мунтазам, изчил, теран ўрганиб боришимиз, таҳлил қилишимиз лозим. Тарихни билмай туриб мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки, мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган.

Кейинги йилларда маданиятимиз тарихида муҳим даврлардан бири бўлган Амир Темур ва Темурийлар даври маънавиятига қизиқиш ортди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси ҳамда раҳбарлигида 1996 йилда ўтказилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда илмий ҳаётида тарихий ва оламшумул воқеа бўлди. Юбилей тадбирларида, «ЮНЕСКО» доирасида халқаро миқёсида ўтказилган тантаналарда, Юртбошимиз қилган маърузаларда ўша давр маданиятига, Амир Темур шахсиятига доир масалаларга чуқур илмий ва ҳаққоний баҳо берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, юксак маданиятсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш амримаҳол Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти ривожланишининг асосий сабабларидан бири соҳибқирон Амир Темур маънавиятининг юксак даражада эканлиги бўлиб, уни изчиллик билан ўрганиш мустақиллик маънавиятини шакллантиришда ҳамда миллий истиқлол ғояси моҳиятини англашда кўмак беради.

Таниқли тарихчи, Амир Темурнинг ашаддий душмани, уни ваҳший, ёвуз, деб атаган Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ унинг маънавий қиёфасига қуйидагича таъриф беради:

«Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди; пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди; оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб туради. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун сақол қўйиб юради. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари етарли ёқимли эди. Ўлимни писанд қилмасди; қарийб 80 га кириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковатини ҳам, довюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-торожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл

---

[131] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 7-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилмасди; у ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди»[132].

Халқимизда «бола ёшдан... » деган нақл бор. Амир Темур ёшлигидан илм аҳлига катта ҳурмат билан қараган. Бу ҳақда Соҳибқирон томонидан айтилган ривоятда: «Бир куни падари бузрукворимиз Амир Тарағай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайр қилиб юрар эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турғон экан: қўлида қоғоз–шеър битилган, у дер эди:

-Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади.

Ҳимматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабамни сўради. Айтдим сўнг тайин қилди:

-Отанг олдиға борғил, буни отанг олдида ўқи, боргунча очма..

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан, маъноси қуйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми яхшилик билан ном қолдир...

Рубоийнинг муаллифи–ўшал қаландар, аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп ҳурмат қилар эрканлар.

-Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олғон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур. .

Падари бузрукворни айтқонларини бош устида тутдим»,[133]- дейилади ва бу насиҳатга бутун умр амал қилади. Шу ўринда Лянглэ асаридан яна бир мисол келтирайлик: «Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди. Темур одамларни ўзига бўйсундириш

---

[132] Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент: Меҳнат, 1992. 71-бет.
[133] . Амир Темур ўгитлари. Тошкент: Наврўз, 1992. 52-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларини бахтли қила билиш таланти билан уйғунлаштирди»[134].

Соҳибқироннинг яна бир маънавий фазилати – жаҳон маданияти хазинасидан жой олган алломалар Ал-Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбандларни улуғлаб, уларнинг ёдгорликларини тиклаб, зиёратгоҳларга айлантирди, мадраса, мақбаралар бунёд этди.

Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва доно ўгитларининг мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан кишини ҳайратга солади. Амир Темур маънавиятидан ўрганадиган ўгитларимиз қанчалик тубсиз бўлса, мазмунан ҳам шунчалик чексиздир. Соҳибқирон Амир Темур маънавияти ўз даври учун нақадар муҳим бўлган бўлса, бугун мустақил Ўзбекистонни демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари асосида ўз миллий давлатчилигини қайта тиклаш, ривожланиш ва тараққий этишида ҳам унинг илгари сурган ғоялари ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

СОҲИБҚИРОН ЎГИТЛАРИДА ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Ф. Рўзиқулов, п. ф. н. НДПИ.

Барлос уруғининг кўрагон тармоғидан бўлган Амир Темур 1933 йилнинг 9 апрелида олдинги Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Тарағай Баҳодир ўша вақтда барлос уруғининг бошлиғи бўлиб, ўзига тўқ бўлган оиладан бўлган. Онаси Тегина бегимни эса Темур ёлғиз фарзанди бўлган. У даврдаги ҳокимият, тахт ва бойлик учун олиб борилган қонли урушлар Темурни 12 йил отасиз, онаси билан Занжирсаройда яшашга маҳкум этади. Шу сабабли Тарағай Баҳодир фарзанди Темур тарбияси билан кейинроқ шуғулланган. Тарағай Баҳодир илмли ва ислом динини мукаммал билгани учун ҳам, Темурда ёшлигиданоқ Қуръонни ўқишга, шатранж ўйнашга ва от миниш машқларини ўрганишга қизиқиш уйғотганлиги сабабли, у болалигидан суворийлик ва мусулмончилик руҳида тарбияланган. Уларни оиласида шарқона урф-одатларга қатъий роия қилинган. Кейинчалик Амир Темур ўз оиласини шундай шарқона

[134] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент: Фан, 1993. 46-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маданий хусусиятлардан оқилона фойдаланиб, мустаҳкамлади ва фарзандларини шу руҳда тарбиялади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, соҳибқирон Амир Темир бир неча марта уйланган. Соҳибқиронни 1335 йили отаси амир Муҳаммад Тарағай биринчи марта амир Чақуй Барлоснинг қизига уйлантиради. Амир Темирнинг хотинлари ичида энг суюкли, тадбиркори ва оқиласи Сароймулкхоним бўлган.

Соҳибқирон Сароймулкхонимни ўз никоҳига олгач, машҳур «Кўрагон» номини олишга мушарраф бўлади. Сароймулкхоним хон авлодига мансуб бўлгани учун ҳарамдаги барча маликалардан юқори турган, уни катта хоним ёки Бибихоним деб атаганлар. Сароймулкхоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли ва ақл-заковатли соҳибаси бўлган. У инсонпарвар, саховатли аёл бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий, маданий ва қурилиш ишларида фаол қатнашган, айниқса, мадрасаларда таълим олаётган толиби илмларга кўпроқ ҳомийлик қилган.

Амир Темир Сароймулкхонимдан фарзанд кўрмаган бўлсада, ўзининг суюкли фарзандлари ва набираларини, яъни ўғли Шоҳрух мирзони ва набиралари Муҳаммад Султон мирзо, Халил Султон мирзо, Улуғбек мирзоларни меҳрибон Сароймулкхоним тарбиясига топширган. Саройдаги оилавий муносабатларда соғлом психологик иқлим муҳитини яратишда оқила ва тажрибали Сароймулкхонимнинг хизмати жуда катта бўлган.

Соҳибқирон оилани ҳар томонлама соғлом бўлишига катта эътибор берган. Соғлом авлоддан баркамол инсон дунёга келишини назарда тутиб, қуйидаги ўгитларга ҳар доим қаттиқ туриб амал қилган ҳамда бу ишларни давлат ишлари билан тенг кўрганлар «...ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини етти пуштини суруштирдим. Холис одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим».

Бундан ташқари, ўғиллари, набираларига бир томчи бўлса-да, шароб ичиб хотинларига яқинлашишни ман этган, зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд Соҳибқирон насл-насабининг бузилишига салбий таъсирини олдини олган.

Бобомиз ўз оиласини мустаҳкамлашда ва фарзандларини тарбиялаб вояга етказишда бундай шарқона анъаналардан, ва этнопсихологик хусусиятлардан оқилона фойдаланган. Шунинг учун ҳам Амир Темир

www.ziyouz.com kutubxonasi

йирик давлат арбоби, қонуншунос, истеъдоди меъмор, руҳшунос бўлиш билан бирга яхши оила бошлиғи, ота ва бобо бўлган.

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ ВА МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА

А. Ўралов, СамДМҚИ,
Р. Юсупов, Қ. Нурбоев, СамДУ.

Республикамизнинг мустақиллиги туфайли кейинги йилларда халқимизнинг ўз тарихига бўлган қизиқиши кучайди. Чунки буюк алломаларимизни ҳаёти ва фаолиятини илмий ўрганиш бўйича ўтказилаётган қатор халқаро анжуманлар бунга кенг имкониятлар яратмоқда.

Тарихчи, санъатшунос, файласуф олимлар ҳам Темур ва Темурийлар давридаги амалий-ижтимоий фаолиятини ўз илмий изланишларида объектив ва холисона баҳолаш мақсадида ижод қилишмоқда. Бизгача эълон қилинган асарлардаги мавзулар ва ўша даврда улуғ бобокалонларимиз ўз салтанати бойликларини мамлакат ободончилиги, бунёткорлиги йўлида сарфланганликлари ҳақида бўлиб, мазкур мақолада биз ана шундай муаллифлар асарларини ҳозирги замон тарихшунослиги нуқтаи назаридан ўрганишни мақсад қилдик.

Бу борада, айниқса санъатшунос олим, академик Галина Анатольевна Пугаченкованинг илмий татқиқотлари таҳсинга сазовордир. Темур ва Темурийлар даври тарихига доир ўзининг ўнлаб китоб, рисолалари ва мақолаларида у ўзбек халқи маданияти ва меъморчилик санъати буюк тарихга эга эканлигини таъкидлаб, унинг ўзига хос миллий хусусиятлари тўғрисида илмий хулосалар чиқарди. Меъморчилик доктори Пўлат Зоҳидов «Зеб ичра зийнат» (1985) номли ва бошқа асарларида, аввал Амир Темур, сўнгра Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳр шаҳарсозлик тарихида мисли кўрилмаган улкан ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатади. Тарихчи олимлар Нарзулла Аҳмедов, Акбар Тиллавовлар «Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт» (1993) рисоласида Амир Темур давлати ҳудудида илм-фан, адабиёт, меъморчилик ва мамлакатни ободонлаштириш ишларини ҳозирги замон тарихий манбалари асосида ўрганишга бағишладилар. Файласуф олим Ойдин Зиётов «Зарафшон» рўзномасида чоп этилган «Темурийлар даврида мусаввирлик» номли мўъжазгина илмий мақоласида (1996 йил 6 сентябрь) овруполик

www.ziyouz.com kutubxonasi

санъатшунос олимларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё мусаввирлик санъатидаги ижтимоий мазмун ва ғоялар тўғрисида ҳозиргача бирор нарса айта олмаганини тўғри кўрсатиб, улар халқимизни ўзига хос меъморчилик ва тасвирий санъатимизни нотўғри равишда Эрон санъатининг бир тармоғи деб қараганликларини ўринли танқид қилди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг Туркистон боғ-истироҳатчилик санъатини ривожлантиришдаги хизматларини «Алломалар олами» (1991), «Улуғбек яратган маънавият» (1994) номли китобларида, Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон халқлари маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаларини «Бобурийлар ва бунёдкорлик» (1995) рисолаларида янада чуқурроқ ўрганган олим СамДМҚИнинг профессори Аҳтам Ўралов бўлди. Бу асарлар Иноятулла Совонқулов, Мурод Хожихонов, Нусратилло Сафаровлар билан ҳамкорликда ёзилган бўлиб, олимларнинг таъкидлашича, маънавий қадриятларимиз ва ўтмишимизнинг шундай бир серфайз ва олтин даврлари ҳам борки, бу даврларда буюк аждодларимиз бутун бир миллатни, яхлит бир ўлкани дунё халқларига сарафроз этган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида уларнинг саъй-ҳаракатлари, ўша давр амалдорлари ва алломалари томонидан халқ саломатлиги йўлида қурилган шифохоналар, дорихоналар, ҳаммомлар, гармобалар ва умуман, ўша давр даволаш ва шифобахш бинолари А. Ўраловнинг «Архитектура лечебно-целебных учреждений Средневековой Централной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока» (2005) номли монографиясида илк бор тадқиқ этилди. Ушбу асарда кўрсатилишича, Темурийлар нафақат шаҳар ободончилиги, юрт фаровонлиги, балки халқ соғлигини сақлаш ва ҳимоялаш ишларига ҳам ўз маблағларини аямаганлар.

Темур ва Темурийлар даври боғ–саройлари, хусусан, пойтахт Самарқанд ва Хоразм шаҳри атрофида қурилган боғлар ҳақидаги маълумотлар Ўткир Алимовнинг «Ўрта асрларда Моваройннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи» (1984й.) монографияси, Т. Ширинов, А. Бердимуродовнинг «Амир Темурнинг Самарқанддаги боғлари» (1996) рисоласида, М. С. Булатовнинг «Сады и парки Темура и Темуридов» («Маскан» журнали. 1993 йил, 1-2-сонлар.) мақоласида Г.А.Пугаченкованинг «Из художественной сокровищницы Средного востока» (1997), А.Ўралов М.Хожихоновларнинг «Темурийлар маънавияти ва маданияти» (1996) монографияларида С.С.Ожибов, А.С.Ўралов, К.Ж.Раҳимовларнинг «Ландшафт архитектураси ва дизайни» номли (2003) китобларида кенг ёритиб берилган. Юқоридаги асарларни бирлаштириб турувчи ягона ғоя – бу Амир Темур ва Темурийлар даври боғ–саройлари, шунингдек Бобур ва Бобурийлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

даври боғ-саройлари қурилишида «Чорбоғ» услубининг кенг қўлланилганини эътироф этилишидир. Уларда «Чорбоғ», «Чорчаман», «Чаман» ва «Ҳиёбон» шаклларини уйғунлашуви ва мунтараклиги алоҳида қайд этилган Самарқанд ва Ҳиротда бу услублар нисбатан текис боғларда ўз аксини топган бўлса (Боғи Дилкушо, Боғи Нав, Боғи Давлатобод, Боғи Жаҳонаро, Боғи Сафед), Шимолий Ҳиндистон ва Покистон шаҳарлари атрофларидаги боғларда поғонасимон мунтазам симметриқ боғлар кенг қўлланилган. Бу муаллифлар Темурийлар даври боғ-саройларида нафақат чорбоғ услуби, балки «Чортоқ» ва «Чорчинор» услублари қўлланилганини, сувнинг турли шакллари фаввора, шалола ва шаршаралардан кенг фойдаланганлиги ҳақида ёзади. Бу асарларда Темурийлар даври боғ-саройларини нафақат сув дунёси, балки ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, боғ иморатлари ва иншоатлари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган.

Амир Темур ва Темурийлар бунёд этган таълим-тарбия ва илм-фан масканлари, жумладан кам ўрганилган хонақоҳлар ҳақида А. Ўралов ва Р. Юсуповлар «Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги таълим-тарбия ва илм-фан масканлари» (2005) китобида қисман зикр этадилар. Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар тасаввуф, яъни сўфийлик таълимотига, айниқса, нақшбандия тариқатига ихлос қилганлар. Улар улуғ шайхларни ўзларига пир деб билишган. Шунинг учун ҳам уларга хайрихоҳ ҳолда янги хонақоҳлар, уларнинг мозорлари ёнига зиёратгоҳлар қурганлар. Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ мақбараси, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий, Тошкентдаги Зангиота, Ҳиротдаги қатор зиёратгоҳлар айнан Темурийлар томонидан бунёд этилган.

Ушбу анъана кейинги даврларда ҳам давом этиб, XVI асрда Карманада Шайбонийлар сулоласидан Бухоро хони Абдуллахон II томонидан Қосим Шайх хонақоҳ зиёратгоҳи бунёд этилади. Хонақоҳ Бухорога эмас, Самарқандга яқин бўлгани учун унинг меъморий ҳажмий ечимлари кўпроқ Темурийлар даври меъморчилик анъаналари асосида қурилган. Масалан, бош хонақоҳ биносининг гумбази айнан Темурийлар даврига хос қурилмадан «зарба минга», яъни ўзаро кесишувчи қўшравоқлар устига қурилган улкан устувон ва ташқи гумбаз билан тугалланган. Бу Самарқандда Темурийлар даврида қурилган обидалардан Ишратхона, Оқсарой ва Чўпонотада самарали қўлланилган гўзал композициядир. Карманадаги Қосим Шайх хонақоҳининг меъморий қурилмалари Самарқанд шаҳрида қурилган Ишратхонаникига айнан ўхшаб кетади. Кейинги асрларда Қосим Шайх хонақоҳи атрофида яна қўшимча бинолар қурилиб, меъморий мажмуа тарзидаги улкан зиёратгоҳ вужудга келган. Демак, икки сулола

www.ziyouz.com kutubxonasi

орасидаги курашлардан қатъий назар меъморчиликда эришилган ютуқлар анъанаси давом этиб келаверган.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбекларнинг ҳаёти ва фаолияти муаммоларини ёритишда ҳаққонийлик ва тарихийлик дастурига амал қилинган асарлар сирасига академик Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (1993), профессор Ашраф Аҳмедовнинг «Улуғбек Муҳаммад Тарағай» (1994), «Илми нужум» (1994) китобларини, Темурий маликалар ва Мирзо Улуғбек авлодлари тарихини ёритган Турғун Файзиевнинг 1994 йилда ёзган рисолаларини киритиш мумкин.

1996 йилда Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат масалаларига бағишланган мақолалар тўплами нашр этилиб, унда М. Раҳмоновнинг «Темур ва Темурийлар даври санъати», А.Умаровнинг «Мусаввирлик санъати», Г.Ғофирбековнинг «Мусиқа» ва М. Қодировнинг «Бобур нафосати» каби мақолалари эълон қилинди. Бу илмий татқиқот изланишларида Темур ва Темурийлар даврида санъат ва маданият равнақига алоҳида эътибор берилганлиги, бу соҳадаги ишларнинг кенг йўлга қўйилганлиги, бир қанча мусаввирлик ва мусиқа, хаттотлик мактабларининг фаолият кўрсатганлиги ҳақида, шунинг асосида Ҳиротда улкан мусаввирлар бадиий академиясидан «Нигористон» ташкил этилганлиги қайд этилади.

Самарқандлик таниқли тарихчи К. Каттаев, академик Б. Валихўжаевлар Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқандда бунёд этилган таълим-тарбия масканлари: мактаблар, мадрасалар ва мадрасаи олиялар, шунингдек масжидлар ва мақбаралар ҳақида қатор мақола ва рисолалар нашр эттирдилар.

Амир Темур ва Темурий шаҳзодаларнинг ижод аҳлига муносабати, ўзларининг ҳам ижодга зўр қизиқиши ва мойиллиги ҳақида А. Абдуғаффоровнинг «Ижодкор темурийлар» (1991), С. Ғаниеванинг «Тангри паноҳ ўлсун анга» (1991) мақолаларида баён этилади.

Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати проф. М. Аҳмедовнинг «Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи» (1995), академик Г. Пугаченкованинг «Архитектура эпохи Темуридов» (1996) каби асарларида кенг ёритиб берилди. Ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, Туркистон халқлари тарихида Темурийлар сулоласи даврини «Олтин давр» деб аташ мумкин. Бу сулола Осиёда қарийб беш юз йил ҳукмронлик қилди. Амир Темурдан Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган энг сўнгги Бобурий шаҳзода Баҳодиршоҳ II гача бунёдкор бўлмаган, шеър битмаган, ижод қилмаган, мусиқа ва санъатни севмаган бирорта шоҳни учратиш қийин. Уларнинг ҳар бири ушбу

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Олтин давр» ғиштларини яратишда ва мустаҳкамлашда ўз шахсий ўрнига эга бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам Буюк Амир Темур ва Темурийларсиз тарихимиз – етим, ўтмишимиз–қоронғу, осмонимиз тунд бўлиши, шубҳасиз. Хуллас, улуғ аждодларимиз даври маданиятини, меъморчилик санъатини янги замон тарихшунослигида ўрганилишини давом эттириш келгусида долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

АМИР ТЕМУР ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ТАРИХШУНОСЛИГИДА

Р. Юсупов, СамДУ.

Буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, у ташкил этган давлат тарихи юзасида билдирилган фикрларни комплекс равишда қайта ўрганиш ва концептуал асосда қайта баҳолаш ҳам илмий, ҳам сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тарих фанининг аҳамияти ҳамда ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихини идрок этишда: «Соҳибқорон ҳақида баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир»[135], - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов. Шу боисдан мустақиллик йилларида ўзбекистонлик тарихчи олимлар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид қатор асарлар чоп этилди. Соҳибқирон ва унинг давлатчилиги тарихини ёрутувчи бир нечта илмий анжуманлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилди. Манбашунослик, тарихшунослик ва тарихий татқиқот ихтисослиги бўйича Д. Обиджонова ва Б. Усмоновнинг тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дессиртациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Юқорида зикр этилган асарлар ва уюштирилган барча илмий анджуманлар бўйича нашр этилган тўпламларни ўрганиб чиқиб умумлаштирилганда, уларга қуйидагича тавсиф бериш мумкин:

Биринчидан, хорижда Амир Темур тарихи ўрта асрларданоқ катта қизиқиш билан ўрганиб келинган. Ғарбнинг машҳур тарихчилари ўз асарларида Амир Темур фаолияти ҳақида ҳозирги кунда ҳам эътиборга молик даражада сақланган фикр-мулоҳозаларини баён этганлар.

---

[135] К а р и м о в И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 184-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчидан, хориж тарихшинослигида Амир Темур тарихини ёритувчи татқиқот ишларининг салмоқли қисмини Россияда нашр этилган асарлар ташкил этади.

Ва ниҳоят, учинчидан рус муаррихларининг Амир Темур шахси ва унинг тарихдаги ўрни ҳақидаги фикрлари XX аср давомида барча совет тарихчилари учун асосий дастуруламал бўлган десак, хато қилмаймиз. Чунки, россиялик тарихчилардан М. М. Карамзин, Т. М. Грановский, В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский асарлари бир неча тилларга таржима қилинган ҳамда жаҳон тарихшунослиги ривожланишига ҳам маълум даражада таъсир ўтказган. Шунинг учун ҳам Россия тарихшунослигидаги Амир Темур тарихига оид асарларни илмий таҳлил этиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини тарихий манбалар асосида қўрасатиб бериш ҳозирги замон ўзбек тарихшунослигининг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда тарихшунлик илмининг бу йўналишини ривожланишида муҳим бир ижтимоий-сиёсий воқеа 1992 йилда юз берди. Ушбу йилда бир гуруҳ олимлар, ёзувчилар, рассомлар ва журналистлар бирлашиб «Амир Темур маърифий жамияти»ни таъсис этдилар. Мустақил Ўзбекистон юртбошиси ўзига хос жасорат билан Тошкентнинг юрагида Соҳибқиронга ҳайкал қурдирдилар. Такрор-такрор таъқидлаш жоизки, Амир Темурни бизга қайтариб берган, бу борада ҳормай-толмай ҳақни қарор топтирган зот Президент Ислом Каримов бўлади. Ушбу улуғ хизматлари учун халқимиз ундан беҳад миннатдордир. 1996 йил – Амир Темур йили деб эълон қилинди. Худди шу йили Вазирлар Маҳкамаси «халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Темурийлар тарихи давлат музейини ташқил этиш чора – тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Натижада, ўзбек тарихшунослигида ҳам ҳеч қандай бир ёқламалик ва юзаки фахрланишларга имкон бермасдан, Амир Темур шахси, унинг давлатчилик тарихини бутун мураккаблиги, ёритилмаётган қирраларини ҳисобга олган ҳолда ҳаққоний талқин этиш керак бўлган даври бошланди. Буни биз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонасининг Амир Темур тарихига боғлиқ адабиётлар ва мақолалар библиографик кўрсаткичидан ҳам билсак бўлади. Библиографик кўрсаткичда тўрт юздан ортиқ китоблар, мингта яқин нашр этилган илмий - оммабоп мақолалар рўйхати берилган. Библиографик тўплам йилдан-йилга тўлиб, унга киритилган сара асарлар ва адабиётлар сони ҳам ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда халқаро миқёсдаги Амир Темур жамғармаси ходимлари ва унинг бошқаруви раиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Али раҳбарлигида темуршуносликни халқ орасида кенг тарғиб этишда катта жонбозлик ишлари амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида темуршуносликни ўрганиш, унинг манбашунослигини нафақат аслиятда, балки бошқа тилларда ҳам чоп этишда жиддий ишлар олиб борган А.Ўринбоев, Ҳ.Кароматов, А.Аҳмедов, О.Бўриев, Ҳ.Бобобеков, А.Саидов, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков, З.Муқимов, А.Бердимуродов сингари заҳматкаш олимларимиз ҳам илмий татқиқотлар яратдилар ва таржималарини эълон қилдилар. Ўзбекстон халқ ёзувчиси П.Қодировнинг бу борадаги сермазмун мақола ва эсселари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зурурки, ҳозирги кунда ҳам Франция ва Россия давлатларида темуршунослик илмига қизиқиш камайган эмас. Айниқса, Амир Темур ва Темурийлар тарихий муаммолари француз тарихчи олимларининг фаолиятидан махсус ўрин олган бўлиб, францияда темуршуносликни ўрганишнинг мустақил бир мактаби кенг фаолият олиб бормоқда.

Россияда ҳам Амир Темур даври тарихи ва маданиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Тарихий воқеалик ҳамда ҳақиқатни аниқлаш борасида машҳур тарихчилар билан бир қаторда ёш олимларнинг ҳам илмий татқиқотлар олиб бораётганликлари қувонарли ҳолдир. Бу борада Россиянинг Самара вилояти, Кошки қишлоғидаги мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Михаил Арнольдовнинг буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг 1391 йилда Олтин Ўрданинг истилочи хони Тўхтамиш билан жанг бўлиб ўтган жойни аниқлаш масаласига бағишланган мақоласи, айниқса диққатга сазовордир.

Унинг бу меҳнати Россияда нуфузли ҳисоблаган «Наука и жизнь» журнали томонидан эълон қилинган танловда биринчи мукофот билан тақдирланиб, 2004 йилнинг 4-сонида чоп этилди.

Мазкур мақолада ёш тарихчи юқорида қайд этилган жангнинг жойини аниқлаш бўйича татқиқотлар натижаларини келтириш билан бирга ушбу тарихий воқеанинг Россия халқлари тақдирида олган ўрни ва умуман, ўқув адабиётларида ушбу мавзунинг ёритилиши хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Хуллас, салоҳиятли давлат арбоби, шавкатли ҳарбий саркарда Амир Темур жаҳон халқлари тарихида улкан из қолдирган тарихий шахс саналади. Ўтган ўрта аср даврларидан тортиб, то ҳозирги кунларимизгача унинг шахсига қизиқиш ҳеч қачон пасайган эмас. Мағрибу машриқнинг тарихшунлари, сўз санъакорлари унинг сиймосини чизишга, феномени сирларини очишга интилаверадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИНИНГ ПОЙТАХТИ САМАРҚАНДНИНГ ИЛК ТАРИХИ САҲИФАСИДАН

Д. Жўрақулова,
И. Қурбонбоев, СамДУ.

Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимги марказларидан бири бўлиб, унинг ўтмиши бой, бетакрор тарихга эгадир. Жумладан, мустақиллик даврида бажарилган илмий татқиқот ишлар натижаси Самарқанднинг ёши 3 минг йилдан кам эмаслигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳри билан боғлиқ музофотда бажарилган илмий текширишлар натижаси бу ҳудудда шаҳар пайдо бўлган замондан анча аввал, чунончи, тош асридан бошлаб, инсон жамоалари яшаб келганлиги исботланган. Жумладан, ҳозирги шаҳарнинг бир неча жойларида шаҳар вужудга келгунига қадар палеолит (милоддан аввалги 10-12 минг йиллар) даври жамоалари қўним топиб яшаганлиги аниқланди. Шу даврга тегишли палеолит даври ёдгорликларидан бири – Самарқанд номи билан аталган макон Сиобча манзилгоҳи ва шаҳарнинг бошқа жойларидан топилган тош асри ашёлари фан учун қизиқарли бўлиб, Самарқанд тарихининг кўҳна илдизларини билиб олишда муҳим манбалардан саналади.

Самарқанд палеолит даври макони ҳозирги шаҳарнинг деярли марказ қисмида жойлашган бўлиб, у «Динамо», «Комсомол кўли» номлари билан маълум. Бу макон кўп маъдан қатламга эга бўлиб, Марказий Осиёда эталон ёдгорликлардан саналади. Уни кўп йиллар дастлаб таниқли археолог олим Д. Н. Лев ва кейинчалик унинг шогирдлари М. Жўрақулов раҳбарлигида ўрганилди (1958-1973). Макондан қарийб 10 мингдан зиёдроқ ноёб археологик ашёлар топилди. Булар турли-туман шакл-шамойилда тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ибтидоий санъат намуналари, ўша жамоаларнинг замондоши ва ов объектлари бўлган турли ёввойи ҳайвонлар суяк қолдиқлари, кулба, ибтидоий одам қолдиғи ва бошқа қизиқарли топилмалардан иборат. Тошдан ясалган меҳнат қуроллари таркибида дид билан ишланган найза тиғлари, пичоқлар, қирғич ва рандалар қизиқарли бўлиб, уларни ясашда қўлланилган технология услублари эса диққатга сазовордир. Маълум бўлдики, бу жамоалар йирик отлар, буқа, тўнғиз, бухоро буғуси, қоплон, айиқ сингари ёввойи ҳайвонларга, ов ва озиқабоп нарсаларга терим-термачилик билан турмуш кечирган эканлар. Макондан 25-35 ёшлардаги сўнгги палеолит даври одами қолдиғи, унинг билан боғлиқ турли тақинчоқларнинг топилиши ҳам катта қизиқиш уйғотади. Масалан, бу ердан тақинчоқ сифатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

топилган чиғаноқларнинг асл макони Ҳинд уммони қирғоқлари ва Қизил денгиз кўрфазлари ҳисобланади. Демак, топилмалар бу ибтидоий жамоаларнинг анча узоқ масофада яшаган қабилалар билан маданий алоқалар ўрнатишганликларидан гувоҳлик беради. Археологик ашёвий буюмларнинг, хусусан, меҳнат қуроларининг даврига нисбатан юқори дид билан ишлаб чиқарилганлиги энг қадимги аждодларимизнинг ўз замонида юксак маданият соҳиблари бўлганлигидан далолатдир (М. Жўрақулов, 2004).

Сўнгги палеолит даври ижтимоий нуқтаи назардан қаралганда, у она уруғдошлик (матриархат) тизимининг ташкил топиши ва унинг шаклланиши билан характерланади. Айнан шундай манзарани ана шу макон манбаларида ҳам кузатиш мумкин бўлди. Жумладан, манзилгоҳни қазиб текшириш пайтида бу ердан майдони 120 м^2 ҳажмдаги она уруғи жамоси истиқомат қилган чайла (кулба) излари топилган бўлиб, унинг марказ қисмида жамоанинг катта ўчоғи ва унинг атрофида эса ҳар бир жуфт оилага тегишли кичик ўчоқ қолдиқлари топилганлиги фикримизга гувоҳлик беради. Самарқанд палеолит маконининг ўрганилиши, нафақат Ўрта Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ, Шарқий Овропа полеолит даври маданият тарихини ўрганишда ҳам намунавий аҳамиятга эга. Бу ноёб ва бой археологик манбалардан нафақат Самарқанд шаҳри тарихининг кўҳна илдизларини, шунингдек, мамлакатимиз ибтидоий маданият тарихини ўрганишда ҳам бебаҳо хазина сифатида фойдаланиш мумкин. Ёдгорлик манбалари мажмуаси Самарқанд шаҳри тарихи ҳамда СамДУ археология музейи кўргазмаларини безаб турибди.

Сўнги йилларда Самарқанд шаҳри ҳудудида ўтказилган археологик текшириш ишлари бу ерда юқорида эслатилган жамоаларнинг танҳо яшамаганлигини кўрсатди. Масалан, ана шундай сўнги палеолит даврига тегишли манзилгоҳ ҳозирги ғишт заводига яқин Сиобча ариғининг ёнида ҳам топилиб ўрганилди (Тошкенбоев, 1980). Макон сўнги йилларда қилинган қурилиш ишлари туфайли зарар кўргани, маданий қатламларининг айрим жойлари бузилганлиги маълум бўлди. Шунга қарамасдан, қазиш ишлари туфайли тошдан ясалган меҳнат қуролларидан иборат бой коллекция йиғиб олинган бўлиб, унинг таркибида ўз даврида дид билан ясалган найза тиғлари, чопқилар, пичоқлар, ранда ҳамда турли чопқич қуроллар эътиборга сазавордир. Топилма меҳнат қуроллари учун қўлланилган технологик услуб ҳамда уларнинг шакл-шамойиллари айнан Самарқанд маконига хослиги, бу атрофда она уруғдош жамоаларининг бир нечаси ўзаро маданий алоқадорликда яшаганлигидан гувоҳлик беради. Бу макондан топилган ёввойи ҳайвон суяк қолдиқлари ҳам Самарқанд маконига хосдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб, Самарқанд шаҳрининг эски харобаси бўлган Афрасиёбда изчил қазишма текширувлар олиб борилмоқда. Натижада «шаҳар»чанинг бир неча жойларидан, булардан ташқари ҳозирги Регистон, музей жойларидан катта чуқурлик билан боғлиқ горизонтининг бир неча жойларидан ҳам палеолит даврига тегишли тош қуроллар ва улар билан боғлиқ қурол ишлаб чиқариш чиқиндилари топилди. Сўнгра аввалги Овражная кўчаси ер қатламларидан ҳам мустъе даврига (мил. авв. 100 минг йиллар) доир тошдан ясалган найза тиғи ва чопқи топилган эди. Хуллас, бу манбалар Самарқанд шаҳри ташкил топгандан анча аввал, бу ҳудуднинг бир неча жойларида инсон жамоалари яшаган ҳолда, маданият яратиб келганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, Афрасиёбнинг Сиоб ариғи ўтган томонидан бронза даврига мансуб қабр (милоддан аввалги II минг йиллар) билан турли-туман зеби-зийнат буюмлари ҳам топилган. Қабрнинг мавжудлиги бу ерда энг қадимги қишлоқ бўлганлигига ишорадир. Бундан ташқари Самарқанд шаҳри атроф ҳудудининг бир неча жойларидан бронза (жез) даврига тегишли дафиналар, манзилгоҳ – аҳоли қароргоҳлари топилиб ўрганилганлиги фанда маълум. Бу манзара, шаҳар ташкил топгунга қадар ҳам бу ҳудудда инсон жамоалари узлуксиз яшаб, ўз даврига хос юксак маданият яратиб, бу жараён доимо меросий тарзда ривожланишда бўлган ҳолда асрлар оша авлодларга етказилганлигидан гувоҳлик беради. Бронза даври ижтимоий нуқтаи назардан қаралганда, бу замонда патриархал тузум ҳукмрон бўлиб, оилада, хўжаликда оталар ролининг устунлиги билан характерланиб, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, ибтидоий тузумнинг инқирози ва синфий жамиятга ўтиш дастлабки давлатчилик аломатларининг вужудга келиши билан характерланади. Суғорма деҳқончилик негизида воҳада овуллар, қишлоқлар пайдо бўлган. Уларнинг айримлари эса йирик аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, воҳанинг хўжалик ва маданий маркази вазифасини бажарган. Демак, бу ерда ҳам тарихий тараққиёт туфайли марказ вазифасини бажарган йирик қишлоқ ва уларнинг асосида вақт ва замонда бронза асрининг сўнгги босқичларига келиб, проташаҳар ва илк шаҳар пайдо бўлган. Айнан шундай тарихий жараённи Самарқанд ҳам ўз бошидан кечирганлигига қўлга киритилган янги археологик манбалар шубҳа қолдирмайди. Илк шаҳарлар бронза асри ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг маҳсулидир.

Самарқанднинг эски харобасида – Афрасиёбда сўнги йилларда бажарилган изчил археологик текширувлар туфайли бу азим шаҳарнинг бунёд этилганлиги санасига янги ойдинликлар киритилиб, унинг ташкил топган санаси 3 минг йилдан кам эмаслиги исботланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунончи, Самарқанд тарихини ўрганишда етакчи мутахассис олимларнинг ҳамкорлиги ташкил қилиниб, бу ҳодиса ўзининг маҳсулли самарасини берди. Масалан, ўзбек-француз илмий экспедицияси шаҳар тарихини изчил ўрганишга киришиб, кенг кўламли қазишма ишларини бажарган ҳолда, шаҳар тарихининг энг қадимги даврларига тегишли янги манбаларни қўлга киритишга эришдилар. Аввало, шаҳарнинг мудофаа деворларининг энг пастки горизонтида, шунингдек, шаҳар арки ҳудудида 12-15 метр чуқурликдаги маъдан қатламларидан Эрон аҳамонийлари босқинидан (мил. авв. VI аср) анча аввалги даврга тегишли қурилмалар қолдиқларига, ўша даврга хос сопол буюмлар ва бошқа топилмаларга дуч келинди. Бу қурилмалар лойдан ясалган гувалалардан иборат бўлиб, бундай «ғишт»лардан аҳамонийлар босқинидан қарийб бир неча юз йиллар аввал яшаган аждодларимиз фойдаланиб келганлиги аниқланди. Гуваладан бинолар қуриш тарихи ҳатто неолит, яъни мил. авв. VI минг йилликка бориб тақалади. Бу далиллар Самарқанднинг қадимги жойи Афрасиёб ҳудудида милоддан авв. II минг йиллик охирларида воҳадаги йирик марказ қишлоқ бўланлигига, шунингдек, деҳқончилик билан боғлиқ бу қишлоқ тараққиёт жараёни негизида илк шаҳарнинг вужудга келганлигининг тастиғига гумон қолдирмайди.

Демак, Самарқанд шаҳрининг ўтмиш илдизлари тош асрига, пешма-пеш ривожланишнинг асосида бронза даврига ва милоддан аввалги 2 минг йилликнинг охирида эса илк шаҳарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса узоқ даврларни ўз ичига олган эволюцион тараққиёт маҳсули эди. Шундай қилиб, Самарқанд шаҳрининг ташкил топган санаси 3 минг йилдан кам эмаслиги ҳақидаги етакчи мутахассис олимларимизнинг хулоса ва фикрлари адолатли деб ўйлаймиз (М. Исамитдинов, 2002 й). Энг муҳими, бу музофотда ташкил топган илк шаҳар маданият илдизлари ўзга юртлар таъсирида эмас, балки туб, маҳаллий маданиятимиз тараққиёти негизида ташкил топганлиги ҳақидаги фикрни алоҳида қайд этиш лозим. Шунинг учун ҳам бўлса керак, мамлакатимизнинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», деган барқанот фикрлари бизни шаҳримиз ҳақида ғурур ва ифтихор билан ижод қилиб яшашга чорлайди. Самарқанд тарихини археологик текшириш йўли билан ўрганиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шу боисдан ҳам бу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқдаки, бинобарин, тарих тафаккур маҳсули, у вақт замонда ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда содир бўлган ўзгариш ва ҳодисаларни доим сарҳисоб қилиб, жой-жойига қўяди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуллас, Самарқанд дунёдаги энг қадимги ва ҳамиша навқирон шаҳарлардан бири бўлиб, у жаҳон халқлари маданияти тараққиётига муайян даражада таъсир кўрсатиш ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутган ва бетакрор мавқега эга шаҳарлардандир.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ИЖТИМОИЙ ИШ СОҲАСИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Д. Раҳмонов,
Н. Назарова, СамДУ.

Жамиятимиз учун янги бўлган ихтисослик ва профессионал фаолият ҳисобланган ижтимоий ишнинг шаклланиши уни назарий жиҳатдан англашга нисбатан долзарбликни янада кучайтиради. Профессионал фаолиятнинг бир тури сифатида ижтимоий иш бир асрдан зиёд тарихи даврида улкан эмперик материаллар тўплади. Уни назарий тушуниш, умумлаштириш ва тизимлаштириш унинг самараси, натижавийлигини ошириш нуқтаи назаридан Республикамизда дастлабки амалий ва назарий саъй-ҳаракатлар учун янги истиқболларини очиши, шубҳасиздир.

Ижтимоий иш фаолиятининг алоҳида кўриниши сифатида – аҳолининг турли гуруҳлари эҳтиёжи ва шахсий қизиқишларини қондириш ва ижтимоий кафолатлаш, кишиларни ижтимоий ҳаракатга қобиллигини тиклашга ва яхшилашга ёрдам берувчи шароитларни яратишдир[136].

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ижтимоий иш соҳасининг шаклланиш тарихи Вавилонда эрамиздан олдинги 1750 йилдан бошланган, хусусан унда адолатлилик қоидалари, яъни кишиларни яқинларини севишга, камбағаллар ҳақида қайғуришга ундайдиган фуқаролик актлари тузилган[137]. Демак, ижтимоий иш соҳасининг профессионал, касбий фаолият кўриниши сифатида шаклланиши Ғарбий Европа ва АҚШ сингари мамлакатларда XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келсада, бироқ унинг нопрофессионал кўриниши эса ҳар қандай жамиятда, ҳар бир даврда ҳар хил хусусиятда бўлган, ҳар хил услуб ва шаклларда амалга оширилгани билан ижтимоий иш соҳаси масалалари узоқ мозийга эга эканлигини кўрсатади. Буни Марказий Осиё тарихий ҳужжатларида улуғ мутафаккирларимизнинг

---

[136] *Қаранг:* Социальная работа: теория и практика. М., 2002. С. 5.
[137] Ўша асар. 7-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарлари орқали янада аниқроқ тасаввур қилишимиз мумкин. Ана шундай асарлардан бири-бу Соҳибқирон бобомиз Амир Темур қаламига мансуб «Темур тузуклари» да ҳам ижтимоий иш соҳаси масалалари ўз ифодасини топган.

Маълумки, «Темур тузуклари» номи билан аталмиш бу асар эътиборга молик тарихий манбалар жумласидан ҳисобланади. Бу асарда нафақат Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатлари, балки ижтимоий иш соҳаси масалаларига ҳам алоҳида қисмларда ёритилгани аҳамиятга моликдир.

Буюк ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида ҳукмронлик қилган Амир Темур ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеани ўзича тушунган ва муҳим қарорлар қабул қилган. Темурнинг фаолияти кўп қиррали бўлганлиги учун, яъни у бир томондан давлат подшоҳи бўлса, бошқа томондан йирик илоҳиётчи, мутасаввуф мутафаккир сифатида майдонга чиқади. Шунинг учун ҳам унинг фаолиятини ўрганиш ҳар бир қирраси учун алоҳида татқиқот ишлари талаб қилади[138]. Айнан ана шу мақсад йўлида, яъни тузукларда ижтимоий иш соҳаси масалалари қай даражада ёритилганини ўрганиш мақсадида мазкур мавзу доирасида қисқача ўз фикрларимизни баён этишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, ижтимоий ишнинг асосий қадриятлари ва тамойиллари беш асосий мезонга таянади:

Инсон қадр-қиммати ва қадрияти;

Ижтимоий адолат;

Инсонпарварликка хизмат қилиш;

Бутунлик;

Компетентлик (чуқур билимга асосланганлик, омилкорлик)[139].

Ижтимоий иш амалиёти инсонпарварликка, ҳалолликка ва компетентликка хизмат қилиш йўли билан инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳам, ижтимоий адолатни таъминлашга ҳам кўмаклашиши керак.

Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, агар биз «Темур тузуклари»ни қунт билан мутолаа қилсак, унда юқорида қайд этиб ўтилган ижтимоий иш мезонларига алоҳида эътибор билан қаралганлигининг гувоҳи бўламиз. «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим

---

[138] *Қаранг*: Руи Гонзалис де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканд в 1403-1406 гг. -Спб, 1881. С. 237-243.

[139] *Қаранг*: Христоматия к тренингу «Введение в социальную работу» проект «Развитие социальной работы на академическом уровне в Узбекистане». Ташкент, 2005. С. 53.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамлакатларнинг сипоҳи учун даргоҳим эшиги очиқ эди. Раиятини ўзимга қаратиб олдим. Ҳаммани қўрқув ва умид орасида сақладим. Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда хаддиларидан ошишларига йўл қўймадим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим... Шу билан бирга ўғрилик ва талончиликнинг барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим...

Яна буюрдимки, ҳар ернинг ҳокимлари ғаразгўй, тухматчи ва нафси бузуқ кишиларнинг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимга жарима солмасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жарима солинсин. Ва яна буюрдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқ одамларидан жон бошидан ва ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ олмасинлар. Сипоҳийлардан бирор киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловларини тортиб олмасин.

Ҳар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муомилада, уларга холислик билан иш тутсинлар. Қашшоқликни тугатиш мақсадида, ҳар мамлакатни гадоларига вазифа юклаб иш берилган, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин»[140], деб ёзади Амир Темур.

Демак, «Темур тузуклари» ижтимоий иш соҳаси ривожи учун ўша даврда асосий дастуруламал вазифасини бажарган, десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари бу асарда Темур ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини баён қилишда, аввало, қонуннинг устуворлигига ва унинг кучи, халқ олдидаги ҳурмати ва уни халқ ҳурматига сазовор қилиш масалаларига катта эътибор берган. Бунинг учун унинг назарида, аввало, қонунлар адолатли ва инсонпарвар бўлиши керак ва халқ учун манфаат ва фойда келтириши, унинг ижтимоий иши муҳофазасини, ҳимоясини таъминлаши зарур бўлиши керак. Буни ижтимоий иш соҳаси ривожига таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этмоқ лозим. Бироқ, ижтимоий-сиёсий маданий тенгликнинг тўла, ҳамма одамда бир хилда амалга ошмаслигини билган Темур бу ишда маълум даражада қаттиққўлликка асосланишни таъкидлади. Чунки ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлган ҳар бир жамиятда қонун, салтанат, тўра тузук ва шариат қоидаларининг бузилишини Темур тушунган. Шунинг учун ҳам айнан «тузуклар»да у «мен фуқарони

---

[140] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 94-95-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқув ва умид орасида сақладим»[141], деган гапларни бекорга айтмаган. Темур назарида қонун устуворлигига амал қилиш раиятни золимлардан асраш бўлган[142].

Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Темур ўз даврининг, яъни феодал жамиятнинг ҳукмдори бўлганлиги учун ҳам ижтимоий тенглик ва уни амалга ошириш учун ҳаракат қилмаган. Бироқ, у бой-камбағални сақлаб қолган ҳолда ҳамманинг яхши, тўқ яшашини таъминламоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам Темур давлатнинг асосий хазина манбаи бўлган солиқни тартибга солишда катта хизмат қилган. «Темур тузуклари»да таъкидланишича, у ҳатто давлат ғазнасига зарур бўлган вақтларда ҳам халқнинг қашшоқлашиб қолишига йўл қўймаган. «Амир этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишдан уларнинг оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш [давлат] хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради»[143], деб ёзади.

Ижтимоий ишда ижтимоий таъминот шаклда намоён бўлувчи хайр-эҳсон ва садақа – одамларга инсонпарварлик билан қарашни намоён бўлишининг энг қадимги шаклларидан бири бўлиб, ғариб ва ночорларга пул ёки бирор моддий нарса эҳсон қилиш орқали уларга бўлган раҳм-шафқатнинг белгиси сифатида ифодаланади. Хайр-эҳсоннинг ўзига хослиги шундан иборатки, у кўпроқ хайр-эҳсон ва садақа қилувчининг ёки берувчининг шахсий ҳислатларига боғлиқ бўлиб, ўта индивидуал характерга эга. Хайр-эҳсоннинг бирламчи шакли сифатида садақа ва хайр-эҳсон ноташкилий характерга эга ва ижобий жиҳатлари билан бирга баъзи бир салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Хусусан, доимий ва сахийлик билан берилган садақа профессионал фақрликнинг ўсишига ёрдам бериши мумкин.

«Темур тузуклари»да эса айнан профессионал фақрликнинг ўсишига ёрдам берувчи асосий омилларни олдини олиш борасида Темур томонидан амалий чора-тадбирлар қўлланилганлиги таъкидланади. Амур Темурнинг ғоясида мамлакатнинг бирор жойида, ҳатто забт этилган мамлакатларда ҳам гадо бўлмаслиги керак. Буларнинг ҳаммасини тўплаб ҳисобга олиб, уларга еб-ичишларини таъминлаш ва ишга яроқлиларини иш билан таъминлашни ўйлаган.

---

[141] Ўша асар. 94-бет.

[142] Каримов С. Ўрта Осиё социологик фикрлар тарихидан. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2000. 274-бет.

[143] «Темур тузуклари». 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агарда бунга бўйсунмаса, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборишни буюрган[144].

Темурнинг ижтимоий адолат мезонига амал қилишининг яна бир кўриниши шундаки, у забт этилган мамлакатнинг аҳолисини ҳам ўз халқи мисоли қабул қилган. Уларнинг кайфияти, ҳосили, даромади ва бойликларига қараб иш тутган. Энг муҳими, «Темур тузуклари»да таъкидланишича, забт этган мамлакатлари халқларининг азалдан бериб келган хирожлари миқдорини ўзгартирмаган ва уларнинг розилиги билан иш кўрган. Хирожни экиндан олган ҳосилига ва ернинг унумдорлигига қараб йиққанлар. Бундан ташқари кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига қолдирилган[145].

Темур ўз ижтимоий иш соҳаси ҳақидаги қарашларидан тижоратга, ишбилармонликка катта йўл берган ва уларга имтиёзлар берган. Лекин у ҳалол, ҳақиқий меҳнатга асосланган тижоратни қувватлаган. У, ҳатто бундай тадбиркорлардан уч йилгача солиқ олмасликни таъкидлайди.

Амир Темурнинг ижтимоий иш соҳаси ривожи ҳақидаги қарашларининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, фуқароларнинг ҳеч бир қисми, ҳеч бир гуруҳи унинг саҳовати ва мурувватидан четда қолмаган ва бу ишларни унинг шахсан ўзи назорат қилиб турган. Халқни ҳақиқий ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий томойилларини бериш билан бирга уни амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. «Яна амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру, мискинларга лангархона (йўловчилар қўниб ўтадиган жой, камбағал, етим-есирларга овқат бериладиган жой–ғарибхона) солсинлар, касаллар учун шифохона қурсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дор ул-адолат (адолат уйи, қозихона) қурсинлар. Ва раияту зироатни қўриқловчи қўрчилар (қўриқчи, посбон) ҳам тайинласинлар»[146], дейди.

Юқоридаги фикрлардан қисқача хулоса ясайдиган бўлсак, Амир Темур фақатгина давлат раҳбари сифатидагина эмас, балки халқпарвар, миллатпарвар бир мутафаккир сифатида ҳам ўз даврининг илғор ижтимоий иш соҳасидаги қарашлар системасининг олий шаклини яратди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, ўша даврда ижтимоий иш соҳасининг ривожида Темур асосий ҳомий сифатида ўзини намоён қила олди. Чунки, у бир ғояни ўз фикрида ишлаганда масаланинг ҳамма томонини ҳисобга олар эди. Унда ўзгалар фикрини эшита олиш

---

[144] Ўша жойда.
[145] Ўша асар. 99-бет.
[146] Ўша асар. 100-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва қабул қила олиш қобилияти бор эди. Бу эса ундаги ҳар бир халқнинг аввал табиатини, руҳиятини билиш қобилияти кучли эканлиги билан белгиланади. Ваҳоланки, бу сифатлар бугунги кундаги ижтимоий иш ходиминнинг асосий профессионал, ахлоқий сифатлари ҳисобланади. Демак, биз ҳақли равишда Амир Темурни ўша давр ижтимоий иш соҳаси ривожининг асосий ҳомийси сифатида эътироф этишимиз мумкин. Кўриниб турибдики, Темур дастури ва ижтимоий-сиёсий қарашларида мукаммал жамиятни орзу қилишдан кўра кўпроқ уни амалга ошириш ва унинг масъулиятини ўз зиммасига олиши яққол сезилиб туради. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, келгусида Ўзбекистонда ижтимоий иш тарихини ўрганишда «Темур тузуклари» асосий манба бўлиб хизмат қилиши ва ижтимоий ишнинг асосий татқиқот мавзуларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз, деб ҳисоблаймиз.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА МАЪМУРЛАР

С. Қувватов, СамДУ.

Амир Темур ва Темурийлар салтанатида маъмурлар турлича атамалар билан ифодаланган. Масалан: ҳоким, доруға, навкар, чуҳра, баковул, бовурчи, офтобачи, чиғовул, ҳожиб, эшикоға, сайислар, рикобдор, ноғорачи, қушбеги ва шунга ўхшашлар.

Биз ана шу маъмурлар тўғрисида имкон қадар батафсилроқ, умумий тарзда сўз юритмоқчимиз. Юқоридаги маъмурларнинг кўпчилиги «Темур тузуклари»да ҳам тилга олинади. Биз уларни ихчамгина жамлашга жазм этдик.

Салтанатдаги ҳар бир шаҳар ёки ўлканинг ишлари ҳоким ва доруғага юклатилган бўлиб, аслида бу унвонлар маъно жиҳатидан бир хил, яъни маънодош, синоним сўзлар бўлиб, улар, одатда битта маъмуриятни бошқарган кишига нисбатан ишлатилган.

Доруғатлар, асосан ҳуқуқий, маҳкама ишларини юритишган, зарур ҳолларда мамлакатнинг аскари билан урушга борган, фавқулодда ҳолатларда солиқ йиғишга ҳам юборилган.

Ҳокимлар ва доруғаларни вазифасига тайинланиши ва ундан озод қилиниши молия девонида ҳал қилинган.

Шоҳрух даврида Ҳирот пойтахт бўлганлигидан доруға, асосан шаҳар осойишталиги билан шуғулланган. Ҳирот ҳокими (доруғаси) аввал Шоҳрухнинг қариндоши амир Муҳаммад Дарвеш бўлган, у ўлгандан сўнг, 1433 йили унинг ўрнига амир Султон Абусаид

www.ziyouz.com kutubxonasi

тайинланган. Шу ўринда амир Алишер Навоийнинг ҳам кейинчалик Астробод ҳокими лавозимида фаолият кўрсатганлигини айтиб ўтиш лозим.

Кўпроқ ҳарбий аҳамиятга молик йирик шаҳарларда доруғадан ташқари қалъа қўмондони саналган қутволлар ҳам бўлган.

Саройдаги маъмурият маъмурларини санаб ўтамиз: ҳукмдорнинг аризалар ва улуғ бекларнинг ўз навкарлари ва чуҳралари бўлган. Улар ҳукмдор, мирза ёхуд беклар хизматига кириб саройда ва ҳарбий ишларда қатнашишган, давлат тизимида катта лавозимларга кўтарилиши мумкин бўлган.

Саройда озиқ-овқат билан боғлик ишларни қуйидаги маъмурлар бажаришган: баковул – озиқ-овқатни назорат қилган. Баковулдан кейин бовурчи келган бўлиб, у асосан ошпазлик қилган (ҳозирги шеф повар – бош ошпаз). Бовурчидан пастроқ маъмур офтобачи бўлган, у ҳукмдор қўлига сув қуйиб турган.

Ҳукмдорнинг ётоғига қарайдиган, сафларда чодирини, тўшагини ва бошқа нарсаларини кўтариб юрадиган, ҳукмдорларнинг ётиш – туришига кўз—қулоқ бўлиб турадиган фаррошлар; келди – кетдиларни кутиб оладиган ва кузатиб қўядиган ҳамда улар билан боғлиқ ишларни бажариб юрадиган чиғовул, ҳожиб, эшикоғага; от ва охурларга қарайдиган сайисларга; ем—хашак, тўрва ва бошқа ишларни бошқарадиган рикобдорларга; табехона деб аталган ва унга қарайдиган ноғорачига бўлинган.

Ҳукмдорнинг овини ташкил қиладиган ва ов қушларини етиштириб берадиган қушбеги ҳам бўлган.

Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида бошқарувни амалга оширадиган маъмурларни чуқурроқ ва махсус ўрганиш талаб этилади.

АМИР ТЕМУР ВА БУХОРО МАШОЙИХЛАРИ

Ф.Қосимов,
проф. БухДУ.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг давлат ва бунёдкорлик режаларини амалга оширишда Шарқнинг бобокалон шаҳри– Бухоройи Шарифга ажратган ўрни ва эътибори бугунги кунда катта қизиқиш уйғотади. Бу қизиқиш айни пайтда Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллиги нишонланаётган пайтларда қадимий шаҳарнинг Амир Темурга ўхшаш буюклар нигоҳида бўлганлиги, унинг улуғ иш ва сиёсатига куч

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва руҳ бағишлагани билан белгиланади. Бухоро Амир Темурнинг ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам яратувчанлик фаолиятида катта ўрин тутган ва бунинг тарихий ва илмий сабаблари бор, албатта.

XIV асрнинг ўрталарида сиёсат ва ҳарб майдонига кириб келаётган Темур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турли ижтимоий кучлар ва қатламлар ролини ҳисобга олиш билан бирга муҳим марказлар – Самарқанд, Балх, Урганч, Термиз, Ҳирот шаҳарлари мавқеини ҳам назарда тутар эди. Бу катта шаҳарлар қаторида, албатта, Бухоро ҳам бор эди.

Туронзаминдаги барча сиёсий, иқтисодий, маданий воқеалар маркази бўлиб келган кўҳна диёр – Бухоро. Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Хавс Кабир, Абу Али ибн Сино, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сайфиддин Боҳарзий, Хўжа Исмат Бухорий ватани бўлмиш Бухорои Шариф, бутун мусулмон дунёсида ислом маркази обрўйини олган маскан, қолаверса, онасини туққан муқаддас юрт Амир Темурдек буюк давлат арбоби ва беназир инсон диққат-эътиборини ўзига тортмасдан қўймасди.

Темур ва Темурийлар даврида Бухорода илмий ва адабий ҳаёт равнақ топди. XIV асрда Бухорода яшаб ижод этган Баҳоуддин Нақшбанд, Носир Бухорий, Муҳаммад ал-Бухорий, Хўжа Исмат Бухорий, Саъдуддин Тафтазоний, Муҳаммад Порсо каби алломалар салтанат маънавий муҳитини кўп жиҳатдан белгилаб берганлар.

Машҳур шоир Носир Бухорий XIV аср бошларида Бухорода туғилади. Мадрасада ўқиб, форс тилида шеърлар ёзади. Мўғуллар истилоси давридаги адолатсизлик, зулм, талон-торожларга бардош беролмаган шоир она-шаҳрини тарк этиб, дарбадарликда дарвешларча ҳаёт кечирган. Эгнида эски чопон, бошида намат қулоқ, қўйнида эса китобдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган, бинобарин, ўз ижодида сўфийлик, фақирлик ғояларини тарғиб этган.

1956 йилда Наманганда Носир Бухорийнинг тўла девони топилди. Етти минг байтга яқин шеърларни ўз ичига олган бу девон Носир Бухорийнинг ўз даврида хассос шоир эканлигидан яққол далолат беради. Абдураҳмон Жомий 1487 йилда ёзилган «Баҳористон» китобида шоирни тилга олган. Буюк Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қулуб» да Носир Бухорийни ҳурмат билан эслайди. Давлатшоҳ Самарқандий уни «малик уш-шуаро» деб атаган. Амир Темур ҳокимият тепасига келиб, Мовароуннаҳрни бирлаштираётган бир даврда, 1378 йилда Носир Бухорий вафот этади.

Ислом дунёсида катта шуҳрат қозонган Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний 1322 йилда Хуросонда туғилган, у тафсир, фиқҳ, мантиқ, ислом ақоидлари ва бошқа соҳаларга атаб қатор асарлар яратган. Амир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур хизматида бўлган бу руҳоний Мовароуннаҳрнинг бир неча шаҳарларида, жумладан, Бухорода, Ғиждувонда бўлиб, илм-маърифат тарқатади. Унинг мадраса талабалари учун ислом динидан ёзган дарсликлари Туркистон ўлкасида бир неча аср хизмат қилган. Ҳиротнинг машҳур Низомия мадрасасида, Бухорода илм-фан чўққиларини эгаллаган бу донишмандни ҳамма эъзозларди. Шарқнинг улкан шоир ва мутафаккирларидан Абдураҳмон Жомий, Саид Шариф Журжонийлар Тафтазонийдан илм сирларини ўрганганлар. Саъдуддин Тафтазоний 1389 йилда вафот этди.

Хўжа Исмат Бухорий Темурийлар даврининг кўзга кўринган шоирларидандир. Ворисларга салмоқли адабий мерос қолдирган Хўжа Исмат тахминан 1306-1375 йилларда Бухорода таваллуд топган. Шоир ўз умрини, асосан Бухорода ўтказган. Унинг шеърлари тез орада шуҳрат қозониб, истеъдод овозаси Темур пойтахти Самарқандгача етади. Хўжа Исмат пойтахтга таклиф қилиниб, дастлаб Ҳалил Султон, сўнг Мирзо Улуғбек саройларида хизмат қилади. Сарой муҳитидаги келишмовчиликлар унга маъқул бўлмайди ва шоир Бухорога қайтади. Она шаҳрида умрининг охиригача яшаб ижод қилган шоирнинг лирикасини 20 минг байтга яқин деб ҳисоблайдилар. Бухоро назмининг султонларидан бири Хўжа Исмат 1437 йилда оламдан ўтади. Унинг қабри барча бухороликлар учун азиз жой бўлиб, зиёратгоҳга айланган.

Темур ва Темурийлар давлатида яшаб ижод этган машҳур олимлардан бири Муҳаммад ал-Бухорийдир. У 1377 йилда Эронда туғилган бўлса-да, ёшлиги Бухорои Шарифда ўтган. Шу шаҳарда у етук олим, шоир, ислом динининг тарғиботчиси бўлиб шаклланади ва шу сабабли ал-Бухорий лақабини олади. У Темур салтанатига кирган бир неча мамлакатларда бўлиб, Бухоро мадрасаларида олган чуқур билимлари билан кўпчиликка машҳур бўлган. Соҳибқирон тарихини ёзган Ибн Арабшоҳ Муҳаммад Бухорийни «Менинг устозим, билимдон ва серғайрат имом, комилу фозил, даврининг беназири, асрининг яккаю ягонаси, инсоният алломаси, дунёнинг устози, дину диёнатнинг чўққиси, мухаккиклар ва мудаккиклар шайхи, ўз замонасининг қутби, даврларнинг муршиди», деб таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам Бухоро илму фан кучини бутун мусулмон оламига намоиш этган бу алломага ўрта аср муаллифлари якдиллик билан тан берганлар. Муҳаммад ал-Бухорий 1430 йилда Дамашқда вафот этган.

Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанднинг авлодлар олдидаги хизматлари мазмун ва соҳа жиҳатидан турлича бўлса-да, уларнинг дунёқараши ва маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, Мовароуннаҳр иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган, илму фан ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

бунёдкорлик ҳомийси Амир Темурнинг номи ҳақли равишда тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган бўлса, Хожаи бузруг ва Шохи Нақшбанд номлари билан машҳур бўлган Баҳоуддин Нақшбанд Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг йирик намояндаси, каромат кўрсатувчи мўъжизакор, Нақшбандия тариқати асосчиси ва раҳнамоси сифатида бутун мусулмон дунёсига таниш ва азиздир.

Соҳибқироннинг Баҳоуддин Нақшбанд билан даставвал қаерда ва қандай учрашганлари ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юрган. Темурнинг ёшлик пайтида ўз волидайи муҳтарамаси Тегина Бегим Моҳ ватани Бухорода кўп марта бўлганлигини ҳисобга олсак, бу ривоятларнинг тагида маълум асос борлиги аён бўлади.

Яратувчиликка катта эътибор берган Амир Темур Нақшбандия тариқатининг бунёдкорлик моҳиятини ҳаммадан кўра тез пайқаб олди ва юртнинг фаровонлиги, ободончилиги истиқболини ўз пири комилининг маънавият дунёси ва ҳаётбахш таълимоти билан боғлади.

Буюк Соҳибқироннинг Нақшбандия тариқатига чексиз ҳурматини белгилаган омил–бу таълимотнинг асосий ғояси бўлиб, у кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, ҳунар-касб ўрганишга, ўзганинг эмас, ўз меҳнатининг мевасидангина баҳраманд бўлишга чақиришдан иборат эди. «Даст ба кору, дил ба ёр» - демак, Оллоҳни дилига жо қилган ҳар бир киши ҳалол, покиза меҳнат қилиб яшашга интилиши керакдир. Темурийлар давлатининг иқтисодий равнақини таъминлаб берган омилларни ҳам аслида шу таълимот моҳиятидан излашга тўла асос бор.

«Амир Темур ва Бухоро машойихлари" мавзуининг тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, диншунослар томонидан ҳозирги замон илмий тафаккури асосида чуқур ва кенг ўрганилиши–бу шахсларнинг ўзаро таъсир нуқталарини, Марказий Осиё халқлари моддий, маданий ва маънавий юксалишини таъминлашдаги буюк хизматларини тўла очиб бериш имконини яратади.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА КАРВОН ЙЎЛЛАРИ

У.Рашидов, доц. БухДУ.

Амир Темур давлати ғарбдан шарққа қараб Мисрдан Хитойгача, жанубдан шимолга қараб Ҳинд океанидан Қипчоқ даштларигача чўзилган бўлиб, бугунги кунга келиб бу ҳудудда 27 мустақил давлат вужудга келган. Темур шу улкан мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб, бепоён карвон йўлларида савдогарлар, элчилар ва сайёҳларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Темур тузуклари»да ёзилишича: «Темур давлати сархадларидан бир 7 ёшли бола бошида бир лаъли тилло билан мамлакатнинг у бошидан бу бошига ўтиб кетса ҳам, унга бирор киши хиёнат қилмас эди». Темур давлати сарҳадлари ва карвон йўлларидаги кафолатланган хавфсизлик тўғрисида Темурнинг замондошлари Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Кастилия қиролининг элчиси Клавихо ва Темур Армиясида анча йил хизмат қилган немис рицари Шильтбергерлар ўз асарлари ва эсдаликларида батафсил ёзиб қолдирганлар.

Жумладан, Шильтбергернинг бу тўғрида маълумот беришича: «Темур мамлакатидаги карвон йўлларини қаттиқ ҳимоя қилиши ва давлат назоратига олишидан асосий мақсад–бу йўллардан ва савдодан хазина катта молиявий фойда олганлигидадир». 1404 йилда Темур давлатида 4 ойлик саёҳатда бўлган испаниялик элчи Клавихо бу давлат карвон йўлларидаги тартиб-интизомни кўриб қойил қолади ва «Табриздан то Хуросонгача, Хуросондан Самарқандгача бўлган барча карвон саройларида элчи ва савдогарлар учун хизмат қилишга шай турган от ва туялар турар эди», деб кўрсатади.

Темур карвон йўлларини қонун йўли билан ҳимоя қилиб, йўллардаги қароқчи ва таъмагир бож йиғувчиларни ҳам шавқатсиз жазолаган. Масалан, Арманистоннинг Арарат тоғлари яқинида жойлашган бир қалъада қароқчилар ўрнашиб олганлигини ва савдо карвонларини тез-тез талашларидан огоҳ бўлиб, қалъага тўсатдан ҳужум қилиб, ишғол қилади ва қароқчилар бошлиғини қатл этади. Шундан кейин ҳукмдор бутун карвон йўлларидаги қалъаларнинг дарвозаларини очиб қўйишга фармон беради, уларга қулф осишни мутлақо ман этади.

Темур мамлакат вилоятлари орқали ўтадиган карвон йўлларида шундай тартиб ўрнатдики, бундай интизомни ўша замон давлатларининг бирортасида ҳам учратиш мумкин эмас эди. Унинг фармонига биноан мамлактнинг қайси бурчагида бўлмасин, бирорта карвон ёки тижоратчи таловга дучор бўлса, ўша вилоят ҳокими таланган мол-мулкдан икки ҳисса кўп тўловни тижоратчига тўлашга мажбур бўлган. Вилоят ҳокими, шунингдек, таланган моллар миқдоридан беш карра кўпроқ миқдордаги маблағни Темур хазинасига ҳам тўлаган.

Карвон йўлларининг бундай кафолатли қўриқланиши, табиийки, кўплаб савдогар ва элчиларни Темур давлатига жалб этган. Ҳар куни бу йўллардан юзлаб савдо карвонлари Хитой ва Ҳиндистондан қипчоқ даштлари орқали Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё томонларига оқиб келар эди. Темурнинг фармони билан барча йирик савдо йўлларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

савдогар ва элчиларнинг дам олиши учун карвон саройлар, ҳаммомлар, ажойиб боғлар барпо этилиб, мис кўзаларда чанқоқни қондириш учун муздек сув сақланган. Йирик шаҳарлар яқинида эса минглаб хонадон эгалари турли мамлакатлардан келган меҳмонлар ва савдогарларга хизмат қилиб турган.

Темур давлатининг энг катта савдо маркази ва карвон йўлларининг туташган жойи Самарқанд ва Бухоро бўлиб, Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистон билан Жайҳун дарёси бўйидаги Амул шаҳри (ҳозирги Чоржўй) қалъаси орқали Сурия ва Кичик Осиёни, Олмалиқ ва Қашғар орқали Хуанхе бўйидаги Хонбалиқ (ҳозирги Пекин) шаҳарларини боғлаб турган.

Карвон йўлларидан фойдаланиш учун шариат қонунлари асосида бож олинган. Бож олиш тартиби ҳам икки хил бўлиб, мусулмон бўлмаган тижоратчилардан икки баравар кўп бож ундириб олинган. Темур фармонига биноан савдо карвонлари энг кўп ўтадиган жойларда божхона дарвозалари ва бож йиғувчилар қўйилган.

Буюк мамлакатнинг иккита энг кўп даромад келтирувчи дарвозаси бўлиб, уларни «Темур дарвозалари» деб аташган. Биринчи дарвоза Каспий денгизи бўйидаги Дарбанд шаҳрида бўлиб, Кавказдан ўтадиган йўлларни денгиз билан боғлаб турган ва савдогарлар у орқали Мовароуннаҳрга ўтишган. Иккинчи дарвоза Самарқанд ва Балх орасида – Шаҳрисабздан икки кунлик йўлда жойлашган бўлиб, у ҳам Дарбанд деб аталган. Бу дарвоза ҳукмдорнинг фармони билан ҳарсанг тошлардан қурилиб, тоғларнинг энг баланд ён бағрига туташтирилган. Натижада, Ҳиндистондан Самарқандга ва Самарқанддан Ҳиндистонга сафар қиладиган карвонлар шу жойдан ўтишга мажбур бўлган. Бу икки дарвоза мамлакат хазинасига катта даромад тушириш билан бирга чегараларни ҳам мустаҳкамлаш вазифасини ўтаб турган.

Шу тариқа Темур мамлакатининг тинч, осойишта ва обод бўлишида карвон йўллари катта аҳамиятга эга бўлиб, юртнинг гуллаб-яшнашини таъминлаган.

ФРАНЦУЗ ТЕМУРШУНОСЛИК МАКТАБИДА ЭРИШИЛГАН СЎНГГИ НАТИЖАЛАР

Р.Бобокалонов, доц. БухДУ.
Р.Раупова, магистрант.

Мустақил Ўзбекистоннинг нафақат бугуни, балки узоқ ва яқин ўтмишига ҳам Ғарб мамлакатлари зиёлилари асрлар давомида катта

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизиқиш билан қараб келишмоқда. Айниқса, халқимизнинг алломалари, буюк мутафаккирлар ва саркардалари ҳақидаги тарихий воқеа-ҳодисалар жаҳон илм аҳлини бефарқ қолдирмаган.

Франция тарихшунослигининг сўнгги йилларида Люсиен Кэрэн, Луи Базен, Жан Пол Ру, Фридрик Брессан, Винсент Фурно, Амин Маалуф каби бир қатор тарихнавис-ёзувчилар ўз илмий ва бадиий асарларида Марказий Осиё мавзусини Ғарб фани ва адабиёти учун долзарб масала қилиб олишди. Биргина Амир Темур ҳаёти ва сиёсий фаолияти ҳақида Францияда ҳозирга қадар юзлаб илмий мақолалар, илмий-оммабоп ва бадиий асарлар яратилди. Чунончи, бунга "Амир Темур салтанати" (Люсиен Кэрэн), "Саҳро соҳибқирони" (Р.Пруссе), "Амир Темур"(Ж.П.Ру) каби тарихий асарларни мисол келтириш аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Амир Темур Марказий Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида бетакрор из қолдирган буюк шахсдир. Буни бутун дунё илм аҳли тан олса-да, аммо шуни унутмаслик керакки, шарқшунослар ўртасида ҳам турли олимларга хосланган мактабларда оғмачилик кайфиятидаги вакиллар ҳам учрайди. Бировлар бу мавзуга объектив ёндашса, бошқалари тарихий ҳақиқатга субъективизм кўзи остида қарайди. Чунончи, Фрегосо, С. Бородин асарларида худди шу иккинчи салбий қирра тарихий ҳақиқатга зид тарзда намоён бўлган. Аммо, Париж университети ҳузуридаги туркий халқлар тадқиқотлари институти директори Луи Базен ва Алфонс де Ламартин, Жан Поль Ру, Фридрих Шлоссер, Люсиен Кэрэн сингари татқиқотчиларнинг фикрлари таҳсинга лойиқ. Санаб ўтилганлар ичида Люсиен Кереннинг қарашлари диққатга сазовор. У 1920 йилда Франциянинг Страсбург шаҳрида туғилган. Асл касби ершунос-биохимик, 1940-1946 йилларда Франциянинг Пастер Университетида илмий-ижодий фаолиятини бошлаган. 1951 йилда Париж Университетида ўз соҳаси бўйича докторлик илмий даражасини олган. У "Амир Тумур» ордени билан тақдирланган. Илк маротаба 1961 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш пайтида Ўзбекистонга келган. Бу сафар унинг ҳаётида катта бурилиш ясалди. Тадқиқотчи шу пайтдан бошлаб, ўз ҳаётини Амир Темур шахси ва Темурийлар сулоласи тарихини ўрганишга бағишлади. Профессор Люсиен Кэрэн ҳозир ҳаёт, 85 ёшда. У Францияда "Шарқшунослик уюшмаси" аъзоси, "Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси"нинг Президенти. Шунингдек, шу уюшма нашр этадиган "Темурийлар" журналининг муҳарриридир. Люсиен Кэрэн "Амир Темур" номли икки қисм, олти пардали пьеса яратган. Бу асарнинг ўзбекчага адабиётшунос олим Баҳодир Эрматов таржима

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган. Професор Люсиен Кэрэн умрининг салкам ярмини Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишлади. Ўзбекистонга бир неча маротаба сафар уюштирди ва сўнгги тадқиқотларининг бирида Соҳибқирон шахси ҳақида у шундай деб ёзади: "Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қутлаб ҳимоясига оладиган Темур туради, бир томонда бутун–бутун шаҳарларни забт этувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, боғлар барпо этувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда". Ғарбу шарқда, жумладан, ватанимизда ҳам Амир Темурнинг шахсини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихга холис баҳо бериш бўйича хорижий тарихшунослар билан биргаликда тарихчи-олимларимиз қаторида таржимонларимиз ҳам астойдил бел боғлашиб, француз шарқшунослигининг нодир асарларини ўзбек тилига ўгирмоқдалар, ҳамкорликда илмий алоқаларни йўлга қўймоқдалар. Жумладан, таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов машҳур француз темуршунос олими Люсиен Кэрэн билан биргаликда "Амир Темур ва Франция" рисоласини чоп эттирди. Б.Эрматов "Темур ёки соҳибқирон салтанати" номли, Л.Кэрэннинг китобини "Амир Темур салтанати" номи остида зўр маҳорат билан таржима қилди. Фарангшунос олим, Шоазим Минавваров француз темуршуносларининг охирги 30 йил давомида ёзган асарларини йиғиб, тўплам ҳолига келтирди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзлигимизни англашимизда тарихшунослар қаторида таржимачиликнинг ҳам хизмати беқиёсдир. Бу иш масъулиятини уддалаш учун бугундан замин тайёрланиши зарур.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ

Ш.Болтаев, доц. БухДУ.

Амир Темурнинг инсоният ва бизнинг аждодларимиз олдидаги катта хизмати, энг аввало марказлашган феодал давлат барпо қилганлигидадир. «Амир Темур биз учун, -деб ёзади И.Каримов,-буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган»[147].

Соҳибқирон бошқарган давлат ҳаётининг барча соҳалари гуллаб-яшнаган. Бунинг бош сабаби – давлат иқтисодий тизимининг мустаҳкамлигидир.

---

[147] К а р и м о в И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 185-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур тузган давлатнинг ички иқтисодий тизими ҳам пухта бўлган. Иқтисодий сиёсатда, аввало омманинг аҳволини яхшилаш масаласи етакчи ўринда турган. Раият–халқ оммасининг хонавайрон бўлиши хазинанинг камбағаллашувига олиб келиши ва бу ўз навбатида сипоҳнинг тарқалишига ва мамлакатнинг кучсизланишига сабаб бўлиши теран англашилган.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, аввало хазинага боғлиқ эди, хазина эса солиқ орқали тўлади. Шунинг учун Соҳибқирон давлатининг солиқ сиёсати ҳам ибратлидир. Аҳоли хирож, молу жиҳот, ихрожот, тағор, тамға, бож, саришумор, алофа (улуфа), шилон пули, пешкаш, совўрин пули каби турли соҳа, тоифа ва табақаларга дахлдор солиқларни тўлаган[148].

Хирож, асосий даромад солиғи бўлиб, етиштирилган ҳосилнинг ўндан бири, кўп ҳолларда учдан бир қисмини ташкил этган.

Молу жиҳот - нақд пул ёки маҳсулот билан тўланадиган солиқ бўлган. Тағор - ҳарбий юришлар пайтида аҳолидан тўпланадиган ғалла, озиқ-овқат. Тамға — ҳунармандлар ва савдогарлардан йиғилган; ихрожот - сарой харажатлари учун аҳолидан тўпланадиган солиқ бўлган. Бож - бир мамлакатдан иккинчисига, айрим ҳолларда вилоятдан-вилоятга ўтишда савдо қилувчилардан ундирилган. Саришумор - жон бошидан олинадиган солиқ - жон солиғи; Хонашумор - ҳар бир хонадондан йиғиладиган солиқ. Шилон пули - подшоҳлар, амирлар ва олий мартабали кишиларга қилинадиган ҳадя[149].

Солиқлар мамлакат хазинасининг муҳим манбаларидан бири эканлигини яхши билган Амир Темур унга алоҳида аҳамият берган. Ўз навбатида солиқ тўловчини ҳам хонавайрон бўлишига йўл қўймаслик керак эди. Бу жараёнларни пухта тушунган Соҳибқирон солиқлар жорий қилишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берган:

1. Солиқлар адолатли тарзда олинган, уларнинг миқдори ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига қараб белгиланган. Агар ер доимий ариқ ёки каналдан сув ичадиган бўлса, сув доимий оқиб турадиган бўлса, бундай ердан олинадиган даромад уч қисмга бўлиниб, учдан икки қисми ер эгасига қолдирилган, бир қисми солиққа олинган. Агар ер эгаси солиқни пул билан тўламоқчи бўлса, ҳосилнинг учдан бир қисми ўша пайтдаги нарх бўйича пулга ҳисобланган.

Агар солиқ тўловчиларга бу тартиб ёқмаса, ҳосилнинг ҳар уч ботмонидан алоҳида ҳақ олинган. Биринчи ботмондан 3 чорак,

---

[148] Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 19-бет.
[149] Ўша асар. 18-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи ботмондан 2 чорак, учинчи ботмондан бир чорак олинган. Ярми буғдой, ярми арпа экилган ерлардан олинган ҳосилнинг ярми солиққа ундирилган. Агар фуқаро натура шаклида тўлашни истамаса, унда буғдойнинг бир чораги беш кумуш мисқолга, арпанинг бир чораги 2,5 мисқолга баҳоланган[150].

Ёмғир суви билан ҳосил берадиган ерлардан ҳосилнинг миқдори тенг иккига бўлинган ва бир бўлагининг учдан ёки тўртдан бир қисми олинган[151].

Мамлакатда бир қарич ҳам ер экилмай қолмаслиги лозим эди. Бордию, ерни ижарага олган кишининг иш ҳайвони, ер ҳайдаш асбоблари бўлмаса, унда ер эгаси зироатчига уларни бериши лозим эди. Агар экилмай қолган ерлар эгасиз бўлса, уни давлат идоралари обод қилишга жавобгар бўлган ва улар алоҳида назорат қилинган.

Қози, диний назорат вақилининг розилиги билан ақлдан озган, бедарак йўқолган кишилар, жиноятчилар, вориси номаълум ёки бўлмаган кишиларнинг мол-мулклари давлат ихтиёрига ўтказилган, ёки Маккага юборилган[152].

2.Солиқ тўловчини рағбатлантириш, унинг харажатларини қоплаб фойда олишига имкон яратиш учун янги ерларни ўзлаштирувчиларни, партов ёки эгасиз ерларни экин майдонларига айлантирганларга солиқ соҳасида эркинлик бериш ёки уларни солиқдан озод қилиш чоралари кўрилган. Бу «Тузуклар»да ўз ифодасини топган. Партов ерни экин майдонига айлантирган кишидан биринчи йили солиқ олинмаган, иккинчи йили ўзи истаганича тўлаган, учинчи йилдан солиқ қоида асосида тўланган. Табиийки, бу моддий манфаатдорликни оширган, кишиларни янги ерларни ўзлаштиришга ундаган.

3.Солиқ ҳосил пишиб етилганидан кейин олинган. «Амр қилдимки, -дейилади «Тузуклар»да,-ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин»[153]. Бу солиқ йиғишда турли салбий ҳолатларнинг олдини олган, яъни ҳосил миқдори аниқ бўлган, зироатчидан ортиқча солиқ олишга йўл қўймаган, солиқчиларнинг манфаатдор бўлишига имкон бермаган.

4.Солиқни ундириш ва аҳолининг солиқ тўлашига қулайлик яратилган. Аввало, солиқларни бир мартада эмас, балки йил давомида уч мартада тўлаш белгилаб қўйилган. Агар фуқаролар солиқни ўз вақтида гап-сўзсиз тўлайверса, уларга нисбатан ҳеч қандай чора-тадбир кўрилмаган. Солиқ ундиришда куч ишлатиш, тан жазоси бериш

---

[150] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 99-бет.
[151] Ўша жойда.
[152] Ўша асар. 100-бет.
[153] Ўша асар. 99-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман қилинган. «Тузуклар»да таъкидлаганидек: «...солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар: калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар»[154].

Ўт, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан, хўжалик анжомлари, яйлов, ҳовуз, кўллардан, ҳунармандлардан олинадиган солиқлар миқдори ўзгартирилмаган, аввалдан жорий қилинган тартиб-қоида асосида ундирилган. Бу ҳолат меҳнат қилиб кўпроқ маҳсулот олиш, аниқ белгиланган солиқни тўлаб, кўпроқ фойда олиш имконини берган, шунингдек, хазинага ҳам солиқ тушуми тўхтамаган.

Шундай адолат асосида солиқ ундириш янги истило қилинган мамлакатларга нисбатан ҳам қўлланилган. Одатда, ғолиб давлат ўзи истило қилган мамлакат елкасига оғир солиқларни юклаган. Аммо Соҳибқирон ўз салтанати таркибига кирган мамлакатларга нисбатан бундай йўл тутмаган: «Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач,....унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар»[155].

Юқоридагалардан кўриниб турибдики, Амир Темур солиқ тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳаётигагина эмас, сиёсий ривожига ҳам таъсир қилишини билган ҳамда адолат тамойилига амал қилган.

5. Адолатли сиёсатни етакчи бўлишига эътибор қилган Амир Темур қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундириш, қўшимча солиқ «ижод қилиш»га, бу соҳада амалдорларнинг ўзбошимчалигига йўл қўймаган. Қонунсиз ва адолатсиз солиқлар халқнинг норозилигини кучайтириб қолмай, аҳолининг қашшоқлашувига ва иқтисодий инқирозга олиб келишини Соҳибқирон яхши билган. Шунинг учун Амир Темур кейинча шариат тавсия қилмаган соварий (амалдорлар учун совға пули), қўналға (чопарлар ва элчилар учун меҳмон пули), шилон пули (подшоҳ ва амалдорларга қилинадиган совға)ни бекор қилди. Бу, ўз навбатида мамлакат аҳолисини ортиқча харажатлардан халос қилган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур йирик ҳарбий юришлардан ғалаба билан қайтиб келганда пойтахт Самарқанд аҳолиси, баъзида Мовароуннаҳр халқи ҳам солиқлардан озод қилинган.

Соҳибқирон солиқ ундирувчилар халқ елкасига юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлаган. Солиқ йиғиш тизимини такомиллаштириш мақсадида суюрғол ва тархон қилиб берилган

---

[154] Ўша жойда.
[155] Ўша асар. 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерлардан ундириладиган солиқлар учун алоҳида қоида жорий қилган[156].

Хуллас, Соҳибқирон давлатида солиқ тизими мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг ҳамда хазинани тўлдиришнинг воситаларидан бири бўлган. Амир Темур солиқ сиёсати иқтисодиёт ва сиёсатни бирлаштирувчи муҳим омил эканлигини чуқур англаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ МУАММОЛАРИ

С.Раупов, доц. БухДУ.

Маълумки, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф адолат, адолатпарварлик, тенглик ва бошқа инсоний фазилатлар ҳамда эзгуликларнинг манбаи ҳисобланади. Ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: «Ал-адлу иззу-д-дини ва қувватус-сулсони ва фихи силлохул хосати вал-омати», яъни адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги – ҳамма яхшиликларга тарозудир.

Миллий давлатчилигимиз тарихига назар солсангиз, юртимизни бошқарган одил шохлар, хусусан соҳибқирон Амир Темур худди ана шу тамойилга амал қилиб, мамлакатни бошқарганлигининг гувоҳи бўласиз.

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, соҳибқирон Амир Темур одил шох бўлган. «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир, заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг, «Адолат ва озодлик» дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин»[157], - дейди у ўз ўғилларига. Ана шу сўзларнинг ўзигина унинг қанчалик адолатли шоҳ бўлганлигининг далилидир.

Давлатнинг адолатлилигини белгилайдиган энг катта ўлчам – бу қонуннинг устуворлиги, жамиятда яшайдиган барча кишиларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш. Худди ана шу нарса Амир Темур сиёсатида етакчи ўрин тутади. У шундай дейди: «Давлат агар дину ойин (қоида, расм) асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғламас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшабким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас таб тортмай қириб чиқадиган, томсиз,

---

[156] Аҳмедов Б. Амир Темур. Роман. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 582-бет.

[157] Низомулмулк. «Сиёсатнома». Тошкент, 1997. 55-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»[158]. Дарҳақиқат, қонун сусайган жойда зўравону муштумзўрлар кўпайиб кетиб, халққа жабр-зулм ўтказишлари, табиий.

Давлат ёки жамиятнинг одил ва адолатлилигини унда яшовчи халқнинг аксарият кўпчилигини ташкил қиладиган меҳнаткаш омманинг турмуш даражаси белгилайди. Шунинг учун ҳам Амир Темур адолат ва инсоф билан иш тутиб, меҳнаткаш омманинг ғамини ейди. «Очиқ юзлилик, раҳм-шавқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабру зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим»[159], деб ёзади у ўз «Тузук»ларида. Амир Темурнинг меҳнаткаш халққа нисбатан юргизган одил ва адолатли сиёсати унинг солиқлар тизимида ўзининг яққол ифодасини топган. Агар «Темур тузуклари»ни эътибор билан ўқиб чиқсангиз деҳқонлардан олинадиган солиқ миқдорини белгилашда сувнинг узоқ-яқинлиги, ернинг унумдор ёки унумсизлигига, фойдаланиб турилган ёки янги очилганлигига қараб солиқлар миқдори бир неча даражада белгиланганлигининг гувоҳи бўласиз. Яна шуниси эътиборлики, ҳосил пишиб етилмасдан солиқ талаб қилинмаган. Солиқ олишда халқни қийин аҳволга тушириб қўймаслик учун уни бирдан эмас, бўлиб-бўлиб, уч мартада олиш тартиби ўрнатилган.

«Раиятдан мулк-хирож олишда, – дейди, – уларни оғир аҳволга солишдан сақланиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашишига олиб келади...»[160] Амир Темур барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолат томонида туришини қаттиқ талаб қилган. У қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилди, камбағалларга нафақа бериб турди.

Амир Темурнинг фикрича, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади, фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларига садоқат билан бўйсунади. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамият турли ижтимоий гуруҳ ва табақалардан ташкил топганки, бу гуруҳ ва табақаларнинг ўз манфаатлари мавжуд. Бу ҳолат манфаатлар ўртасида фарқларни келтириб чиқаради. Шунинг учун уларни умумлаштириш, аҳамият даражасига қараб табақалаш, талабларни дастурий шаклга келтириш

---

[158] «Темур тузуклари». 77-бет.
[159] Ўша жойда.
[160] Ўша асар. 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳимоялаш талаб қилинади.

Агар ана шу ҳолат инобатга олинмаса, жамиятдаги айрим ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг манфаатлари инкор қилиниб, ижтимоий адолат бузилади. Соҳибқирон ўз салтанатини ўн икки тоифага бўлиб, уларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда иш юритган. «Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам, - деб таъкидлайди Амир Темур, - шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»[161].

Умуман, Амир Темурнинг амалга оширган барча ишларида ижтимоий адолат яққол сезилиб туради ва у «Куч адолатдадир» деган фикрни ҳаётий шиорга айлантирганлиги бежиз эмаслиги ўз исботини топади.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ТОМОЙИЛЛАРИ

С.Холдоров, НДПИ.

Дипломатия – ўз моҳиятига кўра низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш санъати ҳамда ғалабага эришишнинг энг арзон ва беталофат йўли ва воситаси ҳисобланади. Қадимги Хитой манбаси Суньцзининг (мил.ав VI-V асрлар) рисоласи "Хитой трактлари"да ёзилганидек: "Юз марта жанг қилиб юз марта ғалаба қозонгандан кўра душман армиясини жанг қилмай енгиш яхшироқдир"[162].

Ҳарбий юришларда эришган ғалабалари, одилона дипломатик сиёсати Амир Темур давлати қудратининг ошиши ва жаҳон миқёсига кўтарилишда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.Соҳибқирон Россия учун оғир кулфатлар келтира бошлаган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан ғалаба қозониб, Европанинг бир қатор мамлакатларини ўз тасарруфига киритиб жуда катта хавф-хатар туғдириб турган турк султони Боязидни мағлубиятга учратиб, Европа халқлари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Амир Темур барпо этган давлатнинг буюклик касб этишида унинг дипломатик салоҳияти алоҳида аҳамият касб этади. Соҳибқирон Европа давлатлари, Миср мамлуклари, Ҳиндистон , Хитой ва бошқа мамлакатлар билан мунтазам дипломатик алоқалар ўрнатган эди. Бу

---

[161] Ўша асар. 64-бет.

[162] "Ўзбекистон овози". 2002 йил, 11 апрель.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақда Президентимиз И.Каримов шундай деб таъкидлаган эдилар: "Амир Темур бундан 600 йил аввал ҳеч қандай давлатнинг қўшинлари билан алоқа ўрнатмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқлол бўлмаслигини теран ва аниқ англаган... Франция ва Англия, яна бир томондан Рим, Испания, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган».[163]

Амир Темур – дунё майдонида от ўйнатган сиёсатчи ва дипломатдир. Ўтган 2700 йилдан ортиқ давлатчилик тарихига эга ўзбек халқининг ўзга мамлакатлар билан дипломатик алоқаларида Амир Темур ва Темурийлар даври ёрқин саҳифалар очди.

Араб муаррихи Ибн Дўқмоқнинг "Аҳд ал-жавоҳир" асарида таъкидланишича, Амир Темур Дамашқни қамал қилганда (1400 йил декабрь – 1401 йил мартгача) шаҳар узоқ вақт Соҳибқиронга таслим бўлмай қаршилик кўрсатаётган бир пайтда Муҳаммад пайғамбар ҳарамларидан бири Уммал - Ҳабибанинг қабрини ташландиқ ҳолда кўрган Соҳибқирон қабр устига гумбаз қуришларини буюради. Шундан кейин хайрихоҳ кишилар Амир Темур билан сулҳ тузишни ташвиқот қиладилар.

Бундан ташқари Амир Темур ўша давр Европасида кенг тарқалган сулолавий никоҳ анъаналаридан ҳам оқилона фойдалана билган. Яъни Хоразимшоҳнинг қизи Хонзоданинг Мироншоҳ Мирзога никоҳланиши, Хуросонда йирик куч бўлган курдлар сардори Ғиёсиддин Пир Алига ўз жиянини узатиши ёки шоҳ Шужаънинг қизини келинликка сўраши ҳам дипломатик салоҳиятдан келиб чиққанлиги табиийдир.

Сиёсатчи ҳамда дипломат бўлган Амир Темур ислом динига таянган ҳолда ўз давлатини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган ва бу борада бошқа динлардан ҳам фойдаланганлиги ҳақида испаниялик элчи Клавихо "Самарқандда Темур саройига сайёҳат кундалиги"да шундай ёзиб қолдирган: «.... уларни кутиб олиш учун йўлга пешвоз чиққан тўра ҳам биргаликда жўнади. У(Темур) сайёҳларга зўр ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Уларга нимаики керак бўлса, муҳайё қилиш ҳақида фармойишлар берди»,-деб ёзиб қолдирган.

Соҳибқирон Генуя, Венеция, Византия, Испания, Франция ва Англия билан дипломатик муносабатлар олиб борганликларидан ушбу давлатлар Амир Темур давлатининг қудратига ҳурмат билан ва итоат назари билан қараганлар. Яъни Византия ҳукмдори Мануйил Боязидга қарши курашда, иттифоқчи топиш мақсадида, Европага отланганида ўз

---

[163] К а р и м о в. И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5- жилд.Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 186-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнига қолдирган ноиби Иоан Амир Темур элчиларига Константинопол Боязидга тўлаган солиқларни эндиликда улуғ сеньор Темурга беришни хоҳлайман",[164]- деб фикр билдириши ҳам дипломатиядаги ютуқлардан бири саналади.

Амир Темур даври дипломатиясининг асосий тамойиллари қуйдагилардан иборат:

Элчи ва элчилик дахлсизлиги. Яъни Амир Темур фармони билан элчиларнинг тезроқ йўл босишлари учун ҳар куни янги отлар ажратилган ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўз тасарруфига олган ҳудудларда ҳам элчиларнинг ҳаёти, мол-мулки даҳлсизлигини диққат марказида тутиш.

Тузилган битимга, аҳдга вафо қилиш ва унинг шартларига риоя қилиш.

Хушмуомалалик, мулоқотдошига нисбатан назокатли ва лутфли бўлиш.

Бу борада Соҳибқирон, ҳаттоки Боязидга нисбатан ҳам олижаноблик кўрсатди. Яъни: "...Темур Боязидни чуқур қайғу оғушидан чиқариш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди. Ҳатто, Боязидга Анотолияни ва тожини қайтариб берди. Аммо кўп ўтмай, қайғуга дош беролмай Боязид ўлди. Темур, ўлимига ўзи сабабчи бўлган бу ҳукмдор устида кўз ёш тўкди. У Боязиднинг фарзандларига катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади. Ва шу билан уларнинг бахтсиз отаси олдидаги сўнги бурчини адо этди."[165]

Амир Темур давлати дипломатиясининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Кенг қамровлилик . Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида кенг ҳудудларни эгаллаган, Европа ва Осиё мамлакатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. 1389-1398 йиллар давомида Хитойга 9 марта элчилик хизматлари юборилди. Бундай ҳолатларни Шоҳрух мирзо ва Улуғбеклар даврида ҳам кузатиш мумкин. 1403 -1404 йилларда Хитойга Самарқанддан 33 та , Хоразмдан 14 та дипломатик миссиялар юборилди.

Кичик Осиёда XIV асрнинг 80-йилларида кучли давлат бўлган Миср султонлиги ҳукмдори Султон билан 1386- 1405 йиллар давомида 25 маротаба элчилик ва мактублар айирбошланган. Яна бир кучли давлат – Туркия султони Боязид билан ҳам 10 мартага яқин мактублар

---

[164] Самарқанд тарихи. Тошкент: Фан, 1971. 179-бет.

[165] Нарзулла Аҳмедов. Амир Темур : ривоят ва ҳақиқат. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 87-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва элчилар алмашинуви бўлган. Бундай дипломатик алоқалар Европа мамлакатлари билан ҳам ўрнатилган эди.

2. Изчиллик – элчилик ва чопарлик фаолияти мунтазам амалга оширилган. Клавихо ўз кундаликларида Амир Темур саройида элчилик отлари билан шуғулланувчи махсус одамлар (анча-саислар) элчилик мулоқатлари ва ёзишмалари билан шуғулланувчи хос кишилар, девонлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган.

3. Ўта эҳтиёткорлик, яъни ташқи сиёсат масалари сир сақланган. Баъзан, унинг қўшини бир томонга, ўзи эса бошқа томонга йўл олган.

4. Ташаббускорлик. Амир Темур дипломатияси ўз ташббускорлиги билан қадимги Грек дипломатиясининг демократик табиати, қадимги Рим дипломатиясининг такаббурлиги, ўрта асрлар дипломатиясининг найрангбозлигидан фарқ қилар эди. Соҳибқирон дипломатиясида ташаббускорлик, тинчлик, сулҳ – келишув томон ташланган муҳим қадам Амир Темурнинг доимо диққат марказида бўлган. Бу ҳақда Амир Темур: "Қайси ишни чораю тадбири билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим", - деб таъкидлаган эдилар.

XIV-XV асрларда Амир Темур шахси нафақат замондошларининг эътиборини ўзига қартди, балки жаҳон сиёсати доирасида юз берган барча воқеаларга ҳам таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан олганда Амир Темур даври ташқи сиёсий алоқалари ва дипломатиясини ҳеч қандай муболағаларсиз халқаро муносабатлар тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бири, дея оламиз.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Ф.Полвонова, НДПИ.

Тарихда ўтган ҳукмдорлар орасида Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида алоҳида ўрин тутади. Айни вақтда ҳам Амир Темурнинг давлатни идора қилиш борасидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлари катта аҳамиятга эга. Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғул зулмидан озод қилиш ва бутун ислом оламида марказлашган йирик салтанат барпо этишни мақсад қилиб қўйган ва буни амалга оширган ҳукмдорлардан биридир. Бу мўътабар зот, юртимизни мўғул босқинчиларининг 150 йиллик асоратидан озод этиб, Турон заминнинг шуҳратини оламга ёйди, уни жаҳон маданият марказларидан бирига айлантирди.

Амир Темур ўз даврининг энг йирик тарихий шахсларидан биридир. Шунинг учун бу буюк шахснинг фаолиятини ҳар томонлама

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганиш, таҳлил қилиш ижобий фазилатларини амалда қўллаш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда жуда катта тарихий ва ворисий аҳамиятга эгадир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг: "Бу сиймо мард, танти, халол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-эътиқодли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди",[166] деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Амир Темур давлат арбоби сифатида мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз байроғи остида бирлаштира олди, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Яъни, давлатшунослик нуқтаи назаридан олганда, бу ўша даврдаги мутлақ монархиянинг энг юқори чўққиси эди. Чунки, бу даврда мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги тугатилиб, ўта марказлашганини Амир Темур эса ўз ҳокимиятини гўё араб халифаларининкига тенглаштирганлигини кўрамиз. У давлатни бошқариш борасида мукаммал тартиб-қоидалар жорий қилди. У ўзининг "Темур тузуклари" асарида давлат тизимини юқоридан то энг қуйигача қандай бошқариш ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларини умумлаштирди, давлат тизими тўғрисидаги таълимотга тамал тошини қўйди.

Амир Темур давлатни идора қилишда икки қоидага қатъий асосланганлигини батафсил ёзади. Буюк саркарданинг "Темур тузуклари"да шундай сўзлар ёзилган: "Энди менинг номдор фарзандларим ва иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шуки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим".[167]

"Темур тузуклари"да давлатни идора қилишга оид 12 қоида баён этилади. Амир Темурнинг ўзи шу қоидаларга қатъий риоя қилганлигини айтади.

Амир Темур давлатни бошқаришда кенгаш, машварат ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган. «Давлат ишларини тўққиз улушини,- дейди у -- кенгаш тадбир ва машварат билан қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим».

Муҳим давлат ишлари, масалан, кимнидир олий мансабга кўтариш керак бўлса, умуман давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар қурултойда ҳал қилинар эди.Унга барча амирлар, улус ва вилоят ҳокимлари, аркони давлатнинг барчаси иштирок этган.Шу нарсанинг ўзи Амир Темур давлатини бошқарув усулида тоифавий вакиллик

---

[166] К а р и м о в И.А. Ўзбекистон: миллий иқтисод, сиёсат мафкура. I-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 362-бет.

[167] «Темур тузуклари». Тошкент: Наврўз, 1992. 25-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқарув усули мавжудлигининг исботидир.Бизга тарихдан маълумки, буюк давлат арбоби Амир Темур ўзининг улкан салтанати Мовароуннаҳрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни тўрт улусга бўлиб идора қилган.

1. Қобул, Ғазна ва Қандахордан то Синд дарёсигача бўлган ерларни қўшиб, 12 минг кишилик қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берган.Унинг вафотидан (1376 йилдан) кейин эса у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом этган.

2. Соҳибқирон иккинчи ўғли Умаршайх Мирзога Фарғона ўлкасини, сўнгра 1393 йили эса Форс вилоятини ҳам берган. Унга Соҳибқирон 10 минг кишилик қўшин ҳам берган.

3. Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳ 1380 йили 10 минг кишилик қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинланган. 1383 йили эса унга Ғарбий Ироқ ва Озарбайжонни улус қилиб берган.

4. Хуросонга эса ўша йили кенжа ўғли Амирзода Шоҳрухни тайинлаб, 8 минг кишилик қўшин билан Ҳиротга жўнатилган.

Амир Темур томонидан чақирилган қурултойлар халқ ҳокимиятининг ўзига хос шарқона шакли бўлиб, унда мамлакат ва давлатнинг хўжалик соҳасидаги ҳамда ҳарбий аҳволи ҳақидаги энг муҳим масалалар муҳокама этилган, мамлакат ва давлат учун зарур ҳисобланган ишларни бажариш учун бирлашиб ҳаракат қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинган ва тадбирлар белгиланган.

Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида Амир Темур фуқароларнинг розилигини олиш мақсадида Самарқандда, Қаршида, Қорабоғда ва бошқа жойларда ўтказилган қурултойлар ҳақида маълумот бериб, уларда халқнинг кенг қотламларидан вакиллар иштирок этганлигини қайд этади.

Булардан кўриниб турибдики, Амир Темур бобомиз асос солган марказлашган давлатда биз демократия деб аталган қадриятга алоҳида аҳамият берилган, уни шарқона фазилатлар асосида бойитилган, давлатни идора этишнинг муҳим шаклига айлантира олган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Амир Темур даврида бунёд этилган буюк салтанат ва уни бошқариш борасида амалга оширилган бошқарув усуллари ва тамойиллари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. У қўллаган давлат бошқаруви соҳасидаги усуллари янги жамият қуришимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Буни, айниқса, юртбошимиз олиб бораётган сиёсатда яққол кўриш мумкин [168].

---

[168] Каримов И.А.Амир Темур – фахримиз ғуруримиз. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» – МАЪНАВИЙ МАНБА СИФАТИДА

С.Ҳамроева, НДПИ.

Инсониятнинг маънавий жиҳати, унинг маънавий даражаси билан боғлиқдир. Амир Темурга хос бўлган хусусиятлардан асосийси ҳам унинг ҳар томонлама маънавий бойлиги ва эътиқодидир. Президентимиз И.А.Каримов Амир Темурга: "Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол – пок инсон бўлиб етишди",[169] – деб таъриф берган эдилар.

Амир Темур жаҳон тарихида нафақат қудратли ва гуллаб–яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби, балки бунёдкорлик, илм–маърифат ҳомийси, фаровонлик учун, таълим – тарбия, халққа тинч меҳнат шароити яратиш, умуман халқ маънавиятини юксалиши учун курашган буюк зот сифатида ҳам ном қозонган. Бу жиҳат Амир Темур фаолиятининг ҳар бир қиррасида яққол кўзга ташланади.

Амир Темур яратган "Темур тузуклари" да акс этган ҳар бир тузук инсонни маънавий комилликка, тўғрилик, мурувватлилик, эл–юртга меҳр-муҳаббат, мардлик, қаҳрамонликка чорловчи даъват эканлигига гувоҳ бўламиз. "Темур тузуклари"да Амир Темурнинг давлат сиёсатини белгилашда ва уни амалда ҳаётга татбиқ этишда "рости - русти" қоидаси асос қилиб олинди. "Рости – русти" ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолат маъносида бўлиб, барча ишда, одамлар орасидаги муносабатларда, умуман ҳаётда ҳақиқат қарор топиши, бу эса адолатнинг, яъни одил жамиятнинг тасдиқ этилишини таъминлаши лозим, деган маънони билдиради.

Соҳибқирон "рости – русти" ғоясини ўз тажрибасида такомиллаштириб ва уни янада ёрқинлаштириб, "Адолат кучда эмас, куч – адолатдадир" деган машҳур қоидани бунёд этди. У ўзининг "Темур тузуклари" асарини шу қоида асосида яратди ва умрининг охиригача ўз фаолиятида шу қоидага амал қилди.

"Темур тузуклари"нинг қўлёзма ва тошбосмалари тарихий манба сифатида бутун дунё мамлакатлари, жумладан, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср ва яна кўплаб бошқа давлатлар кутубхоналарида сақланмоқда.

---

[169] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотигача кечган ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган. Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тахту тожи ворисларига қаратилган ўзига хос васият ва панд–насиҳатлардан иборат. Бунда Амир Темур ўз фарзандлари, набиралари орқали йўриқларини, ўз ҳаётида шиор қилиб олган ўн икки қоидаси ёрдамида салтанат тахтига зебу зийнат берганлигини ва келажак авлодларни ҳам шу ўн икки тузукка амал қилишларини кўрсатиб ўтади. Ушбу тузукларнинг ҳар бирини кўриб, таҳлил қиладиган бўлсак, унда тўғрилик, мурувватлилик, эл–юртга меҳр–муҳаббат, мардлик, қаҳрамонлик ҳақидаги фикрларни кўришимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур фаолиятининг маънавий омилларига назар солсак, унинг золимларга қарши курашганлиги, доимо ўз давлати фуқароларининг бой бўлиши учун барча чораларни кўрганлиги, юртни ташқи тажовузлардан ва ички фасотдан сақлаганлиги, мамлакат ривожи учун илму фанни ва таълим-тарбияни юксалтирганлиги, халқаро дўстлик муносабатларини яхши йўлга қўйганлигига гувоҳ бўламиз.

Биринчи тузукда Соҳибқирон ҳар ерда ҳар вақт ислом динини қувватлаганлигини баён этган. Бунинг далили сифатида унинг ўгитларида ҳам шу фикрни кўрамиз. "Салтанатим қонун–қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (Ҳазрати Муҳаммад) нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим, салтанатим мартабасини қонун–қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди"[170]. Ислом динини қўллаб–қувватлаб, унга нисбатан иймонли бўлган инсон, албатта, хайрли ишларгагина қўл уради. Амир Темур ҳам ўзи яшаган даврдаги диний вазиятни англаб, ундан ўз сиёсатининг ахлоқий–ғоявий омили сифатида оқилона фойдалангани рад этиб бўлмас далилдир. Мазкур тузук орқали яна шу нарсага амин бўламизки, Амир Темурдек шахсга ислом дини катта имконият ва куч–қудрат берган. У ўзи яшаган жамиятда катта мавқега эга бўлган диний ва ахлоқий тажрибаларга қатъий риоя қилган ва бошқаларни ҳам шунга чорлаган. Худи шунингдек, "Темур тузуклари"ни ўқиганимиз сари Соҳибқирон инсонларни ўз салтанатида юргизган бебаҳо сиёсати орқали фақат хайрли йўлга бошлаганлигига амин бўламиз. Тузуклардан яна бирида маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик

[170] Амир Темур ўгитлари. Тошкент: Наврўз, 1992. 20-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатни ўзига бўйсундирганлигини ва салтанат ишларини мурувват ва сабр–тоқат билан ҳамда дўсту душман билан муросаю мадора қилганлигини батафсил баён этган. Демак, сир эмаски, давлат аъёнлари, олимлар, муайян соҳалар бўйича мутахассислар билан маслаҳатлар қилиб, аниқ хулосаларга келган. Шу боис Амир Темур ўз "Тузуклари"да: "Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини"[171] ўз фаолияти давомида англаганлигини ёзади. Ушбу тузук авлодларни тадбиркорликка, ҳушёрликка, фаолликка, эҳтиёткорликка, сабр–тоқатли ва қатъий интизомли бўлишга даъват этади. Фуқароларнинг ҳақ–ҳуқуқларини поймол қилувчилар, ўғрилар, қароқчилар, порахўрлар, маиший бузуқлик ва ичкилик билан шуғулланувчиларга нисбатан шафқатсиз бўлишга чорлайди. "Тузуклар" ни ўқиб шу нарсага амин бўламизки, Амир Темур тартиб–интизомга риоя этишда, ўз давлатининг обрўси ва шарафи борасида қаттиққўл бўлиб, мазкур ишларда барқарор турарди. Ҳатто, ўз авлодларига ҳам жоиз бўлганда тегишли чораларни қўллаган.

"Темур тузуклари"да Амир Темур ўз амирлари ва сипоҳийларининг меҳнатларини доимо қадрлаб келганлиги, улардан ҳеч қачон ҳеч нарсани аямаганлиги орқали уларни мардлигу мардонаворликка бошлаганини ва шунинг эвазига йигирма етти подшонинг тахтини қўлга киритганини баён этади. Яна шуни таъкидлайдики, кўплаб мамлакатларнинг тахтларини эгаллашда ўз ҳузур – ҳаловатидан кечиб, меҳнатга ружу қўйганлигини, ранжу меҳнат эса инсонни доимо қадрлашини таъкидлайди. "Тузуклар"да яна шу нарса эътиборга лойиқки, Амир Темурнинг адолат ва инсоф борасидаги фикрлари инсониятнинг маънавий тарбиясида асосий мезондир. "Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр–эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим, гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр–зулм ўтказмадим"[172], деган фикрлари унинг нафақат давлат ишларида, балки ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай шароитда ҳам адолатли ва инсофли бўлишга чақиради. У ўз «Тузуклари»да инсонларга хос бўлган дўстликни муқаддас билиб, "Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлигини қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат – икром кўрсатдим. Кимки, менга душманлик қилсаю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим"[173], деган бебаҳо фикрларини баён

---

[171] «Темур тузуклари». Тошкент,1996. 25–бет.
[172] «Темур тузуклари». Тошкент,1991. 54–бет.
[173] Ўша асар. 16–бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этганки, бу фикрлар инсонларни дўстга нисбатан садоқатли, душманга нисбатан кечиримли бўлишга ундайди. Соҳибқирон баъзи кимсаларнинг марду мардоналиги учун кечира олган.

Амир Темур инсониятга хос бўлган барча фазилатлар орасида яна бир фазилатни қадрлаганки, бу–қавму қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаганлигидир. "Тузуклар"да бу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигини "давлату неъмат мартабасига эришганимда қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Ҳар кимни турли йўллар билан синадим, билиб олиб ва уларга шунга яраша муомала қилдим," – деб айтиб ўтилганки, Соҳибқирон ҳар қандай кунда ҳам, жангу жадалларда ҳам, тахт соҳиби бўлганда ҳам ўзига тегишли бўлган яқин инсонларнинг ҳурмати ва иззатини жойига қўйган. Буни эса ҳаётнинг кўп иссиқ–совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибасини орттирганлигида кўрамиз. Ҳаттоки, Қуръони карим ва Ҳадисларда улуғланган қавму қариндошлик фазилатларини ва уларга қатъий амал қилишни, ота – онага, ака – укаларга, хешу ақрабога, оилага, фарзандларга, элу улусга нисбатан меҳр–мурувватли бўлишни ўзининг маънавий баркамоллиги билан шуҳрат қозонган Амир Темур ушбу фазилатларни авлодларга маънавий мерос, панд–насиҳат сифатида ўз фаолиятида қўллаганларини "Тузуклар"да таъкидлаб кўрсатади. Ўн иккинчи тузукда вафодорлик, ишонч хислатларини ёқлаб фикр билдирган. Бунда Амир Темур қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, жанг ёки хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, иккинчи томонга мурожаат қилса, ундай одамларни энг ёмон душман деб билган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатини бошқаришда, уни мустаҳкамлашда, унда учраган ҳар қандай кўнгилсиз муаммоларни бартараф этишда дини ислом, тўра тузук асосида фаолият юритишга ҳаракат қилди. "Темур тузуклари" орқали ўз даврининг маънавий тараққиётига Ҳазрат Соҳибқирон бевосита ҳомийлик ва раҳнамолик қилди. "Темур тузуклари"нинг "Адолат кучда эмас, куч – адолатдадир" деган машҳур қоида замирида яратилиши унинг бобомиз асос солган марказлашган давлатда нафақат адолат талабларига риоя қилиш, балки маънавий қадриятларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, уни шарқона фазилатлар замирида бойитилган.

Хуллас, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, "Темур тузуклари"да Амир Темур шахсиятига мансуб энг ажойиб шарқона хислатлар ва муҳими, жамият маънавияти, тинчлик, осойишталик, яратувчанлик, бунёдкорлик каби ғоялар яратилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ВА МАНҒИТ АМИРЛАРИ: УМУМИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Ф.Ширинова, НДПИ.

Америкалик олим Корнел Х. Флейшар «Туркий давлатлар бошқарувида учта ўзаро боғлиқ тамойил – шариат, қонун ва амр муҳим бўлиб, у ўз навбатида дин давлат ва бошқарувнинг туркий йўли билан боғлиқдир», – деб ёзган эди.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсати, унинг салоҳияти, қудрати замирида солиқ сиёсати туради. Амир Темур шахсининг серқирра фаолияти, давлатининг нуфузи, улуғ сиймо, мўътабар зот бўлиб тарихда қолиши, албатта у юргизган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилиги билан баҳоланади. Соҳибқирон ўз салтанатида тинчлик, осойишталик, барқарорликни таъминлашга энг асосий вазифа деб қараб, иқтисодий , сиёсий, маданий соҳаларда катта ютуқларга эришган.

Жаҳонгирнинг давлат ишлари салтанат қонун-қоидалари асосида бошқарилган. Худди шунга ўхшаш Манғит амирлари ҳам давлат бошқарувида шариат қонунларига умумий мафкуравий , ахлоқий поклик манбаи деб қараган ҳамда шариатни инсонларга тўғри йўл кўрсатувчи (аш-шарий) асос ҳисобланган ҳолда давлат миқёсида одамларни иймон-эътиқодга, художўйликка даъват этувчи кўпгина тадбирларни амалга оширган.

Амир Темур салтанатда узоқ вақт бўлмаган пайтда нарх–навО ошгани учун савдогарларни ва айбдорларни жазолайди. Манфаати топталган халқни бир қанча солиқлардан озод қилади. Бу эса амалдорлар ўз мансабини суиистеъмол қилиши ва порахўрлик каби ножўя ҳаракатларини олдини олади.

Ушбу мавзуни ёритишдан мақсад ҳар бир давлатдаги солиқчилик тизимини қиёслаш экан, дастлабки Манғит амирлари Амир Темур давлати ички ва ташқи сиёсатидан ўрганиб иш юритганини, сўнгги Манғит амирлари бундай сиёсатни бузиб юргизганининг гувоҳи бўламиз.

Давлатнинг иқтисодий қудратини оширишнинг асосий воситаларидан бири–солиқ тизими эканлигини биламиз. Амир Темур ўз давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ерга муносабат, солиқ сиёсати борасида шундай ибратли ишлар қилганки, бу тажриба ўзбек давлатчилиги тарихида дастуриламал бўлиб қолган. «Темур тузуклари»да ер ва солиқ сиёсати тўғрисида қимматли маълумотлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирилганки, бунда ер эгалигининг беш кўриниши мавжуд эканини кўрамиз:

1. Суюрғол ерлар (бундай ерлар давлат томонидан алоҳида шахсларга берилиб, авлоддан-авлодга ўтувчи мулк саналган ва улардан солиқ олинмаган).
2. Тархон ерлар (бу хусусий мулк бўлиб, муайян кишиларга хизматлари учун берилган).
3. Ўша ерлар (бу ерлар сайид ва хўжаларга тегишли).
4. Вақф ерлари (мозор , масжид , хоноқоларга тегишли).
5. Аскарлар, ҳарбийларга тегишли ерлар. Ана шу ер эгалиги ва турига қараб солиқ сиёсати юритилган. Бу эса, Темур давлати солиқ сиёсатидаги адолатни кўрсатади. Унда айтилишича, ташландиқ ерлар ёки чўлни обод қилган, кориз қазиган, боғ–роғлар бунёд этган, умуман хароб ерларни ўзлаштирганлар уч йилгача ҳамма солиқлардан озод этилганлар.

Шунингдек, "Тузуклар"да: "Амир қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин, ҳосил етилгач, солиқ уч турга бўлиб олинсин, солиқчилар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; арқон, калтак ишлатмасинлар, банд этиб арқон билан кишанламасинлар. Раиятдан молу хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак, негаки, давлат хазинасини камбағаллашишига олиб келади. Бу эса салтанатни кучсизлаштиради",[174] - деб кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, Амир Темурнинг солиқ тизими соҳасидаги сиёсатида солиқларни ундиришнинг муддати жуда оқилона белгиланган. Чунки, ҳосил пишиб етилгунча бир қанча табиий офатлар: сувсизлик ёки йилнинг қурғоқчил келиши, турли зараркунанда ҳашаротларнинг берадиган катта талофати гармсел ва бошқа бир қанча зарарли оқибатларнинг эҳтимоли борлиги кўзда тутилади. Бундай иқтисодий сиёсат одамларнинг хўжаликнинг турли соҳаларида: деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликда ишонч билан меҳнат қилишлари ва унинг самарасидан баҳраманд бўлишга, шунингдек, давлат хазинасини бойитишга олиб келган. Давлат хазинасидаги тушумлар қаттиқ назорат қилинган. Манғит амирлари давлат бошқарувидаги солиқчилик тизимига қиёслаганда «Темур тузуклари»да кўрсатилган қонун–қоидалар амир Шоҳмурод кўрсатмаси билан ёзилган "Мажмуа ал-аркам", яъни "Рақамлар мажмуи" да фикрлар баёни ифодаланган.

---

[174] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 86-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар экин ерлари сувсизликдан яроқсиз ҳолга тушиб қолса, сув чиқаришнинг иложи бўлмаса, аҳолини сувли жойларга кўчириш, уларга ер тақсимлаш лозим бўлган. Солиқ йиғиш вақтида сув тақсимоти ва қулайлик инобатга олинган. "Тузуклар" ва "Мажмуа ал-аркам"даги яна бир ўхшаш жиҳат–солиқ йиғишнинг математик, илдиз остили ва касрли йўлларининг асослаб берилиши ҳамда солиқ йиғувчи мутасаддиларга хос бўлган ўхшашлик, солиқ йиғувчиларнинг адолатли, инсофли ва саводли бўлиши, шариатга, иймонга асосланиши назарда тутилади. "Мажма ал-аркам" да солиқ йиғиш йўллари ва солиқ турлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, давлатни бойитиш, хазинани тўлдиришнинг йўли – солиқларни тўғри белгилаш, уни ундиришнинг муқобил йўлларини қидириш лозим, давлат солиқчиси кенг маънавий дунёга эга бўлиши, ўз фаолиятини амалга оширар экан ҳеч қандай ифвога, ғийбат – бўҳтонга, порахўрликка, макр ва ҳийлага берилмаслиги, Аллоҳни қалбига жо этиб, шариат йўлида ҳаракат қилиши керак. Ҳазина миқдори фақат ҳукмдор ва хазинабонгагина маълум бўлсин", дея таъкидланади.

Соҳибқироннинг адолатли солиқ сиёсатида фуқоролар манфаати ҳисобга олинганлиги дастлабки Манғит амирлари бошқарув сийсатида дастуриламал бўлган бўлса ажаб эмас. Аҳмад Дониш Манғит ҳукмдори амир Шоҳ Мурод шахсига таъриф бериб: "У ақлли ва адолатли ҳукмдор, халқни турли хил солиқлардан озод қилди", – дейди.

Аммо, афсуски, Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари даврида бу сиёсат бузилган. Солиқларнинг тури, солиқ йиғувчиларнинг инсофсизлиги авом халқни тушкун ҳолатга солган. Шаҳарга сув тушиши билан, мироблар сув беришни ваъда қилиб пора олганлар. Каналларни тозалаш учун икки тангадан йиғин йиққанлар. Бунинг бир қисмигина амир хазинасига тушган. Ҳокимлар экилмаган ерлар учун ҳам солиқ олганлар, агар деҳқон солиқни тўлай олмаса, уни зиндонга жўнатганлар. Дастлабки пайтларда мамлакат иқтисодиётини кўтаришда, солиқ сиёсатини адолатли амалга ошириб, раиятни осойишта, тўкис ҳаёт кечириши, иймон-эътиқод , художўйлик ғоялари билан йўғрилган томонлар асосида мамлакатни идора қилган. Бу соҳада Амир Темур тажрибаларидан фойдаланган бўлсалар, кейинги Манғит ҳукмдорлари раият аҳволини ночорлик, мамлакат иқтисодиётини инқироз сари етакладилар

Шуни айтиш жоизки, амир Шоҳмуроддан сўнг амир Ҳайдар, унинг ўғли амир Насруллохон ҳар ҳолда ўз фаолиятларида қисман бўлсада "Темур тузуклари" ҳамда "Мажмуа ал-аркам" каби давлатни бошқариш, иқтисодий сиёсатни юритиш, айниқса солиқ соҳасидаги кўрсатмалардан деярли чекинган эмас эдилар. Амир Ҳайдар ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

Насруллохон даврида Бухоро амирлиги ҳудудларини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятни кўтариш ишига эътибор берилди. Айниқса, Насруллохон халқни "қонини сўрган" солиқчиларни қаттиқ жазолаган. Бу соҳада у қаттиққўллик билан иш юритган. Чунки, Насруллохон учун аччиқ бир ҳақиқат ибрат бўлган эди. 1842 йилда амир Насруллохон Қўқонни кўп талофотлар эвазига, қийинчилик билан амрликка қўшиб олган бўлиб, у ерга мансаб жиҳатидан паст лавозимда ишлаган, бошқариш ишида тажрибаси ниҳоятда паст минг қабиласидан бўлган парвоначи Иброҳимни ҳоким қилиб қўйиб, катта хатога йўл қўйган эди. У эса халқнинг имкониятларини ҳисобга олмай, халқни катта миқдорда солиққа тортган эди. Халқни иқтисодий қийинчиликка солган урушлар жароҳати ҳали битмаган, мамлакатдаги деҳқончилик, савдо–сотиқ издан чиққан пайтда у солиқ сиёсатини нотўғри юритди. Парвоначи Иброҳимнинг солиқ солишидан норози бўлган раият бош кўтариб,уни ҳокимиятдан маҳрум қилди. Қўқон эса яна мустақилликни қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги амирлар даврида Бухорода халққа солинадиган солиқлар шу қадар турли–туман эдики, бу "Мажмуа ал-аркам"да солиқ тизими, уни амалга оширишдаги адолатлилик ҳақидаги ғоялардан нишон ҳам қолмади.

Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий инқироз, хусусан амир Музаффар даврида кучайди. Унинг Россия билан жангу жадалларда шармандаларча енгилиши мамлакатнинг аҳволини янада ночор қилиб қўйди. У ўз атрофига оғир солиқ азобига гирифтор қилишда собиқ ном чиқарган корчалонларни йиғди. Россияга тўланадиган контрибуцияни тўлашни баҳона қилиб, амлоқдорларга йўл–йўриқ кўрсатиб, солиқ тури ва миқдорини кўпайтиришни талаб қилди. Натижада саркор, дарға, мирза, амин, оқсоқол ва бошқа мансабдорлар солиқ йиғиш пайтида деҳқонлар йиғиштирган ҳосилнинг асосий қисмини улуфа, қўшпули, кафтак, муштак, "тикон пули" ва бошқа солиқ турлари бўйича ундиришга деҳқонни, ҳунармандларни мажбур қилар эдилар. Қулбачча номли солиқ учун ҳукуматнинг ўзига баҳо қилиб беришга мажбур бўлдилар. Амир Музаффар кейинчалик солиқ ўрнида олинган қулбаччалардан "ғуломбачча" номида сарбоз ташкил этган. Халқдан солиқ йиғишдан ташқари турли йўллар билан уларнинг чорваларини тортиб олиб, подшо мулкига айлантириш йўлларини ҳам топдилар. Қизилқум этаклари, дарё қирғоғи ерларида ўтлаб юрган чорва молларини солиқчиларнинг гумашталари аниқлаб, эгасиз деб ҳисоблаб "Луқата" (йўлда тушиб қолган) подшо мулкига қўшар, агар мол эгаси ўз моли учун даъвогарлик қилса, уни исботлаш учун катта харажатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолар эдилар. Бу ҳол тез–тез такрорланар эдики, бу билан аҳоли талон–торож қилинарди.

Маълумки, Манғит амирлари амирлик хизматида бўлган саркор, дарға, мирзо, амин каби бир қанча мансаб соҳибларига маош белгиламаган ва давлат хазинасидан ойлик берилмасди. Улар, ўз эгаллаб турган мансаб–мавқеларидан фойдаланиб, солиқ йиғиш пайтида ўз улушларини деҳқон ва ҳунармандлардан мажбуран олар эдилар. Амир Аҳадхон даврида Болжувонда ҳосилни совуқ уриб кетганига қарамай, солиқ йиғиш буюрилган. Солиқни тўлай олмаган деҳқонлар қаттиқ калтакланганлар. Натижада, 1888 йили Ҳисор водийсида Восе бошчилигида деҳқонлар қўзғалони бўлган. Аҳмад Дониш ҳикоя қилишича, бирон бир киши бозорга мато келтириб уч фулусга сотса, шундан икки фулуси амир хазинасига тушган. Лекин, айрим унумдор, бой ерлардан солиқ олинмаган. Масалан, Садриддин Айний «Дашех ариғи бўйидаги серсув, серҳосил ерлардан подшо солиғи олинмасди. Бу ерлар дархон ерлар (подшо солиғи олинмайдиган) эди», –дея ҳикоя қилади. Амир Темур давлатининг ер ва солиқ сиёсатини манба ва адабиётларга асосланиб Манғит амирлари давлат сиёсати билан таққослар эканмиз, Манғит амирлари давлатни идора этишда Амир Темур тажрибасидан фойдалангани аниқ. Ушбу давлат солиқчилик сиёсатидаги қаттиқ интизом сўнгги Манғит амирлари солиқчилик тизимида заифлашганлигини кўрамиз. Рус шарқшунос олими Д.Н. Лагофет ўзининг Амир Темур давлати ҳақида "Бухоро тоғликлари ва текисликларида" номли асарида: "Унинг давлатида молиявий масалаларда қатъий тартиб ўрнатилган... Биз, ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди", – дея ҳикоя қилади.

Оддий бир ҳақиқат халқдан йиғилган солиқлар ҳисобидан мамлакатни ободонлаштирган, хайр–саховат, инъом–эҳсон қилган, қўшинни қуроллантириб, едириб–ичирган Манғит амирлари солиқ тизимида ҳам айнан шундай воқеликни кўриш мумкин, аммо кейинчалик бу сиёсат бузилган, авомдан йиғилган солиқ хазинага тўла тушмаган. Яъни солиқ йиғувчининг ўзи йиғилган солиқнинг бир қисмини ўзлаштирган, катта қисми ҳам саройдаги айшу ишрат, базмларга сарф қилинган. Амир Абдулаҳадхон фаолиятига баҳо берар экан Садриддин Айний "Манғит амирларининг тарихи" китобида "Абдулаҳад даврида савсим закотининг жами ва экин ерларидан олинадиган хаста – улхирож ва жой чегараси ва йўл хирожи халқни талон-торож этишга олиб келган эди",- деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам Абдулаҳатхон зўрлик билан халқдан йиққан бойликларини ўзининг маишатига, қолаверса, Рус подшоси Николай

www.ziyouz.com kutubxonasi

Романов, унинг оиласига беҳад совға-саломлар бериш ишига сарфлади. У Рус подшосининг ишончига кириб, нуфузи ошиб борди. Беҳисоб қилинган совға-саломлар ҳисобидан, ҳаттоки Туркистон генерал - губернаторлари Розинбах, Вревский, Духовский, Иванов, Тевянов, Мишенко, Самсоновларга насиб этмаган ҳарбий унвонлардан "Генерал адъютант", "Кавалерия генерали" эга бўлди. У "Андрей Первозванный" ордени ва яна бошқа бир қанча лавозим ҳамда унвонлар билан тақдирланди. Халқни бутунлай ночор аҳволга тушуриб, маишат қилиб умрини ўтказган Қрим, Железноводск, Кисловодск каби хушманзара шаҳарларда боғ-роғлар, саройлар қурдириб, бир қанча йиллар ўша ерларда ёз мавсумидаги маишатга халқдан зўрлаб олинган ҳисобсиз маблағларни сарф қилди. Хулоса қилиб айтиш лозимки, Манғит амирлари дастлабки пайтларда мамлакат иқтисодиётини кўтаришда, солиқ сиёсатини адолатли амалга ошириб, раиятни осойишта, тўкис ҳаёт кечириши, иймон-эътиқод, художўйлик ғоялари билан йўғрилган томонлар асосида мамлакатни идора қилган. Бу соҳада Амир Темур тажрибаларидан фойдаланган бўлсалар, кейинги Манғит ҳукмдорлари раиятни аҳволини ночорлик, мамлакат иқтисодиётини инқироз сари етакладилар.

Хуллас, Амир Темур давлатида ўрнатилган қонунчилик сиёсати , иш ва сўз бирлиги, темир интизом ва осойишталикнинг ибратли эканлигини унга тақлид қилиб сиёсат юргизишга ҳаракат қилган Манғит амирлари давлат сиёсатидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА СУҒОРИШ ИНШОАТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН

И.Суюнов, НДПИ.

Амир Темур барпо этган буюк давлатнинг иқтисодий асосини деҳқончилик, биринчи навбатда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, ташкил этган. Амир Темур суғориш иншоатларининг хўжалик ҳаётида тутган ўрнини жуда яхши англаб етган. "Эл-юрт ободлиги, раият аҳлининг турмуши, фаровонлиги сув билан боғлиқлиги учун улкан мамлакатнинг барча ҳудудларида суғориш иншоатлари қурилиши, уларнинг қўриқланиши, сувдан фойдаланишда адолат ўрнатиш, ҳосилнинг пайхон бўлишига ёки ўғирланишига йўл қўймаслик каби масалалар унинг қатгиқ назорати остида бўлган. Бу ҳақда у "Темур тузуклари"да: "Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинлансинларки, сипоҳ раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин",-деб тайинланган эди.

XIVаср охири - XVасрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда экинзорларни сув билан таъминлаш мақсадида жуда катта ишлар амалга оширилди. Катта-кичик дарё ва сойларнинг сувлари йиғилиб, йирик ирригация тармоқлари чиқарилди. Сув омборлари, ҳовузлар барпо этилиб, улардаги сув тақсимоти устидан назорат ўрнатилди.

Амир Темур, айниқса Самарқанд воҳасида суғорилиб, боғ-роғлар бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратди.Бу ҳақда В.В. Бортольд: "Амир Темур жонбоз қурувчи эди, у ажойиб боғ-роғли муҳташам иншоатлар барпо этди, шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Суғориш тизимлари барпо этилди ва таъмирланди, расмий тарих таъбирига кўра, у экин экишга яроқли бир қарич ерни ҳам бекор қўймасди",-деб ёзган эди. Амир Темур, айниқса оқар сувли жаннатмакон боғлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берган. Самарқанд боғлари ҳақида Руи Гонсалес де Клавихо ўз "Кундаликлар"ида ва Абу Тоҳархўжа "Самария асарида" кенг маълумотлар бериб ўтган. Амир Темур Мовароуннаҳрдан ташқари Хуросон, Эрон Кавказ ва бошқа вилоятларда жуда кўплаб суғориш иншоатларини қуриш учун фармонлар берган. Масалан, 1381 йилда Хуросон фатҳ этилгач, Мурғоб дарёсидан каналлар чиқариб, Марв водийсини обод этиш ҳақида фармони олий берган. Ҳофизи Абрўнинг берган маълумотларига қараганда каналлар қурилишига Амир Темурнинг энг ишончли ва халқ ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган беклари бошчилик қилган. Уларнинг орасида Шайх Абу Саъид, Шайх Али Баҳодир, Давлатшоҳ, Жондор, Гулбоғон, Ҳасан Жондор, Абу Алоуддин иноқ Манғли Ҳожа, Кебекчи юртчи, Қутлуғ хотун кабиларнинг номлари қайд этилади.

1401 йилда Кавказнинг Бойлақон мавзесида, Амир Темурнинг фармони билан, Аракс дарёсидан чиқарилган Борлос канали қазилади. Бу каналнинг қазилиши ҳақида тарихчи Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома "асарида "Бойлақон наҳрининг қазилиши баёнида" деган алоҳида боб киритилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Ободонлик боисларидан бири, балки олтита заруриятларидан бири-сувдир. Инсон тириклигининг турғунлиги сув билан боғлиқдир, балки аслида ҳамма ашё сув билан ҳаётдир....

(Шулар боис Соҳибқирон ҳазратнинг) хисравона ҳиммати ва подшоҳона иродаси у жойда яшовчилар ва хосу омнинг фаровонлиги учун бир наҳр қазимоққа жазим қилди: жаҳон итоат этувчи фармон содир бўлдики , Арас шаҳри канорасидан бир ариқ чиқарсунлар, у Бойлақондан ўтсин, шу жойда яшовчи одамлар, экинзорлар ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқлар истеъмолидан ортиғи Кур наҳрига бориб қўйсин, узунлиги олти фарсаҳ, кенглиги тахминан ўн газ бўлсин...."

Кейинги аниқланган маълумотларга қараганда , бу каналнинг узунлиги 10 фарсах (60-70км) бўлган. Канал бўйлаб кемалар қатнай олган. Канал қурилишига Соҳибқирон ғолиб лашкарининг барча бошлиқлари жалб этилган, амирлар иш боши қилиб тайинланган. Низомиддин Шомийнинг берган маълумотларига қараганда : "Сўзсиз бир йилда бажарилиши мумкин бўлган шундай катта бир ишдан, кўп ози билан бир ой муддатда фориғ бўладилар. Абадиятга уланғур давларнинг куч-қуввати ва Соҳибқирон ҳазратнинг пок нияти баракоти билан шаҳар ва вилоят у наҳрдан маъмур бўлди". Бундай катта ишни ўша давр ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари билан бажариш жуда катта жасорат ва жанбозликни талаб этади.

Деҳқончилик қилинадиган ерларнинг муайян қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай қишлоқ жамоасининг мулклари, одатда, сувга танқис тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Бу ҳудудларда жойлашган экинзорларни суғориш учун булоқ ва жилғаларнинг ҳамда ер остидан сизиб чиқадиган сувларни жамлаб, бир неча метр баландликда жойлашган экин майдонларига чиқариш зарур эди. Бу деҳқонлардан алоҳида маҳорат ва машаққатли меҳнатни талаб этарди. Бунинг учун мураккаб сув иншоатлари–қулфакли ҳовузлар, коризлар ҳамда тоғ ёнбағирлаб юқорига кўтарилиб борувчи ариқлар қазилган. Уларнинг қолдиқларини республикамизнинг турли тоғли ҳудудларида, жумладан, Нурота туманига қарашли тоғли ҳудудларда ҳам учратиш мумкин...

Амир Темур ҳукмронлиги даврида бундай деҳқончилик қилиш тури кенг тарқалмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда мавжуд эди. У маъмурият томонидан рағбатлантириб турилган ва қўриқланган.

Бир сўз билан айтганда соҳибқирон Амир Темур даврида мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этган, деҳқончиликнинг "қон томири" бўлган суғориш иншоатларининг қурилишига, қўриқланишига ва таъмирланишига катта эътибор берилган. У давлат аҳамиятига молик энг катта вазифалардан бири ҳисобланган.

Президентимиз И.Каримов1996 йил 24 октябрь Тошкентда бўлиб ўтган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маърузасида: "Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида , ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишлари олиб борган, суғориш иншоатларини қурдирган. Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан"[175],-деб айтган эдилар.

АМИР ТЕМУР ДАВРИ САВДО МАДАНИЯТИ

З.Жунаев, НДПИ.

Ҳар бир давлат ва жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бозорлар ва савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос ўрин тутади ва кенг аҳамият касб этади. Буюк Соҳибқирон, давлат арбоби, қудратли, марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ҳам ўз мамлакатида ички ва ташқи савдони кенгайтириш соҳасида катта фаолият кўрсатди. Унинг ҳукмронлиги йилларида Самарқандда савдо расталари, бозорлар ва йўлларни ободонлаштириш тадбирлари кўрилди, шарқ ва ғарб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга киришилди.

XIV аср охири – XV асрда Самарқанд ва Бухорода бозор, чорсу, тоқ, тим, каршон каби бир неча хил савдо-ҳунармандчилик масканлари бўлганлигини кўпгина манбалардан топиш мумкин. Хусусан, XVI аср бошларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзиб қолдирган хотираларида Темур замонасидаги вужудга келган тартибни қайд этиб, шундай дейди: «Самарқанд шаҳри ажиб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлуб эмастур, тавр расмедур»[176]. Бундан билишимиз мумкинки, ҳар бир савдо марказида, асосан муайян мол билан савдо қилиш расм бўлган. Масалан, телпакчилар, каллапазлар, нонвойлар, ҳолвачилар, газмолчилар, кўнчилар, заргарлар, қуролсозлар ва ҳоказо. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бозорлар, тимлар нафақат Самарқандда, балки мамлакатнинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Бухоро, Хуросон, Эрон ўлкаларида ҳам қурилган. Бухорода 1558 йилнинг охирида бўлган инглиз савдогарлари вакили Антони Женкинсон кундалигида «бу ерда ҳар бир касб-ҳунар ўзининг алоҳида бозорига эга»[177] деб ёзганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу бозорларда тартиб-интизом бўлган, нарх-наволар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган, раислар, назоратчилар ҳаридор ҳақига хиёнат қилган сотувчиларни, чайқовчи-имонсизларни

---

[175] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 187-бет.
[176] "Бобурнома". 46-бет.
[177] Темур ва Улуғек даври тарихи. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 138-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жазолаганлар.

Бу даврга келиб, Марказий Осиё орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлининг шуҳрати янада ортади. Бу борада Темур бир қанча салмоқли ишларни амалга оширади. У, энг аввало, мамлакатга келиб-кетувчи мусофирлар, савдогарларга катта эътибор беради ва ғамхўрлик қилади. Карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларга соқчилар тайинлайди. Шу ўринда Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари эътиборга лойиқ: «Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладим, улар қаерга боришмасин, Чинмочин, Ҳидистон, Миср, Шом, Жазоир, Фарангистон, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсинлар»[178]. Савдогарлар хорижий молларни маҳаллий олиб - сотарлар учун олиб келишар, карвонсаройларда улар кўтарасига сотиб юборишарди. Шу билан самарқандлик йирик олиб-сотарларнинг фаолият доираси кенгаярди. Товарнинг яхши, асл қисми олий ёки маҳаллий ҳукмдорга аталар эди, чунки хорижий савдогарнинг бундан кейинги фаолияти, йўлда уни муҳофаза қилувчи ёрлиқ олиши, шу ҳукмдорнинг раъйига боғлиқ бўлган.

«Мактубот ва аснод» мажмуасида бир фармоннинг мазмунига қараганда, бошқа жойлардан келтирилган молларни кўриб чиқувчи махсус киши бўлган. Фармонга биноан қаердан келганларидан қатъий назар барча савдогарлар ўзлари олиб келган қимматбаҳо матоларнинг барини ҳукмдор тайинлаган лавозимли кишига кўрсатишга мажбур бўлган. Ундан ҳеч нимани яшириб қолмаслик тавсия этилган. Моллар шу амалдорнинг кўригидан ўтмагунга қадар савдогарга сотишга ва бошқаларга сотиб олишга рухсат берилмаган[179]. Шунингдек, баъзи ҳолларда молларни ҳукмдорнинг ўзи белгиланган нархда мажбуран соттириш усулини ҳам қўллаган. Бу каби олиб борилган сиёсатдан кўзланган мақсад, энг аввало халқнинг манфаатидан келиб чиқади, деб хулоса қилсак муболаға бўлмас.

Амир Темур нафақат мамлакатда ички савдонинг ривожига, балки ташқи савдони ривожлантириш борасида ҳам кўп хизмат қилди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган»[180]. Шу сабабли, у Осиё ва Европа мамлакатлари ҳукмдорларига мурожаат қилиб, халқаро савдо

---

[178] «Темур тузуклари». 124-бет.

[179] Темур ва Улуғбек даври тарихи. 141-бет.

[180] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 186-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак». Бундан келиб чиқадики, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган[181]. Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида ўтган давр учун ҳам, бугунги кун учун ҳам, келгусида ҳам, ибрат олса арзигулик савдо маданияти мавжуд эди.

АМИР ТЕМУР ТАРИХЧИЛАР ТАЪРИФИДА

Д.Ибрагимов, НДПИ.

Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, хандаса (геометрия), меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих мусиқа каби соҳалари равнақига катта эътибор бериб, соҳиби ҳунарлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянгле шундай ёзади: "Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди".

Темур тарихчилар тасвирича, Ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлиб, Овропа олимларидан Ф. Шлоссер ўзининг "Жаҳон тарихи"(III том) асарида: "Бахтиёр жангчи, жаҳонгир Шарқда қонуншунос бўлиши билан бирга ўзида Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билмларни ифодалади", деб ёзган бўлса, яна бир немис тарихшунос олими М. Вебер: "Темур ўз думанларига нисбатан жуда бераҳм эди, лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди", деб таърифлайди.

"Тузуки Темурий" ("Темур тузуклари")да ҳам Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли давлатнинг

---

[181] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида гап боради ва давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларнинг вазифаси, турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузулиш тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилди.Давлат ишлари ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борилганлиги бир неча бор таъкидланади.[182]

Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳанинг билмдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашарди.

Одатда, у тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари билан суҳбатлар ўтказарди.Алишер Навоийга Амир Темурнинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги жуда ёқар эди. Бу ҳақда Навоий шундай деган: "Агар Темур қаерда фан , маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида маслаҳатчи сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди."

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни шарқнинг машҳур шаҳарлари Дамашқ, Бағдод, Миср, Султония, Шероз номлари билан атаган. Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катта ва гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устун.

Тарихчи олимларнинг турли хил миллат, турли хил халқ бўлишларига қарамасдан, бир хил фикр-қарашлар билдиришларини ғувоҳи бўламиз. Яъни, Амир Темур исътедодли саркарда, давлат арбоби ҳамда олиму фузалолар ҳомийси, бунёдкорлик ишларида тенги йўқ шахс сифатида таърифланади. Нафақат тарихчи олимлар, балки биз талаба ёшлар ҳам Амир Темур шахсини кенг ўрганмоғимиз лозим.

---

[182] Йўлдошев С., Қодиров М., Усмонов М. Аждодлар мероси- мафкурамиз ғавҳари. Тошкент, 2001.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

Ф.Сиддиқова,
Г.Ибрагимова,
Р.Зулфиқоров, ТДПУ.

Соҳибқирон Амир Темур даврида асос солинган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар унинг авлодлари даврида ҳам давом эттирилмоқда. Албатта, ўтган давр давомида амир, бек ва султонлар ўртасида олиб борилган ўзаро урушлар ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир қилиб келди. Аммо, иқтисодий ва маънавий ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ.

Мустақил Ўзбекистонимиз XXI асрда жаҳоннинг илғор ва етакчи давлатлари қаторида бўлиши мақсадида Ўзбекистон манфаатларини ҳар жиҳатдан, сиёсий, иқтисодий ҳарбий, маънавий-руҳий ҳимоя қила олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун, албатта тарихда ўтган буюк шахсларимиз, айниқса Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бунда асосий мезон бўла олади. Унинг ҳар қандай мушкул сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, дипломатик вазиятлардан чиқиб кета олиш заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги топқирлиги, темир иродавий хусусиятлари авлодлар учун ибрат ва ҳаёт мактабидир.

Амир Темурнинг энг асосий хислатларидан яна бири–унинг мамлакатда кучли фаолият юрита билганлигидир. Айниқса, ерга бўлган иқтисодий фаолияти тадбиркорона олиб борилган.

Ерга эгалик қилиш тўрт хил шаклда олиб борилган бўлиб, улар: "мулк девоний" – давлат ерлари; "мулк ерлари"–хусусий ерлар; "мулки вақф"–вақф ерлар ва жамоа ерлари. Ҳар бир шаклдаги ер эгалиги ўзига хос мажбуриятларга, имтиёзларга ва ваколатларга эга бўлган. Ўз навбатида Амир Темур солиқ солиш, унинг миқдори ва ундириш ишларини ҳам тартибга солиб, солиқ ва ўлпон йиғувчиларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатди.

Соҳибқирон ўз тузукларида: "Амир этдимки, раиятдан мол хирож йиғишда уларни тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиатни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади", дея солиқларнинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтган.

Амир Темур тадбиркорлик фаолиятига ҳам жуда катта аҳамият бериб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларини ривожлантирди. Ҳунармандчилик ривож топиб, касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган маҳаллалар, кўчалар, гузарлар, бозор расталари ва усти гумбазли бозорлар пайдо бўлишига сабаб бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритганлиги қуйидаги тузукларидан далолат беради: "Сармояси қўлдан кетиб қолган миқдорда олтин берилсин. Деҳқонларнинг қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин".

Буюк Соҳибқирон тадбиркорлик фаолиятини юритиш – мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашнинг энг муҳим усулларидан бири деб қараган. Шу сабабли нафақат Осиё мамлакатлари, балки Буюк Ипак йўли орқали Европа мамлакатлари билан ҳам савдо муносабатлари олиб борганлар. Савдо муносабатларини ривожлантиришда элчилик алоқалари катта аҳамият касб этган. Темурий ҳукмдорларнинг элчилик ва савдо карвонлари Осиё ва Европанинг жуда кўплаб мамлакатларига борганлар. Бу фаолиятлар мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожланишига сабаб бўлди.

Амир Темур ўзининг "Сипоҳ сақлаб туриш тузуги", "Сипоҳга ҳақ бериш тузуги", "Сипоҳга ҳақ тақсимлаш тузуги" каби тузукларидан биз Соҳибқироннинг ақл-идрок билан сипоҳларнинг мамлакатларига қараб тоифаларга ажратилганлигини ва тоифаларига қараб, уларга ҳақ белгиланганлигини тушунамиз. Ўз навбатида ҳақни олиш тартиби ва бунга масъул шахслар белгиланган. Келтирилган зарар ёки фойдасига қараб мукофат ёки жарималар белгиланган. "Сипоҳга ҳақ тақсимлаш тузуги"га қараб биз ҳақ тўлаш учун керакли маблағларнинг қайси манбалардан олиниши жуда ҳам маҳорат билан тақсимланганлигига ва бу манбалар назоратга олинганлигига гувоҳ бўламиз.

АМИР ТЕМУР – ОДИЛ ШОҲ, ДОНИШМАНД СИЁСАТЧИ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

П.Ҳайдаров, А.Д.Қобулова, СамДУ.

Амир Темур ўз халқини истибдоддан озод қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаб, мўғул босқинчиларига қарши бутун вужуди билан, ё ўлим ё озодлик деб, кўп йиллар мобайнида шиддатли кураш олиб борди ва ниҳоят ўз мақсадига эришди.

Амир Темур Турон заминида мустақил давлатни ўрнатишда довюрак ва буюк саркарда эканлигини кўрсатган бўлса, бу давлатни

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш йўлида ва пировардида буюк салтанат барпо этишда донишманд сиёсатчи ва юксак маънавият соҳиби эканлигини исботлади. Амир Темурнинг бу сифатларининг айримларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Амир Темур, ўша даврда (шароитда) мустақил давлатни барпо этиб, уни сақлаб қолиш учун ўзига хос бўлган қудратли марказлашган давлат яратиш зарурлигини донишмандларча теран англади. Бундай қудратли давлатни яратиш учун миллий озодлик ғояси асосида туркий қабилаларни бирлаштириб, енгилмас қўшин ташкил қилиш ҳамда чегарадош ва ёндош давлатларни истило қилиш керак эди. Шундай қилиш ўша даврнинг долзарб сиёсий ва иқтисодий талабларидан бири бўлган. Оддий сўз билан айтганда, бўйсунтирилган қўшни ва ёндош давлатлар Турон заминининг мудофаа «деворига» айланиши айни муддао эди. Бу давлатларни ёвуз босқинчилар каби истило қилиш эмас, балки улар билан биргаликда ҳар қандай босқинчиларни тор-мор қилишга қодир бўлган қудратли давлат яратиш мақсадга мувофиқ бўлган. Амир Темур бу ишни уддабуронлик билан амалга оширган.

2. Ҳар қандай давлат қудратли ва ҳар тарафлама равнақ топиши учун, бу давлатда маърифат, илм-фан, маданиятнинг турлари ривож топиши шарт. Ҳаммага маълум, Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, адабиёт ва санъатнинг кўп соҳалари ривожи дунёда энг юқори даражага кўтарилди, қанчадан-қанча маданият ва маънавият масканлари барпо этилди, юзлаб дунёда тенги йўқ олимлар, шоирлар, наққошу рассомлар, дин арбоблари ва ҳоказолар етишиб чиқдилар. Академик М.М. Хайруллаевнинг ёзишича: «XIV асрнинг охири ва XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданият жуда тез ривож топди ва ўз даври учун мисли кўрилмаган ютуқларга эришди»[183].

3. Маънавият Амир Темур давлатининг асосий устуни, пойдевори бўлган. Маънавият билан суғорилмаган пойдеворга асосланмаган давлат ва жамиятнинг келажаги бўлмаслигини буюк бобокалонимиз англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур олиб борган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий маънавий тамойили «Куч адолатдадир» деган, пурмаъноли шиор бўлган. Амир Темур ўзининг бу маънавий сиёсати тўғрисида шундай деган: «... ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шаъмини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шаъмини олиб, бу икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим».[184]

---

[183] Хайруллаев М.М. Темурийлар давлати маданий юксалишининг маънавий манбалари // «Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 1-қисм. Самарқанд, 1996. 7-бет.

[184] Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа. Тошкент: Камалак, 1992. 31-34-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг дунёда мукаммал инсонпарвар жамият ўрнатишга қаратилган амалий фаолияти унинг юксак маънавий дунёси билан ҳеч қачон зид бўлмаган. У: «Камар бар миён ва сано бар забон – белда камар ва тилда сано»,[185] яъни иш ва сўз бир бўлсин дейишни хуш кўрар эди. Ва яна, Темур: «Мурувват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст» - инсонпарварлик ва мардликни оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди.[186]

4. Амир Темур ўз сиёсати билан одил шоҳ бўлган. У қурмоқчи бўлган жамиятда ўғри, бекорчи, эзма, бузуқ, фасодчи, қароқчиларни йўқотишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди.[187]

5. Амир Темур ўз замонасининг ўта донишманд давлат раҳбари эканлиги шунда яққол намоён бўлдики, у ўз давлатини мустаҳкамлашда, уни бошқаришда ислом динининг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини теран фаҳмлади. Бу ҳолат, унинг «Тузукларида» яққол кўзга ташланади. Амир Темурнинг ислом динига бўлган ҳурмати нақадар юксак эканлигини тасдиқловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу тўғрисида бир мисол келтирамиз: Араб мамлакатларининг бирида не-не машаққатлар билан қўлга туширилган жиноятчи дорга осилиши олдидан Амир Темурдан бир оз тиловат қилиб олишни илтимос қилади. Амир Темур ҳеч ҳам эътироз билдирмасдан, шу заҳотиёқ унга унинг охирги истагини амалга оширишга ижозат беради. Жиноятчи Амир Темурнинг ислом динига бўлган юксак эҳтиромини билган ҳолда Қуръони каримнинг оятларини тинимсиз қироат қилишни давом эттиради. Бу воқеани диққат билан кузатиб турган Амир Темурнинг, аввало юзларида табассум пайдо бўлади, кейинроқ эса, унинг кўзларидан ёш оқа бошлайди. Шу заҳоти кўпчилик учун кутилмаган воқеа содир бўлади, яъни Амир Темур бирданига ўтирган жойидан турадида жиноятчи томон йўл олади. Бозор майдонига тўпланган минглаб одамлар, Амир Темур шахдам қадамлар босиб дор тагида тиловат қилишни давом эттираётган жиноятчи томон бораётганини кўриб, ҳам ҳайратга ва ҳам ваҳимага тушади. Амир Темур жиноятчига яқинлашиб боралида, уни ўз бағрига босади ва секин йиғлаб юборади. Жиноятчи Қуръони каримни қисман билганлиги туфайли, ўз жонини сақлаб қолади.

---

[185] Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент: «Фан», 1968. 45-бет.
[186] Ўша жойда.
[187] Сойимназар Каримов. Мукаммал жамият ва одил шоҳ //«Гулистон» журнали. 1995. 3-сон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг кўрсатмаси бўйича Қуръони каримни қисман бўлсада билган кишиларнинг нафақат бошини танасидан жудо этилиши, ҳатто уларнинг бошига ҳам урилиш мумкин эмас эди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, халқимизга қадимдан хос бўлган юксак маънавий фазилатларнинг барчаси Амир Темурнинг фаолиятида юксак даражада намоён бўлди ва унинг ҳаётида йўлчи юлдуз сифатида хизмат қилди. «Амир Темур, нафақат Турон – Туркистон - Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир».

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Н.Эшонқулова, НДПИ.

Дунёнинг диққат-эътиборини ўзига тортган мазкур икки Кушон ҳамда Кушонийлар давлати (исломдан олдин) ва Темурийлар давлати (исломдан кейинги) даврида яратилган маданият бизнинг халқимиз–ўзбек халқи, барча Марказий Осиё халқларининг ифтихори ҳисобланади.

Амир Темур тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахс: бунёдкор, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси.

Темур давлати ўз даврига нисбатан марказлашган давлат эди. Бу давлат асосчиси Амир Темур кўзда тутганидак, мамлакатдаги барча ижтимоий табақалар–саййидлар ва руҳонийлар, олим ва фозил кишилар, аҳли ҳунарлар, зироатчилар, сипоҳийлар савдо-сотиқ аҳли ва бошқаларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиниши, маслаҳат ва кенгаш ила қаттиққўллик билан бошқарилиши керак эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашларида ўн иккита асосий қоидалар бор бўлганки, бунда Соҳибқирон: "Энди менинг номдор – бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шуким, мен 12 нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. 12 нарса ёрдамида салтанатни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим", [188] - деб ёзади.

"Менинг давлат ва салтанатимга боғланган тузугим:

-биринчидан, Тангри таоло дини Муҳаммад Мустафо шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим;

---

[188] «Темур тузуклари». Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 68-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-иккинчидан, 12 табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан мустаҳкамлаб, мажлисларимни улар билан безатдим;

- учинчидан, маслаҳат кенгаши, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим, дўст ва душман билан муроса ва мадора қилдим;

-тўртинчидан, давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқаришни йўлга қўйдим;

-бешинчидан, амирлар ва сипоҳийлар билан яхши муносабатда бўлдим, уларга иззат ва ҳурмат кўрсатиб, мартаба ва унвонларини ҳурмат қилдим, уларнинг турмуш тарзидан хабардор бўлиб турдим;

-олтинчидан, ишларни адолат ва инсоф билан юритдим, гуноҳкорга ҳам, гуноҳсизга ҳам, раҳму шафқат кўрсатиб ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим;

-еттинчидан, саййидлар, олимлар, машоих, оқил ва донолар, муҳандислар ва тарихчиларга ҳурмат кўзи билан қараб, улар берган маслаҳатлардан фойдаландим;

-саккизинчидан, бир ишни бошлагандан кейин азмни жазм қилиб, қатъийлик билан уни охиригача етказдим;

-тўққизинчидан, райият ҳол-аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиб туриб, ҳокимлар, сипоҳийлар томонидан райиятга жабру ситам кўрсатилган бўлса, уларни адолату инсоф юзасидан жазоладим;

-ўнинчидан, турк-тожик, араб ва ажамнинг турли тоифаларидан унинг паноҳида бўлган кишиларга эҳтиром билан муомала қилиб, қарамли ва кечиримли бўлдим;

-ўн биринчидан, давлат (раҳбарлиги) мартабасига эришганда ҳам, фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайнилар, қўни-қўшнилар ва дўстларни унутмадим, дўсту душман билан келишиб яшадим;

-ўн иккинчидан, дўст ё душманлигига қарамасдан, ҳар жойда сипоҳийларни эъзозлаб, уларнинг фидоийлигига юксак баҳо бердим, чунки улар, ўрни келганда ўзларини қалқон қилиб, жонларини қурбон қилишга тайёрдирлар"[189], - деб қайд этган эди буюк саркарда.

Юқорида зикр этилган ўн иккита қоида давлатни бошқаришда асос бўлиб хизмат қилган. Улар ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга.

Соҳибқирон "Темур тузуклари"да ўлканинг моддий ва маънавий тараққиёти учун жуда кўп сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва маърифий

---

[189] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатмалар берганки, буларни қуйидаги: "Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган" (50-бет), "Ҳақиқат ва адолат ҳар қандай офатдан қутқаради"(15-бет), "Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши" (48-бет)[190] каби ҳикматли иборалари орқали англаш мумкин.

Йигирма етти мамлакатда таркиб топган буюк империя асосчиси соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай – мислсиз доно ва йирик давлат арбоби, улуғ саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тузуклар қолдирди. Буюк Ипак йўли хавфсизлигини таъминлаш билан савдо-тижорат ривожига катта ҳисса қўшди. Шарқ билан ғарб мамлакатларини бир-бирларига яқинлаштирди.

Ҳазрат Соҳибқирон бутун ҳаётини юрти ва халқининг тинчлиги ва фаравонлиги учун сарфлади, элим деб, юртим деб ёниб яшади. Айниқса, жиноятни аниқлаш ва жазони тайинлаш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этган. У, шариатда кўрсатилган жиноятлардан ташқари:

-салтанатни йиқитиш мақсадида вазирларнинг давлатга хиёнат қилишини;

-молия вазирларининг молия ишларига совуққонлик билан қараб, давлат бойлигининг бир қисмини ўзлаштириб олишини;

-амирларнинг иш юзасидан ўзаро нифоққа боришини;

-ўғилнинг салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб, бош кўтаришини;

-набиралар ёки қавм-қариндошларнинг душманлик қилишини;

-сипоҳийларнинг ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишиларга зулм ўтказишини;

-хотин-қизларни камситиб, зўрлаб зино қилишни;

-ўғирлик, уриб кўр қилиш, қулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш кабиларни энг оғир ва хавфли жиноятлар деб ҳисобларди.

Жиноят содир этганларга нисбатан жазо белгилашда "золимлар (гуноҳкорлар) етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим"[191], дея, аввало одамларнинг гуноҳларини ашёвий далиллар асосида исботлаш, сўнгра уларни халқ олдида ошкора жазолаш, жазони фақат айбдорга нисбатан қўллаш зарурлигини уқтирган.

---

[190] Амир Темур ўгитлари. Тошкент: Наврўз, 1992.
[191] Ўша асар. 15-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳибқирон қолдирган қонуний-меъёрий ва ҳуқуқий нормалардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турли бобларида, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси–XVIII боб, Ўзбекистон Республикаси Президенти–XIX боб, Вазирлар Маҳкамаси–XX боб, Суд ҳокимияти–XXII боб, Мудофаа ва хавфсизлик–XXVI бобидаги моддаларда замон талабини назарда тутган ҳолда ижобий шаклда фойдаланилган.

Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотиқ, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ТАРТИБОТ

Р.Худойбердиева, НДПИ.

«Яқин - яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса, XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди... Давлат , салтанат жамият бошқарувига оид мумтоз асар «Темур тузуклари»ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи»[192], -дейди Президентимиз И.А.Каримов Амир Темур ҳақида.

Ҳақиқатан ҳам Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрдаги энг йирик марказлашган давлат бунёдкори ва моҳир лашкарбошидир.Амир Темур даврида унинг бошқарувидаги давлат маънавияти, мафкураси, давлатчилик тартиблари, салоҳияти, мазмуни, таъсир кучи жиҳатидан ўз замонасида мисли кўрилмаган даражада тараққиётга эришилган.

Амир Темур бизга жамият ва давлат бошқаруви учун асос бўлган "Темур тузуклари" асарини қолдирди. "Темур тузуклари"да буюк лашкарбоши давлатни бошқариш санъатини очиб бериб, ўзидан аввалги ҳукмдорлардан фарқ қилган ҳолда давлат ва мамлакатни бошқаришда аҳолининг барча табақаларига суянди. У, давлат бошқарувида , ички ва ташқи сиёсатда фозил ва зиёлилардан ҳуқуқий ва ақлий масалаларни ўрганган , донишманд кишилар суҳбатларидан тажриба ҳосил қилган, сипоҳийларга таяниб улардан кенгаш тилаган. Аскарлар ва авом халққа бир кўзда қараб, кези келганда улар лозим даражада рағбатлантирилиб, тарбия қилинган. Салтанатдаги яширин

---

[192] Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон,1999, 147-148-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлар, махфий сирлар ишончли кишилар кенгашида хал қилинган. Вазирлар ва саркотиблар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб, улар мамлакат тўкинчилиги ва ободончилиги учун ҳаракат қилишган. Ҳадисшунос олимлардан Амир Темур аввал ўтган подшоҳларнинг давлатлари қандай сабабларга кўра таназзулга юз тутганлигини сўраб билиб, ўз тажрибасини орттирган, хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган савдо-сотиққа алоҳида рағбат берган. Шу сабабдан савдогарларни қўллаб-қувватлаган. Улардан бошқа мамлакатлардаги туриш-турмуш, ўша мамлакатлар ҳукмдорларининг ўз халқига муомала ва муносабатини аниқлаган.[193]

Амир Темур даврида суд тизими ҳам кенг кўламда ривожланган,эҳтисоб тизими бутун мамлакат бўйича жиноят содир бўлишини олдини олиб, фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиб турарди. Нарху навони назорат этиш, экологияни асраш, йўллар ва кўприклар хавфсизлиги, озиқ-овқат ва сувлар покизалигини сақлаб, мамлакат бўйича ғайридинлар ва хорижий мусофирларга тазйиқ ўтказиш, шаҳарларда қишлоқ аҳолисига нотўғри муносабатда бўлишни олдини олиш, ҳатто ҳайвонларни ҳимоя қилиб, кемалар хавфсизлигини таъминлаш муҳтасибларнинг вазифаси қилиб белгиланган.

Муҳтасиб ҳозирги Омбудсман вазифасини кенгроқ кўламда бажариб, тўғридан-тўғри давлат раҳбари томондан тайинланган. Америкалик машҳур ҳуқуқшунос олимнинг таъкидлашича,эҳтисоб институти Швеция қироли томонидан ислом шариати принципидан кўчириб олиниб, парламентдан Омбудсман тизимига айлантирилган.[194]

Ўша вақтда "Темур тузуклари" асосий қонун сифатида (конституция ўрнида) амал қилиб келган, суд тизимига катта эътибор қаратилиб, шайх ул-ислом ва қозилар юксак мақом ва ҳурматга эга бўлган Ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар "қози аскар", яъни ҳарбий суд томонидан кўрилган. Буюк Соҳибқирон давлатни бошқаришда 12 тамойилга амал қилган.Уларнинг айримлари:

3. Маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик;

4. Далват ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш;

6. Ишларни адолат ва инсоф билан юритиш;

9. Раият ҳол-аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиб, ҳокимлар ва сипоҳийлар томонидан раиятга жабр-ситам ўтказилган бўлса, уларни адолат ва инсоф юзасидан жазолаш;

---

[193] Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб.Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 8-10-бетлар.
[194] Амир Темур сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2001. 19- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Турли тоифалардаги понаҳ остида бўлган кишиларга эҳтиром билан боқиб, қарамли ва кечиримли бўлиш;

Давлатни бошқариш соҳасидаги сиёсат адолат меъёрларига асосланган бўлиб, ҳар бирида инсоф ва адолатни таъминлаш ва ҳаққониятга эришиш учун қонун устуворлиги принципи назарда тутилгани яққол кўзга ташланиб туради.

Мамлакатда вақти-вақти билан сўроқ, пурсиш, ревизия ва тафтиш, тергов қилиш – таҳқиқ ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкиликбозлик, маиший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, суиистеъмол қилиш Темур авлодларига тааллуқли бўлган вақтларда, улар тегишли жазоларини олганлар. Чунончи, унинг ўғли Мироншоҳ, невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар халқ олдида жазога тортилганликлари тўғрисида манбаларда ёзилган.Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл бўлган. У, бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғли ва невараларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас эди. У ўз давлат ишларида ғоят мустаҳкам турарди.

"Темур тузуклари"да шундай кўрсатилган: «Мен пайғамбар авлодларига , олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлдим; уларга нафақа белгиладим. Мағлуб бўлган мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим, ғаразли кишилар ва сотқинлар менинг давлатимдан қувилди. Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим..., катта йўллардаги йўлтўсар ва ўғриларни "Ясса" қонуни (Чингизхон қонуни) асосида жазолаш, қўзғолончи ҳамда сотқинларни менинг ҳокимиятимдан чиқариб ҳайдаш ҳақида буйруқ бердим, ўлкалардаги йўлларнинг хавфли бўлишини истамасдим, шаҳарларда ва маҳаллаларда махсус одамлар халқнинг ва аскарларнинг хавфсизлиги устида иш олиб борарди. У жойда ҳозир бўлган ўғирликлар учун барча жавобгарлик унинг бўйнига тушарди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун катта йўлларга соқчилар қўйилди, улар йўловчиларнинг ҳар бир нарсаси учун жавобгар эдилар.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айблашлари ҳамда туҳматлар билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъийян ман этилган эди. Аммо, бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди. Солиқлар ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига биноан белгиланар эди. Ғалла йиғиб олинмасдан бурун солиқ тўплаш қатъий ман қилинган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозининг ва диний назорат вакилининг розилиги билан ақлдан озганларнинг, номаълум ворислар, жиноятчилар, қонун бўйича ҳуқуқдан маҳрум бўлганларнинг мол-мулклари таъсис қилинган вазир ихтиёрига ўтказиларди. Вафот этганларнинг мол-мулки уларнинг қонуний ворисларига ўтарди; агар ворисхўрлар бўлмаса, бу мол-мулк мачит, мадраса, мозорларга берилар ёки Маккага юборилар эди».[195] Ўша вақтда амлада бўлган суд тизими учга бўлинган. Адлия Вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар, ё манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шуғулланган Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган.Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган.[196] Ўша замон тартиблари олдида жавобгарлик барчага баробар бўлган.[197]

Давлат хизматлари пухта ва аниқ ишланган.Ҳар бир йирик амалдор ўз битикчиси ва қайд дафтарига эга бўлиб, битикчилар ўз бошлиқлари кўрсатмасига мувофиқ турли ҳужжатлар, масалан, ёрлиқлар ёзиб тайёрлаганлар. Албатта, бу ҳақда қайд дафтарига ёзиб, ёрлиққа тегишли белги (рақам) қўйганлар. Кейин эса ёрлиқ йўриқчига топширилиб, у унга муҳр босган ва мазкур масалага дахлдор хизматларга юборган. Ҳужжат яна 3-4 амалдор назоратидан ўтиб,уларнинг муҳрлари босилгандан кейингина олий ҳукмдор муҳри урилган, шундан сўнг бу ҳужжат қонун кучини олган.Шариат асосида Қуръон ва сунна ётсада, лекин у аслида фиқҳ (ҳуқуқ ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний. ахлоқий манба бўлиб хизмат қилган.[198]

Юқоридагилардан кўринадики, пухта ишланган қонунларга қатъий амал қилиниши Амир Темур давлатининг барқарорлигини таъминлаган ва унинг давлатни бошқариш санъати ҳозирги кунги бошқарувнинг кўплаб соҳаларига асос қилиб олинган.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ИСТЕЪДОДИ

Д.Жиянова, НДПИ.

Амир Темур 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ва жангу жадалларни амалга оширди. Кўп мамлакатларни забт этди. Бу мамлакатларни забт этишда Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди катта роль ўйнаган.

---

[195] Ўша асар. 33-38-бетлар.
[196] «Темур тузуклари». 108- бет.
[197] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Тошкент: Шарқ, 2001. 181-183-бетлар.
[198] Ўша асар, 183- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ҳарбий истеъдоди, асосан икки йўналишда – моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлган.

Буюк лашкарбоши ва новатор, ҳарбий ташкилотчи сифатида Амир Темур ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлган.

Соҳибқирон турк-мўғул халқлари, хусусан Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориши амалларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Амир Темур барпо этган армиянинг тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ қуйидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланар эди:

1.Чингизийлар қўшинни ялпи мажбурият асосида ҳарбий хизматга чиқариладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда, Амир Темур армияси умумхалқ характерига эга эмас эди.

2. Чингизхон даврида қўшин асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Амир Темур қўшинига олий бош қўмондон кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.

3.Амир Темур қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобга олмаганда, пиёда аскарларга эга бўлмаган.

4. Амир Темур Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар қурол, яъни тўп-раъдни олиб кирди.

5. Соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

6. Амир Темур жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.

7. Амир Темур армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналари кўрсатган.[199]

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда отлиқ аскарлар Амир Темур армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар

---

[199] Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент: Ёзувчи, 1996. 7-9-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил қуролланган отлиқлар, асосан разведка ва соқчилик билан шуғулланган, ўта зарур чоғдагина душман кучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Дубулға, зирҳ (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва найза билан таъминланган оғир қуролли суворийлар сара жангчилардан тузилган, ғанимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта роль ўйнаган.

Юришга жўнашдан олдин Амир Темур аркони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш–машваратга чорлаган. Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманларидан, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ – тунқал эълон қилинган. Фармон керакли жойларга юқори мансаб эгаси, бош қўмондоннинг адъютанти-тавачи[200] томонидан тезлик билан етказилган. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб–ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчишни назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Амир Темур Дашти қипчоққа қилинган юриш (1390-1391) олдидан қўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган. Ҳар бир суворийга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, бир қалқон ва битта қўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўн жангчига қўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўн жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

"Темур тузуклари"да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халтага (чанач) эга бўлган.

Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўнбегининг алоҳида чодири бўлган. У совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ билан қуролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Юзбегининг ҳам алоҳида чодири бўлган. Унинг қурол-яроғи қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта қўшимча от берилган.

---

[200] *Тавачи* - ҳукмдорнинг фармонини қисмларга етказувчи амалдор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулға, зириҳ (чаҳоройна), совут, найза, қилич, садоқ ва ўқ сингари ранг-баранг қурол турлари билан қуролланган.

Амир Темур фармойишига биноан атоқли лашкарбошилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни бекларбеги мансабига тайинланган. Донгдор амирлардан бирига амирул-умаро лавозими берилган ва у олий бош қўмондон, яъни Амир Темур ноиби вазифасини адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жанглардан амирул-умаро қўшинга қўмондонлик қилган.

Зикр этилганлардан ташқари қўшин қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган. Минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг отлиқлардан ташкил қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлиқли фавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлиқ аскарлардан тузилган қўшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қуйи поғонада турган қўмондон ўзидан юқори лавозимни эгаллаб турувчи саркардага бўйсунган.

Темур қўшини ўнталик аскарий бирикмалар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар "туман"-10 минглик, "хазора"-минглик, "хўшин–юзлик ва "айл"- ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг, қўшинда 100 минг нафардан ортиқ бўлган. Амир Темур ўн минглик лашкарни бошқариш учун "туман оғаси", минглик бўлинмалар учун "мирихазора", юзликлар учун "хўшунбоши" ва ўнликлар учун эса "айлбоши" каби ҳарбий мансабларни таъсис этади[201].

Амир Темур ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва амирлар танлашда таниш-билишлар асосида тайинламасдан, бу масалада жанг майдонида ўзининг маҳоратини кўрсатган шахсларни танлайди. Бу ҳақда Соҳибқирон шундай дейди: "Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жанг-жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар.

Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировни амир қилиб, уни юзбоши деб номласинлар.

Агар ўн юзбоши йиғилса, амирзодалардан ақлли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши десинлар ва мингбоши амир деб улуғласинлар[202].

---

[201] Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 29-бет.
[202] «Темур тузуклари». Тошкент, 1996. 88- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур ўз ўғиллари ва набираларини ҳам сипоҳийларнинг асосий қўмондонлари қилиб тайинлар эди.

Тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир унинг валиаҳди, яъни меросхўри бўлган. У Балх вилояти ва 12 минг отлиқ аскарга улуфа[203] олган. Иккинчи ўғли Умаршайхга эса Форс вилояти ва ўн минг отлиқ аскарга улуфа олишни буюрган. Учинчи ўғли – Мироншоҳга эса Озарбайжон, Ироқ, Арманистон вилоятлари ва 9 минг отлиқ аскарга улуфа олиш ҳуқуқи берилган. Тўртинчи ўғли Шоҳрух эса Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон вилоятлари ва етти минг отлиқ аскарга улуфа олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Набираларига эса, уларнинг қобилиятларига қараб, биттадан вилоят, уч мингдан етти мингтагача отлиқ аскарларга улуфа олиш ҳуқуқини беради[204].

Амир Темур сипоҳнинг қўриқланиши, маошлари билан бир қаторда навкарларнинг ўз бекларига, бекларнинг ўз навкарларига бўлган муносабати масаласида ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий жиҳатларни тартибга солади. Навкарларнинг тўғри ва адолатли бўлишини талаб этади.

Уч юз ўн уч амирнинг бариси ақл-хуш эгалари, маҳоратли саркарда эди. Жангнинг сир-асрорини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан, лашкарларни жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина бошлиқ ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланган.

Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни биринчи марта бўлса–ўнбоши, иккинчи марта бўлса – юзбоши, учинчи мартабасида – мингбоши қилиб тайинлаганлар. Ҳеч бир сипоҳнинг хизмати назардан четда қолмаган, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларини ўзини ҳам, инъомга ва моддий таъминотда бўлишга лойиқдир, деб ҳисобланган.

Ёши улуғ, кекса сипоҳларни ҳурматлаб, улардан фойдали маслаҳатлар олганлар. Уларни салтанат корхонасининг устунлари, деб атаганлар.

Ғаним томонидан асир бўлиб тушган навкарни ўлдирмаганлар, унга ихтиёр берилган. Агар навкарликни қабул қилса, навкар бўлган, рози бўлмаса, озод этилган.

Агар навкар бирон мамлакатга ҳоким қилинган бўлса, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулкни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум қилинган. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкар юқори мартабага кўтарилган. Қайси бир сипоҳий

---

[203] *Улуфа* – озиқ-овқат, маош, солиқ тури.
[204] «Темур тузуклари». 91-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб Амир Темур ҳузурига келса, ундай одамни ўзига энг ёмон душман деб билган[205].

У жанг олдидан қайси мамлакатга юриш қилмоқчи бўлса, уни обдон ўрганар эди. Агар тинч йўл орқали масалани ҳал этиш мумкин бўлса, у ерда қурол ишлатишни нотўғри ҳисоблар эди. Амир Темур қайси бир мамлакатда золимлик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизлик кучли бўлса, халқ оммаси ўз подшосидан норозм бўлса, ундай мамлакатга қарши уруш эълон қилган.

Амир Темур буюк лашкарбоши, давлат арбоби эди. У юксак ҳарбий даҳолик ва қатъийятлик билан ўз жамиятига сидқидилдан хизмат қилди. Шу боисдан тарихчилар Амир Темурни Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезар каби даҳоларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўядилар. У яратган ҳарбий санъати мероси жаҳон ҳарбий санъати меросидан муносиб ўрин олди ва бугунги кунда янги мазмун билан бойиб бормоқда.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТ

Ҳ. Абуев, НДПИ.

Ўрта Осиёда мўғул ҳукмдорларининг эгалик қила бошлашлари оқибатида қадимий маданият таназзулга юз тутди. Бу даврга келиб расмий ҳисобланган ислом дини ўз мақомидан бутунлай маҳрум бўлган эди. Фақат XIY асрга келибгина у ўзининг расмий дин сифатидаги вазифасини тиклаб олди. Чунки, кубравия тариқати шайхлари таъсирида аввал мўғул хони Қозонхон (1295-1304), сўнгра Чиғатой Тормоширин (1326-1334) исломни қабул қилишган. Зеро, шунга қадар машҳур минтақада ислом руҳоний дини тафаккурида астасекин ўзгаришлар юз бериб, у янгича йўналишга ўтган эди. XIV асрда «Суфийлар мўғуллар олдида обрўси кетган уламолардан устун келиб, ўз мавқеини кўтардилар ва мазкур диннинг илғор вакиллари сифатида обрў-эътибор топдилар».[206]

XIV асрнинг 70-йилларида мазкур минтақанинг Темур байроғи остида бирлашиши билан эса босқинчилар томонидан вайрон қилинган савдо ва ҳунармандчилик марказлари, сув иншоатлари, ҳосилдор боғ

---

[205] Амир Темур ўгитлари. Тошкент: Наврўз, 1992. 30-33-бетлар.

[206] Тримингэйн Дж. Суфийские ордена в исламе/ Пер. с англ. А.А. Ставинской под редакцией и с предисл. О.Ф.Акимушкина. М., 1989. 64-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва далаларга қайта жон бағишланади ва ишлаб чиқариш кучлари ривожлантирилади. Сиёсий барқарорликнинг кучайиши хўжалик иқтисодий фаолиятининг жонланиши айни вақтда руҳоний диний ҳаётнинг кўтарилишига сабаб бўлгандир. Бу Ўрта Осиё сўфийлигининг тараққий топиши ҳодисаси эди.

Бу ўринда шуни кўрсатиб ўтиш керакки, сўфийлик ҳақида гап борганда ислом тарихидан унчалик воқиф бўлмаган айрим татқиқотчилар мистик-аскетик, интелектуал жиҳатидан ўз қобиғига ўралиб қолган, ҳадсиз равишда ирим-сиримга мукка тушган, реал ҳаётдан айрилиб қолган таълимотни тушунардилар. Бироқ, сўфийликнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун тарихи худди унинг сўфийлик тариқатларининг фаолиятлари каби одамнинг руҳий жиҳатидан тўғридан-тўғри худо билан алоқада бўлиши асосий ғоясини сақлагани ҳолда турли даврларда уларнинг аҳамияти ва ижтимоий мақомини ўзгартириб турган. Шунинг учун ҳам айрим тариқатлар И.П.Петрушевский таъкидлаганидек: «Жамиятда фойдали хизмат кўрсатишдан воз кечиб, зоҳидона ҳаёлотга чўмган ҳолда пассиф ҳаёт кечиришни» тарғиб қилса, бошқа ҳар бир тариқат намояндалари у ёки бу даражада ҳаётда ҳаракатчанликка чақиришган ва фақат фойдали меҳнат қилишни шиор қилиб чиқишган.[207] Ҳатто, баъзан жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартириш масаласини ўртага ташлашган. XIV асрнинг 30-80-йилларидаги сарбадорларнинг оммавий тус олган ҳаракатлари бунга яққол мисол бўла олади.

Дин ва сиёсатнинг алоқадорлиги қадимдан ислом учун хос. Маълумки, исломнинг юзага келиш омилининг ўзи алоҳида қабилаларнинг ягона бўлиб бирлашиш тенденцияси билан боғлиқ. Бу алоқадорлик ижтимоий муносабатлар ва мафкура соҳасида бўлгани каби давлат тузилиши ва ижтимоий ҳаётда кўпроқ ёрқин кўринади. Буларнинг ҳаммаси дунё ҳукмронлиги ғоясини кўзда тутган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти учун фавқулодда хосдир.

Темур фаолияти, ҳатто ўз тарафдорлари орасида ҳам бир хил фикр уйғотмаган. Улуғ жаҳонгирнинг солномачиси Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, унинг ҳарбий юришларидаги «Олий мақсадли ўй-ниятлари жиҳод учун мукофотга (муҳсддасдин учун уруш) эришиш билан чекланган ва қамраб олинган»[208].

Темур томонидан марказлашган ягона давлатнинг барпо этилиши тарихчилар томонидан ижобий факт сифатида қайд этилади. «Катта ва кичик мамлакатлар подшоҳ ва ҳукмдорнинг уруш-жанжаллари дунё ишларида тартибсизлик ва зиёнкорликларга сабабдир. Мамлакатда

---

[207] Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. Л., 1966. 347-бет.
[208] «Зафарнома». 952-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотиржамлик ва барқарорлик, йўллардан эса тинчлик йўқолди. Йўлларда талончилар ва шаҳарларда золимлар бошчиликни қўлга киритишди. Дунё тартиблиги издан чиқди».[209]

«Зафарнома»ни ўқишда, биз, шунингдек жуда қизиқ фактга дуч келамизки, буни жамоат фикри таъсири оқибати деб изоҳлаш мумкин. Али Яздий Темур ҳаёти ва фаолиятини мақтаб ёзган бўлсада, унинг айрим жиҳатлари, қўшни мамлакатларга юришларига пардали қилиб, ўз салбий муносабатини билдирган. Чунки, «бу воқеаларда даҳшатли ишлар, қотилликлар, босқин, тутқунлик ва талон-торож содир этилди. Буларнинг ҳаммаси дунёни забт этиш заруриятидандир».[210]

Нима бўлганда ҳам, факт шуки Темур таъсири секин-аста кучайиб борган диний ахлоқий мезонларга риоя қилишга мажбур бўлди.

Улардан чекиниш, ҳатто ўз даврининг рамзи бўлган Темур учун ҳам танқид ва қоралашга сабаб бўлган.

Темур динни, унинг ролини ўз сиёсатининг ахлоқий мафкуравий омили сифатида аҳамиятини идрок этганми? Темурнинг руҳоният вакиллари билан ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотлар жуда оз, бироқ улар ташқи жиҳатдан бўлса ҳам, Темурийлар сулоласи асосчисининг дин обрў-эътиборини дунёвий ҳокимият мавқеидан устун қўйганлигидан гувоҳлик беради.

Унутмаслик керакки, Темур болалигидан диний муҳитда ўсди. «Амир Тарағай «Олижаноб мусулмон, олим ва дарвешлар дўсти эди».[211] Олимлар–бу ўринда афтидан мусулмон қонуншунослари англанган. Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур ёшлигида сўфийларга нисбатан сабр, олижаноблик ва эҳтиром кўрсатганки, улар ҳам ўз навбатида – Тарағайга шундай муносабатда бўлишган. Темур отасининг дўсти, Нақшбандия тариқатининг таниқли вакили шайх Шамсуддин кулол билан бўлган воқеа тарихчиларга маълум. Ўз муридлари даврасида зикр тушаётган, шайх ҳузурига кириб келган ёш Темур унинг тугашини сабр билан кутиб туради, шайх ва атрофидаги муридлар унинг бу хулқига баҳо бериб, дуо қилишадики, буни кейинчалик бўлажак жаҳонгир гўё ўз муваффақиятларининг сабабларидан бири деб ҳисоблаган экан.

Тарихий манбаларда Темурнинг диний сафдошларидан ака-ука саййидлар – Абул Маъалий ва Али Акбар номлари эслатиб ўтилган.[212]

---

[209] Ўша асар. 948-бет.
[210] Ўша асар. 949-бет.
[211] Бартольд В.В. Улугбек и его время. С.39.
[212] «Зафарнома». 299-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар худованзода[213] унвони билан аталиб, Термизга эгалик қилишганки, у XV асрга қадар йирик диний марказлардан бири эди.

Шуниси қизиқки, умумий қарашларга кўра, ўз душманларига бешафқат бўлган Темур айрим ҳолларда руҳоният вакилларига нисбатан лоқайд муносабатда бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, Темурга қарши 1371 йилги фитнада бошқалар қатори Абул Маъалий номи эслатилган. Темур уни нафақат қатл этмаган, балки бир мунча вақт ўтгач кечирган ҳам.

Буларни, нафақат Темур маънавияти, балки сиёсий маънавияти деб ҳам қараш мумкин.

САМАРҚАНД – АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ПОЙТАХТИ СИФАТИДА

А.Мамаюсупов, САМДУ.
О.Абдимўминов, НДПИ.

Жаҳонда инсоният ақл-заковатининг, тафаккурининг дурдоналари ҳисобланган шундай шаҳарлар борки, улар олис-олис мозий қаъридан нур сочиб туради. Йирик шаҳарларда башарият цивилизациялари вужудга келган. Тенгсиз ўтмишга, ёруғ бугунга, порлоқ келажакка эга бўлган Самарқанд шаҳри ҳам ана шундай улуғ маскандир. Самарқанд қадимийликда жаҳоннинг йирик шаҳарлари: Рим, Афина, Индрапрас хата (Деҳли –*О.А.*) каби шаҳарлар билан бир қаторда туради.

Самарқанд шаҳрининг равнақ топиши, гуллаб-яшнашида соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс. Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда ҳам йирик мегаполис сифатида шаклланади,ижтимоий-сиёсий,маданий-маърифий марказга айланди. Йирик иқтисодий ва савдо маркази сифатида ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти Самарқанд шаҳрида ёрқин кўзга ташланади. Соҳибқирон ўз пойтахти сифатида бу шаҳарда кўплаб иморатлар, боғ-роғлар барпо этди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида бу хусусида шундай таъкидлайди: «Темурбекнинг зоду буду Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешга бино қилди. ...Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ўз ихтиёр қилди».[214]

---

[213] Ўша асар. 142-бет.

[214] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент: Юлдузча, 1990. 47-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур Самарқанд ва Самарқанд атрофида ўндан ортиқ боғлар,бўстонлар барпо этади.[215] Бу боғларда ўз давридаги йирик маданий тадбирлар, тўю томошолар, базму жамшидлар уюштирилар эди. Амир Темурнинг (бош) мақсади Самарқандни жаҳондаги энг гўзал шаҳарга, ер юзининг «сайқали»га айлантириш эди. Самарқандда Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Рюи Гонзалис де Клавихо ўзининг «Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканде в 1403-1406 г.» (Темур қароргоҳи Самарқандга сафарот кундалиги) асарида бу шаҳарни қуйидагича таърифлайди.

«... Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, тупроқ уюмлари ва жарликлар билан ўралган; у Севилье шаҳридан бир оз каттароқ. Шаҳар боғ-роғлар ва токзорлар билан қопланган бўлиб, булар баъзи жойларда 1,5, айрим жойларда эса 2 км масофага чўзилиб кетган. Бу ерда боғ-роғлар ва токзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга келганингда баланд-баланд дарахтлардан иборат ўрмонни кўрасан, унинг ўртасида шаҳар турадн».[216]

Амир Темур Самарқандда йирик иморатлар: Гўри Амир, Бибихоним жомъе масжиди, Бўстонсарой, Кўксарой ва бошқаларни бунёд этади. Соҳибқирон Самарқандда кенг миқёсда ободончилик ва бунёдкорлик ишларини олиб боради. Ўз даврининг йирик тарихчиси Ҳофизи Абру бу хусусида: «Ҳазрат соҳибқирон лойдан бўлган Самарқандни тошдан қайта қурди», деб таъкидлайди.[217]

Амир Темур даврида Самарқанд муҳим геостратегик мавқега ҳам эга эди. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Самарқанддан ўтиб, унинг иқтисодий ривожига, савдо-сотиқ равнақига бир қадар ижобий таъсир этди. Халқаро савдо-сотиқ бевосита Самарқанд орқали олиб борилар эди. «Самарқанд шаҳрида, - деб ёзган эди Клавихо, – Хитойдан, Ҳиндистондан, Татаристондан ва бошқа турли жойлардан келтирилган ҳамда Самарқанд подшолигининг ўзида ишланган ҳар хил моллар сотилади... Унда (Самарқандда –*О.А.*) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмагач, подшо (Амир Темур – *О.А.*) шаҳар бўйлаб катта кўча чиқаришни, унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дўконлар қуришни буюрди. Бу кўча шаҳарнинг бир четидан бошланиши ва бутун шаҳар орқали ўтиб,

---

[215] Амир Темурнинг Самарқанд атрофида бунёд этган боғлари: Боғинав, Боғи биҳишт, Боғи дилкушо, Боғи нақши жаҳон; Амирзода Шоҳрух боғи -Боғи Бўлду, Боғи зоғон, Боғи баланд, Давлатобод Боғи чинор, Боғи жаҳоннома ва бошқалар ҳақида «Бобурнома», де Клавихо «Кундаликлари», Амриддин Бердимуродовнинг «Амир Темурнинг Самарқанддаги боғлари». (Туркистон. 1992 й. 17 ноябр) асарларида батафсил маълумотлар мавжуд.

[216] Самарқанд тарихи. Тошкент: Фан, 1971. 171-бет.

[217] Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. Тошкент: Шарқ, 2001. 65-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи четигача бориб етиши керак эди... кўчани кенг олиб, унинг ҳар икки томонига савдо дўконлари қуришди: ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан баланд курсилар қўйилди.Барча дўконлар икки қаватли бўлиб,уларнинг тепаси эса бутун кўча бўйлаб гумбаз қилиб қоплаб олинган, ёруғлик тушсин деб гумбаз саҳчида деразалар ўрнатилган эди. Дўконлар битиши билан уларга турли хил мол сотувчи савдогарларни ўрнаштирилар эди».[218]

Самарқанд Амир Темур даврида юксак даражада ривожланган ҳунармандчилик маркази ҳам эди. Бинобарин, Соҳибқирон жаҳоннинг энг машҳур ва қўли гул усталарини бу ерга тўплади, уларга барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқандда қишлоқ хўжалиги, жумладан деҳқончилик ҳам юксак даражада ривожланди. Жумладан, де Клавихо ўз «Кундалик» ларида Самарқандда қовун ва пахта етиштириш тараққий этганлигини ёзади. Соҳибқирон Амир Темур даврида гўзал Самарқанд Мовароуннаҳр илмий тафаккур марказига айланди. Фан ва маданият юксак даражада ривожланди. Соҳибқирон илм-фан, маданият ҳомийсига айланди. Жаҳоннинг энг етук олиму фузалоларини, оқилу доноларни Самарқандда ўз саройига жамлади, «ҳар бир фойдали жонни йиғиб нимаики бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандга ҳар бир ажойиб фан аҳли намояндасидан ва санъатларнинг ғаройиб услубидан, фазилати пешонасидан нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди.»[219] шу билан бирга Самарқанд ислом динининг йирик маркази ҳам эди.

Ўз даврининг йирик мутафаккири Ҳофиз Шерозий бир шеърида шундай ёзган эди:

Агар он турки Шероз, бад аст орад дили моро,
Ваҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Яъни

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қора ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Самарқанд Амир Темур ва Темурийлар даврида нафақат Шарқнинг балки, бутун жаҳонда тенгсиз, гўзал шаҳар бўлганким мавлоно Ҳофиз Шерозий бекорга уни «ёрнинг қора ҳолига» туҳфа этмоқчи бўлмаган.

Мустақиллик маънавияти сабабли бугунги кунда Самарқандда Амир Темур бунёд этган иморатлар қайта тикланиб, ривож топмоқда. Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида кенг миқёсда ободончилик

---

[218] Самарқанд тарихи. 169-бет.
[219] Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. 69-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқдаки, бу ишлар шаҳар чиройига чирой қўшмоқда. Ҳеч бир шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳридаги бу ободончилик Амир Темур бунёдкорлиги анъаналарининг мантиқий давомидир.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ЕРГА МУНОСАБАТ

Х.Қурбонов, НДПИ.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданоқ жаҳон цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, уларнинг илмий ва маданий меросини, ўзбек халқининг жаҳоншумул қадриятларини тиклашга киришди.

Жумладан, жаҳон тарихида катта ўрин тутган, буюк давлат арбоби, тенги йўқ саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси, бунёдкор аждодимиз Амир Темур сиймоси яна халқимизга қайтди. Унинг буюк хизматлари, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, ободончилик ва айниқса, ерга бўлган муносабатлари бугунги шароитимизга андоза вазифасини ўтамоқда.

Соҳибқирон ўз давлатининг ҳар бир қарич ерини обод ва ҳосилдор қилишга ҳаракат қилган. Ҳаттоки, мамлакатда ерлар билан шуғулланувчи алоҳида олий мансабдорлардан иборат ҳайъат (холиса) тузганлигини ўз «Тузуклари»да маълум қилади.

Амир Темур: «Хароб бўлиб ётган ер эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар ер эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин»[220],- деб, таъкидлаганлар.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер ва мулкчиликнинг 4 шаклидаги , яъни «мулки девоний» – давлат ерлари, «мулк» – хусусий ерлар, «мулки вақф» – мадраса ва ибодатхоналар ерлари ва «жамоа ерлари» мавжуд бўлган.

Деҳқончилик қилинадиган ерларнинг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қилганлар. Темурийлар даврида давлатга тегишли бўлган ерлар «суюрғол» тарзида инъом қилинган. Бундай ерлар мамлакат тинчлиги, хафвсизлигига, унинг тараққий топишига хизмат қилган кишиларга берилган.

---

[220] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 99-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур давлатида кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончилик мавжуд бўлганки, бу йил давомида аҳолининг озиқ-овқат ва савдога бўлган эҳтиёжларини тўла қондирган. Бу даврда қишлоқ хўжалигида, хусусан ғаллакорлик, сабзавотчилик ва полизчиликда зироатларнинг деярли ҳамма навлари етиштирилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўпдан-кўп хиллари кўкартирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда тармева, қиш ва баҳор мавсумларида эса қуруқ мевалар билан таъминланган.

«Самарқанд шаҳри, -деб ёзади Клавихо ўз «Кундаликлари»да, - текис ерда жойлашган бўлиб, атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қопланган. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар қоплаб олган. Боғларнинг ора-ораларида кўчалар, оромбахш майдонлар бор. Бўш майдонларда кўплаб қовун ва пахта экилади.

... Бу ерлар ҳамма нарсага бой: ғалла ҳам , вино ҳам, мева-чева ҳам , паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўл-кўл, ғалла жуда арзон, шоли эса ошиб-тошиб ётибди».[221]

Дарҳақиқат, ушбу сатрлар шундан далолат берадики, Амир Темур давлатида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилган. Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган. Шу ўринда Соҳибқироннинг «Бир дарахт кессам, ўнта дарахт ўтқаздим», деган ўгитларини ёдга олсак, кифоя.

Амир Темур даврида деҳқончилик ерларидан олинадиган солиқлар ҳам мавжуд бўлган. Асосий солиқ тури «хирож» бўлиб, бу солиқ «мол» деб ҳам аталган. Хирож, асосан, ҳосил етишиб, уни йиғиб олиш вақтларида маҳсулот ёки пул ҳолида тўланган.

Амир Темур ўз «Тузуклари»да: «Амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, бир ҳиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар»[222], - деб таъкидлаган.

Лалмикор ерларнинг унумдорлиги обикор ерларга нисбатан паст бўлганлиги учун, улардан умумий ҳосилнинг олтидан биридан то саккиздан биригача миқдорда солиқ олинган. Бу ҳолатлар раият ва мамлакат эҳтиёжларини қондиришда етарли миқдор ҳисобланган. Сабаби, аҳолининг меҳнати жуда қадрланган.

---

[221] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент: Фан, 1993. 29-бет.
[222] «Темур тузуклари». 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жумладан: «Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар»[223], - деб кўрсатма берганлар.

Амир Темурнинг қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий сиёсатининг асосий самарадорлиги шундаки, мамлакат сарҳадларидаги хароб ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилиши, аҳолининг моддий ва иқтисодий манфаатларини қондирилиши, табиий муҳит ва экологиянинг яхшиланиши, қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий тараққий топиши билан белгиланади.

Соҳибқиронинг бу борадаги ислоҳотлари бугунги мустақил Ўзбекистонда олиб бориладиган иқтисодий сиёсат учун андоза вазифасини ўтамоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг шакллантирилиши, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш каби ўнлаб муаммоли вазифалар ўз ечимини топмоқда.

Қолаверса, хусусий мулкчилик, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ва хусусийлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб қонунларда белгиланиб, ҳимоя қилинмоқда.

Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир», - дейилади.

54-моддасида эса: «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт» деб, белгиланган.

Эркин демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон давлатида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги туб ўзгаришлар халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва мамлакат иқтисодий тараққиётини янада равнақ топтиришда бобомиз Амир Темурнинг ер эгалигига бўлган ижобий муносабати бизга дастуриламал бўлиб қолаверади.

---

[223] Ўша асар. 99-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

М.Раҳматов, НДПИ.

Амир Темур тарихчилар, воқеанависларнинг таърифича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлган. Унинг "Тузуки Темурий" ("Темур тузуклари") асари бу фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди. Бу асарда Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли давлатнинг сиёсий-ижтимоий принциплари бирма-бир кўрсатилган. Амир Темур давр талабини, яъни мамлакатни мўғул босқинчиларидан тозалаб, ягона, кучли марказлашган давлат тиклаш кераклигини тушуниб етган давлат арбобидир.

Амир Темур фаолиятидаги бош ғоя–Турон заминида ягона қудратли марказлашган давлатни вужудга келтиришдан иборат эди. У шу улуғ ғоя учун курашди ва уни амалга оширди.

Амир Темур Мовароуннаҳрни тиклашни режали равишда қурултойлар ўтказишдан бошлади. Бу анжуманларда шаҳзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олиму уламолар ва бошқалар қатнашиб, давлат ҳаётига оид барча муҳим масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилдилар. Зарур қарорлар қабул қилиб, тадбирлар белгиладилар. Жаҳонгир бундай иш услубини кейин ҳам давом эттириб, катта юришлар олдидан кўпчиликнинг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашди ва бу унинг шиорига айланди.

Иқтидорли давлат арбоби бўлган Амир Темур давлатни юксалтиришда илму фан, шариатнинг аҳамияти беқиёслигини яхши билиб, шу сабабли олиму уламоларга катта иззат-икром кўрсатиб келди.

Академик И.Мўминовнинг қайд этишича, Темур томонидан тузилган давлатни бошқариш усули ҳам қизиқарлидир. Бош бошқарма – Девони бузругдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма ҳам бўлган. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар–бозорлар, ҳаммомлар, йўлларга қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат қилиб турганлар.[224]

Амир Темур давлати ва унинг "Тузуклари"даги фикр-мулоҳазалар биз учун катта манба, ибрат олса арзийдиган мактабдир. "Тузуклар"дан давлатни идора этиш санъатининг турли соҳаларини ўрганиш мумкин. Унда, масалан, Амир Темур 12 тамойилга биноан давлатни идора

---

[224] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент: Фан, 1993. 19-35-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганлиги, дин ва шариат қонунларини қўллагани, жамиятни 12 табақа ва тоифага бўлиб, улар билан бамаслаҳат, биргаликда давлатни бошқаргани қайд қилинади. "Тузуклар"да баён қилинишича, давлат аҳамиятига эга ишлар мутахассислар, олимлар, қонуншунослар билан бамаслаҳат амалга оширилган.[225] Амир Темур қонунга, унинг устуворлик тамойилига катта эътибор билан қараган. Амир Темур қонун бузулганида ўз фарзандларини ҳам аямаганлиги тарихий манбаларда берилган.

Бундан ташқари Амир Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда ҳам муҳим. "Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни кучсизланишига сабаб бўлади", деб таъкидлайди Амир Темур.

Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилган. Мовароуннаҳрдан бошқа, унинг тасарруфида бўлган барча вилоят ва мамлакатлар тўрт улусга бўлинган. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат аппарати, мустақил қўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги, хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш тартиби сақланган. Амир Темур лашкарлари орасида доимо мардликни, ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйишни, оғир пайтларда бир-бирларига кўмаклашишни ташкил қилган.

Амир Темур: "Тажрибамда кўрилганким, азим қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради"[226], – деб таъкидлаган эди.

Амир Темур аркони давлатига ишбилармон, ақли расо, иймонли, ишончли шахсларни тўплади. Ақл соҳиблари билан бамаслаҳат иш кўриш Темур салтанатида асосий қоидага айланган эди. Унинг фикрича, "Давлат, салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир".

Амир Темур нафақт иқтидорли давлат арбоби, моҳир лашкарбоши, балки, қобилиятли дипломат ҳам эди. У Византия, Венеция, Генуя, Испания-Кастилия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида катта тадбирларни амалга оширди. Француз ва инглиз қиролларининг мактублари бунга далилдир. Тил, дин, миллатларнинг ҳар хиллиги Темурнинг Оврўпа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотиқ муносабатлари

---

[225] «Темур тузуклари». Тошкент, 1996. 82-84-бетлар.
[226] Ўша асар. 80-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнатишига халақит бермади. Аксинча, темуршунос Б.Ахмедов ёзганидек: "...бутун дунё фақат Амир Темурдан нажот кутарди".[227]

Амир Темур Турон замини ва унинг халқини дунё халқлари олдида улуғлади. Давлат интизоми, қонунчиликнинг қатъий ўрнатилиши, давлат идораларини марказлаштириш ва мустаҳкамлаш каби ижтимоий-сиёсий ғоялар Амир Темур давлатида асосий ғоя бўлган. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кучларни бирлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг кўрсатаётган ташаббуси таҳсинга сазовордир.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, унинг ўгитлари Ўзбекистон Мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажакда буюк давлат қуриш учун бел боғлаган халқимизга ажойиб руҳ ва куч бағишлаб, уларни истиқбол сари йўлламоқда.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Эргашев, НДПИ.

Жаҳон тарихида алоҳида салоҳиятга эга бўлган буюк шахс–соҳибқирон Амир Темурдир.

Марказий Осиё давлатчилик маданиятини ўрта асрда янги тарихий босқичга кўтарган ҳамда энг буюк давлатчиликка асос солган шахс сифатида Амир Темур XIV асрда мўғуллар истилоси натижасида парчаланиб кетган тарқоқ давлатларни марказлашган давлатга айлантирди. Бошсиз, раҳбарсиз қолган давлатларни оғир бир тарихий шароитда бирлаштириш масъулияти Соҳибқирон зиммасига тушди.

Амир Темур Мовароуннаҳрни тиклашни режали равишда қурултойлар ўтказишдан бошлади. Бу анжуманларда шаҳзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олиму уламолар ва бошқалар қатнашиб, давлат ҳаётига оид барча муҳим масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилганлар, зарур қарорлар қабул қилиб, тадбирлар белгилаганлар. Жаҳонгир бундай иш услубини мунтазам давом эттириб, катта юришлар олдида кўпчиликнинг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашган.

Темур тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлган. Унинг "Темур тузуклари" асари бу фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди. Бу асарда Темурнинг жамиятга, бирлашган қудратли давлатнинг сиёсий-ижтимоий принципларига

---

[227] Аҳмедов. Б. Амир Темур. Тошкент, 1995. 575-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши муносабати конкрет ифодаланган. Амир Темур давр талабини, яъни мамлакатни мўғул босқинчиларидан тозалаб, ягона, кучли марказлашган давлат тиклаш кераклигини ўз вақтида тушуниб етган давлат арбобидир.

"Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади. Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир"-деб таъкидлаган эди И.А.Каримов.[228]

Иқтидорли давлат арбоби бўлган Амир Темур давлатни юксалтиришда илм-фан, шариатнинг аҳамияти беқиёслигини яхши тушуниб етганлиги сабабли олиму уламоларга катта иззат-икром кўрсатган. Амир Темур ёшлигиданоқ кўп фанларни чуқур ўрганган, айниқса, тарих, меъморчилик, математика, тиббиёт илмларидан хабардор бўлган. Тарихни, жумладан, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темур билан юзма-юз суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган араб тарихчи файласуфи Ибн Халдуннинг таъкидлашича, Амир Темур диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини ҳам яхши ўзлаштирган, хотираси жуда кучли бўлган.

Шарқда яратилган Амир Темур ва унинг улуғ ишлари тўғрисидаги энг мукаммал асар "Зафарнома" муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича: «Амир Темур олиму фузалоларга қарата мурожаат қилиб, фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан қадимда подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш давлатимизни кучайтиришда, адолатсиз ишларни бартараф этувчи шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат»[229], — деган экан. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон давлатни бошқариш ишларида ўзгаларнинг маслаҳатларидан ҳам ўринли фойдаланган.

Академик Иброҳим Мўминовнинг қайд этишича, Темур томонидан тузилган давлатни бошқариш усули ҳам қизиқарлидир. Бош бошқарма – Девони бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда девон деб аталувчи бошқарма ҳам бўлган. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар–бозорлар, ҳаммомлар, йўлларга

---

[228] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби. 5-т. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 185-бет.

[229] «Темур тузуклари». Тошкент, 1996. 81-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб туриш ва аҳолини ҳулқий-ахлоқий назорат қилиб туриш билан шуғулланган.

Амир Темур ва унинг "Тузуклари" даги фикр-мулоҳазалар биз учун катта манба, ибрат олса арзийдиган мактаб, ундан давлатни идора этиш санъатининг турли соҳаларини ўрганиш мумкин. Масалан, Амир Темур 12 тамойилга биноан давлатни идора қилганлиги, дин ва шариат қонунларини қўллагани, жамиятни 12 табақа ва тоифага бўлиб, улар билан бамаслаҳат, биргаликда давлатни бошқаргани қайд қилинади. "Тузуклар"да баён қилинишича, давлат аҳамиятига эга ишларни мутахассислар, олимлар, қонуншунослар билан бамаслаҳат амалга оширган. Амир Темур қонунга, унинг устуворлик тамойилига катта эътибор билан қараган. Амир Темур қонун бузилганида ўз фарзандларини ҳам аямаган.

Булардан ташқари Амир Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда ҳам муҳим. У ёзади: "Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушуриб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида қокимиятни кучсизланишига сабаб бўлади".[230]

Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилган. Мовароуннаҳрдан бошқа унинг тасарруфида бўлган барча вилоят ва мамлакатлар тўрт улусга бўлинган. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат аппарати, мустақил қўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги, хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш тартиби сақланган. Амир Темур лашкарлари орасида доимо мардликни, ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйишни, оғир пайтларда бир-бирларига кўмаклашишни ташвиқ қилган. "Тажрибасида кўрилгани, – деб ёзади Амир Темур, - ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир"[231]. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ишларида собиқ Иттифоқ даврида, айниқса, лоқайдлар, сотқинлар, порахўрлар жуда кўпайиб кетган эди.

Амир Темур ўз аркони давлатига ишбилармон, ақли расо, иймонли, ишончли шахсларни тўплади. Ақл соҳиблари билан бамаслаҳат иш кўриш Темур салтанатида асосий қоидага айланган эди. "Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир", - деб таъкидлайди Соҳибқирон.

"Яна тажрибада кўриб билдимки, - деб ёзади Амир Темур,- давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи,

---

[230] Ўша жойда. 81-бет.
[231] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайди, уни кўрган киши назарини олиб қочади. Дарҳақиқат, ғоясиз, мафкурасиз, қонунсиз давлатнинг тартиби бузилади. Унда касу нокаслар кўпайиб кетади. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистоннинг шаҳару қишлоқларида қонунчиликни ўрнатиш борасида олиб борилаётган кураш, маърифий ва маданий ишлар, айниқса, ёшларнинг тарбиясига берилаётган эътибор, кўрилаётган ва қўлланилаётган тадбир-чоралар ўз вақтида амалга оширилаётган хайрли ишлардир.

Амир Темур нафақат иқтидорли давлат арбоби, моҳир лашкарбоши, балки қобилиятли дипломат ҳам эди. У дунё мамлакатлари билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини авж олдирди. Француз ва инглиз қиролларининг мактублари бунга далилдир. Тил, дин, миллатларнинг ҳар хиллиги Темурнинг дунё мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатишига халақит бермади.

"...Турку тожик, арабу оламнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва хизматимга кирган кишиларнинг улуғларига иззат-икром кўрсатдим",[232] - деб таъкидлайди Соҳибқирон.

Амир Темур тарихда Буюк Ипак йўли номини олган халқаро йўлнинг барча асосий йўналишларида қатнайдиган карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриб, савдо-сотиқ муносабатларини ривожланишига ғоятда катта эътибор берди.

Давлат интизоми, қонунчиликнинг қатъий ўрнатилиши, давлат идораларини марказлаштириш ва мустаҳкамлаш ғоялари Амир Темур давлатида асосий ғоя бўлган. Амир Темур даври ҳозирги мустақилликни мустаҳкамлаш, келажакда буюк давлат қуриш учун курашаётган даврга кўп жиҳатдан ўхшашдир.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ МАСАЛАСИ
(«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» МИСОЛИДА)

О.Абдимўминов, НДПИ.

Узоқ мозийга бориб тақаладиган кўҳна ва «оқсоч» тарихимиздан маълумки, йирик цивилизация ва инсоният илмий тафаккурининг юраги ҳисобланган юртимиз жаҳонга ўз даврининг машҳур жаҳонгирлари, олиму фозилларни, ўз даврининг ҳақиқий комил

[232] Ўша асар. 71-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсонларини, асл мард, жасур, ватанпарвар фарзандларини камолга етказган.

Улар нафақат миллати, халқи тақдири учун, балки бутун инсоният тақдири учун курашганлар.

Халқимизнинг кўп мингйиллик шонли тарихида соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари алоҳида аҳамият касб этади. Соҳибқирон Амир Темур халқимиз даҳосининг, менталитетининг, маънавиятининг олий қадрияти намунасидир.

Буюк бобокалонимиз ўз давлатининг раҳбари, етакчиси сифатида юксак маънавий-инсоний сифатлари, фазилатлари: адолатпарварлик, иймонлилиги, жасурлиги, оқиллиги, донолиги, бунёдкорлиги билан инсоният тарихида ижобий из қолдирди. Соҳибқиронга хос раҳбар маънавиятининг амалий ифодаси унинг бунёдкорлигида, меҳнатсеварлигида, илмпарварлигида яна бир бор кўзга ташланади.

Амир Темур бунёд этган йирик меъморий обидалар, боғ-роғлар, йўллар, кўприклар ва ниҳоят, бобокалонимиз қолдирган улкан маънавий ва маданий мерос ул зотнинг улуғ маънавий салоҳият соҳиби эканлигидан далолат беради.

XIV асрнинг II ярмида юртимиз аҳолиси, аждодларимиз турмуш тарзи оғир аҳволда, номутаносиб ҳолда эди. Халқ кўплаб мажбуриятлар ва солиқлардан, ажнабийлар зулмидан жабр тортмоқда эди. Мана шундай оғир бир шароитда Амир Темурнинг ягона марказлашган давлат барпо этиши халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий аҳволини, турмуш тарзини бир мунча юксакликка кўтарди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг марказлашган давлат барпо этиши миллий давлатчилигимизга қўйилган тамал тоши эди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, худди шу даврдан бошлаб миллий давлатчилигимиз асослари, унинг янгича концепцияси яратила бошлади.

Амир Темур давлатчилик анъаналари умуммиллий ва умумбашарий қадриятлар билан йўғрилган шарқона демократия тамойиллари асосида бошқарувга эга эди.

Амир Темур давлатининг ривожи, халқаро нуфузи ва мавқеи Соҳибқироннинг юксак даражадаги раҳбарлик маънавияти ва масъулиятидан далолат беради. Соҳибқирон давлат бошқарувининг, идора тартибларининг ўзига хос янгича йўналишини қонун-қоидалар тизимини ишлаб чиқди. Мана шу қонунлар асосида ўз давлатини идора этди, уларни «Тузуклар» шаклида келажак авлодга ҳам қолдирди.

«Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким,–деб ёзади Амир Темур,-салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор; тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик».[233]

Соҳибқирон фаолиятини кузатар эканмиз, унинг ҳаёти давомида бу тўрт нарсага қатъий амал қилганлигини, ҳаётининг асосий мезони деб билганлигига гувоҳ бўламиз. Амир Темур давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир ижтимоий-сиёсий, дипломатик, маданий, иқтисодий ишларни, тадбирларни ўз даврининг улуғлари, уламолари салоҳатли кишилари билан маслаҳатлашиб, кенгашу машварат ўтказиб ҳал этган.

Давлат раҳбарида бўлиши лозим бўлган хислатлар ҳақида тўхталиб, Амир Темур ўз «Тузуклар»ида қуйидагича таъкидлайди:

Биринчидан, (подшоҳ-*О.А.*) ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким аралаша олмайди, деб билсин.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Тўртинчидан, подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунча ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоҳ ҳукми жорий этилиши (бажарилиши-*О.А.*) даркор.

Олтинчидан, подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркини унга бериб қўймасин.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб вақтида ишлатсин»[234] ва бошқалар.

Соҳибқирон Амир Темур давлатни бошқаришда, идора этишда барча жабҳаларни ўз назоратига олган, ҳар бир буйруқ, фармон ва кўрсатмалар ижросини синчковлик билан кузатган, текширган. Бу ҳақда Амир Темур «Яна тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дину ойдин (қоида, қонун, тартиб – *О.А.*) асосида қурилмас экан, тўратузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўратузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган

---

[233] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 14-бетлар.
[234] Ўша асар. 68-69-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим»,[235] деб таъкидлайди.

Амир Темур масъул давлат лавозимларига ҳам оқил, зийрак, билимдон, халқ ҳурматидаги кишиларни танлаб, саралаб, синовдан ўтказиб тайинлаган. Уларнинг фаолиятларини қаттиқ назорат қилганлигини бизгача етиб келган манбалар исботлайди. Жумладан, М.Иванин ўзининг «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» асарида: «Шундай қилиб оддий жангчилар ҳам ўнбоши ва юзбоши лавозимларига эришишлари мумкин эди. Лекин олий мансабларни эгаллаш учун юзбошилар алоҳида хизмат кўрсатишлари ёки алоҳида қобилиятга эга бўлишлари керак эди»[236], – деб қайд этади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ва у тайинлаган давлат раҳбарлари ҳам ўз ишига ўта масъулият билан ёндашганким, бу давлат жуда тез ривожланиш пиллапояларидан кўтарилади, кучли марказлашган давлатни вужудга келтиради.

Шунингдек, Амир Темур давлатида оталиқ, арзбеги, мунший, муфтий, мухтасиб, хазинадор, шайхулислом, соҳиб девон в.б. ўттиздан ортиқ давлат хизматидаги олий лавозимлар фаолият юритган.[237]

Соҳибқиронга хос раҳбар маънавий сифатларидан яна бири шуки, ул зот доимо оддий халқ-раият аҳволидан, турмуш тарзидан огоҳ, хабардор бўлиб турган, оддий авомга етарли даражада ғамхўрлик қилган.

Бу ҳақда бобокалонимиз «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим»[238] деб таъкидлайди.

Амир Темур давлатни бошқариш, идора этиш фаолиятида раҳбар маънавияти ва масъулиятига алоҳида эътибор қаратган. Бинобарин, бобомиз томонидан қолдирилган юксак бой маънавий мерос ҳисобланмиш «Темур тузуклари» фикримиз исботи бўла олади. Соҳибқирон давлат ишларида асосий аҳамият касб этувчи вазир лавозимига алоҳида эътибор қаратган. Ҳаттоки, «Тузуклар»да «Вазир тутиш тузуги» номли алоҳида боб ҳам мавжуд.

Соҳибқирон Амир Темур фикрича «Вазирлар тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим:

Биринчиси – асиллик, тоза насллик;

Иккинчиси – ақл-фаросатлилик

---

[235] Ўша асар. 57-бет.

[236] Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент: Фан,1994. 132-бет.

[237] Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. Тошкент: Шарқ, 2001. 52-55-бетлар.

[238] «Темур тузуклари». 55-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик;

Тўртинчидан – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса,ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Мамлакат ишларини, сипоҳ ва раият ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин».[239]

Амир Темур ўз давлатининг етакчиси, раҳбари ва олий бош қўмондони, стратег сифатида ҳам қўшин таркибига, тартиб-интизомига, ва айниқса, йирик ҳарбий лавозим эгалари фаолиятига катта аҳамият беради.

Ҳар бир ҳарбий мансабга бирор кишини тайинлар экан, унинг насл-насаби, билими, иқтидори, ҳарбий салоҳияти ҳисобга олинган, «Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни, биринчи марта бўлса – ўнбоши, иккинчи маротаба ботирлик қилса – юзбоши, учинчи маротаба эса мингбоши қилиб тайинлан»[240]ган.

Лекин, қизил империя даври тарихшунослиги ўз даврида фақаттина соҳибқирон Амир Темургагина хос бўлган юксак даражадаги раҳбарлик маънавияти ва масъулияти ҳам айрим «ҳақгўй тарихчи»лар томонидан нотўғри баҳоланди, нотўғри талқин қилинди. Ваҳоланки, Амир Темурга хос бўлган давлат идора тартибларидан, раҳбарлик, етакчилик фаолиятидан кейинчалик жаҳоннинг йирик давлат ва жамоат арбоблари, давлат раҳбарлари,подшоҳлар, хонлар, императорлар ўз фаолиятида фойдаланишган.

Жумладан, Амир Темур ҳақида тўхталиб Президентимиз И.А.Каримов: «Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан»,[241] - деб таъкидлаган эди.

Амир Темур давлати бошқарув тизимидаги раҳбар маънавияти ва масъулиятига тўхталар эканмиз, қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

Биринчидан, Соҳибқирон ўз давлати миқёсида янгича бошқарув тартибларини жорий этди. Бу бошқарув тартиби эса демократик қонунчилик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган эди.

Иккинчидан, Амир Темур даври давлатчилик тизимида даргоҳ ва девон деб аталган бошқарув аппаратлари, идоралари вужудга келди.

---

[239] Ўша асар. 74-75-бетлар.

[240] Ўша асар. 79-бет.

[241] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 198-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Даргоҳ – бу энг олий давлат идораси эди».[242] Унинг тепасида Соҳибқироннинг ўзи турар эди.

Учинчидан, Амир Темур ўз даврининг миллий Конституцияси – «Тузукот»лар асосида давлатни идора этди. Давлатнинг ҳуқуқий асосларини «Тузуклар» асосида белгилаб берди ва б.

Соҳибқирон Амир Темур ўз давлатчилик асосларини яратиш, бунёд этиш билан бирга, бу давлатни бошқариш ва раҳбарлик, етакчилик мактабини ҳам яратди. Амир Темур даврига хос ва у ташкил этган бу «раҳбарлик мактаби» анъаналари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Балки янада кенгроқ маъно-мазмун касб этиб, янгиланиб, шаклланиб модернизациялашиб бормоқда.

АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪТИРОФИ

Л.Иноятов, НДПИ.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири-халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва юксалтиришдан иборат эканлигини эътироф этди. Маълумки, ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини янгитдан яратмайди, балки ота-боболари томонидан яратилган маданий бойликларни қабул қилади, такомиллаштиради ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи ҳақида Президентимиз И.Каримов шундай деган эди: "Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир".[243]

---

[242] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001. 174-бет.

[243] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 76-77-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир".[244]

Амир Темур–йирик давлат арбоби, қонуншунос сифатида мамлакатнинг феодал тарқоқлигига барҳам бериб, эл-юртни ўз байроғи остида бирлаштириб, марказлашган давлатга асос солган ва уни ривожлантириб, маънавий қадриятларни ҳурмат қилиб, ўз Ватанини ва халқини севиб, унинг тараққиёти йўлида фаолият кўрсатган буюк сиймодир. Соҳибқирон эл-юрт ва фуқаронинг ташвиши билан яшаган, раиятпарвар, меҳр-мурувватли, мардлик ва қаҳрамонлик сифатларига эга бўлган улуғ инсондир. Амир Темур замонида яратилган қатор тарихий асарларда унинг адолатпарварлиги, мурувватлилиги, ўз халқи, Ватанига жонкуярлиги ва садоқатлилиги ўз аксини конкрет фактлар билан исботланган.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўз ўтмишини англаб етди, маънавий қадриятларини қайта тиклади.

Соҳибқирон давлат ва қонунчиликнинг мамлакат тараққиётида тутган ўрнига алоҳида эътибор берган. Амир Темур туркий халқларни бирлаштириб, марказлашган давлат барпо этди ва миллат қудратини юксалтирди. У маънавий баркамол давлатчилик тизими билан жаҳон давлатчилиги тараққиётига буюк ҳисса қўшди ва катта таъсир кўрсатди.

Соҳибқирон мерос қилиб қолдирган васиятлар ва ўгитларга истиқлол шарофати билан бугун амал қилинмоқда. Ҳозирги кунда қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон халқлари тан олмоқда, уларнинг кўпчилиги умумбашарий қадриятларга айланмоқда.

Амир Темур забт этилган мамлакатларнинг халқларига зулм ўтказмади, уларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлди. Уларнинг маданияти ва маънавий меросларини ҳурмат қилди, обрў-эътиборли кишиларини азиз тутди, уламолари, илм соҳибларининг ҳурматини жойига қўйди. Соҳибқирон ўз "Тузуклари"да: "Қайси мамлакатни забт этгон ёки қўшиб олгон бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим: саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, аларга суюргол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим, ўша вилотнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлар ва

---

[244] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 169-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим"[245], -деганда батамом ҳақ эди.

Амир Темур ўз сиёсатида инсонпарварликка риоя қилди, адолат билан иш юритди, инсонларга яхшилик қилди. Уларнинг фаровонлиги йўлида эзгу ишларини амалга оширди, маданиятини юксак мақомга кўтарди.

Бу борада унинг "Тузуклар"и гувоҳлик беради:

- "Азму жазм била иш тутгдим. Бирон ишни қилмоққа қасд этгон бўлсам, бутун зеҳним, вужудим ила боғланиб, битирмагунимча андин қўлимни тортмадим.

- Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилгон бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва анга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим.

- Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қурмоқни, мусофир йўловчилар учун йўл устинда работлар бино қилмоқни дарёлар устинда кўприклар қурмоқни буюрдим.

Ҳеч кимдин ўч олмоқ пайинда бўлмадим. Тузимни татиб, менга ёмонлик қилгонларни Парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эрди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдин қувиб юбордим".[246]

Амир Темур жамиятнинг ҳар бир аъзосига меҳр-мурувват кўрсатиб, уларнинг аҳволидан бохабар бўлиб турган. "Раият аҳволидин огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторинда, кичикларини фарзанд ўрнинда кўрдим", - деб кўрсатилади "Тузуклар"да.

Соҳибқирон ҳунармандларга, деҳқонларга ва мамлакат ободончилиги йўлида тер тўккан кишиларга нисбатан ҳурмат билан қараб, саҳроларни обод қилган, ариқ қазиган, чўлларга сув чиқарган ва боғ яратганларга алоҳида эътибор қилган. Бу борада соҳибқирон: "Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётгон ерга ишлов берса бирламчи йили андин ҳеч нимарса олмасинлар, учламчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин", - деб кўрсатма берган.

Амир Темур тўғрисидаги китоблар ва тарихий манбаларда Соҳибқирон мамлакат равнақи, раият фаровонлиги йўлида кўп кўрсатмалар берганлиги, халқ соғлиғини сақлаш мақсадида шифохоналар қурдирганлиги ҳақида кўп бор таъкидланади. Амир Темур: "...Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга

---

[245] «Темур тузуклари». Тошкент, 1996. 70-71-бетлар.
[246] Ўша асар. 79-80-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лангархона солсинлар, беморлар учун шифохона қурдирсинлар ва аларда ишлашмоқ учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона қурсинлар ва Раият ва зироатни қўриқловчи қурчилар ҳам тайинласинлар"[247],- деб қатор кўрсатмалар берган.

Маънавияти тараққий этган жамиятларда истеъдод эгалари алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, улар миллатнинг юзи, кўрки, ғурури ва келажаги, деб қаралади. Ана шундай қадриятларимизга юксак эътибор берган шахслардан бири соҳибқирон Амир Темурдир.

Бугун биз тарихимизни, жумладан Соҳибқирон фаолиятини ўрганишда "тарихий хотирани тиклаш, уни қадрият даражасига кўтариш йўлларини изламоғимиз керак".[248]

АМИР ТЕМУР ДАВРИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

А.Эгамбердиева, НДПИ.

Ўзбекистон озодликка эришгач, Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида миллий - маънавий мерос қайта тикланди. Миллий қадриятларимизга бўлган муносабат ўзгарди. Истиқлол сабабли жаҳон тарихида катта ўрин тутган буюк давлат арбоби, тенги йўқ саркарда, илм-фан, маданият ҳомийси, бунёдкор аждодимиз Амир Темур фаолиятига адолатли баҳо берилди. Темурийлар даври ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётини илмий жиҳатдан қайта ўрганиш бошланди.

Амир Темур даврида хўжалик ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан бири–ҳунармандчиликдир. Ҳунармандчилик Амир Темур барпо этган буюк давлатнинг иқтисодий асосларидан бирини ташкил қилган. Амир Темур мамлакатда, хусусан унинг пойтахти Самарқандда ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

Испан элчиси Клавихонинг ёзишича: "У, ҳунарли бирор кишини ҳам Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга йўл қўймаган". Аксинча, Темурнинг амри-фармони билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут тўқувчи корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас касб-ҳунар соҳасида қайси шаҳарда қанча ҳунармандлар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчирилиб олиб келинган. Уларнинг эркин фаолияти учун шарт-шароит яратиб берди. Яна бу даврда Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва

---

[247] Ўша эсар. 125-бет.

[248] Нарзулла Жўраев. Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат. Тошкент: Маънавият, 1999. 14-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа кўпгина шаҳарлари аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта аср Шарқининг намунали ҳунармандчилик ва гавжум савдо марказига айланди. Кўпгина шаҳарларда "заргарон" (заргарлик), "мискарон" (мисгарлик), "сузангарон" (игнасозлик), "савутсазон" (совутсозлик), "сангтарашон" (тошгаровчилар), "чармгарон" (кўнчилик) каби ҳунармандчилик маҳаллалари фаолият кўрсатди[249].

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, бинокорлик етакчи ўринни эгаллаган.

Тўқимачилик соҳасида «карбос» каноп толасидан тўқилган «катон», зиғир поясидан тўқилган «таргу» номли матолар ишлатилган. Карбосдан тўқилган матолардан меҳнаткаш аҳоли буткул кийинган.

Катон ва Таргу матолари карбосга нисбатан анча пишиқ бўлган, шунинг учун бу матолардан « Жамаикатоний » деб аталган бирмунча қиммат чопонлар, қимматбаҳо тошлар қадалган зарбоф тўнлар тайёрланган. Навоийнинг ёзишича, карбосга қараганда катон анча – мунча қиммат турган. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида гулдор чит ҳамда «Самарқанд ва Бухоро олчаси» каби газмоллар ҳам айниқса қадрланган. Мамлакатнинг катта-кичик шаҳарларида мисгарлик ҳам ривож топди. Мис ва жездан турли хил уй-рузғор буюмлари ясалар ва майда мис чақалар зарб қилинар эди. Масалан: 1397 йилда Темурнинг буюртмаси билан уста Иззаддин Ибн Тожуддин Исфахоний томонидан ясалган катта жез қозон ва 2 та шамдон ҳақиқатдан ҳам, мискарлик ҳунари ривожидан дарак беради.

Ҳозирги кунда ушбу шамдон Франциянинг Лувр музейида сақланмоқда. Мисгарликнинг мураккаб ишлов технологияси натижалари намунасини 1399-1404 йилларда бино қилинган Бибихоним масжиди эшикларида кўрамиз. Эшиклар 7 хил металл қотишма «Хафтжуш» билан қопланган.

Бизнинг фикримизча, Темур даврида ҳунармандчиликнинг ривожланиши унинг хом ашё манбалари ва хиллари тўғрисида ҳужжатли манбаларни тадқиқ қилиб, таҳлил қилиш мақсадга муофиқдир.

---

[249] Аҳмедов А. Сомон йўли. " Амир Темур ҳақида ҳақиқат ". Тошкент: Камалак, 1992. 40-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУРНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ

З.Елемесова, НДПИ.

Маълумки, солиқлар тизими ҳар бир давлатнинг ички ҳаётида муҳим ўрин тутади. Аҳолидан йиғиб олинган солиқлар давлатнинг молиявий аҳволини мустаҳкамловчи асосий омиллардан биридир.Биз қуйида соҳибқирон Амир Темур салтанатида мавжуд бўлган солиқлар ва йиғимлар ҳамда уларни йиғиш тартиблари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Амир Темур Чингизчи хонлардан фарқли равишда ўз давлатида муайян солиқлар тизимини ишлаб чиқди ва аҳолидан олинган солиқ ва йиғимларни маълум бир тартибга солишга эришди. Соҳибқирон Амир Темур давлатидаги мавжуд солиқ ва йиғимлар тартибини шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

1.Фуқаролардан доимий равишда йиғиладиган асосий солиқлар.

2.Солиқ йиғувчилар ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурлар эҳтиёжи учун йиғиладиган йиғимлар.

3.Фавқулодда ҳолларда ёки одатдан ташқари вақтларда аҳолидан йиғиладиган йиғимлар.

Фуқаролардан доимий равишда йиғиладиган асосий солиқлар доирасига: хирож (мол) солиғи, жон солиғи,мол сардарахт, кўк пули, ушр ҳамда чорва молларидан олинадиган закот ва шаҳарда истиқомат қилувчи аҳолидан олинадиган шаҳар омонлиги солиқларини киритиш мумкин.

Соҳибқирон салтанатида деҳқончилик қилинадиган ерлардан олинадиган асосий солиқ тури хирож ҳисобланган. Хирож солиғи ер ва ундан олинадиган даромадлар ҳисобидан йиғиладиган солиқ тури бўлиб, у баъзи манбаларда «мол» ҳам деб юритилади.

Шу билан бир қаторда, бу даврда чорва молларига ҳам закот солиғи солинган. Закот солиғининг миқдори моллар сонининг қирқдан бирини ташкил қилган. Агар фуқаролардан бирининг чорва моллари сони қирқтага етмаса, унда ўша одам чорва молларига солинадиган закот солиғидан озод қилинган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида фуқаролардан олинадиган яна бир солиқ тури «сори шумор», яъни жон солиғи бўлиб, бу солиқ тури аҳоли жон бошига қараб солинган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида фуқародан ундириладиган солиқлар миқдори, солиқларни йиғиш тартиби масаласига ҳам алоҳида тўхталиб шундай деган эди: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳат олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан солиқни ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агар олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб ишни уруш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банди этиб занжир билан кишанламасинлар. Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки бирон-бир боғ кўкартирса, ёхуд хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин.

Яна буюрдимки, агар амалдорлар ва калонтарлардан (солиқ йиғувчилар) ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар».

Шулар билан бир қаторда, ўша даврда солиқ йиғувчилар ва унинг ҳисоб- китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурлар хизмати учун ҳам қатор йиғимлар тўпланган бўлиб, бу йиғимларга мисол қилиб соҳиб жамона–ҳосил миқдорини белгиловчилар, мухоссилони–солиқ йиғувчилар, зебитона–хазинага киритилган киримни бошқарувчилар, доругона-доруголар (аҳолини рўйхатга олиш ва солиқ йиғиш масалаларига масъул мансабдор шахслар), миробона-сув тақсимловчилар фойдасига йиғиладиган йиғимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу йиғимлар миқдори унчалик катта бўлмаганлигини Соҳибқироннинг қуйидаги тузукидан ҳам билиб олса бўлади. Жумладан, ушбу тузукда фуқародан олинадиган турли хил қўшимча йиғиладиган йиғимларни йиғиш тартиби хусусида шундай дейилган: «Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган жон солиғи касб-ҳунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқлардан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб-қоидаларга амал қилсинлар, борди-ю, бунга раият рози бўлмаса, бори бўлганича иш тутсинлар». Амир Темур давлатида баъзи бир фавқулодда ҳолатларда раиятдан солиқлар ҳам ундирилган.

Фавқулодда ҳолатларда аҳолидан олинадиган солиқлар доирасига: авворизот, тавожжухоти хорижий ва тогор ёки ошлиғ солиқларини киритиш мумкин.

Умуман, хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, соҳибқирон Амир Темур салтанатидан солиқлар тизими маълум бир тартибга туширилган бўлиб, ундан олдинги даврлардаги тартибсиз солиқлар тизимини муайян даражада тартибга солади. Бу эса раиятнинг хонавайрон бўлишини олдини олиш билан бир қаторда, салтанатнинг барқарор бўлишига ҳам олиб келди.

Масаланинг ана шу томонини ҳисобга олган соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида аҳолидан йиғиладиган солиқ ва йиғимлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

хусусида шундай амр қилади: «Амр этдимки, раиятдан мол хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».

Демак, шундай экан соҳибқирон Амир Темур хазратларининг фуқаролардан олинадиган солиқ ва йиғимларни тадбиркорлик билан тартибга солиши ва ушбу йиғимларни йиғишда қанчалик даражада инсоф ва диёнатни ўзига дастур қилиб олиши Соҳибқирон салтанатининг бойиши ва барқарор бўлишининг асосий омилларидан биридир.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

А.Шамуратова, НДПИ.

Темур ва Темурийлар салтанатни бошқаришда Темурий маликалардан ҳам оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоиралар етишиб чиққан. Бу маликалар ҳақида кўпгина қўлёзма ва тошбосма асарларда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Амир Темур аёлларга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қараган, уларнинг дарду хасратларига қулоқ тутган. Аёллар тўй-шодиёналарда ва базмларда эркаклар билан баравар иштирок этганлар.

Соҳибқирон Амир Темур севикли хотини Сароймулк хоним ўз замонасининг юксак идрок, фаросатли тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат эгаси, ватанни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий – ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сароймулк хоним кўпинча бирга бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, Сароймулк хоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган.

Соҳибқирон Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқанд ҳукмдори соҳибқирон Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябр куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» боғида элчиларни қабул қилади. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сароймулк хоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар.

Амир Темур Сароймулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо Соҳибқирон ўз ўғли Шоҳрух Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқаларни бевосита зукко Сароймулк хоним тарбиясига топширган эди.

Амир Темур ва Бибихоним вафотидан кейин ҳам Темурий маликалар бу анъанани давом эттирдилар. Шоҳрух Мирзонинг суюкли катта хотини Улуғбекнинг онаси Гавҳаршод бегим юксак дид–фаросатли, суҳандон, бир сўзли қатъийятли, беназир аёл бўлган.

Табиатдан мутаносиб диндор Шоҳрух Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўктам ва тадбиркор хотини Гавҳаршод бегим бошқарарди.

Ҳирот шаҳрининг иқтисодий ва маданий юксалишида Гавҳаршод бегимнинг хизмати беқиёс. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олдирилди. Масжид, мадрасалар, хонақоҳлар, мақбара, дахма, мусофирхона, кўприк ва сардобалар қурдирди.

Гавҳаршод бегимнинг кундоши малика Милкат оғо Ҳирот шаҳрида бир мадраса, «Дорушшифо» номли касалхона, «Дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳамом ва шаҳардан саккиз фарсах (тош) четроқда битта мадраса, кутубхона ва мақбара қурдирган. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласидан Шоҳжаҳоннинг хотини Аржумандбону ўткир ақл-идрок ва дид-фаросат соҳибаси бўлган.

Аржумандбону тез кунда тадбиркорлиги билан Бобурийлар саройида катта эътибор қозонади. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай саройда Аржумандбону – Мумтоз Маҳалбегим (саройнинг кўрки) дея атала бошланган.

Аржумандбонуга берилган ушбу ном унга шон-шуҳрат келтириб, жаҳонга машҳур қилди ва номи тарих саҳифаларига кўчди. Ҳиндистондаги Агра шаҳрида қурилган «севги ва вафо» қасри бўлган улуғвор мақбарани Мумтоз Маҳалбегим бошига кийдирилган тож рамзида «Тож Маҳал» деб атадилар. Мумтоз Маҳалбегимнинг қизи Жаҳон Оро бегим онаси ишини давом эттирди. Унинг ҳам бобокалони Бобуршоҳга ўхшаш меъморчилик ва ободончиликка қизиқиши ва ҳаваси катта эди. Аграда қурилган жомеъ масжиднинг тархи (лойиҳа) Жаҳон Оро бегимнинг қаламига мансубдир. Жаҳон Оро бегимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

илм-фан бобида ҳам қалам тебратгани тарихдан маълум. Унинг «Рисолайи соҳибия» асари мавжуд.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахт безаш) Оламгирнинг қизи Зебунисо бегим ҳам ўз замонасининг оқила аёлларидан бўлган. Зебунисо бегим араб-форс тилларини, фиқҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштирган. У, олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган.

Умуман олганда, Темур ва Темурийлар даврида қўлга киритилган муваффақиятларда Темурий маликаларнинг ҳам муносиб улуши бор, деб бемалол фахр билан айта оламиз.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ

Г.Бегманова, НДПИ.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Тошкентда соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида фахр билан «Амир Темур ёшлик чоғидан ўткир зеҳн ва ақл-идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни эгаллади, Қуръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди», деган адолатли фикрни билдирган эдилар. Агар шу шариат мезонига ва кўплаб ёзма манбаларга, Соҳибқироннинг бутун ижтимоий фаолиятига асосланиб мушоҳада қилсак, соҳибқирон Амир Темур улуғлигининг асосида унинг маънавий сифатлари туради. Чунки, фақат юксак маънавиятли инсонларгина умумхалқ манфаатларини кўзлаб давлат, жамият аҳамиятига молик йирик тадбирларни амалга оширишга қодир бўладилар.

Амир Темур ана шундай шарқона, исломий ақл–заковатли, маънавиятли инсон бўлган. Амир Темур маънавиятининг уммонийлиги, тиниқлиги, кучи, қудрати–дунёвий ва исломий қадриятлар қоришмасида мужассамлашганлигидадир.

Амир Темур маънавиятининг исломий асослари Қуръони карим, Ҳадиси шариф, шунингдек, тавҳид, тавсиф, фиқҳ, тасаввуф илмлари мазмунида Аллоҳга, Расулуллоҳга, мажозий ва ҳаётий пирларига ихлоси, эътиқоди негизида шаклланади, қарор топди. У Нақшбандия таълимоти талаблари асосида янада мустаҳкамланди ҳаётий мазмун олди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида ислом динига эътиқод қилди, унинг барча фарз ва суннат

www.ziyouz.com kutubxonasi

рукнларини тақводорлик билан бажаради. Ислом раҳнамоларига, саййидлар, хўжалар, шайхларга самимият билан муносабатда бўлди. Мустақил Туркистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда Қуръон, ҳадис, шарият талабларига қатъий риоя этиб, зинҳор уларга зид иш қилмади.

Амир Темур маънавиятининг исломий асослари ҳали ёшлик йилларида, мустақил давлатга эга бўлгунга қадар шаклланиб, қарор топган эди. Бунинг учун бир қанча қулай омиллар мавжуд эди: биринчидан, жуда катта ижтимоий имкониятларга эга бўлган Амир Тарағай ўзининг яккаю ягона ўғил фарзанди тақдирига бефарқ бўлмади. Тегина Бегимнинг, сўнгра мадраса таълимини олиб, тақводор мусулмон бўлиб камол топа бошлади. Иккинчидан, XIV асрга, хусусан, унинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳр моддий, маданий, исломий жиҳатлардан янгидан юксалиб, ўзининг ўтмишдаги шон–шуҳратини тиклай бошлади. Ижтимоий ҳаётда тобора ўз ўрнига эга бўлаётган Темурбек ана шу дунёвий ва исломий, моддий ва маънавий маданиятдан унумли баҳраманд бўлди. Учинчидан, XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистонда Нақшбандия таълимоти кенг ёйилди ва у мустақиллик, ватанпарварлик, ижодий меҳнат, фаровон ҳаёт мафкураси сифатида қарор топди. Сиёсий курашлар силсиласида тобланиб, чиниқиб келаётган Темурбек маънавияти Нақшбандия ғоялари асосида тўлишди ва ёришди. Нақшбандияга ихлос қилди ва у эътиқодига айланди. Тўртинчидан, Темурбек маънавиятида исломий арконларнинг муҳим ўрин тутишида унинг пирлари шайх Саййид Барака, Зайниддин Таяботий, Амир Кулол кабиларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлган. Улардан айримлари кейинчалик саройда Амир Темур ҳузурида яшаганлар.

Амир Темурга хос бўлган маънавий салоҳият, унинг исломий моҳияти мустақил давлатни бошқариш йилларида ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, молиявий, савдо, сиёсий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий дипломатия ва халқаро қарашлари ҳам исломий рукнлар, фиқҳ билимлари асосида йўғрилди, қарор топди, амалда ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, у киши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда, шунингдек, ўзининг ижтимоий – сиёсий фаолиятида беш тамойилга, яъни Аллоҳга, тафаккурга, иймонга, китобга ва ниҳоятда мураккаб вазиятлардагина қиличга таянганлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Амир Темурнинг Туркистонда яшаб ижод қилган тасаввуф илмининг, сўфийлик тариқатининг йирик пешқадамлари Хўжа Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Али Ҳаким ат-Термизийларни ўзининг мажозий пири ҳисоблаб, улар руҳи ва ҳақига

www.ziyouz.com kutubxonasi

сажда қилганлиги, Термизда Хожа Али Ҳаким ат-Термизий, Шаҳрисабзда Саййид Амир кулол қабрлари устига катта мақбаралар, масжидлар қурдирилганлиги юқоридаги фикрларнинг амалдаги далилидир. Хўжа Аҳмад Яссавий қабри устига 1398 йилда узунлиги 65, кенглиги 46 метрли марказий жамоатхона ва 35 хонадан иборат бир неча сув сиғимига эга бўлган дошқозон ўрнаттирди. Дошқозонда ҳар куни қанд қўшилган ширин сув қайнаб турди зиёратга, жума номозга келганлар шу табаррук оби ҳаётдан ичганлар. Амир Темурнинг ислом маънавиятига эътиқодини, содиқлигини ва ундан қудратли куч олганлигини билдирувчи бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темур маънавияти исломий асосларнинг софлиги, тиниқлиги шундаки у киши бутун ҳаёти давомида, ҳар қандай вазиятда ҳам хурофот каби иллатлар таъсирига тушмаганлар. Амир Темур доим барҳаёт, умри боқий маънавиятдир.

АМИР ТЕМУРНИ ЗАМОН БЕРДИ

Э.Айменова, НДПИ.

Амир Темур тарихда йирик давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида ном таратган. Маълумки, XIV асрнинг 40-50-йилларида Чиғатой улуси феодал тарқоқлик исканжасида қолди. Маҳаллий феодаллар хон ҳукуматига бўйсунмай қўйдилар ва ўз улусларида мустақиллик эълон қилдилар. Булар орасида Кеш ҳокими Ҳожи Барлос, хўжандлик Боязид Жалоир, Балх ҳукмдори Уяжой Буго Сулдуз, шибирғонлик Муҳаммадхўжа Аперди, Наймон, Хутталон билан Арханг саройда Кайхусрав ва Ўлжойту Аперди, Тотканд (Каттақўрғон билан Сарипул) ҳокими Хизр Ясовурий, Кўҳистон ҳукмдори бор эди. Мўғулистон хонлари: Туғулоқ Темир хон (1348-1363) билан Илёс Хўжа хон, (1363-1365) бундан фойдаланиб, 1361,1362 ва 1365 йилларда катта қўшинлари билан Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Бундай шароитга Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан бирортаси босқинчига қарши бел боғлаб курашга тушишга қодир бўлмадилар. Аксинча, юқорида номи келтирилган ва келтирилмаган ҳукмдорларнинг бир қисми халқи ва юртини ташлаб қочиб қолди, қолганлари бўлса хоинлик қилиб душман тарафга ўтиб кетди. Фақат Темурнинг бир ўзи халқнинг жонига оро кирди ва уни уюштириб мўғулларга бас келди. Мамлакат ва халқни ўз туғи остига

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлаштиришга қодир бўлди, марказлашган феодал давлатга асос солди.

Амир Темур давлати бошқа давлатларга ўхшаб, ҳад–ҳисобсиз муассасалар ва тўра, мансабдорлардан иборат эмас эди. Уни Амир Темурнинг ўзини мустасно қилганда, ҳаммаси бўлиб етти оқил, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган вазир бошқарар эди. Биринчиси–мамлакат ва раият вазири, яъни бош вазир; Иккинчиси– ҳарбий ишлар вазири; Учинчиси–эгасиз қолган ерлар, сув ва мол-мулкни идора қилувчи вазир; Тўртинчиси–даромад ва давлат идоралари харажатлари билан шуғулланувчи вазир, ва яна тобе мамлакатларнинг молиявий ишларини бошқарувчи уч вазир.

Саройда вақти–вақти билан ўтказиб туриладиган қабул маросимларида олий мансаб шаҳзодалар ва юқори ўринли мансабдорлар, эътибор ва даражаларига қараб, тахт атрофида худди ой кургунларидай ўлтирганлар. Тахтнинг ўнг тарафида саййидлар. (пайғамбар авлоди), қозилар, уламо, фузало, машойих ва шайхулислом ўрин олган. Сўл тарафдан Амир ул-умаро, беклар беги, амирлар, нўёнлар, улус, туман ва қўшин бошлиқлари жой олганлар. Тахт қаршисида девон беги ўлтирган. Вазирларнинг орқасидан элу улус калонторлари, кадхудолар ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар ўрин олганлар. Тахт орқасида, унинг ўнг тарафида, ўғлонлар, баҳодирлар, сўл тарафида қоровулбеги жой олган. Амири Хировул подшоҳ рўпарасида ички ясовулига хос тахт поясидан жой олганлар, додхоҳлар эса тахтнинг сўл тарафида тик турганлар.

Амир Темур Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон ва Ироқни ўзига бирлаштирган улкан империяни қобил фарзандлари ва содиқ умароси ёрдамида улус-улусга бўлиб бошқарди. Масалан, Афғонистонга тўнғич ўғли Жаҳонгирни, у вафот этгач (1376), унинг ўғли Пир Муҳаммадни қўйди. Хуросон билан Эроннинг катта қисмини кенжа ўғли Шоҳрухнинг қўлига топширди. Ироқ билан Озарбайжонда учинчи ўғли Мироншоҳ турди. Фарғонани иккинчи ўғли Умаршайх, у вафот топгандан (1394) кейин эса унинг фарзандлари (Мирак Аҳмад) идора қилдилар. Улар садоқат ва тиришқоқлик билан хизмат қилсин, фаолиятида бирон кор-ҳол юз бермасин деб шаҳзодаларнинг ёнига ўзининг энг ишончли амирларини қўйди. Уларга ҳамма вақт шаҳзодаларга кўз-қулоқ бўлиб туришни топширди .

«Агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан,- деб айтган эди. Амир Темур, - агарда набиралар ёки қавму қариндошлар душманлик қилишса, уларни (маошларидан маҳрум қилиб) дарвеш ҳолатига солсинлар». Хуллас, Амир Темур марказлашган, адолат ва қонунлар билан бошқариладиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатга асос солди. Бу, ўз навбатида халқнинг тинч ҳаёт кечиришига, унумли меҳнат қилишига шарт-шароит яратди. Тинчлик ва осойишталикнинг оқибати хайрли бўлди. Зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди, илм-фан, маданият равнақ топди. Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр илм-фан ва маданияти юксак чўққиларга кўтарилган мамлакатга айланди.

XIV- XV асрларда Мовароуннаҳрнинг халқаро обрў-эътибори ҳам ортди. Амир Темурнинг омилкорлик билан юритган ташқи сиёсати туфайли уни Италия, Испания, Франция, Англия, Хитой каби дунёнинг талайгина йирик давлатлари танидилар ва у билан элчилик ва савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатдилар.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАДАНИЯТИ

Г.Кумакбаева, НДПИ.

Темурийлар даврида шаҳар ҳунармандчилик ҳаётини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XV аср ижтимоий - иқтисодий муносабатлар ҳаётида узвий бўғин ҳисобланган ушбу мавзу етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шунга қарамасдан, масаланинг у ёки бу томонини ёритувчи баъзи татқиқотлар тарихий адабиётлар мавзу моҳиятини англашга бир қадар имкон беради.

Ушбу даврга оид илмий татқиқотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мўғул босқинчилари тамонидан қуллар ҳолатига тушириб қўйилган шаҳар ҳунармандлари Темур ва Темурийлар даврига келиб озод ва эркин ҳунармандларга айланиб, ҳунармандчилик цехлари ташкил топади.

Умуман, Темурийлар давридаги шаҳар ва ҳунармандчилик ҳаётини ўша даврга хос феодал муносабатлар доирасидаги ўзаро боғлиқликда ўрганишни тақозо этади. Чунки, бу даврга хос тарихий манбалар ва адабиётларда шаҳар халқи ҳунармандлари Темурийлар даврига қадар йирик феодалларга қарам эканлиги таъкидланади. Ҳунармандлар тамға, бош , тарих сингари солиқлар тўлашга мажбур эдилар.

XV аср бошларига келиб Темурийлар давлатида ҳунармандчилик ҳаёти ҳар қачонгидан ҳам ўсди ва ривожланди. Ҳунармандлар шу қадар катта эътибор қозондики, Темур ва Темурийлар томонидан ўтказиладиган барча катта маросимлар ва тантаналар уларнинг иштирокисиз ўтказилмас эди. Ҳунармандчиликнинг беқиёс даражада

www.ziyouz.com kutubxonasi

ривож топиши ва тармоқлар бўйича ихтисослашишининг кўпайиши шаҳарларнинг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборди.

Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа кўпгина шаҳарлари ўрта аср Шарқининг ҳунармандчилик марказларига айланди. Шаҳарларда касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган гузарлар, кўчалар, бозор расталари ва ҳунармандчилик маҳаллалари пайдо бўлди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадорларнинг тузилмачилик маҳсулотларига талаби ғоят катта эди. Шу боис, шаҳарларда ип, ипак, жундан, зирир ва ҳаноп толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб ишлаб чиқарилар эди. Амир Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тикувчилари, Халабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Туркия ҳамда Туркистоннинг заргарлари Самарқандга кўчириб келтирилган эди. Темур ва Темурийлар даврида металлдан қурол-яроғ ва рўзғор буюмлари ясаш такомиллашди. Мих ясовчи, тақачи, сим чўзувчи, пичоқчи сингари ҳунармандчилик мутахассисликлари пайдо бўлди. Самарқанд шаҳрида махсус совутсозлар маҳалласи бўлиб, қилич, қалқон, ўқ-ёй, дубулға ва совутлар алоҳида маҳорат билан ясалган. Саркарда амирлар учун эса олтин ва кумуш қопламали қимматбаҳо тошлар қадалган махсус қурол-яроқлар тайёрланган.

XV асрда Мовароуннаҳр шаҳарларида мисгарлик анча ривож топиб, мис ва жездан турли хил уй-рўзғор буюмларини ясаш, майда мис чақаларини зарб этиш йўлга қўйилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳунармандчилик соҳасида қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Масалан, Самарқанд шаҳри яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қоғоз ишлаб чиқарадиган махсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Эскирган бўз кийим, латта ва пахталардан бўтқа – қоғоз хом ашёси тайёрланиб, варақлар қуйилиб, сайқал берилган. Самарқанд қоғози ўрта аср Шарқи хаттотлари ўртасида кенг шуҳрат қозонган.

Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандчиликнинг беқиёс даражада гуркираб ўсиши ва тараққий этиши шаҳар ҳаёти маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Тасвирий санъатда "Шарқ Рафаэли" деб улуғланган Беҳзод, Алишер Навоий қиёфасини яратган Маҳмуд Музаҳиб, Ҳожи Муҳаммад Наққош, мусиқа санъатида шуҳрат қозонган Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Шоҳқули, Юсуф Андижоний, адабиётда Сайфи Сароий, Дурбек, Атойи, Саккокий, Лутфий каби

www.ziyouz.com kutubxonasi

шоирлар асосан, шаҳар ўрта ҳол табақаси вакилларига мансуб кишилар эдилар.

Ўзбек адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Алишер Навоий, Бобур, Абдураҳмон Жомий ҳам шу давр фарзандлари эди. Ўрта аср шарқи ҳунармандчилик ҳаёти буюк Алишер Навоийнинг асарларида ўзи ифодасини топди.

Умуман, Мовароуннаҳрдаги Темур ва Темурийлар даври шаҳар ва ҳунармандчилик ҳаётини конкрет тарихийлик асосида чуқур ўрганишни ҳозирги кунда давр тақозо этмоқда.

ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАДАНИЙ СИЁСАТИ

У.Узакбаева, НДПИ.

Амир Темур йирик, марказлашган, қудратли давлатга асос солганлиги ва уни умрининг охирига қадар моҳирона бошқарганлиги боис, у кишилик тарихида ўзининг муносиб ўрнини топди.

Амир Темурнинг йирик, марказлашган давлатга асос солишида ҳамда уни бошқаришида ҳарбий саркардалик, адолатлилик, қаттиққўллик сингари хислатлари қаторидан инсоният томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий маданиятга нисбатан самимий муносабати ҳам ўрин эгаллайди. Биз унинг бу фазилатини қатор ҳарбий юришларида, давлатни бошқаришдаги ички тартибларида, мамлакатни ободонлаштириш ишларида кўришимиз мумкин. Жумладан: «Амир этдимки, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳийлар ўз ихтиёрлари билан паноҳимга келсалар. Уларни навкар қилиб (аскарларим орасидан) жой берсинлар. У диёрнинг раиятини ёмон ҳодисалардан қатл эттиришдан, асиру банд этишдан ва таланишдан муаҳофаза қилсинлар. Уларнинг мол-мулкини буюмларини талон-торожидан сақласинлар.

Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўтирувчи (зоҳидлари) ни суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожис шол-кўрларга нафақа белгиласинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, тано ва чироқ билан таъминласинлар».

Амир Темур мамлакатни ободонлаштириш борасида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. Унинг ҳукмронлиги вақтида кимки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирон саҳрони обод қилса ёки ер ости иншоатларини қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёки бирор хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч кандай солиқ олинмаган, фақат учинчи йили қонун-қоидага асосан хирож йиғилган.

Амир Темур давлатида хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса давлат томонидан обод қилинган. Агар эгаси бўлсаю, обод қилишга қурби етмаса, унга ерни обод қилишга давлат ёрдам берган. Соҳибқирон, хароб бўлиб ётган ерларга ер ости иншоатларини қуришни, бузилган кўприкларни тузатишни ва янгиларини бунёд этишни, йўл устида роботлар қуришни, йўловчилар ва уларнинг молларини муҳофаза қилиш мақсадида йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйишни ташкил этган. Унинг амри билан катта-кичик шаҳар ва қишлоқларда мавжуд мадраса ва хонақоҳлар қад кўтарган, фақиру мискинларга лангархона (ғарибхоналар) солинган, касаллар учун шифохоналар қурилган ва уларда ишлаш учун табиблар тайинланган. Амир Темур салтанатида маънавий қадриятлар юксак қадрланган.

«Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларни (Акобир) ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».

Амир Темур салтанатининг сархад, вилоят, шаҳарларида хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилинган. Уларга ҳокимлар, раият, сипоҳларнинг хатти-ҳаракатлари, мамлакатдан чиқаётган ва мамлакатга кираётган мол-мулк ҳақида, ёт кишилар ҳақида хабар ёзиб бориш топширилган. Хабарлар ростлик ва тўғрилик билан ёзилиши қатъий талаб этилган. Хабарлар бузиб ёзилса, хабарнавислар қаттиқ жазоланганлар, ҳатто, қатл эттирилган.

Амир Темур маънавий салоҳияти мустақил Туркистон давлатини идора қилиш, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш, Мовароуннаҳрнинг қадимий иқтисодий, маданий шуҳратини қайта тиклаш йилларида янада камол топди ва ижтимоий ҳаётда тўлалигича намоён бўлди. Ана шунинг учун ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонлари: давлат идора тизими иқтисодий, молиявий, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо, маданият, фан, меъморчилик, ҳарбий, халқаро алоқалар, ислом дини шариат мақсадга мувофиқ, мутаносиб ривожланди.

Хуллас, Амир Темур маънавиятининг бойлиги, теранлиги ўз даврида ва авлодлари замонида моддий маданиятнинг гуллаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшнашига олиб келди. Ҳозирги авлод эса ўша даврлар моддий маданиятидан маънавий баҳра олмоқда.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ТАДБИРКОРЛИК СИЁСАТИ

Ф.Полвонова, НДПИ.

Неча асрлик тарихга эга бўлган кўҳна ва ҳамиша навқирон Ўзбекистоннинг мустақил давлатга айланиши, тарихимизни тўғри ёритишга ва ундан яшаб ўтган шахсларга холисона баҳо беришга имконият яратиб берди.

Бу кўҳна ўлкада не-не зотлар ҳукмронлик қилмади дейсиз, лекин шулар орасида 1370- 1405 йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний алоҳида ажралиб туради.

Амир Темур болалик вақтида ҳарбий ўйинларни севиб, машқ қилган ва саркардалик қобилияти йигитлик чоғидаёқ намоён бўлган. У Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олиб, мустақил давлат барпо этгандан кейин, давлатнинг келажагини таъминлаш ва уни ташқи душман хавфидан муҳофаза этиш учун ҳаракат қила бошлади.

Амир Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда Хоразм давлатини бўйсундириш катта аҳамиятга эга эканлигини тушунган. Чунки, Амир Темур Мовароуннаҳрнинг асосий душмани бўлган Чиғатой улусини мағлубиятга учратиш учун ўз ҳарбий қудратини ошириши зарур эди.

Амир Темур Хоразмни тўғридан-тўғри босиб олмади, аксинча, қон тўкишдан кўра тинч музокара билан иш кўришни афзал кўрди.

Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфи Темур юборган элчиларни рад жавоби билан қайтаргандан кейин, 1372-1374 йилларда Хоразмга қўшин тортиб, ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. 1376 йилда Манғишлоқ ҳокимининг ўғли Тўхтамишнинг Темур ҳузурига ёрдам сўраб келиши мўғулларга зарба бериш имконини яратди.

Ўткир ақл соҳиби ва улкан ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Амир Темур мўғул қўли билан мўғулларни даф этиш учун Тўхтамишга ёрдам қўлини чўзди ва 1379 йилда Оқ Ўрда тахтига Тўхтамишни ўтқазди. Аммо, Тўхтамишнинг ҳиёнаткорона тутган йўли Темур режаларига тўғри келмай қолади.Шундан кейин Амир Темур 1389-1391 ва 1394-1395 йиллар мобайнида Тўхтамишга қарши уч маротаба юриш қилиб, уни мағлубиятга учратди.

Амир Темурни ҳарбий соҳани яхши билиши шундан кўриниб турибдики, у бирор вилоятга юриш бошлашдан аввал у ернинг пасту

www.ziyouz.com kutubxonasi

баландини, қўшиннинг қудрати ва заиф томонларини чуқур ўрганиб чиқар эди. "Темур тузуклари"да: "Ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб қайси йўлдан кириб, қайси йўлдан чиқишни белгилардим", - деб ёзган эди. Бундан ташқари Темур ҳарбий кенгашларида довюрак тадбиркор, оддий аскарларнинг у ёки бу жанг ҳақидаги фикрини ҳисобга оларди.

Темур жанг учун уруш майдонини танлашда тўрт нарсани назарда тутган. Биринчиси – у ернинг сувини, иккинчиси – аскар сақлайдиган ерни, учинчиси –ғаним лашкари турган ердан тепароқда бўлишни, тўртинчиси – офтобга рўпара бўлмасликни ҳисобга олган.

Темур ғалабасининг пойдевори–унинг қўшин тутиш интизоми ва қуролланишида эди. У, бу жиҳатдан ўзидан олдин ўтган саркарда – Чингизхон удумига риоя қилган ва ундан ўзиб кетган. Темур армиясининг аскарида қурол-ярог от-уловдан ташқари игна, бигиз, арра каби буюмлар ҳам бўлган. Ана шуларга қаттиқ риоя қилган Темур ўзининг 35 йиллик Соҳибқиронлик даврида "уч йиллик", "беш йиллик" ва "етти йиллик" деб ном олган зафарли юришлардан бирор маротаба ҳам муваффақиятсизликка учрамади, аксинча доимо ғалаба қилди. Овропа тарихчилари эътироф этишича, Темур Овропани 2 марта ҳалокатдан, биринчиси–мўғуллар босқинидан, иккинчиси–Боязид босқинидан асраб қолди. Бундан ташқари, Темур истило қилган шаҳарларида оммавий қирғин ўтказишга, оддий халқни талашга ҳеч ижозат бермаган. Аксинча, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаган. Масалан, Дарбанд қалъасини мустаҳкамлатган. Яна шу нарса аҳамиятга моликки, Темур ҳарбий ишлари билан бир вақтда мамлакатдаги маданий- маънавий ишларга ҳам катта эътибор берган. Унинг саройида ислом динининг етук намояндалари билан бир қаторда йирик олимлар, жаҳонга донғи кетган уста, наққош ва рассомлар бўлиб, уларга катта имтиёзлар берган. Темур ўз жангчиларига ва мамлакат фуқаросига меҳрибон ва шу билан бир вақтда қаттиққўл бўлган, қамчин кучидан фойдаланишни ман қилган.

Амир Темурнинг ҳарбий соҳани яхши билиши, истеъдодли саркардалиги ва инсонпарварлигини унинг Кичик Осиё, Ҳиндистон, Кавказ ва Эронни истило қилганлиги ва бу ердаги мағлуб шоҳларни камситмаганлигидан ҳам кўрамиз. Масалан, Боязид Елдирим мағлубиятга учраганда ҳам, унга нисбатан иззат ва ҳурматда бўлган ва унинг камчиликларини айтган.

Темур Хитойга қарши ҳарбий юришга бир неча йил тайёргарлик кўрди. У 1404 йилнинг қишида Хитойга қарши 200000 жанговар қўшин билан чиқди, аммо 1405 йилнинг 18 февралида Ўтрор шаҳрида касалликдан вафот этди. Темурнинг буюк режаси амалга ошмай қолди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларининг ҳаммасини ҳам оқлаб бўлмайди, албатта, унинг юришлари даврида кўплаб одамлар қирилиб кетган. "Умуман олганда унинг барча қилмишларини адолат тарозисига қўйсак, унинг ижобий фазилатлари посангини босиб кетади."

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ

Ж.Улуғов, НДПИ.

Қонун устуворлиги соҳибқирон Амир Темур давлатининг белгиловчи хусусияти сифатида унинг ҳақиқий пойдеворини ташкил этган ва у ўз даврининг салоҳиятли ҳуқуқшуноси, фиқҳшунос ва олими бўлиб, давлатга раҳбарлик қилган.

Амир Темур давлатида қонун чиқарувчи тизим –«Қурултой» деб аталиб, у, асосан йирик турк-мўғул йўлбошчилари иштирокида ўтган. Қурултойда уруш, сулх ва бошқа давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокама қилиниб, қарорлар қонунийлаштирилган.

Ижроия тизими девонлар ва бошқа давлат идораларидан иборат бўлган. Давлатнинг ижроия тизими (девонлар) қурултой қабул қилган қарорларни, олий ҳукмдорнинг фармонларини ҳаётга татбиқ этган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик ишлар ҳар доим кенгаш асосида олиб бориларди. У ўзининг «Тузуклар»ида: «Ҳар бир ишни кенгаш билан бажардим, барча ишларнинг фақат бир қисмини қилич билан амалга оширдим»,- деган эди. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур туркий халқлар миллий удум ва анъаналарига таянган ҳолда барча ишларни кенгаш асосида амалга оширишни ўз давлатининг асосий принципи қилиб олган эди. Хуршид Даврон таъкидлаганидек, «Соҳибқирон томонидан ўтказиб келинган қурултойлар Шарқ ўлкаларида бундан VI аср муқаддам типик парламентга Амир Темур томонидан асос солинган...»

Дунё миқёсида Соҳибқиронни юксак мақомга кўтарган, унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларининг мажмуаси – «Темур тузуклари»дир. «Темур тузуклари» нинг тарихий-ҳуқуқий аҳамияти жуда катта. Рус тарихчиси Д. Логофет таъкидлаганидек: «Европада конституция ҳақида тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда, ана шу Темур

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатида Конституцион қонунлар мажмуаси – Тузук мавжуд бўлган ва амал қилган»[250].

Тузуклар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми таржимаи ҳол характерига эга. Иккинчи қисмида эса Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги тузуклари, яъни йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насиҳатлари ўрин олган. Салтанатни бошқаришда Амир Темур ислом дини ва шариат талабларига, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, ҳозирги кун нуқтаи назари билан айтганда ижтимоий адолат принципига амал қилган. Тузукларда фуқароларнинг шариат қонун-қоидаларига бўйсуниш кераклиги айтиб ўтилади. Қозиларнинг қонунларга тўла амал қилиши, тартиббузарларни жазолаш, сипоҳлар ва аскарларни сақлаш ва уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қоидаси ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларни тақдирлаш тартиблари уларнинг бир-бирига муносабати аниқ белгилаб қўйилган.

Амир Темур даврида суд тизими ҳам кенг кўламда ривожланди. Эҳтисоб тизими бутун мамлакат бўйича жиноят содир бўлишини олдини олиб , фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиб турарди. (Эҳтисоб ҳозирги кундаги Омбудсмандан кўра кенг қамровли ва амалий бўлган). Нарх–навони назорат этиш, экология, табиат-муҳитни асраш , йўллар ва кўприклар хавфсизлиги, озиқ-овқат ва сувлар покизалигини сақлаш, мамлакат бўйича ғайридинлар ва хорижий мусофирларга тазйиқ ўтказишни олдини олиш, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, муҳтасиб лавозимидагиларнинг вазифасига кирарди.

Амир Темур даврида шайх ул-ислом ва қозилар юксак мақом ва ҳурматга эга эди. Шариатга оид ишларни ислом қозиси, сипоҳий аскарлар орасида келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни қози аскар ва дунёвий ҳамда бошқа ҳуқуқий низоларни ахрос қозиси кўриб ҳал қилган.

Амир Темур ўз давлатини бошқаришда қуйидаги ўн икки тамойилга асосланганини таъкидлайди. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим;

адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдек рози қилдим;

раият ҳол-аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиб туриб, ҳокимлар ва сипоҳийлар томонидан раиятга жабр-ситам ўтказилган бўлса, уларни адолат ва инсоф юзасидан жазоладим.

---

[250] Сомон йўли. Тошкент: Камалак, 1992. 72-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

турку тожик, араб ва ажамнинг турли тоифалари ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳим остида бўлган кишиларга эҳтиром билан қарашли ва кечиримли бўлдим»[251]

Амир Темурнинг қуйидаги ҳикматли ўгитларида ҳам адолатли ҳуқуқий жамият тўғрисида сўз боради.

-Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулм, ситам йўлини тўсдим

-Адоват эмас - адолат енгади.

-Мамлакатимда турли соҳаларда қонун амалга ошириладиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир бўлгандек сезаман.Мен ҳар доим аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳи билан тарбия қилиб келдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим.

Агар диққат билан Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги ўн икки тамойил ва ҳикматларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси адолат меъёрига асосланган бўлиб, ҳар бирида инсоф ва адолатни таъминлаш ҳаққониятга эришиш учун қонун устуворлигига эришиш назарда тутилганлигини англашимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Амир Темур ҳуқуқий маданиятининг ижтимоий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, Соҳибқирон давлатни ўзига хос қонун ва қоидалар тизимига асосланган ҳолда идора этар эди.

Иккинчидан, Амир Темур «Куч адолатда» шиорига амал қилган ҳолда ҳар бир масалани адолат юзасидан таҳлил этар, ҳаққонийлик унинг асосий ҳаётий мезони эди.

Учинчидан, Амир Темур давлати умуммиллий қадриятлар йўғрилган «шарқона демократия» тамойилларига асосланган эди.

И.А.Каримов Амир Темурнинг давлат бошқарув тизимига баҳо берар экан: «Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва татқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади»[252], - деб таъкидлайди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўз давлатини юксак ҳуқуқий маданият билан бошқарганким, унинг давлатчилик анъаналари бугунги давр давлатчилигимиз принциплари ва тамойилларини бунёд этишда асос бўлиб келмоқда.

---

[251] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 54-56-бетлар.

[252] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш -давр талаби. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 185-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ТАРИХИЙ ВОРИСИЙЛИК
(АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИ АСОСИДА)

Б.Шодиев, НДПИ.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Янги Конституция асосий қонун сифатида халқаро демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, уни олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши алоҳида эътиборга моликдир. Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори ҳисобланади. Зотан, у давлатни давлат, миллатни-миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда бутун халқ иштирок этди. Чунки, Конституцияда халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти акс этган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Конституцияга ўхшаш қонунлар тўплами Ўрта Осиёда ҳам мавжуд бўлган. Улардан эътиборга молиги «Темур тузуклари»дир. «Темур тузуклари» нусхаларини бугун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Россия, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман давлатлари кутубхоналарида учратиш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, қайси бир асар қимматли, керакли бўлса, ундан кўпроқ нусха кўчирилган. «Темур тузуклари» ҳам шундай манбалар қаторига киради. У кўпроқ подшо ва шоҳларга керак бўлган. Шунинг учун ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу ва шунга ўхшаш асарлардан нусха кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида асраганлар ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида улардан муҳим йўл-йўриқ сифатида фойдаланганлар. Масалан, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) сарой котибларига буюриб, «Темур тузуклари»дан ўзларига нусха кўчиртирганлиги тарихдан маълум.

«Темур тузуклари» 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Амир Темурнинг 7 ёшдан (1342) то вафотигача бўлган ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ҳарбий юришлари қисқача баён қилинган.

Иккинчи қисмида эса жаҳонгирнинг ўз ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатлари тавсифланган. Давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш ва шу каби давлат аҳамиятига молик масалалар ёритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Темур тузуклари»нинг давлат-ҳуқуқий характеридан келиб чиққан ҳолда Д.Логофетнинг Туркистонда конституцион ҳужжат Ғарбий Европа мамлакатларидагига қараганда илгари юзага келган, деювчи фикрини эътироф этиш мумкин.

«Темур тузуклари»ни ўрганиш давомида унинг кўпгина тамойиллари, ғоялари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларида уйғунлашганини фикр қилиш мумкин . Эътибор қилишимиз лозим бўлган томони шундаки, биз Амир Темур давлатининг тарихий, этнографик хусусиятларини, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ҳисобга олишимиз керак.

Замонавий Конституцияларнинг кўпчилиги ҳам юридик, ҳам сиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлган қоидаларни ўз ичига олган қисқа муқаддима билан бошланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам ўзига хос муқаддима билан бошланади. Муқаддимада халқнинг Асосий қонунни қабул қилишдан мақсади, орзу-умидлари намоён бўлади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам тузукларни яратишдан мақсади нима эканлигини қуйидагича баён қилади:

«Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, тангрининг иноятн ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар».[253]

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий демократик давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун устуворлигининг моҳияти ва маъноси шундаки, Конституция ва қонун олдида барча бирдай масъулдир. Мамлакат қонунларига жами фуқаролар, ёши, мансаби, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, баравар бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.

«Темур тузуклари»да ҳам қонун устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Амир Темур

---

[253] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 53-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатининг марказлашган мустақил давлат бўлишида қонуннинг адолатли, тенг қўлланилишининг ўрни алоҳида аҳамият касб этган:

«Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка борланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатимнинг биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим».[254]

Амир Темур «Тузуклар»ида таъкидлаганидек, давлатларни забт этиш, давлатни бошқариш ва унга зебу зийнат беришда 12 қоидага амал қилган.[255]

Ушбу қонун-қоидага амал қилиниши, унга риоя қилиниши давлатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Қонун-қоиданинг мукаммал яратилганлиги давлат ҳокимиятининг мустаҳкам ва барқарор бошқарилишига улкан ҳисса қўшган. Айни вақтда ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши, соҳибқирон Амир Темур бобомиздан қолган бебаҳо мерос, деб атасак хато бўлмайди. Қонун-қоидалар замонавий кўринишда қуйидагича намоён бўлади:

Биринчиси, Амир Темур ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватлаган.

Ҳозирги кунда ислом динига бўлган эътибор юксак даражада эканлигини Тошкент Ислом университети, Ислом илмий татқиқот маркази ва бошқа муассасаларнинг фаолияти яққол кўрсатиб турибди.

Иккинчиси, Соҳибқирон ўн икки ижтимоий гуруҳлар билан мамлакатларни забт этган ва уларни идора қилган.

Демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, ғоят уюшган, юксак онгли ва маърифатли кишини камол топтирмоқда. Конституциянинг 18-моддасида қуйидагича таъкидланади:

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

---

[254] Ўша асар. 57-бет

[255] Ўша асар. 53-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчиси, Амир Темур бобомиз маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик-эҳтиёткорлик, мурувват, сабр-тоқат билан иш юргизган.

Олий Мажлиснинг фаолияти яққол мисол бўла олади. Бу мавзуга тўлиқроқ маълумот Конституциянинг 17-бобида баён этилган. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда, қонун-қоидаларнинг қабул қилинишида Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси вакиллари иштирок этмоқда. Бу эса маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик-эҳтиёткорлик билан иш юргизиш демакдир.

Тўртинчиси, Соҳибқирон давлат ишларини қонун ва шариат қоидаларига асосан бошқарган.

Конституциянинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади, деб уқтирилган.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир.

Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мукаммал ифодасини топади. Бешинчиси, Амир Темур амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар билан хушнуд этган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель қонуни билан фуқароларнинг меҳнатдаги самарали хизматлари учун, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг 30 дан ортиқ фахрий унвонларини таъсис этган. Халқимизнинг илғор вакиллари улар билан тақдирланиб борилмоқда.

Олтинчиси, Соҳибқирон адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини рози қилган.

Бугун давлат сиёсати адолат мезони асосида амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати ёки иқтисодий соҳадаги эркинликлар бунинг намунаси ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилиши Конституцияда таъкидланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Еттинчиси, Соҳибқирон саййидлар, уломаю машойих, оқилу донолар, муҳаддислар ва тарихчиларни танлаб, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларининг ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Шунинг учун мустақилликка эришган мамлакатимизни ривожланган, маърифатли давлатта айлантириш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқи уларнинг миллати, ирқи, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъи назар тенг асосда, она тилида амалга оширилади. Бу сиёсат 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ рўёбга чиқарилмоқда.

Саккизинчиси, Амир Темур азму жазм билан иш тутган.

Мустақиллик йўлидан олға борар эканмиз, барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартлари жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аёндир. Бу сиёсат аниқ дастур асосида оғишмай амалга оширилмоқда.

Тўққизинчиси, Соҳибқирон раият аҳволидан огоҳ бўлган, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрган.

Ҳар қандай мамлакатда турли кўринишдаги тенгсизликлар кўпайса ёки уларнинг ўсишига имкон пайдо бўлса, улар ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида Мустақил Ўзбекистонда демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан иборат. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Ислоҳотларнинг барчаси халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Ўнинчиси, Амир Темур паноҳидаги барча қабила ва элатларга ҳурмат кўрсатган.

Сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларга эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Ўзбекистон ҳам кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Ушбу қоиданинг Конституцияда мустаҳкамланиши ўзига хос хусусиятга эга.

Ўн биринчиси, улуғ бобомиз тахтга чиқишида ёрдам берган барча қариндош ва дўстларини унутмаган ва ҳақларини адо этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мустақиллик ўзбек халқининг тарихий ютуғидир. Мустақилликка осонгина эришганимиз йўқ. Бу тарихий йўлда жуда кўп қурбонлар берилди. Ўзбегимнинг не-не фарзандлари мустақиллик учун ўз жонларини фидо қилмади. Лекин халқ, миллат ўз фарзандларини унутмайди. Улар халқ хотирасида мангу яшайдилар. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши бунинг ёрқин мисолидир.

Ўн иккинчиси, Соҳибқирон ва улуғ саркарда дўст-душманлигига қарамай сипоҳийларни ҳурмат қилган.

Асосий қонунимизнинг 125-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади». Ушбу Конституциявий қоидада таъкидланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбиру амаллар йиғиндиси мамлакат мудофааси деган тушунчада намоён бўлади. Бу борада ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор диққатга сазовордир. Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий аҳволидан хабардор бўлиш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мукаммал яратилган қонун-қоидалар тарих силсиласидан ўтиб, келажак авлодга сайқал топган ҳолда етиб боради. Келажак авлод эса, ушбу қонун-қоидани замон талабларига мослаган ҳолда амалиётга татбиқ этади. Унинг тамойилларини ва туб моҳиятини сақлаб қолади. Амир Темур бобомизнинг бутун фаолияти биз учун улкан мерос бўлиб, у бебаҳо тарихий мактабдир.

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ

М.Раҳматуллаев. доц.
А.Ҳасанов. доц. БухДУ.

Дипломатия ўз моҳиятига кўра халқаро майдонда ўзаро низоларини тинч йўл билан ҳал этиш маҳоратидир.

Дипломатия ташқи сиёсатда ғалабага эришишнинг энг арзон ҳамда беталафот йўли ва воситаси ҳисобланади. Бежизга қадимги Хитой трактатларида (Суньцзин. Эрамиздан аввалги VI-V асрлар) "юз марта жанг қилиб, юз марта ғалаба қозонишдан кўра душман армиясини жанг қилмай енгиш яхшироқдир", деб таърифланган. Амир Темур

www.ziyouz.com kutubxonasi

дипломатиясига келсак, у даврларда ҳали ташқи сиёсат муносабатлар билан махсус шуғулланувчи муассасалар шаклланмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқиронинг якка ўзи улкан давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб берарди.

Амир Темур ҳуда–беҳудага қурол ишлатмади, қон тўкмади. "Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим",-дейилади. "Темур тузуклари"да мазкур рисолани ўқиб, шунга амин бўлиш мумкинки, Соҳибқирон куч ишлатишдан кўра тадбир ишлатишни афзал деб билган, яъни бошқа юртларга юриш қилишдан олдин узоқ вақт дипломатик муносабатлар олиб бориб, жангсиз итоат этишни таклиф қилган. У қаерда ҳозир бўлмасин, ўша ерда ўзига хайрихоҳ одамлар топа олган ва уларнинг хизматидан фойдалана билган. Ғанимларни ширинсўзлик, сийлов билан ўз томонига оғдириб олиш ва уларни рағбатлантириш усулидан фойдаланган.

Машҳур тарихчи Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, Олтин Ўрда хони Ўрисхон (1361-1380) даргоҳидан норози бўлиб келган Тўхтамишхон ва Идиқунинг Темур ҳузурига бош уриб келишидан усталик билан фойдалана билган. Амир Темур дипломатиясининг асосий тамойилларига келсак, булар ҳозирги замон халқаро муносабатлар принциплари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос тушишини кўриш мумкин. Масалан, у элчи ва элчилик дахлсизлиги тамойилига тўла амал қилган ва ўз мулоқотдошларидан ҳам шуни бажаришни талаб этган. "Элчига ўлим йўқ" деган ақида унинг асосий матлаби бўлган Соҳибқирон дипломатиясининг яна бир жиҳати – бу тузилган битимга ва аҳдга вафо қилиш, унинг талабларига охиригача риоя этиш принципидир. Ёшликдаги қадрдон дўсти Амир Ҳусайн билан тузилган аҳду паймон бунинг мисоли бўла олади.

Ҳозирги замон дипломатиясининг энг муҳим тамойили – хушмуомалалик, мулоқотдошига назокат билан муомалада бўлиш ҳисобланади. Шунинг учун элчилар ниҳоятда латиф, сермазмун, жозибали сўзлаш санъатига эга бўладилар. "Сўзи ширин бўлса, тилагига етади" деган ҳикмат бор халқимизда. Шундан келиб чиққан ҳолда Соҳибқирон бу тамойилга қаттиқ амал қилган. Испан элчиси Клавихо маълумотларига кўра, саройда элчиларни хорижга юбориш ва қабул қилиш урф–одатларига қаттиқ эътибор берилган. Дипломатия жараёнлари давлатлараро мактублар айирбошлаш асосида олиб борилади. Амир Темур дунёнинг турли тарафларига мактублар йўллаб, мактублар олган, катта–кичик султонлар, ҳукмдорлар, бекларни мулоқотга чорлаган. Амир Темур тарихи музейида бу хатлар сақланиб келинмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турк султони Боязидга йўлланган мактубда вазминлик, босиқлик ва уни итоатга чорлов ниҳоятда сиполик билан битилган. Аксинча, Турк султонининг жавоб мактубида эса беттачопарлик, беандишалик, ҳатто, айтиш мумкин қайсарона шиддат яққол сезилиб туради.

Амир Темур дипломатиясининг яна бир характерли томони – давлат манфаати йўлида сулолавий никоҳ анъаналаридан ҳам усталик билан фойдалана билишдир: Хоразм шоҳининг қизи Хонзоданинг Мироншоҳга никоҳланиши, Хуросондаги йирик куч бўлган Курдлар сардори Ғиёсиддин Пир Алига ўз жиянини узатиши, Шоҳ жаҳоннинг қизини келинликка сўраши дипломатик мақсадлардан ҳоли бўлмаган, албатта.

АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХ

Т.Раҳмонов, доц. БухДУ.

Буюк Соҳибқирон сиймосининг бу кундаги мазмун-моҳияти беқиёсдир. Бу сиймо барча замонларда ўзининг маънавий илдизларига эга эканлиги, асрлар давомида халқимизга маънавий озуқа бахш этганлигини, шу замин фарзандларининг ўз ўтмишдошлари билан фахрланиш туйғусининг асосий манбаи бўлиб келганлигини, эркинлик ва мустақиллик қадрини тушунишга, келажакка ишонч билан қарашга даъват этувчи йўлчи юлдуз эканлигига шак-шубҳа йўқ. Ўзликни англаш ва уни намоён қилиш, умумжаҳон тараққиётига бутун борлиғи билан қўшилиши учун миллат, аввало озод ва мустақил бўлиши керак. Амир Темур сиймоси озодлик ва мустақиллик, эркинлик ва фаровон ҳаёт, ватан туйғуси, уни ҳис қила олишнинг муҳим омилидир. Бу туйғу, тушунча, тасаввур ва ҳис қила олишда халқ, миллат, ватаннинг тарихи тенгсиз аҳамиятга эга. Шунинг учун бўлса керак, Амир Темур: «Тарих–ўзликнинг ўқ илдизи. Тарихи йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқ», - деб бежиз айтмаган.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш ва шу асосда марказлашган давлат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, қатор халқлар ва мамлакатларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишга ёрдам бериш жараёнида ижтимоий-сиёсий қарашлари ривожланиб, такомиллашиб борди, қомусий билим дурдоналарига янги гавҳарлар келиб қўшилди. Шу асосда унинг ижтимоий фаолияти, шу жумладан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ҳуқуқий ва тарихий билимлари тобора чуқурлашиб, кучайиб борди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг ўзига хос хусусият ва фазилатлардан бири билим ва билишга интилувчанлиги, идрок ва тафаккур доирасининг кенглиги эди. Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Амир Темур нафақат ўз халқи ва мамлакатининг тарихи, балки турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур ўрганган, Қуръони карим суралларини ёдлаб олиб, унинг мазмунини шарҳлай олиши ва шариат қонунлари билан иш олиб бориши унинг фиқҳ билимдони эканлигидан далолат берса, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари билан таниш эканлиги, бу асар асосида 50 дан ортиқ шаҳарлар тарихини таҳлил қилгани, X аср саёҳатчиси Ибн Батута ва бошқа бир қатор саёҳатчилар асарлари билан қизиққани, жаҳонда араб «монтескьеси» номини олган Ибн Халдун билан учрашиб, унинг асарларини суриштириб билиб олиши, унинг халқлар ва мамлакатлар тарихига катта қизиқиш билан қараганлигининг ёрқин далилидир. Низомул-Мулкнинг «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» (Подшоҳлар турмуши) асарини обдон ўрганган Амир Темур ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида жуда катта куч эканлигини, подшоҳларнинг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлиги ва узоқни кўра олиши билан осонлаштиришини эътироф этади: «Бундай вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар, давлат шериги билиб, азиз тутсинлар, Зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл кўзгусидир»,[256] - дея таъкидлаган эди. Мана шу биргина мисолнинг ўзи унинг кучли билимдон шахс эканлигидан далолат эмасми?!

Аввало, Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва миллий давлатчилик асосларини яратиш борасидаги улкан хизматлари тарих фани учун қимматли манба. Амир Темурнинг ўрта асрлар даври тарихида тутган ўрни ва роли ҳамда келажак тарих учун аҳамияти шунчалик улканки, буни бир қарашда илғаб ҳам, қамраб ҳам олиб бўлмайди. Буюк Темур, ўзининг «Тузуклар», «Зафар йўли» (Таржимаи ҳол) асарлари билан Абу Наср Форобийнинг «Фозил шаҳар одамлари» (ёки «Фозил одамлар шаҳри»), Кайковуснинг «Қобуснома», Чингизхоннинг «Билик», Хондамирнинг «Қонуни Ҳумоюн» асарлари билан бир сафда туради. Ҳатто, айтиш мумкинки, ўз давригача бўлган шундай асарларнинг энг сарасидир. Амир Темур бошқа бирор иш қилмаганида ҳам, фақаттина «Зафар йўли» ни ёзиб қолдирган тақдирда ҳам ўрта асрларнинг йирик тарихчиси ва сиёсатдон олими сифатида машҳур бўлур эди.

Амир Темурнинг «Тузуклари» да 1342-1405 йиллар мобайнида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва Темурийлар давлати қўшининнинг тузилиши, қўшни ва бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлар, халқаро муносабатлар ҳақида оригинал

---

[256] Низомул-Мулк. «Сиёсатнома». Тошкент: Адолат, 1997. 9-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумотлар берилади. Бу ажойиб асарни мутахассис сифатида эмас, оддий ўқувчи-китобхон сифатида ўқиган тақдирда ҳам ўша замон ва давр билан ҳамдаму ҳамнафас бўласан, киши. Бу, муаллифнинг маҳоратидан, чуқур билимдон эканлигидан дарак беради. Унда Амир Темур ўз давлат арконининг асосий таянч ижтимоий тоифаларини санаб беради. Бу ниҳоятда қизиқарли, шу билан биргаликда давлатчилик тамойиллари учун ҳам ўта муҳим. Зеро. ҳар қандай демократик жамиятда ҳам давлатнинг таянч асослари мавжуд бўлиши керак.

Амир Темурнинг бу асарини илмий-тарихий қиммати ҳақида рус олими Д.Логофет: «Европада конституция ҳақидаги тушунчага эга бўлмаган бир даврда, ана шу Темур давлатида Конституцион қонунлар мажмуаси – Тузук мавжуд бўлган ва амал қилган»,[257] -деб таъкидлайди. «Темур тузуклари» - бу Темур давлатининг сиёсий тарихи ҳисобланади.

Бу асар жуда катта илмий-тарихий қимматга эга бўлганлиги учун унинг нусхалари Россия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция, Германия, Дания ва бошқа давлатларнинг кутубхоналаридан жой олган.

Асар тарихий воқеаларга жуда бой бўлиб, улар ҳақида битта маъруза ёки мақолада батафсил ва атрофлича маълумот бериш мураккаб, шуни ҳисобга олиб бир-икки тафсилот билан чекланамиз, холос. Асарнинг ҳар бир жумласи, келтирилган далиллар у ёки бу маълумот ватан тарихининг маълум мавзу ёки муаммосини ечишга хизмат қилади, масалан, 1. Асарда «турк-тожик» ибораси биринчи ва иккинчи мақолаларда учрайди. Бунда Темур ва Темурийлар давлатига қарашли ўлкаларда туркий халқлар билан ёнма-ён тожиклар ҳам истиқомат қилганликлари, улар ҳам бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум даражада аҳамият касб этганлиги кўриниб турибди.

2. Амир Темур фаолиятининг дастлабки даври баён қилинган бобда «ўзбеклар», «ўзбеклар жамоаси» деган иборалар учрайди. «Тузук»ларда айтилишича, улар ўша вақтларда ҳам Мовароуннаҳрда истиқомат қилганлар, маҳаллий аҳолига жабр-ситам ўтказганлар ва Темур уларга қарши курашган. Бу ерда Ботухон замонида (1227-1255) 1251 йилдан бошлаб, Чиғатой улусининг ғарбий қисми (Мовароуннаҳр) Олтин Ўрданинг ҳарбий-сиёсий таъсирига тушиб қолган кезларда Дашти қипчоқдан шу ўлкага кўчиб келиб қолган уруғлар ва қабилалар хусусида гап боради. Маълумки, Дашти қипчоқ аҳолиси, аниқроғи, унинг Оқ Ўрда ва Шайбон улусида истиқомат қилган қисми XIV-XV асрларда ёзилган тарихий асарларда «Ўзбек»

---

[257] Сомон йўли. Тошкент: Камалак, 1992. 72-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

номи билан аталган. Аммо шуни унутмаслик керакки, ўзбеклар ҳам Ўрта Осиёдаги бақтрияликлар, суғдийлар, хоразмликлар ва парканаликлар билан биргаликда қадимий халқдир.

Биринчи навбатда Амир Темур ва Темурийлар тарих фанига жуда катта эътибор билан қараганлар. Амир Темур ўз салтанатида илм-фанни ривожланишига катта эътибор берган, пойтахт Самарқандда илм аҳлини тўплашга ҳаракат қилган, шу жумладан, тарихчиларни ҳам. Тарихнависликда Шарқда донг таратган Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар Темурийлар паноҳида ижод қилдилар, улар ҳақида ҳам тарихий асарлар яратдилар.

АМИР ТЕМУР САҒАНАСИ ОЛДИДАГИ ҚАСАМЁД

Ш.Ҳайитов, доц. БухДУ.

Амир Темур шахси, унинг беқиёс таҳсинга сазовор фаолияти қирралари ҳақида истиқлол йилларида ўнлаб асарлар яратилди ва илмий татқиқотлар эълон қилинди. Темуршунослик соҳасидаги изланишлардан аён бўлдики, ўз Ватанининг озодлиги ва истиқлоли учун курашган Соҳибқирон туркий халқлар шон-шуҳратини жаҳонга танитишда ҳам беқиёс ҳисса қўшган.

Ҳақиқатдан ҳам халқимизнинг фахри ва ғурури бўлган "адолатли подшоҳ" (Макиавелли), "кучли фаолияти билан халқларга эркинлик берган" (К. Морло). Соҳибқирон Амур Темур қадами қаерга етмасин, ўша жойда ўзидан бирор-бир из қолдирганди. Шимолий Кавказнинг Доғистонида "Темурхон шур" номи билан аталувчи жой мавжуд. Маҳачқала шаҳридан 30 км масофада жойлашган қишлоқлардан бири ҳозирда ҳам "Темур қоя" номи билан аталади. Россиянинг Темур қадами етган Липецк вилоятига қарашли Елец шаҳрида Соҳибқирон шарафига дубулғасимон ибодатхона қурилган. Бунёдкорлик билан боғлиқ Амур Темур фаолиятига тегишли ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Амир Темур XIV – XV асрлар чегарасида яшади. У ўз Ватанини босқинчилардан озод қилиш йўлида журъат ва жасоратини, куч ва қудратини, салоҳият ва қобилиятини аямади. Озод ва мустақил юрт барпо этиш унинг олий мақсади эди. Улкан давлатга асос солган Соҳибқирон юрт фаровонлиги, тинчлиги, халқнинг эркин яшаши учун умрининг охиригача кураш олиб борди. Шундан бўлса керак Амир Темур яшаган тарихий даврдан 5 асрдан ортиқ вақт ўтсада унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тимсоли кейинги авлодлар учун озодлик, мустақиллик йўлидаги курашларда йўлчи юлдуз ва маънавий мададкор бўлиб келди. Амир Темурдан сўнг Туркистон кўплаб босқинлар ва зўравонликларнинг гувоҳи бўлди. Ажнабийлар босқинига қарши кураш майдонига озодлик шиори билан кирган аждодларимиз барча тарихий даврларда Амир Темур руҳидан мадад сўрадилар. Амир Темур узоқ асрлар масофасидан туриб миллатимиз қаҳрамонларига маънавий дарддош бўлди десак, хато қилмаймиз.

Совет мустабид тузумининг бедодликлари ва империячиликка асосланган буюк давлатчилик сиёсати туфайли XX асрда миллионлаб ўзбек миллати вакиллари хорижий мамлакатларда муҳожирликда яшашга маҳкум этилди. Ўнлаб давлатлар бўйлаб тарқалган миллатдошларимиз ўзга ерларда Ватан соғинчи ва унинг озодлиги орзуси билан яшадилар. Улар соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврдаги юртимиз шон-шуҳрати ва озодлиги кунлари келишини яратгандан илтижо қилиб сўрадилар. Амир Темурдан маънавий мадад олиш мақсадида "дунё юраги" деб ном олган АҚШ нинг Нью-Йорк шаҳрида ўзбек жамоалари зич яшайдиган маҳаллалардан бири "Амур Темир" номи билан аталди. (ЎзР МДА, Р–2822–Ф, 1–Р; 28– ҳ, 103- в).

Бир қатор муҳожир ўзбеклар озодлик ва мустақиллик ғояларини тарғиб қилишга қаратилган бадиий асарларида Амир Темур шахсини алоҳида қайд қилдилар. АҚШ лик ўзбек Эргаш Булоқбоши Шерматов (1910 йилда туғилган) Ватан соғинчи билан йўғрилган "Бир зум хаёл сурганда" номли шеърида:

Хаёлимда юрт боғида жўяклар қаздим,
Янги мева, гул кўчатлар ўтқазмоқ учун,
"Туркистон ҳур" деган сўзни алвонга ёздим,
Ҳилпирарди миллий байроқ ҳар ёнда шу кун
Хаёлимда Ўш, Андижон, Чимкент ҳам Тошкент
Хива, Қашқар, Бухорони сайр этиб чиқдим.
Амир Темур давлатининг тахти Самарқанд,
Барчасида гўзалликни кўрдим, севиндим

Каби мисраларни битган. (Эргаш Шермат Булоқбоши. Эрта албат бизники // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". 1993 йил, 1 январ).

Булоқбоши Ватан озодлиги ва ҳурлигини Амир Темур шахси билан уйғунликда ифодалаётганлиги бобокалонимизнинг тарихий хизматларини эътироф қилинишидан далолатдир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон Миллий Бирлиги қўмитаси (ТМБқ) аъзоларидан бири бўлган узоқ йиллар муҳожирликда яшаб, унинг машаққатларини бошидан кечирган Хушнуд Абдулланинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

1944 йил ёзида ёзган, озодлик ва мустақилликни тараннум этувчи "Эришайлик орзуларга!" номли шеъридан:

Тарих айтсин тенглашганлар бўлдими ҳеч биз ила,
Темуримиз солмадими ер юзига зилзила.
Сайёралар илмин очган чоғда бизнинг Улуғбек
Дунёдаги олимларнинг бари қолмабдими тек;
Куй тўкканда юрагининг чашмасидан Навоий
Эмасмиди ҳар бир куйи касалларга давоий

каби мисраларни ўқиймиз (Husein Ikram Xan. Bir Turkistanlilin 2 Dunya Savasi Hatiralari. Istanbul, 1999. S. 131)

Мазкур мақоламиз сарлавҳаси мазмунини ифодалайдиган воқеа тафсилоти эса XX асрнинг суронли ва зиддиятларга тўла 20-йиллар даври тарихи билан боғлиқ. 1922–1923 йилларда Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР, 1920–1924 й.) ҳукумати 70 нафардан ортиқ ёшларни Германияга таҳсил олиш учун юборган.

Германияга ўқиш учун йўлга чиққан бухоролик талабаларни сафар олдидан республика маорифи нозири, профессор Абдурауф Фитрат шахсан ўзи Самарқанд шаҳрига олиб боради. Германия ўқув юртларида ўқиш бошлаши керак бўлган ёшлар Фитрат гувоҳлигида Амир Темур саганаси олдида қасамёд қиладилар. Фитрат йиғлаб туриб бўлажак талабалардан бири Вали Қаюмхонга (1902–1993 й.й.): "Сен Ватанингдан узоққа кетаяпсан, шундай вазиятлар бўладики, сен халқингни, юртингни эсдан чиқаришинг мумкин. Шунинг учун шу юртга, шу элга ҳамиша содиқ қолишга қасам ич! Ҳозирги сиёсатга аралашма, бу элга илм керак, сен унга ўша ёқлардан илм олиб кел!" – мазмунида насиҳат қилади. (Усмонхўжа ўғли Темурхўжа. Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда //"Муносабат". 1990йил, 30 ноябр)

Амир Темур саганаси олдида Ватанига илм ва маърифат олиб келишга улуғ саркарда номи билан қасамёд қилган бухоролик талабалар ўз қасамёдларига содиқ қолишди. Бироқ "Халқ Республикалари" тугатилиб, миллатпарвар раҳбарлар ва зиёлиларни қатағон қилиш бошланиши, талабаларни мажбуран ўз юртига қайтарилиши туфайли кўпгина собиқ талабалар ноҳақ қурбон бўлдилар. Хорижда жонларини сақлаб қолган 14 – 16 сонли собиқ бухоролик талабалар Амир Темур номи билан қилган қасамёдларини оқлаб фан докторлари, профессорлар даражасига эришдилар. Улар, асосан Туркия Республикасининг олийгоҳларида қишлоқ хўжалиги, минерология, социология, сиёсатшунослик, иқтисод, техника фанларидан талабаларга таҳсил бердилар ва илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Бухородан Афғонистонга ўтиб, сўнгра Туркия

www.ziyouz.com kutubxonasi

Республикасида муқим яшаб қолган бошқирд миллатининг вакили Заки Валидий Тўғон Амир Темур ва Темурийлар тарихига бағишлаб 30 дан ортиқ асар ва мақолалар ёзди.

Бугунги кунда хорижлик миллатдошларимиз ва олимларнинг темуршунослик соҳасидаги фаолиятини ўрганиш, Амир Темур тарихи билан боғлиқ. Улар асарларини республикамиз нашрларида чоп этиб, халқимизга танитишдек вазифалар олдимизда турганлигини унутмаслигимиз керак.

КЛАВИХОНИНГ "БУЮК ТЕМУР ТАРИХИ" КУНДАЛИГИДА САМАРҚАНД ТАСНИФИ

М.Аҳмедова,
М.Орзиев. БухДУ.

Амир Темур (1336-1405 йиллар) ўз давлати тараққиётининг асосий тамойилларидан бири – хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ ва ўзаро элчилик алоқаларини ривожлантиришда деб билди. Буюк саркарда ҳукмронлик қилган йилларда Ғарбнинг Англия, Франция, Испания (Кастилия) каби мамлакатлари билан элчилик,савдо-сотиқ, ҳамда мактубий алоқалар ўрнатилди. Айниқса, Кастилия қироли Генрих III де Трастамара (1390-1407) билан бўлган элчилик муносабатлари тарихда чуқур из қолдирди. 1402 йилнинг баҳорида ўз саройига элчи бўлиб келган испан қироли вакилини қабул қилган Соҳибқирон уларга қўшиб ўз элчиси Муҳаммад қозини Генрих III ҳузурига юборади. 1403 йилнинг 21 майида Испания қироли иккинчи бор махсус элчихонасини Амир Темур саройига юборади. Ушбу элчихона таркибида Гонсалес де Клавихо, Аланзо Пайез, Гомез Себезар каби ўз даврининг сиёсатчи ва дипломатлари бор эди. Фикримизнинг асосий баёнига келишдан олдин XIV аср охири – XV аср бошларидаги Кастилия қироллигининг аҳволи ҳақида бир қадар тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Кастилия-Пириней ярим оролининг 5/3 қисмини ўзида бирлаштирган бўлиб, унинг таркибида ўнлаб шаҳарлар мавжуд эди. Кастилияни "қалъалар мамлакати" деб аташган. Унинг Севилья, Сантяго, Тамдо, Медина дель Камно каби шаҳарларида ҳар йили икки марта (баҳорги ва кузги) ярмаркалар бўлиб, уларда Мовароуннаҳр савдогарлари ҳам иштирок этганлар. Испан элчилари Р.Г. де Клавихо бошчилигида уч йил (1403-1406) Мовароуннаҳрда бўлишган. Клавихо саёҳати ва элчилиги давомида ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни кундалик дафтарига ёзиб борган. Клавихонинг таассуротлари бугунги кунга қадар "Буюк Темур

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихи", "Темурбек саройига саёҳат", "Темур қароргоҳи", "Самарқандга саёҳат кундалиги" каби номлар билан бир неча бор турли тилларда чоп этилди. Ушбу "Кундалик" узоқ вақт европалик темуршунос татқиқотчилар учун бирдан-бир асосий ёзма манба бўлиб келди.

Гонсалес де Клавихонинг асари айрим қусурлардан ҳоли бўлмасада, Амир Темур шахси ва даври ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишимизда ёрдам беради. Клавихо Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқандни Шарқ ва Ғарб дунёси билан боғловчи савдо-сотиқ йўллари ҳақида маълумот беради. Темур ўз давлатининг марказини ободонлаштириш, янги қурилишлар билан кенгайтириш ишига катта эътибор қаратган. Шаҳарнинг муҳташамлиги ва кўркамлигини таъминлашда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб уста–ҳунармандлар, сангтарошлар меҳнат қилишган. Клавихо ваколатхонаси даставвал, Самарқанд атрофидаги "Мисрия" қишлоғига келиб жойлашади. Испан элчилари билан бирга Самарқандга Миср ва Туркия элчилари ҳам ташриф буюрган эди. Ўша кунларда Самарқанднинг ғарб ва шарқ қисмларини бирлаштирувчи савдо расталарини қуриш ишлари авж олдирилганди. Чунки шаҳарга кунора хориж савдогарларининг турли моллар юкланган карвонлари келиб турарди. Г.Клавихо: "1404 йил июн ойида Хонбалиқ (Пекин, Хитой) шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо карвони Самарқандга кириб келди", – деб маълумот беради.

Маълумки, Амир Темур ўз саройи маликаларининг номи билан Самарқанд атрофида йирик мевали боғ майдонлари барпо этди. Испан элчисини Самарқанд шаҳри атрофининг боғ ва узумзорлар билан ўраб олинганлиги ҳам эътиборсиз қолдирмади. У "Кундалик" да Самарқанд атрофидаги боғларнинг узунлиги айрим ҳудудларда 1,5 лиг гача (1 лиг – Европа ўлчов бирлиги бўлиб, 4 км ни ташкил этади, демак бу 6 км бўлади) чўзилганлигини ҳайрат ва ҳавас билан ёзади.

Самарқанд шаҳрининг кўркини дунёга тараннум этишда Соҳибқирон қароргоҳлари ҳисобланган Кўксарой ва Бўстонсарой ҳам муҳим роль ўйнаган. Амир Темур ўз қароргоҳида Г.Клавихо билан бирга Шарқ ва Ғарбнинг кўпгина элчиларини қабул қилар экан, ушбу жараён баёни ҳам испан элчисини эътиборсиз қолдирмайди. Венгер олими Ҳерман Вамберининг ёзишича, Г.Клавихо Амир Темур қабулхонасида бўйи 1,5 метр атрофида бўлган "олтин дарахт"га кўзи тушган. Ушбу дарахтнинг мевалари эса Амир Темур ҳарбий юришлари даврида турли мамлакатлардан олиб келинган 25 минг дона олтин жавоҳирлар бўлган. "Темурбек саройига саёҳат" кундалигида 1404 йил 9 октябрда Амир Темур ўзининг 6 неварасини тўй қилганлиги,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тантаналарда хориждан келган элчи ва савдогарлар иштирок қилганлиги билан боғлиқ лавҳаларда ҳам Самарқанд шаҳрининг бетакрор гўзаллиги мадҳ этилади. Шаҳар атрофидаги Конигил мавзесининг жаннатмаконлиги, тўкин-сочинлик, аҳоли фаровонлиги ва арзончилик каби жиҳатлар испан элчисини лол қолдирган.

Хуллас, ўзининг гўзал табиати, узоқ ўтмишдан хабар берувчи тарихий обидалари билан дунё сайёҳларини бугунги кунда мафтун қилиб келаётган Амир Темур пойтахти бўлган Самарқанд шаҳри бундан олти аср олдин ҳам испан элчилари каби европаликларни ўзига ром этган эди.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КУРАШИ

Б.Болтаев, БухДУ.

Амир Темур бошқарган давлат ва унинг ташқи сиёсати, дипломатик алоқалари хусусида қатор асарлар мақола ва рисолалар эълон қилинган. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов айниқса, жонбозлик кўрсатганлар. Чунки, Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни оёқ ости қилган шўро мафкурасининг ғоявий тазйиқидан кейин бу хайрли ишга айнан у кишининг бошчилик қилиши туфайли «Соҳибқирон сиймосини мамлакатимизга, халқимизга қайтарди». «Бундан 600 йил аввал давлат бошқарган бобокалонимиз ҳеч бир давлат қўшни давлатлар билан ўзаро алоқа қилмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда ҳамкорларсиз истиқболи бўлмаслигини яхши англаган». Амир Темур бошқарган давлат вужудга келиши арафасида унга қўшни бўлган ҳудудларда ниҳоятда мураккаб сиёсий жараёнлар кечган. Ўрта ва Яқин Шарқда курдлар (Ҳирот), сарбадорлар (Сабзавор, Нишопур, Астробод, Машҳад), музаффарийлар (Форс, Кирмон, Курдистон), жалоирийлар (Ироқ, Озарбайжон, Арманистон, Ғарбий Эрон) яна бир қанча вилоятларда кичик-кичик маҳаллий сулолалар ўзаро кураш олиб борар эдилар.

Бу даврда Европада ҳам мураккаб сиёсий вазият юзага келган бўлиб, марказлашган давлатлар вужудга келаётган эди.

Италия, Франция, Англияда марказлашган ҳокимият тузиш учун кураш кучайиб, бу давлатлар бир-бирлари билан тинка-мадорни қуритадиган урушлар олиб бораётган эдилар. 1337 йилда бошланган ва тўхтаб-тўхтаб давом этган Англия ва Франция ўртасидаги уруш 100 йилдан ортиқ давом этди. Германия, Испанияда ҳам сиёсий тарқоқлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм сурар эди. Англия-Испания, Испания-Португалия ўртасида зиддиятлар кучайган эди. Бундан Усмонийлар салтанати усталик билан фойдаланди.

Соҳибқирон ҳам ҳокимиятга келгач, ўз давлатининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш учун унга хавф солиб турган ташқи омилларга қарши кураш олиб борди. Мўғулистон худди ана шундай хавфли ўчоқ эди, шунинг учун Амир Темур 1370-1391 йиллар мобайнида бир неча марта Мўғулистонга юриш қилиб, у ердаги сиёсий кучларга зарба бериб, ўз салтанатига бўладиган хавфга барҳам берди.

Унинг Мўғулистон ва Олтин Ўрда билан жанги вақтида кучайиб бораётган курдлар элчилар алмашиб, муносабатларни яхшиламоқчи бўлдилар. Улар сардори Ғиёсиддин Пир Али «мен сизнинг қулингизман, агар ҳазрат фарзандим Пир Муҳаммадни хизматкорлари қатори қабул этишга илтифот айласалар-биз учун ифтихор бўлур эди»,- деб таъкидлайди. Бундан сўнг Темур синглиси Ширинбека Оғанинг қизи Суюнч Қутлуғ Оғанинг Ғиёсиддиннинг ўғлига турмушга бериб, қариндошлик ва дипломатияси туфайли Хуросонда ўз мавқеини мустаҳкамлашга уринди.

Соҳибқирон ҳар қандай тадбирни кенгаш, маслаҳат, машварат ва дипломатия йўли билан шароитдан келиб чиққан ҳолда белгилар эди. Жумладан, 1385 йил Тўхтамишхон Озарбайжонга қўшин тортиб уни талайди. Соҳибқирон бирор тадбир қўлламайди, у вақтинча ён беришга мажбур эди, чунки у ҳали Тўхтамишга зарба беришга тайёр эмас эди. Кейичалик Тўхтамиш қўшинларига Мироншоҳ зарба беради. Темурнинг буйруғи билан асирлар озод қилиниб, совға-саломлар билан юртларига жўнатилади. Бу сиёсат билан Амир Темур Тўхтамишхонга нисбатан халқининг нафратини уйғотишга эришди. Ана шу тариқа ўз душманларини тор-мор қилгач, Йилдирим Боязидга қарши курашишга тўғри келди. Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур» романида икки ҳукмдор орасидаги ёзишмаларда Соҳибқироннинг буюк дипломат, ақлли ва фаросатли, оғир, вазмин ҳукмдорлиги уқтирилади. Темур мактубларининг бирида, у Боязидга Қора Юсуф ва Султон Аҳмад Жалойирни тутиб бериш ҳақидаги талабига Боязид охирги мактубида шундай деб ёзади: «Яхши билгилким, бизни тезлашга сўзлаґувчининг ўзи тезланиб келсин. Агар келмасанг хотинларинг уч талоқ бўлсин; агар сен келсангу мен сен билан кўришмай қайтсам, менинг хотинларим уч талоқ бўлсин». Амир Темур Боязиднинг барча қўполликларига чидаган бўлса-да, бу ҳақоратга чидай олмайди. Қалбан мусулмон бўлган ҳукмдор учун бу оғир ҳақорат эди. Буни, ҳатто Ғарб тадқиқотчиси Хилда Ҳукхем: «Усмоннинг ўғли ақлдан озибди, вайсоқи. Хотинларнинг номи тилга олинган номага муҳр босипти-я»,-

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб таъкидлайди. Демак, Анқара жангида бош айбдор Боязиддир. Амир Темур тузган салтанатнинг ташқи сиёсатида Европа давлатлари билан муносабатларга алоҳида эътибор берган. Бир томондан Хитой, Ҳиндистон, бир томондан Франция ва Англия яна бир томондан Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва бу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган. Амир Темур Боязид устидан қозонилган ғалабаси муносабати билан Франция қироли Карл VI юборган табригига жавобан Соҳибқироннинг жавобида шундай дейилади: «Бизнинг истагимиз–сизнинг саломатлигингиз устувор бўлсин; сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин».

Амир Темур ташқи сиёсатда амал қилган тамойилларга тўхталиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунимиз билан ҳамоҳанглигини кўрамиз.

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАЪЛИМ

Р.Толибов, доц. НДПИ.

«Темур тузуклари»га назар ташласак, Соҳибқироннинг илм-фан равнақига эътибор бериш, илм толибларига алоҳида ҳомийлик кўрсатиш ҳақидаги фармонларига кўзимиз тушади. Дарҳақиқат, Амир Темур ўз мамлакатининг тараққиётига, ижтимоий барқарорликни таъминловчи омилларга қанчалик эътибор қилган бўлса, ундаги таълим тизимига, ёш авлод тарбиясига ҳам шунчалик ғамхўрлик кўрсатган. Унинг ҳомийлиги туфайли мамлакатда муҳташам бинолар, мадрасалар қурилган. Шу улуғ даргоҳда хизмат кўрсатаётган уламою алломаларга фаолият кўрсатиш учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Соҳибқироннинг юқоридаги айтиб ўтилган фазилатлари темурийзодаларга айниқса, Мирзо Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, Иброҳим Мирзо, Бобур ва бошқаларга ўтган бўлса, ажаб эмас. Ҳусайн Бойқаро замонида Алишер Навоий қурдирган мадрасалар фикримизнинг исботидир. Хусусан, Мирзо Улуғбек замонида унинг ўзи томонидан Бухорода (1417), Ғиждувонда (1433) мадрасалар, Самарқандда мадрасаи олия мажмуасини қурдирганлигига тарих гувоҳдир. Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, мадрасалар нафақат меъморий иншоатларгина бўлиб қолмай, балки таълим–тарбия, илм маскани эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Буни Бухоро мадрасасига кирадиган дарвозанинг ўнг табақасига «Илм талаб қилиш (ўрганиш) барча муслим ва муслималарга фарздир» ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

настаълиқ хати билан шу дарвозанинг биринчи ҳалқасида «Китобий билимга интилувчилар учун Оллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очиқдир» ёзувидан ҳам билса бўлади. Дарҳақиқат, Улуғбек маърифатли инсонгина жаҳолат ботқоғидан қутулиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши мумкинлигини яхши англаган. Фақат ўзигина эмас, балки аркони давлатнинг ҳам маърифатли, маълумотли бўлишини истаган. Мирзо Улуғбек ва ундан кейинги замонларда ҳам мадрасалар нафақат илм маскани, балки ахлоқ-одоб, бошқача айтганда, уларнинг таълим-тарбия даргоҳи бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Мадрасаларда ўқув дастурлари – нақлия, улуми ақлия ва адабияга дахлдор фанлар ўрин олган. Улуми нақлия гуруҳига қуйидаги илмлар киритилган: Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва фиқҳни чуқур ўрганиш, араб тили сарф (морфология) ва нахви (грамматика);

Улуми ақлияга дахлдор фанлардан фалсафа, мантиқ, хандаса (математика), хайъат (астрономия), ал-жабр (алгебра), риёзиёт ва бошқа фанлар;

Адабия гуруҳига шеърият назарияси, бадиий адабиёт намуналари, яъни Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон»и, Ҳофиз Шерозийнинг девони, шунингдек таниқли араб шоир ва адиблари асарларини ҳам мутолаа қилганлар.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мадрасаларда фақат ҳафтанинг тўрт куни - шанба, якшанба, душанба, сешанба дарс ўтказилиб, икки кун - чоршанба ва пайшанба кунлари толиби илмлар мустақил мутолаа қилишган. Ҳафтанинг жума куни (бозор) дам олиш куни ҳисобланган.

Мадрасаларда ўқиш жараёни турлича белгиланган. Масалан, Улуғбек мадрасаи олиясида бир ўқув йили 7 ой давом этган. Ўқув йили мезон ойининг биринчи куни (21 сентябр) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи кунида (21 март) тугаган. Ҳамал ойидан (21 мартдан) мезон ойигача (21 сентябргача) бўлган муддат, яъни март ойининг охиридан, апрел, май, июн, июл, август ойлари ва сентябрнинг 21 кунигача таътил ҳисобланган. Бу даврда толиби илмлар турли ишлар (деҳқончилик, ҳунармандчилик, масжид имомлиги ва бошқалар) билан шуғулланганлар. Айрим талабалар эса мадрасаи олияда қолиб, мустақил ўрганишни давом эттираверган.

Мадрасаларда таълим олиш муддати ҳам ҳар хил бўлган. Агар Улуғбек мадрасаи олиясида ўқиш муддати саккиз йил бўлса, бошқа мадрасаларда 6-7 йил давом этган.

Мадрасаи олияни битирганларга бош мударрис томонидан тасдиқланган ижозатнома – диплом берилган. Бу ҳужжат эса унинг эгасига бошқа шаҳар ва ўлкалардаги мадрасаларда дарс бериш –

www.ziyouz.com kutubxonasi

мударрислик қилиш ҳуқуқини берган.

Улуғбек мадрасаси асрлар давомида мусулмон Шарқида донг таратган олий билим маскани бўлиб келди. Мадраса биноси таълим-тарбия, маърифат ва илм мақсадларини кўзлаб бунёд этилганлиги учун ҳам уни яратган меъморлар талабаларга билим ва тарбия бериш масаласини комплекс ҳал қилишда: таълимот ва илм маскани гўзал санъат асари тарзида – ғоят мафтункор меъморий муҳит маскани кўринишида яратишган. Улуғбекнинг Бухоро ва Ғиждувондаги қурган мадрасалари ҳам Самарқанд мадрасаларидек тўғри тўртбурчак тархга ва чорси ҳовлига эга. Лекин, Самарқанд мадрасасига нисбатан кичик бўлса-да, улар ҳам анча мукаммал ишланган. Ҳовлилар икки муқобил айвонли, Бухоро мадрасаси икки қаватли ҳужралар билан, Ғиждувон мадрасаси эса бир қаватли қилиб қурилган. Мадрасаларда дарсхоналар, масжид, китобхоналар, ҳужралар, айвонлар, миноралар бор. Мадрасалар ҳовлиси берк, лекин ўзига хос жозибадор қилиб безатилган. Тарихий маълумотларга кўра Бухородаги Улуғбек мадрасасининг бош меъмори исфахонлик меъмор уста Тоҳир ўғли Исмоил бўлган.[258]

Улуғбек мадрасаи олиясида 100 нафар толиби илм бўлган. Мадраса икки қаватли бўлиб, унда 55 та ҳужра бор. Биринчи қават суҳбат ва мутолаа ўрни бўлиб, иккинчи қават ётоқхона бўлган. Бир ҳужра икки толиби илмнинг ётиши учун мўлжалланган. Ҳар бир ҳужранинг кириш эшиги устида илм ўрганишга, ахлоқ-одобга ташвиқ этувчи оят ва ҳадислар гўзал настаълиқ хати билан ёзиб қўйилган. Жумладан, «ал–илму изз–ал–дин в–ал–охирати» ва ҳоказо.

XV асрнинг 70-йилларида Хожа Аҳрор мадрасаси (Мадраса–йи сафед) ҳам халқа илм–маърифат тарқатишда етакчи мадрасалардан ҳисобланган. Абутоҳирхожанинг «Самария» асарида шундай сўзларни ўқиймиз: «Хожа Аҳрор билим эгаларини севар, унинг мажлиси ҳамиша олим кишилар билан тўла эди. Шу сабабли илм аҳлари учун у ерда (Сўзангарон мавзеида) бир олий мадраса солдирди»[259]

Хожа Аҳрор мадрасаси ўқув дастуридан, асосан нақлия илмларига оид фанлар ўрин олган. Мадрасада Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари дарс ўтган, толиби илмлар, хусусан, «Волидия» рисолаларидан ўқув қўлланма сифатида фойдаланишган.

Амир Темур даврида унинг амирларидан бири Идигу Темур мадрасаи олияси XIV асрнинг охирги чорагида энг салоҳиятли мадрасаи олия сифатида фаолият кўрсатган. Шу жиҳатдан унинг салоҳиятини, салмоғини, мавқеини белгилашда ўз ҳиссаларини қўшган

---

[258] Ўролов А., Сувонқулов И. Алломалар олами. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 11-бет.
[259] Абу Тоҳирхожа ва бошқ. Самария. Тошкент: Камалак, 27-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айрим мударрис ва толиби илмлар билан танишиш мақсадга мувофиқ кўринади. Машҳур мударрислари: Саъдиддин Масъуд ибн Умар ал-Тафтазоний, Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний, Шайх Абу Саййид ибн Бурхониддин Согаржий ва бошқалар. Мадрасада таълим олиб, машҳур бўлган алломалар: Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Дамашқий, Хожа Фазлуллоҳ Абу Лайсий Самарқандий, Идигу Темур мадрасасининг мударрислари эдилар.

Темурийзода Муҳаммад Султон мадрасаси Самарқанднинг ғарбида соҳибқирон Амир Темур томонидан қурилган Арк–Кўксаройга яқин Руҳобод мақбарасининг жанубида Тошқўрғон – Чакар деб аталувчи мавзеида жойлашган. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида мадрасани қурган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда қуйидаги ишонарли маълумотни келтиради: «Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг Тошқўрғонида – Чакарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин кимки, Самарқандта подшоҳлик қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур».[260] Аммо, мадрасанинг тузилиши, ҳажми ва бошқа хусусиятлари, жумладан, мударрис ва толиби илмлари (ақалли Бобур кўрган даврдаги ҳолати) ҳақида негадир индамаган. Муҳаммад Султон мадрасаси ҳажми унча катта бўлмаган ҳовлининг шарқий томонида, пештоқи кун ботар томонга қаратиб қурилган. Ҳовлининг кун ботарида, мадрасага юзма-юз тарзда хонақоҳ қурилган. Мадраса ва хонақоҳнинг оралиғида–шимол томонда муҳташам кириш эшиги бор. Ана шу дарвоза–киришнинг пештоқида мадрасанинг меъмори Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний экани гўзал настаълиқ хати билан ёзиб қўйилган. Қайд қилинганидек, мадрасанинг вақфномаси ҳозирча номаълум. Шунинг учун унинг мударрис ва толиби илмларининг таркиби ҳақида, шунинг билан бирга ўқув дастури тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Мадрасанинг Самарқанд Арки - Кўксаройга яқин жойда бўлгани, ҳажмининг эса бошқа мадрасалардан кичиклиги ва бир қаватли бўлганлигини назарда тутиб, меъморий ёдгорлик тарихининг зукко билимдони ЎзР ФА академиги Г.А.Пугаченкова шундай мулоҳазани ўртага ташлайди: мазкур мадраса амир ва амалдорлар хонадонининг фарзандларини давлат маъмурияти ва ҳарбий бошқарув учун зарур бўлган мутахассисларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган кўринади. Шунинг билан бир қаторда, бизнингча, бўлажак давлат маъмурияти ходимлари ва лашкар бошқаруви билан шуғулланадиганларга улуми наклиядан ҳам чуқур билим олишлари назарда тутилган кўринади.

---

[260] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989. 45–бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур даврида Самарқанднинг садри лавозимида ишлаган мавлоно Қутбиддин маърифатли уламолардан бўлган. Мавлоно Қутбиддин соҳибқирон Амир Темурнинг масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуришга доир фармонларига амал қилиб, Самарқандда бир олий мадраса қурдирган ва у мадрасаи Қутбиддин садр номи билан машҳур бўлган. Бизга маълум бўлган манбаларда мадраса Самарқанднинг қаерида, қайси йилда қурилгани ҳақида маълумот учрамади. Ҳозирги кунда эса мадраса биноси сақланган эмас.

Амир Темурнинг машҳур амирларидан бири Ферузшоҳ бўлиб, у ҳам Соҳибқироннинг масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш ҳақидаги буйруғини амалга оширишга киришган амирлардандир. Амир Ферузшоҳ ҳозирги Регистон майдони ва ўзи қурдирган дарвозаи Ферузшоҳий оралиғидаги мавзеда бир мадраса қурдирган. Бу мадраса XIV асрнинг охирларида қурилган кўринади. Аммо, унинг ўзи сақланмагани каби ўқув даргоҳи сифатидаги фаолияти ҳақида ҳам маълумот сақланмаган.

Улуғ амир, адолатли ва ҳиммати баланд нўён Шоҳмалик (вафоти 1426 йил) Амир Темурнинг эътиборли амирларидан бўлиб, 1405-1411 йилларда Мирзо Улуғбекнинг отабеги, 1413-1426 йилларда эса Шоҳрух Мирзонинг Хоразмдаги ҳокими вазифасида ишлаган Амир Шоҳмалик Мирзо Улуғбек отабеги сифатида 1409-1411 йилларда Самарқандни бошқарар экан, худди шу даврда бир мадраса ҳам бино қилдирди. Мадраса шаҳарнинг қайси қисмида жойлашгани, унинг таркибига кирувчи иншоатлари ҳақида маълумот йўқ. Ҳозирги кунда мадраса биноси ҳам, унинг вақфномаси ҳам сақланмаган. Аммо манбаларда хабар берилишича, бу мадраса Мирзо Улуғбек даврида анча нуфузли ва машҳур мударрислар билан таъминланган мадрасалардан саналган. Мадраса қурилган вақтда Самарқандда бўлган Қозизода Румий 1417 йилда Мирзо Улуғбек таклифи билан Самарқандга келган мавлоно Қиёсиддин Жамшид Кошийлар Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олияси қурилиб, ишга тушгунга қадар (1420 йил) амир Шоҳмалик мадрасасида мударрислик қилганлар.

Ҳар бир мадрасанинг ўзида турли фанларга оид нодир китоблар бўлиб, улар кутубхоналарда сақланган. Бу кутубхоналарда китоблар вақф қилиш, туҳфа қилиш ҳамда мударрис ва талабаларнинг ўзлари кўчирган нусхаларни сақлаш йўллари билан бойитилган. Тарихий манбалар шуни тасдиқлайдики, Амир Темур девонида мавлоно шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандкор Термизий, Йўл Қутлуғ, Амир Муҳаммад Бадриддин, Хожа Абдулла Кеший каби ажойиб хаттот ва дабирлар ҳам фаолият кўрсатганлар. Амир Темур кутубхонаси айрим тарихий манбаларда кўрсатилишича, Самарқанддаги Кўксаройда жойлашган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

лекин бу фараз, тахмин. Шунингдек, ишонч билан айтишимиз мумкинки, Амир Темур кутубхонасида Қуръони карим ва унга бағишланган тафсирлар, Ҳадиси шарифнинг ишончли тўпламлари, фиқҳ, фалакиёт, муҳандислик, тиббиёт, нужум, жўғрофия, фалсафа, тарих, мантиқ, тилшунослик ва адабиётга оид асарлар сақланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур бош девонида «Манзумаи турк» асари тузилган. Ушбу асар ёзилаётганда Темурнинг ўзи ўқиб чиқиб, тузатишлар киритган. Айрим содир бўлган воқеа ривожига ишончсизлик билан қараб, ўша ерга одам юбориб масалага ойдинлик киритган. Воқеаларнинг хронологик тартибда ёритилишини талаб қилган.[261]

Худди шунингдек, кутубхоналар Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясида, Мирзо Улуғбекнинг укаси Бойсунқур Мирзо (1397 – 1433), Ҳусайн Бойқаро, Искандар Мирзо (форс ўлкаси ҳокими, Эроннинг ғарби), Иброҳим Мирзо (Бойсунқур мирзонинг акаси) кутубхоналари бутун дунёга машҳур бўлган. Кутубхоналарда энг нодир асарлар билан бирга замондошларининг илмий, адабий асарлари ҳам сақланган. Жумладан, Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари тилларидан келтирилган ҳикоятларидан маълум бўладики, кутубхоналарда Яъқуб Чархийнинг (ваф. 1447) «Рисолайи унсия». Хожа Абдулла Ансорийнинг (1005 – 1088) «Муножаатнома» асарлари сақланган.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва Темурийлар даврида илм-фаннинг турли соҳалари ривожланиб, маънавий қадриятлар камол топди. Марказий Осиё халқларининг кейинги маданий-маънавий тараққиёт йўлини белгилаб берди.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ – ЖЎЙБОР ХЎЖАЛАРИ МУЛКИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ҳ.Тўраев, доц. БухДУ.

Амир Темур ва Темурийлар даврида йирик амалдорлар, шайхлар қўл остида йирик мулкларнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Амир Темур ҳукмронлик даврида кенг қўлланилган суюрғол тизими кейинчалик Темурийлар давлатини парчаланишга олиб келган бўлса-да, дастлабки даврларда бу тизим ижтимоий ҳаётни мувофиқлаштиришнинг энг қулай воситаси эди. Суюрғол эгаси бўлган айрим темурийзодалар ўз ҳудудларида тўла мустақил эдилар. Суюрғол

[261] Греков Б. Д., Якубовский Ю. А. Золотая Орда и ее падение. М., 1950. С. 370.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгасининг фаолиятида марказий ҳокимиятга нисбатан итоатсизлик аломатлари кузатилган тақдирда ёки унинг ҳудудларига ташқи хавф-хатар таҳдид солганда, Амир Темур аралашувига эҳтиёж сезилган[262].

Маълумки, Амир Темур забт этилган ҳудудларни улусларга бўлиб, ўз ўғилларига мулк қилиб берган. Шу хилдаги мулклар нафақат темурийзодаларга, балки Темурийларга ҳам хизмат қилган амирларга ҳам инъом этилган ва бу анъана сўнгги темурийлар давригача давом этган. Темурий Султон Ҳусайн (1469-1506) даври бунга мисол бўлади. Тарихда Жўйбор хўжалари номи билан маълум бўлган Бухородаги йирик хонадон мулкининг шаклланишида Темурийлар даври муҳим босқич ҳисобланади. Амир Темур даврида Форс вилояти Темурнинг катта ўғли Умаршайхнинг (1394 й. вафот этган) мулки ҳисобланган. XV аср иккинчи ярмида эса Хуросонда темурий Абу Саид (1451-1469) ҳукмронлиги ўрнатилди. 1469 йил Абу Саид Қорабоғда Оққуюнлилар давлати ҳукмдори Узун Ҳасан билан бўлган жангда ҳалок бўлгач, Хуросон Султон Ҳусайн қўлига ўтди. Султон Ҳусайн Амир Темурнинг катта ўғли Умаршайхнинг чевараси эди. Унинг замонида Жўйбор хўжалари мулкининг кўпайиши учун қулай имконият пайдо бўлди.

Умуман, Жўйбор хўжалари мулкининг шаклланишини уч босқичга бўлиш мумкин: мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар. Ўрта аср тарихчиси Бадриддин Кашмирийнинг бир оз шубҳа уйғотадиган маълумотларига қараганда, Чингизхон Бухорони эгаллагач, Жўйбор хўжалари аждодларидан бири Абу Бакр Аҳмадга бўлган ҳурмати туфайли шаҳарда қирғин ўтказмаган ва Бухоро яқинидаги Сумитан мавзеини махсус ёрлиқ билан унга мулк қилиб берган ва бу ёрлиқ темурий Улуғбек (1409-1449) замонида ҳам ўз кучида бўлган[263]. Агар бу маълумотларга ишонадиган бўлсак, мўғуллар даврида Жўйбор хўжалари мулки фақат Сумитан мавзеи билан чекланиб қолган. Бироқ Темурийлар, айниқса, Султон Ҳусайн даврида Жўйбор хўжалари мулкининг миқдори янада кўпайиб, географияси кенгайди. Жўйбор хўжаларининг йирик вакилларидан бири Хўжа Саъднинг (1531-1589) онаси темурий Султон Ҳусайн амирларидан бири Муҳаммад Туман баҳодирнинг қизи эди[264]. Амир Муҳаммад Туман темурий Султон Ҳусайн Бойқародан кўп мурувват кўрди. Султон Ҳусайн Муҳаммад Туманни амирул умаро этиб тайинлаб, ўз синглиси Офоқ бегимни унга

---

[262] Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. в 9-ти томах. Т.2. Ч.2. М.: Наука, 1964. С. 54

[263] Бадриддин Кашмирий. Равзат ар-ризвон. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв. №2094, 25 аб; *Қаранг*: Бабаджанов Б.-Шуппе М. Чор-Бакр – Семейная усыпальница Джуйбаридов // Ўзбекистон тарихи. 2003. 3-сон. 22-бет.

[264] Саидахмедов И. Письма шейбанидов – важный исторический источник //Автореф. дис. канд. ист. наук. Тошкент: Институт востоковедения АН Респ. Узб., 1994. С. 10.

www.ziyouz.com kutubxonasi

никоҳлаб берди ҳамда Муҳаммад Туманга Хуросонда катта мулклар ажратди. Бунинг устига Муҳаммад Туманга Марв волийлиги ҳам насиб этди. Шу даврда у Муғроб дарёси бўйида дурустгина қаср бунёд этди. Султон Ҳусайн вафотидан кўп ўтмай, Муҳаммад Туман ҳам вафот этади. Ундан икки қиз ва бир ўғил қолди. Ўғлининг исми Мирзо Суҳроб Муҳаммад эди. Хуросон Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) томонидан истило этилгач, Мирзо Муҳаммад Суҳроб темурий Мирзо Муҳаммад Замон бин Бадиъзамон ҳамроҳлигида Ҳиндистонга қочди ва бу ерда қарийб ўттиз йил Бобурийлар салтанати вакиллари паноҳида истиқомат қилди ҳамда катта эътибор топди.

Бу орада темурий амалдорларидан бири Ҳофиз Қўнғирот Хуросонга бориб, марҳум Муҳаммад Туманнинг катта қизини ўз никоҳига олади. Кичик қизи Оғобегимни (Бегим Хурд) эса Бухорога олиб келиб, Жўйбор хўжаларининг энг нуфузли вакили Хўжа Исломга никоҳлаб берди. Шу никоҳдан Хўжа Саъд туғилди[265].

Муҳаммад Тумандан қолган мерос Хўжа Саъд ихтиёрига ўтди. Шайбонийлар даврига келиб, бу мулк миқдори янада кўпайди. Темурийлар даври эса Жўйбор хўжалари мулкининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтади.

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАРНИНГ ИЛМ - ФАН ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ

Ш.Муҳаммадиев, доц. НДПИ.

Шарқ мамлакатларида араблар истилосидан сўнг, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда кескин ўзгаришлар юз берди. Савдода манфаатдор бўлган халифалик ўз ҳудудларидагина эмас, балки бошқа чет ва узоқ мамлакатлар билан ҳам савдони ривожлантирди, қуруқлик ва сув йўли орқали алоқалар кенгайди, жамият ҳаётида шаҳарлар ҳамда Ипак йўлининг роли кучая борди. Иқтисодий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар натижасида фан ва маданиятда ҳам кескин ўзгаришлар бўлди. Бу ҳолат тарихий тараққиётда уйғониш (Ренессанс) даври деб аталиб, Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда IX-XII асрлар биринчи даври ва XIV-XVI асрлар иккинчи даври деб қаралади.

Ўрта Осиёда Амир Темур томонидан марказлашган феодал давлатнинг тузилиши – бу илм-фан ва маданиятнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Умуман, IX - XVI асрда Ўрта Осиё

---

[265] Равзат ар-ризвон, 143 аб, 144 аб, 145 аб, 146 аб-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқлари дунё илм-фани, маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи даражасига кўтарилди.

Темурийлар даври илм-фан ва маданий тараққиёти Ватанимиз Уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлган олтин даврдир. Бу давр олиму алломалари – Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Ибн Арабшоҳ кабиларнинг илмий, тарихий асарлари оламга машҳурдир.

Уйғониш даври маданий ҳаётининг таркибий қисми–бу бадиий адабиётдир. Темурийлар даври бадиий адабиёти тараққиётида Мавлоно Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Гадоий, Атоий, Саккокий, Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Биноий, Ҳилолий, Восифий, Мирзо Бобур сингари даҳоларнинг хизматлари ниҳоятда буюқдир.

Шу билан бирга Амир Темур ва Темурийлар даври илм-фан ва маданий тараққиётининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бу даврда ислом ва унинг диний аҳкомларининг нурли таровати, зиёси тўла куч билан намоён бўлди. Бундан, айниқса, инсонлар икки дунёси саодатини улуғловчи, уни эзгуликка, мукаммалликка даъват этувчи тасаввуф илми ғояларини илгари сурган Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий сингари буюк сиймолар таълимотининг кенг ёйилиши оламшумул аҳамиятга эга бўлди.

Амир Темур фаолиятида давлатни мустаҳкамлаш, юрт тинчлиги, ободончилик, меъморчилик, деҳқончиликни ривожлантириш билан бирга илм-фанга ҳам жуда катта эътибор берилганлигини кўрамиз.

Президентимиз Ислом Каримов, «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир» номли рисоласида,–"Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир... Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак"[266], деб алоҳида таъкидлаганлар.

Амир Темур сулоласида нафақат подшо, амир султон, ҳоким ва ҳарбий саркардалар ўтган, балки илм-фан, адабиёт билан шуғулланган маданият ва маънавият даҳолари ҳам бўлган. Жумладан, Шоҳрух Мирзо, Абдубакр Мирзо, Искандар Мирзо, Ҳалил Султон, Улуғбек Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Абулқосим Бобур, Абуллатиф Мирзо. Жаҳоншоҳ Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо, Султон Бадиуззамон Мирзо, Шоҳ Қариб Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо,

---

[266] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 167-169-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон Маъсуд Мирзо, Султон Али Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар. Булардан ташқари Ҳиндистон ўлкасида яшаб ижод этган Бобурийлар сулоласи ҳам бор.

Амир Темур сулоласида қатор олим шоирлар билан бирга, шу сулолага мансуб маликалар орасидан ҳам етук сиёсатдонлар, олима ва шоиралар ҳам бўлган.

Сароймулк хоним (1341-1408) ўз даврининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида тенги йўқ аёл бўлган. Сароймулк хоним инсонпарвар, ватанни севгувчи инсон, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан ўта яхши хабардор бўлган. Салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор билан қараган, толиби илмларига ҳомийлик ва ғамхўрлик қилган маърифатли инсондир.

Ўта зийрак, тадбиркор Сароймулк хоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган.

Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор билан қараган Сароймулк хоним ўз жамғармаси ҳисобига, худо йўлида савоб иш қилиш мақсадида бир мадраса қурилиши учун Амир Темурдан рухсат сўрайди. Ҳукмдор рухсат бергач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Мадраса Самарқанд шаҳрининг Оҳанин дарвозаси яқинида, Амир Темур қурдирган жомеъ масжиди қаршисида қурилган.

"Сароймулк хоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар орасида улкан ва маҳобатлилиги жиҳатидан ажралиб турган. Мадрасага замонасининг етук мударрислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сароймулк хоним мадраса толиби илмлари аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик қилиб турган",[267] деб ёзади Турғун Файзиев.

Темурийлар даврида юксак дид-фаросати, тадбиркорлиги ва қатъиятлилиги билан илм-фан тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган яна бир малика Гавҳаршод бегим бўлган.

Гавҳаршод бегим (1379-1457) Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзонинг суюкли хотини Гавҳаршод бегим уч ўғилу икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли – Улуғбек Мирзо (Муҳаммад Тарағай, 1394-

---

[267] Файзиев Т. Темурий маликалар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.8-9-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1449), Ўртанча ўғли – Бойсунқур Мирзо (1397-1433) ва кичик ўғли - Муҳаммад Жўқи Мирзо (1401-1445).

Оқила ва тадбиркор Гавҳаршод бегим давлатни бошқариш ишларига ҳам қатнашган, чунки табиатан диндор бўлган Шоҳрух Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат қилиб, китоб ўқишга сарфлаган. Шу боис салтанат ва девон ишларини ўктам ва қатъиятли, тадбиркор хотини Гавҳаршод бегим бошқарган.

Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Хуросон сиёсий- ижтимоий ва маданий жиҳатдан гуркираб ўсган. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланган.

Мамлакатнинг бундай юксалишида малика Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қурилиш ишлари авж олган.

Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, работ, кўприк ва сардобалар қурилган.

Табиатан ватанпарвар, билимдан ва зукко Гавҳаршод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилади. Маданий ва маърифий ишларга жуда катта эътибор беради.

Гавҳаршод бегим Ҳиротдаги жуда кўп маданий-маърифий қурилишларга раҳномалик қилиши билан бирга ўзи ҳам Ҳирот шаҳрида иккита катта мадраса қурдирган. Мадрасаларга етук олимлардан мударрислар тайинлаб, толиби илмларнинг ҳолидан хабар олиб турган.

Шоҳрух Мирзонинг иккинчи хотини Милкат оға ҳам илм-фан ривожига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Ҳирот шаҳрида бир мадраса, "Дорушшифо" номли касалхона, "Дорулҳадис" номли хонақоҳ иккита ҳаммом яна шаҳар четида битта мадраса , кутубхона ва мақбара қурдирган.

Умуман, Амир Темур ва Темурийлар даври ватанимиз халқларининг тақдирида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ўчмас из қолдирган алоҳида бир тарихий босқич ҳисобланади.

ИМЯ, СБЕРЕЖЁННОЕ ИСТОРИЕЙ

А.Якубова, НДПИ

Духовное наследие эпохи Амира Темура и Темуридов – ярчайшая страница в истории мировой культуры. Блистательный взлёт науки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

архитектуры, градостроительства, изобразительного и прикладного искусств, литературы, музыки, театра – это уникальный исторический феномен мирового масштаба.

Современники описывают его, прежде всего, как опытного и дальновидного полководца. Как личность Темур формировался в сложной политической обстановке Мавераннахра в 50-60-х годах XIVв. Историки свидетельствуют о его гениальной одаренности, высокой нравственности, смелости, справедливости, железной воле – всех тех качествах, которые позволили ему подняться на вершину славы и почета. Его личность была своего рода гарантом всеобщей стабильности в государстве, а методы правления содействовали сбалансированному взаимоотношению религиозного и светского в общественной жизни народа.

Темур как дальновидный и умный политик всегда стоял выше узко национальных и религиозных распрей. Прекрасно осознавая огромное значение ислама в государственном строительстве и общественной жизни, он строго следовал законам шариата и предписаниям ислама. В то же время Темур хорошо понимал и высоко ценил роль светской культуры и поощрял ее развитие. Природная одаренность и постоянная увлеченность знаниями и культурными ценностями способствовали тому, что Амир Темур покровительствовал талантам, окружал себя интеллектуальными людьми и с их помощью создавал величайшие памятники мировой культуры человечества. «Рости - русти» - «Сила в справедливости» - эти слова были выгравированы на печати мудрого правителя.

Темур благосклонно относился к ученым и доверял тем, в которых видел честность наравне с познаниями. Он находил время для того, чтобы просто побеседовать с историками и философами, с теми, кто был сведущ в науках, с людьми из администрации, которая была главным предметом его забот. К способности покорять людей еще присоединился талант Темура делать их счастливыми под своим владычеством. «Он был в одно и то же время, - подчеркивает историк Шаррифаддин, – бичом своих врагов, идолом своих солдат и отцом своего народа»[268].

Темур стремился к тому, что бы лично самому удостовериться в положении своих подданных, которым давал хороших военачальников, ибо умел распознавать людей и лично заботился об их выборе.

Из всех удовольствий, которым предаются в свободное время властители земли, Темур занимался только охотой или игрой в шахматы, которую он усовершенствовал. Никогда его забавы не были

---

[268] Звезда Востока. Ташкент. 1993. № 4. С. 145.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гибельными для его подданных, не отвлекали его от прямых обязанностей и не приводили к излишним издержкам.

«Хороший царь, - говорил он, - никогда не имеет достаточного времени, чтобы царствовать, и принужден работать в пользу подданных, которых Всемогущий поручил ему, как священный долг. Это всегда будет моим главным занятием, ибо я не хочу, чтобы в день Страшного суда бедные тянули меня за края одежды, прося отмщения мне».

Дружба также имела для него большую привлекательность. Он сумел сохранить для себя друзей, не пренебрегать ими, ибо хорошо знал, что дружба может быть оплачена только дружбой.

Личность, оставившая глубочайший след в истории своей страны, определявшая судьбы поколений и давшая имя целой эпохе, - таким предстает перед потомками Амир Темур. Темур был весьма строгим правителем - требовательным к себе и окружающим. В своей государственной деятельности он опирался на три главных положения: твердость веры, правосудие и сильную власть.

Секрет его мудрости как государственного правителя заложен, прежде всего, в том, что с малых лет он был приучен внимательно относиться к суждениям людей, осмысливать и анализировать их, пытаясь добраться до первопричин. Он всегда прислушивался к советам своих духовных наставников. Встав во главе государства, Темур завел порядок регулярного проведения курултаев по всем важнейшим вопросам. На этих заседаниях высказывались различные суждения, а Сахибкиран, выслушав их, сам принимал окончательное решение. Он умел общаться с людьми, разными по характеру, происхождению и особенно подолгу беседовал с образованными интеллектуальными незаурядными личностями.

Обладая даром организатора и руководителя, Темур всегда держал руку на пульсе жизни, не теряя ощущения реальности. Согласно дошедшим до нас историческим источникам по свидетельству тех, кто с ним виделся, беседовал и знал не понаслышке, он хорошо понимал психологию людей, сильные и слабые стороны человеческой природы и с учетом этого строил с окружающими свои отношения.

Темур, будучи требовательным, во всем, прежде всего, строго контролировал себя. У него были развиты чувство самоконтроля, способность критически анализировать события и явления.

Современники Амира Темура оставили в своих воспоминаниях много памятных штрихов, характеризующих его в чисто человеческом плане. Так, перед тем, как отправиться в поход, государь вставал впереди войска и вместе с солдатами совершал намаз. Воинам

www.ziyouz.com kutubxonasi

импонировало то, что повелитель часто пользовался общей кухней, умел беседовать с ними, легко понимал их душу, психологию. Людям нравилось, что Темур не употреблял спиртные напитки, ревностно исполнял предписания Корана. Он гуманно относился к военнопленным, проявлял заботу об образованных людях. Все это вызывало к нему истинное уважение.

Амир Темур был поистине выдающимся государственным деятелем, талантливым полководцем, искусным дипломатом, щедрым покровителем культуры и искусства, личностью, внесшей большой вклад в человеческую цивилизацию.

Имя Амира Темура присвоено площадям и улицам многих городов нашей республики. Темуру посвящаются культурные мероприятия, спортивные соревнования, благотворительные акции. Его девиз «Сила в справедливости» стал девизом страны, строящей правовое, демократическое государство.

Имя, от которого нас отделяет шесть столетий, обладает удивительно актуальной и современной силой. Оно-часть истории и неотъемлемая часть жизни, где любовь к родной земле, уважение к подвигу и мудрости тех, кто создавал ее величие, где духовность и просветительство имеют первоочередное значение, где бережное хранение нравственных ценностей - незыблемая основа процветания общества.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ

Қ.Шоимов, НДПИ.

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги унда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқдир. Буюк бобокалонимиз Амир Темур салтанатининг қудрати ҳам унинг «Куч адолатдадир» шиорини олға суриб, мамлакат мустақиллиги, ҳарбий салоҳияти ва эл-юрт осойишталиги ғояларининг, ундаги ижтимоий қатламларни қўллаб-қувватланиши билан уйғунлигидан иборат эди.

Темур даврида аҳолининг турмуш даражаси, унинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳақида сўз кетганда, кўпинча ҳукмрон синф манфаатлари юқори ўрин тутиб, оддий халқ (раият) масаласи кўзда тутилмагандек кўриниши мумкин. Аммо, фикримизча, қуйидаги далилларга эътиборни қаратадиган бўлсак, ҳақиқий аҳвол ойдинлашади.

Биринчидан, Амир Темур ҳокимиятга келиши арафасида, истилочи

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўғуллар таъсирида давлатнинг ички ва ташқи аҳволининг ниҳоятда оғирлашиб, аҳолини талон-торож этилиши, ўз ерларидан қувғин қилиниб, қашшоқликка маҳкум бўлганлиги кундай равшан эди. Темур эса бу ёвузликларга чек қўйиб, сиёсий ҳаётда мамлакатга тинчлик-осойишталик, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда эса ҳар бир кишининг ўз машғулоти билан шуғулланиши учун имконият ва кучли кафолатлар яратиб берди.

Иккинчидан, Темур даврида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари, ободончилик ва савдо-ҳунармандчиликка жиддий эътибор берилиши, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил этилиши, тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиши каби аҳолини қўллаб-қувватлаш тадбирлари билан боғлиқдир.

Учинчидан, Амир Темур даврида салтанат ўн икки ижтимоий қатламларга бўлиниб, улар: 1. Саййидлар, уламо, шайхлар ва фозиллар. 2. Ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишилар. 3. Дуогўй кишилар. 4. Амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар. 5. Сипоҳ ва раият. 6. Ақлли, тажрибали ва энг ишончли кишилар. 7. Вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари. 8. Ҳаким, табиб, мунажжимлар ва муҳандислар. 9. Муҳаддислар, пайғамбар ва унинг авлодлари ҳамда саҳобалар ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (тарихчилар) ва қиссахонлар. 10. Машойихлар, сўфилар, худони танилган орифлар. 11. Касб-ҳунар эгалари. 12. Саёҳатчи ва мусофирлар.

Мазкур тоифаларни эътироф этилишининг ўзиданоқ, уларга нисбатан давлатнинг алоҳида эътиборини, ҳар бирининг мавқеига муносиб маош тайинланганлиги, шунингдек, салтанат таянчи сифатида ғамхўрлик қилинганлигини кўриш мумкин. Зеро, емирилган ҳокимиятларнинг кўпчилигида айнан ижтимоий тоифалар аҳволининг ҳукмдор диққат марказидан четда қолганлиги сабаб бўлганлигига тарих гувоҳ.

Дарҳақиқат, дунёдаги ушбу шонли салтанатнинг негизи қонун-тузукларга асосланган, пухта ўйланиб, пишитилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат эди. Темурнинг тўрт вазиридан биринчиси мамлакат ва раият вазири бўлиб, унга мамлакатдаги муҳим ишлар, кундалик муаммолар, раият аҳволи, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимлар, мамлакат ободончилиги, аҳолининг фаровонлиги ишларининг ва хазинани ҳандай қилиб тартибга келтириш вазифаларининг юклатилганлиги бунинг яққол далилидир.

Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган омиллар – мулк, хазина ва уларга асос бўладиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

солиқлар ҳисобланиб, булар ўз навбатида жамиятда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ҳам бевосита дахлдордир. Темур давлатининг гуркираб ривожланишида ҳам оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятлари муҳим ўрин тутиб, сон–саноқсиз ўлпону солиқлар билан вазиятни мураккаблаштириш, зиддиятларнинг олдини олишга қатъий эътибор берилган. «Амр этдимки, - деб ёзган эди Темур «Тузуклар»да, - раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради»[269].

Амир Темур ўз фикрини давом эттириб, ёзади: «... яна буйруқ бердимки, агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда, тузукка мувофиқ йиғсинлар»[270].

XI асрда яшаган салжуқийлар шоҳи Алпарслоннинг бош вазири Низомулмулк ўзининг машҳур «Сиёсатнома»сида айтиб ўтганидек «...иқтога соҳиб бўлган муқаттеълар шуни билишлари лозимки, улар фақатгина раиятдан ҳақ молини яхшилик билан олишга ҳақлидирлар ва одамлар ўз тану моллари, бола-чақалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт»[271].

Шу ўринда, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам ўз сиёсий тажрибасидан келиб чиқиб, «Тузуклар»ида келтирилган қуйидаги фикрлари «Сиёсатнома» билан нақадар ҳамоҳанглигини кўриш мумкин: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жихот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда, у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгачи олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар»[272].

Шонли салтанатдаги хирож ва солиқ йиғиб олиш хаққи билан иғъом этилган вилоят ва мулкларда (тиюл) Темур фармони билан иккитадан вазир тайинланиб, улардан бирига йиғилган молларни ёзиб, халқ аҳволини текшириб туриш, ер эгалари фуқарога жабр-зулм

---

[269] «Темур тузуклари» Тошкент: 1991. 71-72-бетлар.
[270] Ўша асар. 98-бет.
[271] Низомулмулк. «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук» Тошкент: Адолат, 1997. 38-бет.
[272] «Темур тузуклари». 99-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

етказиб, уларнинг ҳолини хароб этмаслигини назорат этиш ҳамда бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиб бориш топширилган эди. Иккинчи вазирнинг вазифаларига эса даромадларнинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига тақсим этиш каби ишлар кирган.

Темур қайси амирга ер-мулкни суюрғол қилиб бераркан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйган. Бу вақт ўтгач, уни текшириб кўришни буюрган; агар бунда мамлакат обод, фуқаролар ундан рози бўлса, шу ҳолича қолдирилган. Лекин, бунинг акси кузатилса, ушбу вилоят–мулк давлат ихтиёрига олиниб, аввалги эгаси эса, уч йилгача ҳеч қандай инъом–мулк олиши, рағбатлантириши мумкин бўлмаган.

Амир Темур ижтимоий сиёсатининг аҳамиятли томонларидан бири шунда эдики, мўғуллар давридан буён ҳар бир хонадондан олинадиган «хонашумор» ва жон бошидан олинадиган «саришумор» солиқларига барҳам берилди.

Амир Темур давлат арбоби даражасига кўтарилгандан кейин солиқларнинг демократик хусусиятини кўзда тутиб, унинг ҳар бир мамлакатда қандай олинганлигини аниқлаш билан жиддий шуғулланганлигини исботлайдиган далиллар мавжуд. Шулардан бири инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг бир асарида келтирилган тамойилларнинг ундан уч-тўрт аср олдин Амир Темур томонидан башорат қилинганлигидир.

Биринчи тамойил - солиқ олишда адолатпарварлик тамойили. Бу тамойил солиққа тортишнинг оммавий бўлишини, солиқларнинг фуқаро даромадларига қараб, тақсимланишини ифода этади. «Темур тузуклари»да ҳам бу тамойил кўзда тутилган.

Иккинчи тамойил - аниқлик тамойили. Унга биноан солиқ тўловчига унинг ҳисоблаш усули, тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак.

Учинчи тамойил - солиқ тўлаш ва тўланган солиқни ундириш аҳолига қулай бўлишидир. Солиқ фуқаролар учун қулай вақт ва усулда ундирилиши керак.

Тўртинчи тамойил – солиқлар муттасил такомиллаштирилиб борилиши, солиқ тизимига ўзгартиришлар киритилиши ва солиқ тўплаш харажатлари муттасил камайиб бориши керак.[273]

Бу тамойиллар Темур томонидан ўша давр хусусиятларини кўзда тутиб, шакл жиҳатидан бошқача ифодаланган бўлса ҳам, лекин мазмун жиҳатидан уларнинг бир-бирига мослигини англаш қийин эмас.

Амир Темур давридаги ижтимоий ҳимоя хусусида сўз борар экан, мамлакатдаги ишсизлик, қашшоқлик каби ҳолатларга барҳам беришга

---

[273] Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент, 1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракат қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Темур буйруғига кўра, ҳар бир юрт фатҳ этилгач, у ернинг гадойларини тўплаб, кундалик емиш-ичишларини бериб, уларга бирор вазифа юклатилган. Ҳар бир гадойни тамғалаб, ҳисобга олиб қўйишганки, токи улар бошқа гадойлик қилишмасин.

Агар шундан кейин ҳам гадойликни давом эттирсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки ҳайдаш чораларини кўришган.[274] Албатта, бундай сиёсат мамлакат равнақида ўзининг ижобий самарасини берганига шубҳа йўқ.

Темур даврининг ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолини қўллаб-қувватлаш анъаналари Мустақил Ўзбекистонда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда дунёга «ўзбек модели» сифатида тан олинаётган беш тамойилдан бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатидир.

Юртимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш учун эскирган ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиб, ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлидан олға бормоқда. Президентимиз И.Каримов томонидан 1997 йилдан буён «Инсон манфаатлари йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Меҳр-мурувват йили», «Соғлом авлод йили», «Сиҳат-саломатлик йили» ва «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея Ватанимиз одимларининг эътироф этилиши – инсон қадр-қимматининг улуғланиши, жамиятимиз маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий юксалишининг далолатидир.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

О.Остонов,ТошДАУ.

Мовароуннаҳрнинг марказий қисми – Зарафшон воҳаси ҳудуди Амир Темур салтанатида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан алоҳида ўрин эгаллаган.

Самарқанд шаҳрининг пойтахт сифатида танланиши бежиз эмас, албатта. Зотан, ҳунармандчилик ва савдонинг асосий марказлари шу воҳада жойлашган. Амир Темур ва кейинчалик Улуғбек даврида Зарафшон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига катта аҳамият берилди. Темур давлатининг пойтахти сифатида ҳунармандчилик ва савдонинг маркази бўлган Самарқанд танланиши ҳақида Бобур қуйидагиларни таъкидлайди: "Темурбекнинг зоду буди Кешдан учун шаҳри ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар

[274] «Темур тузуклари». 98-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди", бироқ "Кешнинг қобилияти шаҳар бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди".[275]

Самарқанд Темурийлар даврида ва ундан кейин Шайбонийлар даврида ҳам пойтахт бўлиб қолди. "Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қиғон эмастур",[276] –деб хабар беради Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бу у қўлга киритган шаҳарларнинг биринчиси" ва у забт этган барча шаҳарларнинг энг машҳури эди. У бойликларини шу ерга олиб келар, хазинасини шу ерда сақлаб кўпайтирган эди. Бу шаҳарнинг донғини ёйишга ҳамиша ғамхўрлик қилди.[277]

Темур даврида Самарқанд зич қурилган, ўртасидан кенг кўча ўтган шаҳар, улкан ҳудуднинг йирик иқтисодий ва маданий маркази эди. Шаҳар тизилмасида бозорлари аксари қисми ихтисослаштирилган тимлар муҳим ўрин тутган. "Самарқанд Севилья шаҳридан сал каттароқ. Бу ерда нон, гўшт ва кўплаб бошқа нарсалар сотилади. Бу шаҳар ва замин шу қадар бой ва мўл-кўллигига ажабланмай илож йўқ", деб ёзади Клавихо.[278]

Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд шаҳрининг қиёфаси ўзгариб кетади. Халқ усталарининг қўли билан бунёд этилган ва бир қисми бизгача етиб келган улуғвор бинолар–ҳашаматли иншоатларнинг олий намуналари бўлиб, ўша давр оламининг энг гўзал бинолари билан рақобатлаша оларди. Ёпиқ бозорлари бўлган кенг кўчалар, махсус савдо бинолари-чорсу, ток, тим савдо майдончаларида ун, ғалла ва ҳоказолар сотиладиган каппонлар Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо-ҳунармандчилик марказларидан бирининг қиёфасини белгилар эди.

Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида жойлашган Бухоро шаҳри ҳам ғалла, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларига бой бўлганлигини 1558-1559 йиллари ташриф буюрган инглиз Антони Жен Кинсоннинг Бухорога берган таърифини Темур ва Улуғбек даврига нисбатан бериш мумкин. У Бухорони йирик савдо-ҳунармандчилик маркази сифатида таърифлайди. Унинг ёзишича: "У ердаги уйларнинг аксар қисми лойдан қурилган, лекин тошдан кўтарилган ва олтин билан безатилган ҳашаматли уйлар, масжидлар ва бошқа иншоатлар ҳам кўп".[279]

---

[275] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Тошкент, 1989. 47-бет.
[276] Ўша асар. 43-бет.
[277] Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406гг). Перевод со Староиспанского. М., 1990. С.86, 134.
[278] Ўша асар. 138-бет.
[279] Дженкинсон А.Путешествие в Среднюю Азию. (1558-1560 г.г.) // Английские путешественники в Московском государстве. Л., 1937. С.182.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳарнинг учдан бир қисми "савдогарлар ва бозорлар учун ажратилган" деб кўрсатилиши эса Бухоронинг савдодаги аҳамиятидан далолат беради. Шунга қарамай, Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро иқтисодий ва маданий марказ сифатида давлат пойтахтига нисбатан иккинчи ўринда қолаверади.

Темурнинг ҳукмронлик даври Мовароуннаҳрдаги кўплаб шаҳарлар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатди. Аввалги даврларда қўшни ҳукмдорларнинг ҳужумлари, ўзаро урушлар ва амалдорларнинг ҳаддан зиёд ўзбошимчалигидан тез-тез жабр кўриб турган шаҳарлар қудратли олий ҳокимият ўрнатилганидан кейин марказий ҳукумат ҳимоясига ўтди. Буларнинг бари ҳунармандчилик саноати, шаҳар савдоси ва ташқи савдо ривожланишига имкон яратди, ташқи савдо эса ўз навбатида бозор учун ишловчи касб-ҳунарлар тараққий этишига туртки берди.

Кўриб чиқилаётган даврда ва ундан аввал ҳам Зарафшон воҳасида тўқувчилик касб-ҳунарнинг етакчи тармоғидан бири ҳисобланарди. Воҳада оддий ва қимматбаҳо бўлган хилма-хил матолар тайёрланар эди. XIV аср охири – XV аср бошларида қимматбаҳо матоларга эҳтиёж ошиб кетиши бу тармоқ учун ўзига хос хусусият бўлди. Ўта қимматбаҳо матолар тор доирадаги истеъмолчилар талабини қондириш учунгина тайёрлана бошлади.

Аҳолининг аслзодалар қисми учун байрам либоси, асосан шойи, парча ва бахмалдан тайёрланарди. Бадавлат хонадонларнинг кўрпа, ёстиқ каби уй жиҳозлари ҳам шу матолардан эди. Шунингдек, бахмал бирон қимматли буюмни ўраш учун ҳам ишлатилган. Ишратхона мақбарасига вақф этилган мулк рўйхатида (868/1463-64й.) бахмал учрайди. Мақбара вақфига берилган Қуръон айнан мана шу матога ўралган эди. Шунингдек, кўрсатилган ҳужжатда қирмизи бахмалдан бўғчабанд берилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Самарқандда бахмалнинг тўқ қизил рангли алоҳида тури тайёрланган. Бу матога ишлатилган бўёқ қирмиз деб аталувчи ҳашаротдан олинган. Мирзо Улуғбек онаси Гавҳаршод беғим Самарқандга келганида унга қирмизи катифа (арабча), яъни бахмалли қирмизи совға қилган.

Олий навли жун мато–сакирлот ҳам шу бўёқда бўялган. Нуфузли амалдорларнинг устки кийими ва қимматбаҳо шоҳона чодирлар ана шу юпқа газлама–сакирлотдан тикиларди. Мирзо Улуғбек онасига берган совғалар ичида шу газлама номи ҳам учрайди. Бу хил матолар бошқа мамлакатларга ҳам олиб кетилган. "Самарқанднинг яна бир матои қирмизи бахмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар",-деб ёзади Бобур.

Зарафшон воҳасидаги шаҳарларда ишлаб чиқариш ва истеъмол

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўламига кўра орасида ип газлама, жумладан, бўз асосий ўринни эгаллаган. Бу даврда Самарқандга асил усталар олиб келиниши натижасида янги мато турлари пайдо бўла бошлаган. Пойтахтга хилма-хил тўқувчилар, жумладан, шойи тўқувчилардан тортиб, палаҳмон учун арқон эшувчиларгача олиб келинган эди. "Улар бу ерда ҳеч қачон бўлмаган каноп ва зиғир экишди". Касб-ҳунарлар ўртасида тикувчилик Самарқандда ҳам Бухорода ҳам муҳим ўрин тутган.

Бу касб билан хусусий кишилардан ташқари, Сарой устахонаси тикувчилари ҳам шуғулланишган.

Самарқанддаги ҳунарлар орасида қоғоз тайёрлаш етакчи роль ўйнаган. Тўқимачилик буюмлари сингари ёзув қоғози ҳам бошқа мамлакатларга чиқарилувчи маҳсулот бўлган. XIV аср охири - XVI аср бошларида Самарқанд Шарқда ёзув қоғози ишлаб чиқариш бўйича асосий марказлардан бири эди. Темур ва Темурийлар даврдаги асарлар, одатда Самарқанд қоғозига ёзилган.

Темур ва Темурийлар даврида кулолчилик муҳим ўрин эгаллар, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг энг ривожланган ва етакчи тармоқларидан бири саналар эди. Сопол буюмлар ясаш учун маҳаллий гил ишлатилар ва у, одатда Самарқанд атрофидан олинарди.

Сопол буюмлар тайёрлашда ғиждувонлик усталар ўз услубига эга бўлган. XV аср Самарқанд кулолчилигининг ўзига хос кўринишлари Бухоро ва Шаҳрисабз мисолида кўзга ташланади.

Қимматбаҳо маъданларга ишлов бериш ҳунармандчиликнинг юксак ривожланган тармоғига айланди. Темурийзодалар, Темурнинг ўзи, унинг хотинлари қимматбаҳо жавоҳирлар марваридлар, олтин, кумуш безакларни ёқтиришар эди. Заргарлар сирга, узук, билакузук ва бошқа қимматбаҳо безакларни тайёрлашга ихтисослашганлар.

Темурнинг юришларидаги муваффақиятлари, сиёсати ва сиёсий қудрати, лашкари қурол-аслаҳа билан қандай таъминланганига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шунга боғлиқ ҳолда Темур давлати пойтахтида аслаҳасозлик иши кучли даражада ривожланди. Махсус устахоналарда шамшир, қилич, ханжар, ойболта, совут, дубулга тайёрланар, Темур бу соҳага катта аҳамият бериб, қатъий назорат қилиб борарди. Айни вақтда Зарафшон воҳасида Темур юришлари натижасида бошқа мамлакатлардан келтирилган ҳунармандлар тўпланди. Улар эса ҳунармадчилик ишлаб чиқаришига ўз билим ва маҳоратларини қўшишди. XIV аср охири – XV асрда ҳунармандчиликнинг кўплаб тармоқлари анча ривожланди, ҳунармандлар сони кўпайиб ихтисослашув даражаси ошди. Темур ва Темурийлар даврида аввалги пайтларга нисбатан ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун қулай иқтисодий шароит вужудга келганидан далолат беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИНТИҲОСИ

Г.Сарманова, НДПИ.

Амир Темурдек буюк шахслар тарих саҳнасига бир неча юз йилда бир марта келади. Ҳақиқатдан ҳам, у инсоният тарихида чуқур из қолдирган.Буюк шахслар македониялик Искандар, Юлий Цезарь, Чингизхон ва ундан кейин ўтган Наполеон Бонапарт билан бир қаторда туради. Амир Темурнинг Мовароуннаҳр халқлари тарихидаги буюк хизмати шундан иборатки, бир ярим аср мабойнида мўғул занжири билан боғланган халқни бу зулм кишанидан озод этди ва Мовароуннаҳрни бутун жаҳонга танитди. Соҳибқирон Мовароуннаҳрда кучли ва қудратли давлатга асос солди. Лекин, унинг давлати қанчалик қудратли ва бепоён саналмасин, ягона иқтисодий хом ашё манбалари ҳамда мукаммал ишлаб чиқариш услубига эга эмас эди. Мудҳиш ва тасодифий ўлим нафақат Соҳибқиронни, балки шаҳзодалар ўртасидаги иноқликни ҳам орадан кўтарди, салтанат тўхтовсиз парчалана бошлади.

Амир Темурнинг Самарқандда дафн ва мотам маросими тамом булар-бўлмас, ворислари орасида тожу тахт талашуви бошланди. Темурийлардан олдинги Мовароуннаҳр ҳукмдорлари Чингизийлар авлодининг тахтни узоқ бошқаришидаги асосий омил - бу уларнинг аҳиллиқда давлатни бошқарганлигида ва тож даъвогарининг вақтида эълон қилинганидадир. Мана шу соҳада Темурийларда маълум камчиликлар бўлди. Амир Темур ўлимидан бир неча кун аввал бўлажак тахт ворисининг номини айтди. Унинг бу васиятини фақат унинг ёнида бўлган кишиларгина тинглади, холос. Ундан узоқда бўлган тожу тахт ишқида юрган 30 дан ортиқ набира ва ўғиллари бундан бехабар эди. Темурийлар орасида ҳокимиятни бошқаришга қобилиятли, порлоқ истеъдодли, келажак авлодни ҳайратга соладиган даражада билимга эга бўлган шахслар мавжуд бўла туриб, буюк Соҳибқирон тахт вориси тайинлашда маълум даражада янгилишди десак, хато бўлмас. Амир Темур Шоҳрух Мирзодек доно, тадбиркор ўғли ҳаёт бўла туриб, набираси Пирмуҳаммадни тахт вориси деб эълон қилди. Соҳибқирон Пирмуҳаммад тимсолида ўзининг жасорати ва ботирлигини кўрган ва у давлатни бошқариш қобилиятига эга, деб ҳисоблаган эди. Ваҳоланки, бобосидан кейин тож эгаси бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган Пирмуҳаммад салтанат ишини кўпроқ ўрганишдан кўра, кайфу сафога берилиб, бобоси кўрган ғайрату шижоатдан асар ҳам қолмаган эди. Тож даъвогари бобоси ўлими ва васиятини ширакайф ҳолатида эшитди, тезлик билан ҳаракат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмади. Бунинг натижасида тож учун ҳаракат қилувчи шаҳзодалар кўпайди, мамлакатда тартибсизликлар бошланди. Темурий шаҳзодалар орасида Соҳибқироннинг ўғли Шоҳрух Мирзо Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темур давлати яхлитлигини сақлай олди, холос. Аммо, унинг даврида ҳам тожу тахт талашуви давом этаверди. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро ҳам марказлашган давлатни бошқаришга маълум даражада эришди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам узоқ йиллар мустақиллик умидида бир-бири билан курашаётган ўғилларини яраштириш билан машғул бўлди. 1497 йилда ўтказилган мулкни қайта тақсимлашдан сўнг тўнғич фарзанди Бадиуззамон Ҳирот ҳокимиятига қарши бош кўтарди. Султон Ҳусайн Бойқаро инжиқтабиат ўғлининг фойдасига Балх ҳамда Амударё билан Мурғоб оралиғидаги мулкдан воз кечишга мажбур бўлди.

1498 йилда унинг қолган 13 ўғли ҳам исён кўтарди. Умуман олганда, Темурийлар салтанатини тезроқ емирган биринчи омил бу шаҳзодалар ўртасидаги тахту тож курашидир.

Иккинчи омил–бу суюрғал тизимидир. Соҳибқирон ҳали ҳаётлигидаёқ кўплаб ҳудудларни фарзандлари ва набираларига тортиқ қилган эди. Амир Темур тириклиги даврида суюрғал олган шаҳзодалар марказий ҳокимиятга сўзсиз итоат этдилар.

Аммо, соҳибқирон вафотидан кейин, ҳар бир вилоят ҳокими ўзини мутлоқ ҳукмдор ҳис қилди.Энди улар қон-қариндошликни унутиб, ҳудуд, бойлик учун бир-бирларига қарши уруш қила бошладилар. Мўғуллар ва ўзбек хонлари Темурий шаҳзодаларга бекордан – бекорга ёрдам бермадилар, балки ҳар бир ёрдам эвазига ҳудуд ва бойлик ола бошладилар. Масалан, мўғуллар Тошкент ҳудудида ўз ҳокимиятларини бутунлай ўрнатдилар, бутун Фарғона ерларини босиб олишга ҳозирлик кўра бошладилар.

Шунингдек, Темурийлар хонадонидан чиққан кўп сонли имтиёзли тархонлар ва Хўжа Аҳрор авлодларининг ўзаро курашлари ҳам Темурийлар давлатининг емирилишига маълум даражада сабаб бўлди. XV аср охиридан XVI аср бошларигача Темурийлар давлати майда-майда бўлакчаларга парчаланиши давом этди. Ўзаро қон-қариндошлик низолари йилдан-йилга кўпая бориб, мамлакатнинг кўчманчи ўзбеклар, шайбонийлар томонидан забт этилиши билан аёвсиз интиҳо топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУРНИНГ ДУНЁ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

Ж.Ҳамроев, НДПИ.

Турон замини қадимдан буюк ўғлонлар, ватанпарвар йўлбошчилар етишиб чиққан диёрдир. Лекин улар орасида бир зот борки, у халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий, мафкуравий қудратимиз рамзидир.

Бу зот кўҳна Шаҳрисабз заминида таваллуд топган, шу заминда униб-ўсган, камолга етган соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ўтмишга назар ташласак, тарих саҳнасида кўпгина машҳур шахслар ўтган, лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки дунёнинг ҳеч қайси ерида Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси бўлмаган.

Президентимиз И.А.Каримов 1996 йил 18 октябрда Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалини очилиш маросимида, жумладан, шундай деган эдилар: «Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».[280]

Истиқлолгача бўлган мустамлакачилик даврида халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имкониятидан маҳрум эди. Шўро мафкураси Амир Темур сиймосини тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқлар билан ўчиришга қаратилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка мослаштириш эди. Лекин, ўзбек халқи ўз аждодларини,ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади. Бугунги кунга келиб биз авлодларга ҳақиқий тарихни юзага чиқариш имконияти яратилди. Бу борада юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир «Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда Амир Темурнинг тузукларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан»[281]. Амир Темур ўз даври ва кейинги давр учун кўпгина буюк хизматлар қилди. Қуйида шуларнинг айримлари ҳақида қисқа сатрларда баён қилиб ўтамиз.

XIV асрнинг 50-60-йилларида Туркистонда мўғул султонларининг тахт учун курашлари авжига чиқиб, халқнинг аҳволи ниҳоятда ёмонлашган эди.

---

[280] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон. 173-бет.

[281] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол: иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 198-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўлкадаги иқтисодий ва маданий тушкунликнинг жонли гувоҳи бўлган Соҳибқирон уни фақат мустақилликни тиклаш ва марказлашган давлатни тузиш билангина бартараф қилиш мумкинлигини яхши англади. У парокандаликни бартараф қилишни, ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимни бунёд этишни асосий масала деб ҳисоблади.

Мафкура ғояларга ақл-идрокли, ватанпарвар, жасоратли, тадбиркор ва умуман, ҳар жиҳатдан етук шахс бошчилик қилгандагина самарали бўлиши мумкин. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

«Салтанат тўнини кийгач,-деб ёзади Амир Темур, - тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш, ҳузур-халоватдан воз кечдим».[282] Хуллас, халқ мафкураси Амир Темур сиймосида ва фаолиятида тўла ифодасини топди. Шунинг учун ҳам мамлакат мустақиллигини тиклашга эришилди, халқ мафкураси Амир Темур давлатининг моҳияти ва йўналишини белгилади. У, бу даврда ҳам сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларга эга эди.

Мафкуранинг том маънода умумхалқ ҳаракати сифатида гавдаланиши ва уни Амир Темур томонидан ниҳоятда сидқидиллик ва билимдонлик билан бошқарилиши орқасида жанговар ва енгилмас миллий қўшин ташкил этилди.

Ниҳоят, 1370 йилда Амир Темур халқ оммасига таянган ҳолда мамлакат мустақиллигини тиклади. Омад унга кулиб боқди, бу равшан, бунга аввало, ўзининг бор қобилиятини ва инсоний эзгуликни муайян мақсад йўлида оқилона қўллай билишигина ёрдам берди.

Амир Темур фаолияти даврнинг ижтимоий ва маданий тараққиётига, жаҳон цивилизациясининг ривожланишига ва умуман, жаҳон тарихининг юксалишига улкан ҳисса қўшди. Бундай буюк ҳақиқатни ҳисобга олмай ва эътироф этмай туриб даврни, унинг кейинги асрлардаги таъсир қирраларини, умумжаҳон тарихий жараёни бойликларининг силсиласидаги чинакам аҳамиятини англаб етиш ғоят мушкул.

Амир Темурнинг сиёсий қудрати ва эзгу мақсади фаолияти туфайли давлат, ижтимоий ва ҳарбий бошқарув тартиботлари тубдан янгиланиб, мавжудлари такомиллаштирилди, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланди.

Эндиликда мамлакатни ташқи хавфдан сақлаш зарурияти туғилди. Тарихдан маълумки, чет элликлар ҳамиша Турон заминига бостириб кириб, қирғинбарот ва талон-торож қилганлар. Амир Темур буларга чек қўйиб, душманларнинг ўз ерида зарба бериб, ўлкани жаҳон

---

[282] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 54-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

миқёсига олиб чиқиш мақсадида, қатор ҳарбий юришлар уюштирди. Натижада мафкурада улуғ давлатчилик ҳаракати авжига миниб жаҳонни ларзага солган Амир Темур салтанати ташкил топди. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда у ғайритабиий бўлиб кўринади. Лекин, ўша даврдаги шароит у ёки бу давлатни ҳукмрон ёки қарам бўлишини тақозо қиларди. Айниқса, табиий ва маънавий бойликка эга бўлган мамлакатлар ўша икки ҳолатнинг бирига дуч келиши турган гап эди. Амир Темур буни яхши англаган ҳолда ташаббус кўрсатиб, она юртни бўлажак ташқи хавфдан ҳоли қилди. Бу ўз даври учун қўлланилган тўғри сиёсат эди, албатта. Бордию, Амир Темур давлати «ўз қозонида қоврилиб», таъсир доирасини қўшни мамлакатлар ҳисобига кенгайтирмаганида, карвон йўллари ва савдо марказларининг эгаси бўлмаганида, қудратли давлат юзага келмас эди. Юрт аҳли мафкурасида ҳуқуқий давлат, яъни мамлакатни қонун-қоида (демократия) асосда бошқаришга қаратилган ҳаракат кўзга ташланди. Ўрта аср тарихида бу камдан-кам учрайдиган воқеадир. Шу боис, Амир Темур давлатининг мафкураси ўзига хос ижобий хусусиятлар билан ажралиб туради.

Амир Темурнинг қўшни мамлакатларга қилган юришлари ҳақида «Тузуклар»да, жумладан шундай дейилади: «Бирор мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга юриш бошлаши лозим...». Хуллас, Темур халқларнинг озодлик, тинчлик ва фаровонлик байроғи остида бирлаштиришга умрини бахшида қилди.

Шўро ҳокимияти даврида Темурнинг буюк хизматларини тан олмай келинди, лекин ҳақиқат қанчалик уларнинг мафкураси учун аччиқ бўлмасин, Темурни буюклигини тан олишга мажбур бўлдилар. Темурга, асосан объектив, тўғри ва илмий баҳо совет тарихчилари, энг аввал шарқшунос А.Ю. Якубовский томонидан берилганди. У, жумладан, «Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади. Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган давлат жуда заифлашди. Бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда, Рус учун жуда катта хизмат қилди».[283] Унинг Олтин Ўрда устидан ғалабаси ягона Русия давлатини барпо этиш йўлидаги асосий ғовни бартараф этди. Шимолий даштлардаги мўғул ҳукмронлиги тугатилди ва жанубга кўчган қуруқликдаги карвон савдоси рус давлатларига (князларига) узоқ мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятини берди. Бу, Амир Темурнинг Европа учун биринчи буюк хизмати эди.

---

[283] Сомон йўли. Амир Темур ҳаётига бағишланади. Тошкент: Камалак, 1992. 20-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг турк султони Боязид устидан эришилган тарихий ғалабасининг ўз даври учун аҳамияти кучли эди. Бу борада, шарқшунос Хильда Хуккэм шундай дейди: «У (Амир Темур) насронийлик учун ноқулай бир вақтда Европа уфқида пайдо бўлди. Буюк парчаланиш лотин черковини путурдан кетказди, ўлат касаллигининг тарқалиши феодал князлар ўртасида низолар билан қоришиб кетди, дарвозалари олдида Усмонли турклар турган, силласи қуриган Византия салтанати ўз тақдирининг нима бўлишини итоаткорона кутарди. Шунга қарамай, Европа учун умид чақмоқлари чақнади. Шарқдан Усмонли турклар мулки томон сон-саноқсиз суворий қўшинларга бош бўлиб заковат соҳиби, моҳир шахматчи, малакали илоҳиётчи, буюк қўмондон Амир Темур яқинлашиб келарди».

Амир Темурнинг 1402 йилда Анқарада эришган ғалабаси фақат Осиё тарихидагина улкан аҳамиятга эга эмас. Амир Темур бу ғалабаси билан иккинчи марта Европа халқлари учун хизмат кўрсатди. Шундан сўнг Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Амир Темурнинг бу хизмати учун XV асрдаёқ унга Ғарбий Европада ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг холоскорига» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган эди.

Амир Темур фаолиятининг ибратли нуқталаридан яна бири–у савдо-иқтисод муносабатлари орқали мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ. У ўзаро алоқаларни, Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширди.

Амир Темурнинг савдо-сотиқ борасида Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарингизни менинг салтанатимга юборинг, биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак тилагим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажаю».[284]

Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган. У Буюк Ипак йўлини халқлар ҳаётидаги ўрнини қайта тиклади ва хавфсизлигини таъминлади. Бу эса савдо-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

---

[284] Самарқанд тарихи. Тошкент: Фан,1971. 181-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган мадраса, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар бекатлари, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа иморату иншоатларнинг сон-саноғи йўқ.

Бу борада тарихчи Шарафуддин Али Яздий шундай дейди: «Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди». Салтанатнинг турли жойларида қурилган иншоатлар халқларнинг бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита бўлган.

Амир Темур буюк бунёдкорлик билан бирга илм-фан ҳомийси бўлиб, бундай тоифа кишиларини қўллаб-қувватлади ва шароит яратди. У ҳар қачон ва ҳар ерда ислом динини қўллаб-қувватлади. Унинг ўзи ҳам диний билимлар билан бирга дунёвий билимларнинг чуқур билимдони эди.

Амир Темурнинг буюк хизматларидан яна бири-у келажак авлодни ўйлаб иш кўрган. «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баробар фойдалироқдир», деган сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Бугунги кунга келиб Амир Темурнинг буюк хизматлари тикланмоқда.

Олти юз йилдан сўнг Амир Темурнинг бугунги ворислари Соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб ушбу илмий тўпламни чиқарар экан, биз ҳам камтарона мақоламиз билан ўз ҳиссамизни қўшдик деб, ҳисоблаймиз.

АМИР ТЕМУРНИНГ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ж.Олимов, НДПИ.

Ўзбек давлатчилиги тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихи энг юксак чўққига чиққан XIV асрнинг II ярми Турон замини халқларининг буюк юксалиш ва тараққий этиши–бу, шубҳасиз, Амир Темур барпо этган давлатчилик тарихи билан боғлиқ. Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир асос солган давлат ҳар соҳада ва ҳар тарафлама юқори даражага эришган, қудратли салтанат эди. Мана шундай улкан, дунё давлатлари тан олган

www.ziyouz.com kutubxonasi

юксак давлатни, буюк салтанатни ташкил этишда, ривожлантиришда ва уни гуллаб-яшнатиш борасида энг аввало, Соҳибқирон бобомизнинг маънавий-ахлоқий хислатлари, унинг фазилатлари, чуқур тафаккури, билимдонлик билан тўғри қарор қабул қилганлиги сабаб бўлди.

Амир Темурда бундай хислатлар ва фазилатлар шаклланиши ёшлигидан намоён бўла бошлади. У, ўз тенгқурлари орасида билими, меҳнатсеварлиги, одоб-ахлоқи ва ҳарбий маҳорати каби фазилатлари билан ўрнак бўладиган даражада ажралиб турган. Соҳибқироннинг ана шундай ахлоқий қарашлари ва тадбиркорлиги билан раиятни бирлаштириб, озодликка чиқаришда улкан, унутилмас хизмат қилди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келишидан олдин алломалар, донишмандлар, фузалолар, олимлар ва Ватан равнақи йўлида курашган асл фарзандлар юрти бир ярим аср давомида Чингизийлар зулми остида эди. Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлиги остида заиф, хароб, ночор аҳволга тушган халқ мўғул хонларининг турли хил солиқ ва мажбуриятларини бошларидан кечириб келишга мажбур бўлди. Бу даврда Марказий Осиё халқларининг ана шундай ўта оғир, мусибатли ва аянчли бир шароитида соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонига чиқди. Улуғ миллат фарзанди буюк Амир Темур ақли, фикри, ўткир зеҳни, куч-қудрати, ор-номуси билан ёвуз босқинчиларга қарши кураш олиб борди ва бу курашларда ғалаба фақат адолатли саркарда буюк Амир Темур томонида бўлди.

Бу курашлар, жангу жадаллардан асосий мақсад – Ватан озодлиги эди. Амир Темур бобомизнинг маънавий хислатларидан бири шу эдики, у бирор ишни бошлашдан олдин шу соҳа мутахассислари, олимлари ва бошқа етук инсонлар билан юзма-юз кенгаш қуриб, уларнинг фикрлари билан қизиқарди ва уларни ўрганиб, якуний тўғри хулосани ўзи чиқарар эди. Буюк саркарда қаерга юриш қилмасин, у ердаги илм-фан, маданият соҳибларини салтанатининг пойтахти - Самарқанд сари чорлади ва ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиб берди. Шундай улуғ хизмати билан буюк маънавият соҳиби, маънавий-инсоний хислатлар эгаси Марказий Осиёда қарийб бир ярим аср давомида вайрон этилган тарих саҳифаларидаги илм-фан, маданиятни қайтадан тиклаш, янгича ривожлантиришда ўзининг тарих ҳеч унута олмайдиган улуғ ҳиссасини қўшди.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатни қатъий қонунлар асосида бошқарди ва адолатли подшоҳ деган фахрий ном қолдирди.

Соҳибқирон Амир Темур тақводор, художўй инсон. У ислом дини таълимотларини, Қуръони карим ва Ҳадисларни яхши таҳлил қилар эди. У, ўз «Тузуклар»ида, жумладан, шундай дейди: «ҳар ерда ва ҳар

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақт ислом динини қувватладим».[285] Ислом дини ривожланиш тарихида Амир Темурни улкан хизматлари ва ўрни беқиёс, десак муболаға бўлмайди.

Соҳибқирон Амир Темур бунёдкорлик соҳасида юрт ободончилигига катта эътибор қаратди, ҳар бир ижтимоий қатламга яшаши ва меҳнат фаолияти учун етарли шарт-шароитни яратиб берди. Халқ фаровонлиги йўлида бутун мамлакатда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини олиб борди. «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим»[286]- деб таъкидлайди бу борада «Тузуклар»да буюк соҳибқирон Амир Темур.

Амир Темурнинг қайси хислатлари ёки фазилатлари ҳақида гапирмайлик, унда ғурур, ор-номус, мардлик, сергаклик, зийраклик билан ватанпарварлик, халқпарварлик сингари олий инсоний хислатлар, маънавий ақл-заковат ила уйғунлашганлигини кўрамиз.

Ибн Арабшоҳ «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») китобида Соҳибқирон ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради: «У хатосиз фикрловчи, ажойиб фаросатли... Зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди... ўз афкори билан сал бўлмаса, учар юлдузни тўғри йўлга етаклар, ўз фурсати мулоҳазалари билан ҳеч қандай хатосиз сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирар эди».[287] Мана шундай инсоний етук хислатлари ва фазилатлари билан «ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди».[288]

Буюк Амир Темурнинг маънавий-ахлоқий хислатлари ижтимоий ҳаётда инсонийлиги, сиёсатда қатъиятли-жиддийлиги, яхши суҳандонлиги, мағрурлиги, дунёвий ва диний билимларнинг ўткир билимдони бўлганлиги, унинг ватанпарварлиги, катта бунёдкорлиги, илм-фанга эътиборли ҳомийлиги, руҳан ва маънан комиллиги каби шарқона фазилатлари ҳозирги давр учун ҳам дастуруамал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

---

[285] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 53-бет.
[286] Ўша асар. 58-бет.
[287] Бўрибой Аҳмедов. Амир Темур. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 281-бет.
[288] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш- давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 169-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА МУСИҚА

Д. Рўзиев, доц. БухДУ.

Амир Темур ўз «Тузуклар»ида: «Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар», деб ёзади. Дарҳақиқат, Амир Темур ўзининг ҳар бир ғалабасида мусиқа санъатининг беқиёс таъсирини кўра билган, унинг сеҳрли жилосидан ўринли фойдаланиб лашкарига завқ-шавқ инъом этган. Жумладан, халқ чолғу асбобларига нисбатан ижобий муносабатда бўлган. Халқ орасида кенг тарқалган миллий чолғу асбобларимизни қонуний равишда ҳоким ва лашкарбошиларнинг ижтимоий ва ҳарбий мавқеини белгилаб берувчи тимсолга айлантира олган: «Амр қилдимки, -- деб ёзади Амир Темур, - ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ (алам) ва бир ноғора берсинлар. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора туман туғи ва чолтуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса карнай (нафар) берсинлар. Юзбоши ва ўнбошиға биттадан катта ноғора (табол) берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса, биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва буғу берсинлар».

Амир Темурнинг мусиқа асбобларига бўлган бундай муносабатлари шундан далолат берадики, ўша даврда ноғора, карнай, катта ноғора сингари чолғуларнинг янгроқ, жарангдор товуши кўп қиррали усулларидан турли манфаатларда фойдаланилган.

Соҳибқирон даврида мусиқа санъатининг деярли барча соҳалари учун ривожланиш даври бўлган. Жумладан, созандалик ва хонандалик, мусиқа таълими, бастакорлик, мусиқий илм кенг камол топган. «Устоз-шогирд» таълим тизими эса янада ривожланган. Халқ орасида кенг танилган санъаткорлар бирлашиб ижод эта бошланганлар. Шунга кўра «хонандалар мавзеси», «созандалар маҳалласи», «бастакорлар кўчаси» жорий этилиб махсус ижодий уюшма, ижро ва илмий мавқега эга бўлган ижодий мактаблар шаклланган.

Эътиборли томони шундаки, Амир Темур даврининг мусиқа назариясида, шу жумладан, мусиқий рисолаларда интеграл, тетрапентахордлар товушқаторларини белгилашда ёки яккахон ва ансамбль ижрочилиги учун қўлланила бошлаганлиги эътироф этилган. Мураккаб мусиқий ижро йўлига кирувчи мақом ижрочилигининг чолғу-ашула, чолғу-ансамбль ижро йўллари ҳарбий маросим, сарой тадбирлари ва оилавий маросимларда қўлланилиши одат тусига кириб қолган. Амир Темур саройининг машҳур мусиқачиси Хожа Абдулқодир Марағийга Эрон ва Туркий халқлар мусиқасини изчил ўрганиши учун эса барча

www.ziyouz.com kutubxonasi

шароитлар яратиб берилади. Амир Темурнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Марофий 200 дан ортиқ асар яратишга муваффақ бўлган. Масалан, кўп қисмли туркум асарлар ва ижро усулларининг янги талқинлари – «Зарб ал-фатҳ», «Чаҳар зарб», «Майатайн» ёки мақом бўлимларидан «Тасниф-и Хожа Абдулқодир», «Амал-и Тарона», «Амал-и Бўстон», «Амал-и Гулистон», «Амал-и Хористон» каби асарларни айтиш мумкин. Марофийнинг, айниқса «Ғина ва алҳон», «Мақсоид ал-алҳон», «Жавомеъ ал-алҳон», «Кана ал-алҳон», «Шарқ ал-адвор» каби мусиқа назариясига оид татқиқотлари мисолида Амир Темур давридаги мусиқа санъатига нечоғлик катта эътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз. Эътиборлиси шундаки, Марофий мусиқий усул, куй, чолғучилик муаммоларини асосли равишда ҳар томонлама изоҳлаб беришга мувофиқ бўлган.

Тарихда ёзилишича, Амир Темурнинг ўзи мусиқанинг ҳис-туйғуларга таъсир этиш имкониятларидан бехабар бўлса-да, амалиётда ундан моҳирона фойдаланишга муваффақ бўлган. Соҳибқирон саройда ўтказилган ҳар қандай мусиқий маросимларда фаол иштирок этиб, ижрочилар фаолиятини диққат билан тинглаган ва янги яратилган мусиқа асарларига баҳо беришни хуш кўрган. Мабодо, бирор қишлоқ ёки шаҳарга ҳужум қилмоқчи бўлса, даставвал ўша ерга яширин равишда карнайчи ва ноғорачиларни киритиб бехосдан бу асбобларни ижро эттирган. Натижада, бу асбобларнинг янгроқ, жарангдор, кучли овози аҳолини довдиратиб қўйган ва ҳарбийларни олға бошлаган.

Амир Темур даврида саройларнинг бош дарвозалари тепасига махсус ноғорахоналар қуриш одат тусига кирганлиги ҳам мусиқа санъатига бўлган катта эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

М.Тилавова, БухДУ.

Инсон томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ишнинг натижаси, муваффақияти ўзи томонидан қилинган сермаҳсул меҳнат орқалигина унга ширин татийди. Зеро, инсоннинг ҳар қандай ютуғи унинг меҳнат самараси ҳисобланади. Шу ўринда буюк саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай, деган иборасини ёдга олиш ўринли. Бу шундан далолатки, улкан минора қурилиши учун инсон ақл-заковат билан меҳнат қилиши керак. Чунки, ҳар қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

улкан зафарлар, бунёдкорликлар замирида зарра-зарра, мисқоллаб тўкилган меҳнат ётади.

Меҳнат ҳамиша инсонни улуғлаган. Бу борада соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ҳар қандай буюкликлар замини, пойдевори биргина меҳнат эканлигини англаб, «Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас» шиори остида ҳаракат қилган. Қўл остидаги аъёнларини ҳам худди шундай тартибда меҳнат қилиш ҳолатида сақлаган. Бу, биргина ўгитнинг моҳияти шундаки, эзгуликни улуғлаш ва меҳнатга муҳаббатга, ёвузлик, риёкорлик, ҳийла ва макр орқали эмас, балки софлик, тўғрилик ва адолат билан, ҳақиқий меҳнат билан эришиш– Оллоҳ наздида ҳам ҳаққоний ғалабага етишишдек буюк бахтга олиб келишдир.

Шунинг учун ҳам Амир Темур қўл остидаги аҳли аъёнларининг доимо ҳалол хизмат билан шуғулланиши зарурлигини таъкидлаган. Жумладан, Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим жиҳатларидан бири–бадиий ҳунармандчилик анча ривожланди. Шаҳарларнинг илдам ўсиши ва ривожланиши ҳам айнан бадиий ҳунармандчиликнинг ривожланиши натижасида ҳийла жадаллашди. Темурийлар замонида, айниқса меъморий безаклар мисли кўрилмаган даражада шуҳрат қозонди. Шунинг учун ҳам бўлса керак буюк Соҳибқирон ўз тузукларида: «Кимки салтанатимизнинг кучига ишонмаса, биз қурдирган биноларга назар солсин», деб айтиб ўтган. Унинг бу ибораси замирида ҳам меҳнаткаш халқни кучи, қудрати ниҳоятда бебаҳо бўлганлиги боис ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмаслиги ҳақидаги ҳикмат ётади.

Амир Темур ҳар бир инсонни меҳнат қилишга ундаган. Буни қуйидаги сатрлардан аниқ англаш мумкин: «Ҳамиша таъкид этур эдим: хон бўлсангда боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат-бир кунмас, бир кун мевасини татирсан...».

Меҳнатнинг яхши-ёмони, осони бўлмайди. Барчаси иштиёқ, жасорат ва умид ила гўзалдир. Зеро, «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлур чиройлик».

Буюк Соҳибқирон ўз мамлакатида тентираган гадолар бўлмаслиги орзусида ажиб бир ишни амалга оширган, яъни кўча гадоларига бир оз маблағ бериб, бирор меҳнат билан шуғулланишини буюрган, ана шунда ҳам гадолик қилса оғир жазога маҳкум этилган. Чунки, меҳнатдан қочувчилар мамлакат заволи эканини яхши билганлар.

Ҳар бир меҳнат ўз ўрнида қадрлидир, шундай экан буюк салтанат эгаси Амир Темур ҳам «Бугунги ишни эртага қўйма» ўгити орқали инсонни меҳнатсеварликка, бунёдкорликка чорлаган, десак асло муболаға бўлмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунинг учун ҳам биз Амир Темур буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, истеъдодли меъмор, шу билан бирга эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон сифатида ҳамиша эъзозлаймиз.

"ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"ДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Ш.Кенжаев, С.Мажидов, БухДУ.

Ҳар кимнинг қалбида ватанпарварлик туйғуси ўзига хос тарзда шаклланади, ўзига хос тарзида равнақ топади. Кимдир ватанини зар тупроғида унган гиёҳу, заминининг муқаддас тупроғини қалбан меҳрла суйса, биров унинг бойлигу мартабасини улуғ санаб унга таянади. Лекин, шуларнинг барини бир қилиб таъмасиз табиий, исталса-исталмаса буюк қалб билан сева олармикан!? Мана шундай севишнинг ўзи ватанпарварлик, вафодорлик дейилмасмикан!?

Ватанга муҳаббатни рассом мўйқаламида, шоир шеърида, ҳофиз куйида тараннум этади. Буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур ўз ватанига бўлган садоқатини, эҳтиромини қай тарзда ифодалаган экан? деган савол кўпчиликни қизиқтиради, албатта.

«...Самарқанд тахтини эгаллаб, азим Мовароуннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртда адолат ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобакор мардумлар ин қўймоқчи эрди. Инчунин, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тадбир буюрдим: «Мусаввир келган арзигўйнинг суратин чизиб, менга киритсин. Арзигўйнинг қиёфатига боқиб қабулимни айтармен...»

Буюк Темур мана шу тарзда адолат байроғини баланд кўтариб, ўз ватанпарварлигини намойиш этди. Унинг биргина мақсади мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш ва давлатни ривожлантириш эди. Амир Темур мамлакатда ободлик, хотиржамлик, файзу шукуҳ фақат ва фақат адолат раҳм-шафқат орқалигина юзага чиқарилиши мумкинлигини жуда чуқур англаб етган. Ўз ватанига муҳаббат туйғуси ҳар бир шоҳ қалбида мавжуд бўлса, у гўё зиёга айланади-ю қоронғу тунларни нурга, вайрона чўлларни гулга айлантиради. Буюк салтанат посбони бўлган Амир Темур ҳам мана шундай ўтюрак, ватани учун қалқон юрт эгаси бўлган. «Темур тузуклари»да шундай ибора учрайди: «Ҳар мамлакатда адолат эшигин очдим, зулму ситам йўлини тўсдим». Зулму ситам йўлини тўсишнинг ўзи ватанпарварликнинг биргина нишонаси «Очиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

юзлилик, раҳм-шавқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлдим».

Кимки ўз халқи юрагидан жой олса, у ўз салтанатининг умрбоқийлигини таъминлаган ҳисобланади. Амир Темурнинг ватанпарварлиги, элига бўлган садоқати беқиёс бўлган. У буюк инсон сифатида мушкулот ва ташвишлар билан тўлиб-тошган ҳаёт ва фаолиятини яшаб ўтган. Фикримиз охирида Амир Темур ҳазратларининг қуйидаги иборасини айтиб ўтиш жоиз:

«Қилинган иш авлодлар хотирасида ёзилган нарсадан ҳам узоқроқ яшайди».

"ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"ДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ

Г.Акрамова, ЎзПИФТИ.

Маълумки, барча динлар учун ўзига хос мақсад вазифалар мавжуд. Уларнинг йўллари гарчи, турлича бўлса-да боражак манзили ҳақиқат ҳисобланади. Хоҳ эзгулик томон юксалиб ўз манзилига етсин, хоҳ тубанлик сари ўз йўлини танласин, барибир ҳақиқатга бориб тақалади.

Шу боисдан ҳам ҳар бир инсон қайси динда, қайси ирқда бўлишидан қатъи назар у яратилма саналади ва турли тилда, турли усулда ўз яратувчисига ҳамд айтади. Буюк саркарда Амир Темур ҳам шуларни чуқур тушунган ҳолда ислом дини қоидаларига амал қилган. Бошқа дин ва унга хос урфларга катта ҳурмат сақлаган. Амир Темурнинг буюклик зийнати шунда бўлганки, у ўз салтанатини айнан дин ҳомийлари асосида бошқаради ва бирдамлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик натижасида буюк салтанатни барпо этган ва маънавий маданият, санъат, илм-фанни ривожлантиришга мушарраф бўлган. Амир Темур ўтмишдаги бошқа подшолар сингари бирор мамлакатни ўзига бўйсунтириш учун, биринчи навбатда ўша мамлакат динига ҳурмат билан қараган, турли диний чеклашлар ва йўқотишларнинг олдини олиш орқалигина муваффақият қозонган.

Тарихдан маълумки, Амир Темур давридаёқ тинчлик ва фаровонлик асосида халқнинг бирдамлик, тотувлик, эзгулик жиҳатлари ётган ва булар динлараро бирликни мустаҳкамлаш, ва ўз динини улуғлаган ҳолда ўзгалар динига ҳам ҳурмат назари ила қарашга ундаган.

Бевосита Амир Темурнинг энг олий фазилат сифатида эътироф этилган динлараро бағрикенглик хислати айнан бугунги кунда юртбошимиз И.А.Каримов томонидан ҳам ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бугунги кунда Ўзбекистонда 120 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Бахтимиз қомуси Конституциямизнинг 4 ва 8-моддасига назар солсак, унда айнан турли миллат хусусида фикр юритилиб шундай эътироф этилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар», дейилган. Агар шу маънода Амир Темур «Тузуклари»га эътибор берсак, унда ҳам худди шундай ғоя мавжудлигини кўрамиз. Масалан «Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг дини, урфидан қатъи назар атроф улуғлари ва бузруклари билан ошна тутиндим», «Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим» дейилган.

Шулардан хулоса қилиб айтиш жоизки, Амир Темур «Тузуклари» сарчанмасидан баҳраманд бўла олиш уни ҳаёт ва турмушга татбиқ этиш ғоят зебо ва улуғ вазифадир. Зеро, Амир Темурнинг дунё таниган саркарда бўла олганлиги сабаб, унинг адолатли ва башарият вакиллари ўртасида диний нуқтаи назардан бирликни ўрната олганлигидадир.

АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА ЎГИТЛАРИ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ НАМУНАСИДИР

Д.Аҳатова, доц. НДПИ.

Ватандошимиз Амир Темур ва Темурийлар таълим-тарбия, маданиятимиз ва маънавиятимиз ривожига жуда улкан ҳисса қўшдилар. Бу ҳақда инглиз санъатшунос олими Ф.Р.Мартин: «Темурийлар сингари санъатни ва маданиятни қадрлайдиган ҳукмдорлар Марказий Осиёда ҳеч вақт бўлмаган», деб таъкидлайди.

Лекин, Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай шахси масаласи мустабид совет тузуми даврида ман қилинганлиги натижасида нафақат Амир Темур тарихи, балки Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихи, маданияти деярли ўрганилмай қолган эди. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзади:

"Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларида қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг (онгидан) юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади"[289]. Мустақиллигимиздан сўнг эса ўз миллий

[289] Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 138-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадриятларимизни, тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

Юртбошимиз Амир Темур ҳаёти, фаолияти, қолдирган буюк меросига катта эътибор берди. "Истиқлол ва маънавият" асарида Темурнинг ёшликдан мард, довюрак, мағрур, ўткир зеҳн ва ақл эгаси бўлганлиги, Қуръонга амал қилиб яшаганлигини таъкидлаб ўтади.

Президентимиз "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида ҳам Амир Темур қолдирган катта мерос ҳақида ёзади:

"Амир Темур ким эди? У биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидалар, Шаҳрисабзданги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? ...Ким "Куч - адолатдадир" деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?"[290]. Юртбошимиз Амир Темурнинг буюк давлат асосчиси, бунёдкор ва ижодкор шахс бўлганлигини, фан ва маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганлигини қайта-қайта таъкидлайди. Темур ва Темурийлар қолдирган меросларини юксак қадрлади ва баҳолади.

Амир Темурнинг қанчалик буюк зот бўлганлигини унинг номига қўшилган унвонлардан ҳам кўриш мумкин. Унинг исмига "Кўрагон" (хон куёви ёки кўркам, тоза уруғдан), "Соҳибқирон" (юлдуз буржларининг бахтли келиши (қирон)да туғилган фарзанд), Искандар, Муҳаммад пайғамбар, Темур, "қутбиддин" (замона пешвоси), "Абулмансур" (зафарманд, ғалаба қозонувчи) каби унвонлар қўшилиб улуғланган.

XIV асрнинг 50-йилларида Амир Темур сиёсат майдонига чиқди. Марказлашган йирик феодал давлат барпо этди. Маданият, маориф қайтадан юксала бошлади. Шунинг учун XIV асрнинг 2-ярми ва XV аср тарихда Шарқ уйғониш даврининг 2- босқичи деб аталади.

Амир Темур Мовароуннаҳрга бошқа ўлкалардан ҳунармандлар, олимлар, санъаткор, муҳандисларни келтирди. Самарқанд ва Ҳиротда мадрасалар, кутубхоналар, расадхоналар қурилди. Тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, география, тарих, адабиёт, фалсафа, тарбияшуносликка оид ажойиб асарлар яратилди.

Шу даврларда қатор илм масканлари, мактаб ва мадрасалар қурилди. Хусусий мактаблар юзага келди, уйда муаллим ёллаб ўқитиш одат тусига кирди. Шаҳар, қишлоқ, овулларда очилган мактабларда ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Болалар мактабда алифбо ўрганар, айрим ҳарфларни чизишни машқ қилар эдилар. Ўқувчилар мактабларда савол

---

[290] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 147-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқаргач, мадрасага кириб диний ва дунёвий фанлардан билим олардилар.

Амир Темур дин арбоблари, олимларни, илмни ва илм аҳлини ҳурматловчи шахс бўлган. Буни унинг тузукларидаги қуйидаги фикрдан ҳам кўришимиз мумкин:

"Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалаларда таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тавсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим"[291].

Амир Темур одоб, ахлоқ, иймон-эътиқод, тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган инсонлардан бўлган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Соҳибқирон ҳақидаги асарлар, унинг ўзи яратган тузуклар ва ўгитларни кўздан кечириш кифоя.

XIV-XV асрларда яратилган «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» («Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») ва бошқа асарларда Соҳибқироннинг тўғрилик, мурувватлилик, эл-юртга меҳр-муҳаббатлилик, адолатлилик, мардлик ва қаҳрамонлик каби инсоний фазилатлари баён этилади.

Амир Темур ўгит ва насиҳатларида ахлоқ-одоб масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Унинг одоб-ахлоққа оид ўгитларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- адолат ва адолатсизлик;
- дўст ва душманлик;
- муомала ва ширинсуханлик;
- сўз ва ишнинг бирлиги;
- ботирлик ва қўрқоқлик.

Амир Темур адолатни қудратли куч деб билади, бир кунлик адолатни юз кунлик тоат-ибодатдан афзал ҳисоблайди. У «Куч адолатдадир»деган нақлни шиор қилиб олиб, ўз фаолиятида ҳар бир ишни адолат билан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Қуйидаги ўгитларда буни яққол кўришимиз мумкин: «Ҳар бир мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга

---

[291] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 58- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоний юзасидан ҳукм чиқардим»[292], «Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим»[293].

Буюк жаҳонгир адлу эҳсон ҳақида сўзлар экан: «Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади», деб ҳисоблайди ва кишиларни бу фазилатга эга бўлишга даъват этади.

Амир Темурнинг тарбиявий қарашларида содиқ ва вафодор дўстлик алоҳида ўрин тутади. Унинг фикрича чин дўст, дўстидан ранжимайди, ранжиса ҳам узрини қабул қилади, керак бўлса дўстидан жонини ҳам аямайди. Дўстлик ҳақидаги қуйидаги ўгитлари ибратлидир: «Дўстлик – синовда чиниқади», «Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди». Буюк Соҳибқирон муомала маданиятига алоҳида эътибор берган. У ҳаёт сирларини, инсонлар руҳиятини яхши тушунганлиги учун ширин сўзлаб, ўз фаолиятида катта муваффақиятларга эришган. У, ҳатто душманларини ҳам ширин сўз ва яхши муомала билан ўз тарафдорларига айлантиришга муваффақ бўлганлигини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин: «Менга ёмонлик қилган, менга қарши қилич ялаётчилаган баъзи амирлар қўрқувда эдилар. Уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранж этган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликни чиқардим» ёки «Дўст-душмандан кимки, менга илтижо қилиб келган бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди»[294]. У ширин сўз билан ғанимларини ҳам иймонга киритади.

Амир Темур ғазаб ва қатиққўллик билан қилинган муомалани Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир, деб ҳисоблайди. У «Тил қиличдан ўткир», «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар», деган ўгитлари билан кишиларни ширин сўзли бўлишга ундайди.

Соҳибқирон иш ва сўз бирлигини хуш кўрар эди. Унинг «Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан

---

[292] Амир Темур ўгитлари. Нашрга тайёрловчилар Б.Аҳмедов, А.Аминов. Тошкент: Наврўз, 1992. 15-бет.
[293] Ўша асар. 20-бет.
[294] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим»[295],- деган фикри ҳам буни тасдиқлайди.

Мамлакат раҳбари ва йирик саркарда сифатида у инсонларда ботирлик, мардлик, жасурликни қадрларди. «Ботирлик–қалъа олади», «Ботир жангда билинар», «Қўрқмасанг - ёв қочар» каби шиор ва ўгитлари билан барча амиру сипоҳиларини ботир, жасур бўлишга ундар эди.

Амир Темур давлатни бошқаришда раҳбарларнинг ишбилармон, тадбиркор, шижоатли бўлишига алоҳида эътибор қаратди. У салтанат ишида, яъни бошқаришда қатъий қарор қабул қила олишлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик ва ҳушёрликни асосий сифатлардан деб билади. «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир[296]», деб бундай хислат эгаларини улуғлайди. У ёшларни шижоатли бўлишга, шижоатлилар билан дўст тутишга ундайди. «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди»[297], дейди Амир Темур. Ўзи ҳам ақлли ва шижоатли кишиларни ганлаб, тарбиялаб амирлик даражасига кўтарган ва кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада ошириб борган.

Амир Темур шахсиятига хос энг яхши хусусиятлардан бири бу–кечиримли бўлишдир. У бировни кечира олишни мардлик деб билган. У бошқаларни ҳам кечиримли бўлишга чақиради. «Кечира олишлик–мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади»[298], деб ёзади у ўз ўгитларида. Шунинг учун у кишиларни ўч олиш пайида бўлмасликка чақириб, сизнинг яхшилигингизга ёмонлик билан жавоб берган кишиларни эса парвардигори оламга топширинг, деб маслаҳат беради.

Умуман олганда, Амир Темурнинг ўгитлари одоб-ахлоқ борасида дастур бўла олади. Буни катта тарбиявий кучга эга бўлган педагогика дейиш мумкин. Бундан биз миллий таълим-тарбия тизимимизда кенг фойдаланишимиз лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз»[299].

---

[295] «Темур тузуклари». Тошкент, 1991. 55-бет.
[296] Амир Темур ўгитлари. 11-бет.
[297] Ўша асар. 15-бет.
[298] Ўша асар. 50-бет.
[299] Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 142-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ОВРЎПА НИГОҲИДА

М.Сатторова доц.,
Н.Ҳамидова. НДПИ.

Тарихий воқеа ёки тарихий шахслар миллий давлатлар ҳудудларидан ташқарига чиқиб, адабиётлараро жараённинг оқимига ўз улушини қўшади ва миллату элатлар орасида тарихий-адабий кўприк ўрнатади. Тарихий шахслар бадиий сиймо даражасига кўтарилиб, жаҳон адабиёти хазинасини бойитади ва таржима орқали акс оқим ҳосил бўлади.

1402 йили Амир Темур (1336-1405) Туркия султони Боязид I Йилдиримнинг икки юз минг кишилик лашкари устидан қозонган ғалабаси Овруўпа халқларнинг турк истилосидан қутқариб, Насроний диннинг маркази – Константинополни (яъни, Истанбулни) таслим бўлишдан сақлаб қолди. Натижада, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат, тарихий ва адабий асарлар орқали оврўпаликларнинг диққат марказига тушади. Замона зайли билан тарихий шахс афсонавий сиймога айланади. Ўша даврда Франциянинг пойтахти бўлмиш Парижда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилиб ҳошиясига "Оврўпа халоскорига" деган ёзув битилади. Ушбу ҳайкал ҳозир ҳам мавжуд.

Яна бир тарихий-адабий мисол келтирмоқчи бўлсак, ўша даврда таниқли инглиз драматурги Кристофер Марло Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган (адабий ва тарихий қўлёзмалар асосида) "Соҳибқирон Темур" драмасини яратади, Жаҳонгир тақдирининг улуғворлиги инглиз адибини ҳайратга солган.

Амир Темурнинг жаҳонгирлик сиёсати ва ҳокимиятни марказлаштириш тадбирлари ўша давр инглиз томошабинларини қойил қолдирган[300].

Тарихий қисқа фурсатда қудратли салтанатга айланган Темур давлати ва унинг ҳукмдори замондошларининг эътиборини ўзига жалб этибгина қолмай, балки Евроосиё мамлакатларида юз бераётган барча воқеаларга таъсир кўрсатди. Бу Темурнинг ғарбга томон "етти йиллик" юришлари даври (1398-1404)гача, қудратли Усмонли турклар империясига қарши уруш бошлашга қадар яққол намоён бўлган эди. XIV аср охири XV аср бошларида Яқин Шарқда мураккаб сиёсий вазият вужудга келди. Бу вақтда бир томондан, ҳарбий қудрати тобора ортиб бораётган Туркиянинг Болқон ярим ороли давлатларига

---

[300] "Соҳибқирон Темур" сарчашмалари ва адабиётлараро жараён // Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари. Самарқанд, 1990. 16-18-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбатан таҳдиди кучайиб, бутун Европани хавф остига солаётган бўлса, иккинчи томондан, бу қудратли давлатнинг ўзи ғарбга томон шиддат билан бостириб келаётган хавфли рақиб – Амир Темур қўшинлари билан тўқнашиш таҳликаси остида қолган эди. Натижада, Кичик Осиёда икки истилочи – ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур билан Ғарбий Европага даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари ўзаро тўқнашди. Бундай сиёсий вазиятда Туркияга қарши душман кучларининг маълум даражада бирлашуви табиий эди. Авваламбор, Боязиддан енгилиб, ўз ерларидан маҳрум бўлган Кичик Осиёдаги майда султонликларнинг ҳоким ва амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Қорабоғдаги ўрдугоҳига бориб паноҳ топадилар.

Византия ва Ғалатиядаги Генуя ҳокимининг ноиблари, Франция қироли ҳамда Султония шаҳрининг католик миссионер (таблиғ)лари нажот истаб Темурга мурожаат қиладилар. Туркия султони Боязидга зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиби Иоанн VII Палеолог ва Генуянинг Перадаги (Константинополь яқинидаги мавзе) ҳокими Трабзон (Трапезунд) императори Мануил III воситасида Темурни Туркияга қарши юриш бошлашига ундайдилар. Бунинг эвазига улар ҳарбий юриш вақтда унга ёрдам бериш ҳамда Константинополь ва Перанинг Боязидга тўлаб келган божини бундан буён Темурга тўлашга ваъда қиладилар. Бундай таклиф шубҳасиз, Темурга мақбул бўлади. Шундай қилиб, XIV аср охири XV аср бошларида Туркия империясига зарба бериш учун қулай сиёсий вазият вужудга келади.

Бу даврда Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бир қаторда Туркия билан бўлажак тўқнашувда Трабзон ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Генуя ва Венецияга совға-саломлар ҳамда мактублар билан Ватикан вакили архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилигида элчилар юборади.

Ўзаро ёрдам масаласида Темур Константинополь императорининг ноиби Ионн VII Палеолог билан ҳам ёзишмалар олиб боради. Темурнинг 1402 йил 15 май куни Иоанн VII Палеолог номига йўллаган хатининг мазмунига қараганда, Константинополь императори ва Генуянинг Перадаги ҳокими Боязидга қарши курашда Темурга хизмат қилиши, ҳатто, унга "одамлар ва ҳар қайсиси 20 тадан 40 ҳарбий кема билан" ёрдам бериши мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Буни Испания элчиси Клавихо ҳам ўз кундалик дафтарига қайд қилиб ўтади.

Темур бу даврда Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1407) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих

www.ziyouz.com kutubxonasi

III де Трастамара (1390-1407)лар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб ёзишмалар олиб боради. Бу давлатлар орасида, айниқса, Франция Византия империяси тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Шу боисдан Франция фуқаролари ҳисобланган генуяликларни ер-мулкларини айниқса, Ғалатиядаги мустамлакаларини ҳимоя қилиш учун Карл VI ўз навбатида Темурдан мадад кутар ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилар эди. Темур ва Карл VI ёзишмаларида қайд этилишича, Соҳибқирон қиролни жиддий қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, Темурнинг Кичик Осиё ва Ғарбий Европа давлатлари билан олиб борган дастлабки дипломатик ёзишмалари ва элчилик алоқалари унинг ғарбга – Туркия устига юриши муносабати билан бошланиб, улардан, асосан Боязидга қарши биргаликда курашиш режалари кўзда тутилади. Бироқ, Анқара яқинида туркларнинг икки юз минглик қўшини устидан қозонилган буюк ғалабасидан сўнг Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари билан бўлган алоқаларининг мазмуни тубдан ўзгаради. Эндиликда Темур улар билан дўстона муносабатлари мустаҳкамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш каби масалалар билан чекланади.

Византия императоридан бож олиб, уни билвосита бўйсундириш билан кифояланган Темур, 1402 йил ёзида Франция ва Англияга махсус элчилик юборади. Элчиликка замонасининг моҳир дипломати архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилик қилади. Иоанн орқали Темур Карл VI ва Генрих IV номларига махсус мактублар йўллади. Элчилар Парижга 1403 йил майда етиб борадилар. Бу ерда Иоанн тантанали вазиятда Темурнинг Туркия устидан қозонган ғалабаси, султон Боязидни асирга олингани, турклар асирга олган христианларни озод қилингани тўғрисида хабар берар экан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб борилишини таъминлаш ва агар қирол ҳамда герцоглар рози бўлсалар, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустаҳкамлашни таклиф этади. Бунинг учун авваламбор мунтазам ўзаро элчилик алоқаларининг барқарорлиги лозим эди. Шу боисдан, Темур 1402 йил 1 августда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида бу ҳақда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: "Бундан кейин сизнинг (одамларингиз) бизнинг ерларимизга ва бизнинг (кишиларимиз) сизнинг ўлкангизга ўтган аждодларимиз давридагидек, бориб-келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд булар эдик. Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг юртимизда савдогарларингизни хавфсизлиги таъминланади".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Франция қироли Карл VI 1403 йилнинг 15 июнида Темурга йўллаган жавоб мактубидан маълум бўлишича, Темур таклифлари Франция томонидан мамнуният билан қабул қилинган. Демак, Темурнинг Анқара жангидан кейин Франция саройи билан олиб борган ёзишмалари ўзаро савдо шартномасини тузишга қаратилган дипломатик ёзишма бўлиб, бу масалада Ватикан вакили архиепископ Иоанн Галонифонтибус муҳим роль ўйнаган. Унга Франция қироли Карл VI нинг жавоб хатини Темурга етказиш масъулияти юкланган.

Темур давлати билан Англия ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилишида ҳам Ватикан вакилининг воситачилик роли катта бўлди. Худди шу даврда у Темур давлатининг ғарбий вилоятлари ҳокими Мироншоҳ (1366-1408) билан Англия қироли Генрих IV ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмаларда фаол қатнашди. 1393 йилда Шимолий Эрон, Ироқ ҳамда Табриз ва Султонияни ўз ичига олган (илгари Қулокуийлар тасарруфида бўлган) мулкларга ҳоким қилиб тайинланган Мироншоҳ Темурнинг кексайиб қолган даврида Ғарбий Европа ҳукмдорларининг диққат–эътиборини ўзига жалб этади. Бу даврда Мироншоҳ Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларини жонлантириш мақсадида христиан руҳонийларига хайрхоҳлик билдириб, савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида чора - тадбирларни амалга оширади. Шу сабабли Ғарбда Мироншоҳ тез орада "католик динининг ҳомийси сифатида" шуҳрат қозонади.

Темур, Мироншоҳ ва Генрих IV ларнинг ўзаро дипломатик ёзишмаларидан маълум бўлишича, Англия билан элчилик алоқаларини ўрнатиб, савдо-сотиқни жонлантириш йўлида олиб борилган ҳаракатларда, айниқса, Мироншоҳнинг ташаббуси катта бўлган. Чунки, буюк Темур империясининг Ғарбий давлатлар билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари даставвал, Мироншоҳ тасарруфидаги ўлкалар орқали ўтар эди. Бундан авваламбор, ушбу вилоятларнинг ноиби манфаатдор эди. Чунки Мироншоҳ қўл остидаги мулкларнинг ғарбий чегаралари Европа давлатларининг сиёсий ва иқтисодий доирасидаги Болқон ярим ороли орқали Ўрта денгиз мамлакатлари билан туташган эди. Англия қиролининг 1403 йилнинг ўрталарида Темур ва Мироншоҳга йўллаган жавоб мактубида улар билан шартнома тузиш истагини изҳор этади ва шу мақсадда Англиянинг аҳволи ҳамда шарт-шароитларидан яхшигина хабардор бўлган архиепископ Иоанни вакил тайинлаб, унга тўла ишонч билдиради. Англия қироли Генрих IV 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган мактубида "ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларини бир-бирлари билан илгари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аждодларимиз даврида бўлганидек учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз"[301],-деб таъкидлаган эди.

Миср ва Туркия султонлари устидан қозонилган ғалабадан сўнг Темур Ғарбий Европада янада кенг шуҳрат қозонди. Европа мустабидларининг Шарққа бўлган азалий қизиқиши ва интилиши янада кучайди. Айниқса, Кастилия (Испания) қироли Генрих III Шарқ билан жуда қизиқиб қолган эди.

У Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши олиб борган шиддатли жангу жадалларини диққат билан кузатиб боради. 1402 йилнинг баҳорида Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуелос бошчилигида, дастлаб, Испания элчилари Темурнинг Кичик Осиёдаги қароргоҳига юборилади. Элчиларга Темур ва Боязидларнинг куч-қудратию бойлигини ва армиясининг ададини билиш ҳамда улар қўл остида яшаётган халқларнинг урф-одатлари, дини ва қонунлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш топширилади.

Ғалаба муносабати билан ташриф буюрган Шарқ ва Ғарбнинг кўпгина давлатлари элчилари қаторида Испания элчилари ҳам Темур томонидан қабул қилиниб, қирол номига ёзилган махсус мактуб ва инъомлар билан кузатилади. Уларга қўшиб Темур Муҳаммадқози исмли ўз вакилини ҳам Испанияга элчи қилиб юборади. Бунга жавобан Генрих III ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида 1403 йилда Темур ҳузурига иккинчи марта махсус элчилик юборади. Унга Руи Гонзалес де Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. 1403 йил 21 майда Испаниядан жўнаб кетган элчилар денгиз орқали Константинополга, у ердан Трабзонга келишади. Бу ердан қуруқлик орқали Эронни кесиб ўтиб Балхга етиб келишади. Бу шаҳар яқинида Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Термиз ва Кеш шаҳарларида бўлишади, сўнгра Самарқандга ташриф буюришади. Испания элчилари Самарқандда Темур томонидан тантанавор қабул қилиниб, уларга катта эътибор ва зўр ҳурмат кўрсатилади. Темурнинг Самарқанд ва унинг атрофида бино қилдирган ҳашаматли сарой ва боғларида ўтказилган расмий қабул ва тантанали маросимларда Испания элчилари Хитой, Ҳиндистон, Рум, Зобулистон, Ироқ Шом(Сурия), Миср, Олтин Ўрда, Сақлаб (Руссия) каби Шарқ ва Ғарбнинг кўпгина мамлакатларидан келган элчиларнинг барчасидан ҳам юқорироққа ўтказилиб, уларга алоҳида эътибор берилади. Расмий қабул вақтида Испания элчилари "Хитой подшосининг элчисидан пастроқда ўтирганини кўриб қолган Темур, - деб ёзган эди бу ҳақда Клавихо ўз кундалигида, - уларни тўрга, Хитой элчисини эса пастроққа ўтқазишни

---

[301] Европа давлатлари билан элчилик алоқалари (Темур ва Тумурийлар салтанати). Тошкент, 1994. 55-62-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюради". Ўрта аср дипломатиясида бундай расмиятчиликка алоҳида эътибор берилган. Чунки, расмий қабул ва тантанали маросимларда элчилар учун белгиланган махсус жойлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг рамзий даражасини кўрсатар эди.

Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йилнинг сентябр-ноябр ойларида Самарқандда бўладилар. Темурнинг Хитойга юриши муносабати билан бошқа кўпгина давлатларнинг элчилари қатори Испания элчилари ҳам 1404 йилнинг 21 ноябрида Самарқанддан жўнатиб юборилади. Клавихо Испанияга 1406 йилнинг март ойида қайтиб келади. Орадан бир ой ўтгач, Клавихо Самарқанд сафарида бўлган Испания элчилиги ҳақидаги ахборотни ёзиб, Кастилия қироли Генрих III га топширади. Кейинчалик унинг бу ахборотномаси "Буюк Темур тарихи" ва "Темур қароргоҳи Самарқандга сафорот кундалиги" номлари остида испан тилида бир неча бор нашр қилинади.

Шундай қилиб, Амир Темурнинг Оврўпа давлатлари билан дипломатик ёзишмалари Оврўпа мамлакатлари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйишда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги маданий ва маънавий ҳамда иқтисодий кўприк бўлиб хизмат қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3
Х.И. Иброҳимов. Маънавият – жамиятнинг куч-қудратидир 6
М. Олтинов. Миллатнинг дардига дармон бўлиб 11
С. Иноятов. Амир Темур Карманада 17
М. Жўрақулов. Самарқандда Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти саҳифасидан 24
О. Файзиев. Амир Темур ва Темурийлар даврида мусиқа маданияти 29
Ф. Набиев, Н. Бўриев. Амир Темур даврида иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий аҳамияти 34
И. Саидов. Краткая историография эпохи Амира Темура 40
А. Муқимов. Темурийлардан кейин Шайбонийларнинг ҳукмронлигини ўрнатилиши ҳақида 44
С. Иноятов. Жаҳонгир Мирзонинг Карманада излари бор 48
Н.Н. Хабибуллаев. Из истории книги Темуридского ренессанса 51
Муҳаммад Али. Европа манбаларида Амир Темур тавсифи 58
Насруллоҳ Тўра. Амир Темур даврининг Туркияда ўрганилишига доир 60
О. Бўриев. Темурийлар давлатининг Ҳиндистон билан савдо-элчилик алоқалари тарихидан 62
Б. Йўлдошев. Ўзбек адабиётида Амир Темур образи талқинига доир 67
М.Олтинов. Ватан фарзанди 69
З. Зойиров. Амир Темур давлатида солиқ тизими ва солиқ сиёсати: тарих ва ҳозирги замон 77
F. Темиров. Амир Темур даврида Марказий Осиёда илм-маърифат 79
Х. Раупов, Р. Қаршиев, Ж. Нуруллаев. Амир Темурнинг мамлакат ташқарисидаги бунёдкорлик фаолияти 87
М. Муқимова. «Темур тузуклари»да ижтимоий адолат ва жазо сиёсати масалалари 90
Г. Шамсиддинова, Г. Мустафақулова. Амир Темур даврида табиатга бўлган эътибор 92
А. Холмуродов. Соҳибқирон абадияти 94
Ш. Тўқсонов, Г. Акрамова. Амир Темурнинг солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари 97
Т. Хўжаев, М. Фармонова. Темурийлар даври туркий адабиётга доир баъзи мулоҳазалар 102

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. Зайниддинова. Тарихий мавзу ва баркамол инсон шахсини шакллантириш 105
Х. Арипова, А. Рахманова. Развитие литературы в эпоху Темуридов 110
Р. Ражабов. "Темур тузуклари"– Конституциямиз хуқуқий манбаси сифатида 114
Б. Умаров, Ш. Зокиров, М. Абдукаримова. Амир Темур бошқарув усулининг моҳияти 119
Саид Болта–Зода Саидий. Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даври ҳарбий - мусиқий чолғулари 122
М. Йўлдошева. Амир Темур маънавияти ҳақида 127
Ф. Рўзиқулов. Соҳибқирон ўгитларида оила ва оилавий муносабатлар психологияси 130
А. Ўралов, Р. Юсупов, К. Нурбоев. Темур ва Темурийлар даври маданияти ва меъморчилик санъати ҳозирги замон тарихшунослигида 132
Р. Юсупова. Амир Темур ҳозирги замон ўзбек тарихшунослигида 136
Д. Жўрақулова, И. Қурбонбоев. Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқанднинг илк тарихи саҳифасидан 138
Д. Раҳмонов, Н. Назарова. "Темур тузуклари" да ижтимоий иш соҳаси масалаларининг ёритилиши 143
С. Қувватов. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида маъмурлар 148
Ф. Қосимов. Амир Темур ва Бухоро машойихлари 149
У. Рашидов. Амир Темур давлатида карвон йўллари 152
Р. Бобокалонов, Р. Раупова. Француз темуршунослик мактабида эришилган сўнгги натижалар 154
Ш. Болтаев. Амир Темур давлатининг солиқ сиёсати 156
С. Раупов. Соҳибқирон Амир Темур ва ижтимоий адолат муаммолари 160
С. Холдоров. Амир Темур давлати халқаро дипломатиясининг асосий тамойиллари 162
Ф. Полвонова. Амир Темур давлатида бошқарув тизими 165
С. Ҳамраева. «Темур тузуклари» – маънавий манба сифатида 168
Ф. Ширинова. Амир Темур ва манғит амирлари: умумийлик ва ўзига хослик 172
И. Суюнов. Амир Темур даврида суғориш иншоатлари қурилиши тарихидан 177
З. Жунаев. Амир Темур даври савдо маданияти 180
Д. Ибрагимов. Амир Темур тарихчилар таърифида 182

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ф. Сиддиқова, Г. Ибрагимова, Р. Зулфиқоров. Амир Темур ва унинг иқтисодий сиёсати 183
П. Ҳайдаров, А.Д. Қобулова. Амир Темур – одил шоҳ, донишманд сиёсатчи ва юксак маънавият соҳиби 185
Н. Эшонқулова. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари 188
Р. Худойбердиева. Амир Темур даврида давлат бошқарувидаги қонунчилик ва тартибот 191
Д. Жиянова. Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди 194
Х. Абуев. Амир Темур даврида мафкуравий вазият 199
А. Мамаюсупов., О. Абдимўминов. Самарқанд – Амир Темур давлатининг пойтахти сифатида 202
Х. Қурбонов. Амир Темур давлатида ерга муносабат 205
М. Раҳматов. Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари 208
Б. Эргашев. Амир Темур давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари 210
О. Абдумўминов. Амир Темур давлатида раҳбар маънавияти ва масъулияти масаласи ("Темур тузуклари" мисолида) 213
Л. Иноятов. Амир Темур фаолиятида маънавий қадриятлар эътирофи 218
А. Эгамбердиева. Амир Темур даври ҳунармандчилиги 221
З. Елемесова. Амир Темурнинг солиқ сиёсати 223
А. Шамуратова. Амир Темур давлатида аёлларнинг ўрни 225
Г. Бегманова. Амир Темур давлатида ислом динининг ўрни 227
Э. Айменова. Амир Темурни замон берди 229
Г. Кумакбаева. Амир Темур давлати ҳунармандчилик маданияти 231
У. Узакбаева. Темур давлатининг маданий сиёсати 233
Ф. Полвонова. Амир Темур давлатида тадбиркорлик сиёсати 235
Ж. Улуғов. Амир Темур давлати бошқарув тизими: қонун устуворлиги ва адолатли жамият 237
Б. Шодиев. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тарихий ворисийлик (Амир Темур фаолияти асосида) 240
М. Раҳматуллаев, А. Ҳасанов. Амир Темур дипломатияси 245
Т. Раҳмонов. Амир Темур ва тарих 247
Ш. Ҳайитов. Амир Темур саганаси олдидаги қасамёд 250
М. Аҳмедова, М. Орзиев. Клавихонинг "Буюк Темур тарихи" кундалигида Самарқанд таснифи 253
Б. Болтаев. Амир Темур давлатининг хавфсизлиги ва халқаро алоқаларни кенгайтириш учун кураши 255
Р. Толибов. Темур ва Темурийлар даврида таълим 257

www.ziyouz.com kutubxonasi

Х. Тўраев. Темурийлар даври–жўйбор хўжалари мулкининг шаклланишида муҳим босқич 262
Ш. Муҳаммадиев. Темурий маликаларнинг илм-фан ва ижтимоий-маданий тараққиётга қўшган ҳиссалари 264
А.Якубова. Имя, сбережённое историей 267
К. Шоимов. Амир Темур давлатида ижтимоий ҳимоя сиёсати 270
О. Остонов. Амир Темур ва Темурийлар даврида Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик тараққиёти 274
Г. Сарманова. Амир Темур давлатининг интиҳоси 278
Ж. Ҳамроев. Амир Темурнинг дунё тарихидаги ўрни 280
Ж. Олимов. Амир Темурнинг инсоний фазилатлари 284
Д. Рўзиев. Амир Темур даврида мусиқа 287
М. Тилавова. Амир Темурнинг ижтимоий-фойдали меҳнатга бўлган муносабати 288
Ш. Кенжаев, С. Мажидов. "Темур тузуклари" да ватанпарварлик ғоялари 290
Г. Акрамова. "Темур тузуклари" да диний бағрикенглик ғоялари 291
Д. Аҳатова. Амир Темур ҳаёти ва ўгитлари ёшлар учун ибрат намунасидир 292
М. Сатторова, Н. Ҳамидова. Соҳибқирон Амир Темур Оврўпа нигоҳида 297

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий Давлат педагогика институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: *М. Содиқова*

Нашриёт рақами М-199. Босишга рухсат этилди 21.02.06. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Таймс гарнитура. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма 19,25 т.
Ҳисоб-нашриёт. 16,0. 200 нусха. 6-буюртма.
Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФААК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мўминов кўчаси 13-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi